

Темур Убайдулло

**САРҒАЙМАС
САҲИФАЛАР**

(Суҳбатлар, эсслар)



ТОШКЕНТ
УЗБЕҚИСТОН
1991

83.3Уз .
У 13

М у ҳ а р р и р — З. Ҳакимова

Убайдулло Темур.

У 13 Сарғаймас саҳифалар: (Суҳбатлар, эссе).—
Т.: Ўзбекистон, 1990.— 159 б.

Тўпламга турли асарларнинг яратилиш тарихи ҳақида ҳикоя қиливчи бадна (эссе), сұхбат мусоҳабалар киритилган. «Шоҳнома», «Ҳамса», «Фарғона тонг отгунча», «Синчалак», «Ҳазрати инсон» каби асарларнинг яратилиш тарихи ҳақидаги далилларни муаллиф зарралаб тўплаган, камдан-кам одамларга маълум бўлган бу далиллар китобнинг қизиқарли чиқишига ёрдам берган.

1988 йилнинг энг яхши журналистик иши учун Республика журналистлар уюшмаси бошқаруви мукофоти лауреати бўлган муаллиф нинг машаққатли меҳнатлари эвазига юзага келган бу китоб кеңгоммага мўлжалланган.

Убайдуллаев Т. Незабвенные страницы. (Беседы, эссе).

ББҚ 83.3Уз7

№ 350—91
Навоий иомли ЎзССР
давлат кутубхонаси.

ISBN 5-640-00644-7

V 4702620204—91 91
M 351(04)91

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1991 й.

БИРИНЧИ ФАСЛ
ЮРАКДАГИ ТҮҒЁНЛАР



Она алласи

Эй, дунёдаги барча тирниклик сувларидан ортиқроқ мәхр-мурувват қашмаси!

Эй, сен янграганда ҳатто булбулу құмрилар ҳам лол қоладиган оханграбо қүшиқ!

Эй, ибтидоси оналар билан бүлган, иитиҳоси мутлақо йүқ муқаддас, әзгу тилаклар хазинас!

Бугун сен ҳақингда күйламоқчиман! Бугун сенинг мадхингда қалам юритмоқчиман!

Сенинг тарихингни ҳеч ким билмайди. Сени илк бор ким күйлаган — ҳеч кимга маълум әмас. Лекин мен сенинг ижодкоринг кимлигини айтаман: сени илк бор ОНА күйлаган. ОНА сўзларингни битган. ОНА мусиқангиз басталаган! Сен ОНАЛАР қўшиғисан! Сен ОНАЛАРнинг мангу ўлмас ижодисан. То ҚҮЁШ фалак тоқида кезар экан, то ЕР юзида аёл зоти яшар экан, сен ҳам яшайверасан.

АЛЛА! Дунё бир айланиб келганида ҳам ҲАЁТ яна сен билан бошланади. Худди тош асрида бүлгани каби!... ӽша дамларни хаёлим кўзгусида шундай тасаввур этаман...

Бола тамшаниб, ғингшиди. Унинг япасқи боши, бе-сўнақайгина бурни, қўл-оёқларини қимирлатиши, оғзини катта очиб тамшаниши ўзи каби қўйполгина онасини бениҳоя хурсанд қиласади. Ёш она ўзин дунёга келтирган жонзотга шу қадар мәхр билан боқардики, росмана тилга кириб, бийрон-бийрон гапирадиган одам ҳам бу ҳолатни тўлиқ ҳикоя қилиб бера олмас!

Она болани қўлларига олди. Бола аёлнинг очиқ кўкрагида искаланди. Топди. Нажот, ҳаёт манбайнин топди. Ютоқиб-ютоқиб эма бошлади. Бу аёлга қувонч устига қувонч бағишлиди.

Ичиға ҳиссиёти сиғмай гувранди. Оғзини очди. Юрагидан аллақандай товушлар отилиб чиқди.

Бола бир нафас эмишдан тўхтади. Қулоқ тутди чоги. Кейин товуш охангига мослаб эма бошлади.

Фор оғзида соя кўринди. Деярли қип-ялангоч, сочлари тим-қора, жингалак, бақувват әркак кириб келди.

Аёл ўз қўшиғига шунчалар берилган эдикни унинг кирганини сезмади ҳам.

Үртада гулхан чирсиллаб ёнади. Сочлари ялангоч елкаларига ёйилган она болани маҳкам бағрига босганча куйлади. Эркак бу ғалати манзарадан мутаассир бўлиб, эшик оғзидағи харсангга чўкди. Она қўшиғи борган сари авжига чиқарди. Гоҳ шамолнинг елишига, гоҳ арғумоқининг шиддатига, гоҳ сувнинг шарқирашига, гоҳ ёмғир хонишига ўхшаб тараляётган товушларга қулоқ бериб, ҳайратланмай илож йўқ эди.

Инсониятнинг энг биринчи вакилларининг қўшиғи дастлаб тахминан шундай айтилган бўлиши мумкин:

Тошда туғилган болам.
Бошгинанг тошдек бўлсин.
Кўрпаинг тош, бошинга ҳам,
Сочларинг ёстиқ бўлсин.

Алла, болам, алла!
Сувда чўмилган болам,
Иқболинг сувдек бўлсин.
Улғайсанг, йўлинг равон,
Еринг парқувдек бўлсин.

Алла, болам, алла!
Аргумоғи шай болам,
Кунларинг чопқир бўлсин.
Улғайсанг, ҳар бир кунинг,
Ўт бўлсин, чақин бўлсин.

Алла, болам, алла!
Шамоллар ўнган болам,
Оёқларинг толмасин.
Ёв сенга қилгандা қасд.
Қувлаб тута олмасин.

Алла, болам, алла!

Фор оғзидан ҳиқиллаган овоз эшитилди. Аёл ўгирилди. Эркакка кўзи тушди. Кўзлар учраши.

— Нега йиғлайсан? — сўради аёл.

— Қўшиғий ажиб экан! — жавоб берди эркак.—
Онамни эсладим...

— Энди ҳар куни шу қўшиқни айтаман,— деди аёл.
Эркак бош ирғади: маъқул!

Қадим аждодимнинг илк боласи билан туғилган, шундан бери ҳар бир бола билан қайта туғилаётган қадим, аммо энг навқирон қўшиқсан, АЛЛА!

Эй, муштдек қалбига бутун оламни сиғдира олган ОНА!

Эй, дунёдаги энг қаҳрли, энг меҳрли буюк зот!

Эй, душманнинг боласига ҳам кўкрагини тутиб, уни дўст қилган пушту паноҳ!

Сен жаҳондаги энг қудратли муаллимсан. Сен айтилган АЛЛА эса одам боласи ҳаётда бириичи тинглайдиган

сабоқ, илк бор ўқийдиган китобдир. Сен айтадиган жонбахш қўшиққа бундан бўлак таъриф ножоиз!

Бешикдаги қўчқорим,
Тоғлардаги шунқорим.
Алла, болам, алла!
Юрагимнинг мадори,
Пигитларининг сардори
Алла, болам, алла!
Дарёдаги қундузим,
Осмондаги юлдузим.
Алла, болам, алла!
Боғлардаги булбулим,
Гулзорларда ол гулим,
Алла, болам, алла!
Тунлари тўлинг ойим,
Хирмон-хирмон бугдоим,
Алла, болам, алла!
Тандир тўла оқ ионим,
Узим бўлай қурбонинг
Алла, болам, алла!
Ухлаб қолгии, алла.
Ором олгин, алла.
Алла, болам, алла!

Сал улғайиб, йўлга кирганда боланинг илк саволи шу бўлади:

— Ойижон, шунқор нима?

— Тоғлардаги энг кучли, энг учқур, энг мард жонивор, болам.

— Сардор-чи?

— У-ми, болам, ҳаммадан яхши, кучли, етакчи дегани.

— Юлдуз-чи?

— Ҳали кеч бўлсин, кўрсатаман. Осмонда ёниб турган минглаб чироғлар борку, ўшалар юлдуз.

— Меники ҳам борми?

— Энг ёруғи — Чўлион юлдузи сеники!

— Булбул нима, ойижон?

— Булбул ширинахан қуш. У шундай сайдайдики, юракларинг эриб кетади. Сен ҳам шунақангни ширинсўз бўлгинг, болам.

— Буғдой-чи, буғдой?

— Буғдойсиз яшаб бўлмайди, қўзичогим. У тириклик манбаи. Мен ҳам сенсиз яшолмайман.

— Нон нима, онажон?

— Оҳ, болажонима, ҳаёт аслида нонга қурилган. Нон — буғдойнинг боласи. Лекин одамзотнинг онаси.

— Менинг онам сиз-ку?!

— Тўғри, мен сенинг онанг, бизнинг онамиз — табиат.

«Миллатнинг келажаги оналар қўлидадир» деган эди буюк француз адаби Оноре де Бальзак. Унга яна қўшимча қилиб айтиш мумкин: фарзандларимизнинг қандай одам бўлиб улғайиши АЛЛАГа боғлиқ!

«Гўдакниг танасини чиниқтириш учун икки иарса зарур: бири уни аста қимирлатиб тебратиш, иккинчиси — она қўшифи. Бири боланиг танасига (жисмоний тарбия сифатида) зарур, иккичинси руҳий озиқ бўлади», дейди буюк аллома Абу Али ибн Сино.

Фольклоршунос олим Малик Муродов эса бундай дейди: «Чет эл социологлари нима учун совет кишиларини енгиб бўлмайди деб бош қотирадилар. Жавоби оддий: кишиларимиз қалбига Ватан туйғуси, Ватан муҳаббати илк бор гўдаклигига алла билан қуюлади». Бу — сенинг таърифингдаги минглаб сўзларнинг баъзилари холос.

Фарзанд ота-онани минглаб ҳаёт довонларидан, имтиҳонларидан олиб ўтади. Фарзанд қобил бўлса — ота-онанинг кўкси тоғ: ноқобил бўлса — мисли саҳро, бўмбўш, ҳувиллаб қолади.

Қобил фарзандлар онанинг олқишига сазовор бўлади: берган оқ сутимга, тунларни ҳаром қилиб айтган алламга розиман!

Ноқобил фарзанд эса эл лаънатига дучор бўлади. У ҳақда гапирилганда: «Қандай тошмеҳр инсон экан бу? Онаси алла айтмаганми бунга ўзи?»— дейди одамлар.

АЛЛА, сенинг яна бир қирранг энди очилади. Сен меҳр-муруват чашмасисан. Сен билан ҳар бир юракка шафқат, маъсумлик оқиб киради.

Демак, она бор экан, буюк тилим, буюк элим бар-ҳаёт яшайверади!

Демак она бор экан, халқим меҳру муруватли бўлиб, қон-қардошларига муҳаббатли бўлиб, оқибат кўрмаса ҳам оқибатли бўлиб яшайверади!

Демак, ҳар бир инсон вояга етганда дилида ушбу сўзлар қайнаб тошса, ажаб эмас:

Хонадонимиз оддий
Бир ўзбек хонадони
Шу хонадон ҳурмати
Сизни яхши кўраман.
Дастурхондан аримас
Сира ҳам ошу нони
Шу ошу нон ҳурмати
Сизни яхши кўраман.
Аллангиздир ҳаётнинг

Энг мукаммал достони
Ушбу достон ҳурмати
Сизни яхши кўраман.
Онажон оиланинг,
Сиз — юраги, сиз — жони.
Сиз берган жон ҳурмати
Сизни яхши кўраман.

Аслида бу иқор ҳам кам. Мабодо шу пайтгача она-лар ҳақида яралган барча асарларни тарозиинг бир то-монига, бир томонига эса АЛЛАни қўйсак, барибир АЛЛА босиб кетарди! Чунки АЛЛАда ҳаёт мужассам. Езилган асарлар эса ана шу ҳаёт маҳсули.

«Токи ЕР юзида биттагина аёл мавжуд экан у ҳа-қида ҳамиша нимадир янги гап айтиш мумкин»,— де-ган эди С. Буффлер. Негаки, ўша биргина аёл янги ҳа-ётнинг, келажаккнинг — боланинг яратувчиси. Келажак эса ҳамиша бетимсол, хаёл сингари эзгу бўлиши та-бийи.

АЛЛА!

Бугун у бешик, беланчак тебратиб айтилган қўшиқ эмас. Бугун унинг парвози юксак. Бугун у Мукаррама Азизова, Ҳабиба Охунова сингари хушвуз хонандала-римиз тилида янграмоқда.

Улар ижро этган қўшиқни тинглаб ўйга толаман.

Ойни олиб берайми?
Гулни териб берайми?
Алла болам... аллам тинглаб
Ухлаб қолгин, алла...

Кўз ўнгимда ОНА тоғлар қадар улғаяди. Олам эса гўдак қиёфасига келади. Она фақат АЛЛА айтаётгани йўқ. Гўё у серташвиш дуниёга тиичлик, омонлик тила-моқда. Дунё эса бир лаҳза барча оқу қора ишлардан фориғ бўлиб, киприкларини юммоқда.

Алланинг нақадар лазиз, азиз эканлигини яна бир карра исботламайдими бу ҳол? Кечагина бешикдаги бо-лага ором бағишлаган ҳаёт қўшиғи бугун олам узра таралмоқда. Барчани эзгуликка, яхшиликка, мурувватга чорламоқда.

АЛЛА!

Сенинг тарихинг — иисоният тарихи. Сени тинглаб улғайган одамлар негадир қўпинча қўшиқ яратмайди-лар. Сен бир четда мунғайнб қолган оналардек мискии қоласан.

Отилган ҳар бир ўқда, узилган ҳар бир жонда, порт-лаган ҳар бир бомбада Сенинг нидонг бор.

«Ором олгин, эрка болам». Бу оромсиз дүнёга ҳай-
кириқ, Иисофга чорловчи садо! Бу садога мен ҳам құ-
шиламан!

ОНАЖОНЛАР!

Хәётимизнинг күрки, умримизнинг мазмуні бўлган
АЛЛАНГИЗ ҳамиша барадла янграсин! Беник узра
эгилган сарвдек қоматнингиз толмасин.

Шундай АЛЛА айтингки, уни әшитиб кексаю ёш
ўзининг инсон бўлиб яралганига шукур қиласин.

Шундай АЛЛА айтинг-ки, овозиниз дунёдаги бар-
ча мудҳиш қуроллар овозини босиб, ғолиб, музaffer
янграсин!

Шундай АЛЛА айтингки, алласиз ҳаёт йўқлигини, у
ҳар қачон ҳаётнинг боши эканлигини замину замон ҳис
қилиб турсин!

Онаажонлар!

«Она — заминдаги ўз даҳрйлари бўлмаган ягона
худодир», деб ёзганди файласуф Э. Бегуве. Шундай
екан, АЛЛАНГИЗ жаранглайверсин, ҳар бир зот, гулу
гиёҳ, жону жондор беадад қудратингизни ҳис қилиб тур-
син!

„Гўрўғли“

Торлар бармоқлар тегиши билан иолакор тебранди.
Бахшининг сал бўғиқроқ, лекин ширадор овози ха-
лойиқни ўзига ром этган эди. У гоҳ сувдек мавжкор,
гоҳ бўрондек шиддаткор, гоҳ метиндеқ қаҳрли оҳанг
касб этар, әшитувчилар эса унга монанд чайқалишар-
ди...

Бахши қўлидаги дўмбирани бир четга оҳиста қўйди.
Совуган чойдан ҳўплади. Ёшгина йигит қўлларини қо-
вуштириб сўз қотди:

— Бахши бобо, уммон экансиз!

— Йўқ,— деди бахши,— мен бир томчиман, бир ир-
моқман, холос. Уммон, бўлиш эҳ-ҳе... Мен айтган «Дал-
ли» ҳам денгиздан қатра...

Бахши бобо тўғри айтди. Уммон — бу халқ оғзаки
ижоди. Унинг гулёрлари, алёрлари, қўшиқлари, терма-
лари, эртаклари, достонларининг саноги йўқ.

Халқимизнинг бу уммондан сув ичган Эргаш Жуман-
булбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом Назар ўғли,
Пўлкан шоир, Раззоқ бахши, Қодир Раҳим ўғли, Шо-

берди Болта ўғли сингары жүшкөни, сайроқи ирмоқла-ри ҳам бор.

— Бу уммонининг яна бир азим дарёси бор,— дейди профессор Малик Муродов,— унинг номи «Гўрўғли». У халқ оғзаки пжодининг бетакрор намунаси, буюк қудратини тараниум этади.

Достонлар, яна ҳам тўғрироғи, эпос халқ ҳаётни, кураши, орзу-умидлари ва пинтилишларининг ёрқин тасвири, нурли кўзгусидир. Меҳнаткаш халқ ана шу бадний полотнолари воситасида ўзини кўз-кўз қилади, ўзлигини танийди ва жаҳонга танитади, авлод-аждодларини гоявий-бадний юксакликдан туриб тарбиялади. Демак, эпос халқ қадрятни ва ўзлигиниң руҳияти ва абадий баркамоллигининг инъикоси, халқниң бўйи-басти, камолоти, ҳаёт қувонч-ташвишлари, кураш ва одоб-ахлоқ борасидаги фалсафий-эстетик талаб-эҳтиёжи, дунёқарашининг мукаммал бадний ифодасидир. Шу жиҳатдан эпоснинг аждодлар ва авлодлар ахлоқи ва тарбиясида ўйнаган, ўйнаётган ролини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

«Гўрўғли» туркум достонлари ана шу бемисл бадний хазинамизниң буюк бир бўлгандир.

Туркманда, ўзбекда, қозоқ, қирғизда,
Эл суйган бир номдор эди Гўрўғли.
Тўгрини суряди, эргига душман,
Золимларга хунхор эди Гўрўғли.
Ҳақ йўлида ростлик — тўғри иш бўлса,
Жон билан харидор эди Гўрўғли...

— Малик Муродович, халқимизниң машҳур эпоси— «Гўрўғли» борасидаги фикр-мулоҳазалар барчани баробар қизиқтиrsa керак...

— Албатта, фольклор намуналари ҳақидаги ҳар қандай суҳбат, баҳс кишиларимиз қалбида қизиқиш уйғотиши табнийдир. Чунки, фольклор, академик Ю. М. Соколовининг ибораси билан айтганда, «ўтмишниң акс садоси бўлибгина қолмасдан, ҳозирги замонниң янгроқ овози ҳамдир».

Ниҳоятда бой, бетакрор, гўзал ўзбек анъанавий халқ достончилиги ҳақида сўз борар экан, ундаги бебаҳо бадний ёдгорликлар — «Алномиш», «Рустамхон» каби фундаментал асарлар қаторида машҳур «Гўрўғли» туркум достонларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Чунки, ҳар бирни мустақил сюжетдан ташкил топган, минг-минг назм ва насрдан иборат олтмишдан ортиқ гоявий юксак, бадний баркамол достонларни ўз ичига

олган ўзбек халқининг «Гўрўғли» достонлар туркуми халқ ижодида камдан-кам учрайдиган фавқулодда ҳодисалардандир. Бу халқимизнинг поэтик иқтидори, ижодкорлик таланти, истеъоди нақадар юксаклигидан, нағислик тушунчаси қанчалар кенг бўлганлигидан далолат берувчи бағоят ибратли меросдир.

«Гўрўғли» туркумидаги достонларнинг аксариятига хос фазилатлар ор-номус йўлида, она-юорт, элу элат тақдирида мардлик, тантилик йўлини тутиш, эзгуликини улуғлаш, жинси, миллати, мазҳаби қандай бўлишидан қатъи назар инсонлар ўртасидаги аҳиллик, самимий дўст-биродарликни мадҳ қилиш, унинг шодлик-қувончи, орзу-умиди, дард-армони, қайгу-ҳасратини тараним этишdir.

«Гўрўғли» достонлари ўзбеклар орасида энг оммалашган, кенг тарқалган фольклор намуналаридандир. Ўзбек достончилигининг бойлиги, унинг юксак ғоявий нафосатини бир-биридан гўзал ва мазмундор «Гўрўғли» достонларисиз муқаммал тасаввур қилиб бўлмайди. Уларнинг кўнчилиги, улуг рус танқидчиси В. Г. Белинский таъкидлаганидек, юксак даражада миллий хусусиятларга эга бўлиши билан бирга айни вақтда... «ўзида умуминсоний, жаҳон аҳамиятига эга бўлган мазмунни ифодалashi... халқ кучларини, унинг моҳиятини, руҳини, бутун поэзиясини тўла-тўқис кўрсатиши» билан ажраблиб туради. Демак, Гўрўғли достонларининг халқимиз орасида кенг тарқалиши табиий бир ҳолдир. Ҳақиқатан ҳам она-юрга муҳаббат, кишиларга яхшиликлар қилиш, босқинчи душманларга қарши ғазаб ва нафрат, олижаноб, эзгу ниятлар йўлида довюраклик, баҳодирлик кўрсатиш, инсонлар ўртасидаги биродарликни улуғлаш асосий ғоясига айланган «Гўрўғли» достонлари ҳам халқ баҳши ва шонрларининг ўзбек достончилиги анъ-аналарини нечоғлик ўзлаштирганликлари, истеъод ва маҳоратлари, достон куйлаш санъатлари қай даражада бўлганлигини белгиловчи мезони саналган дейиш мумкин.

«Гўрўғли» достонлар туркуми «тўрт ёшида Рустам олган», «ўғлим деб йўлга солган», «олти ёшда зўравон Бадкирни йиққан», «кўп душманни гўрга тиққан», «олти ёшида эр, ўн тўрт ёшида шер аталган», «юрга ботир лозим бўлганда, эл келиб валлами қилгай», «Хиндистонни, Эрон ҳам Фарангистонни, шаҳри Шабистонни кезган», «Ирам боғига борган», «парилар тоғига чиққан», «Оби-хаёт булоғига етган», «майдон-майдон Фи-

ротини елдириган», «Ой Юнусин олиб суйган», «Чамбилга қирқ йигитни йигиб, мард косасига май қуиб, душман келса ғолиб келган», «Бектош араб билан ўн тўрт марта дуч келганда, у бас келмай қочган», «Исфихоннинг подшосини тахти билан иккига бўлган», «Бало тоғдан ўрлаб ошган», «оловдай бўлиб туташган», «лаклак девга отини суриси, Қора девман қон тўкишган», «Тақа-тақ добилни туйган», «Элии тўғри йўлга бурган», «ўзбек, туркманинг барин йигиб, қабат-қабат сарпо ёпган», «Элдан, халқдан армони қолмаган» баҳодир Гўрўғлибекнинг туғилишидан тортиб вафотига қадар бўлган давр (унинг тутинган фарзандлари — Аваз, Ҳасан, набиралари, чеваралари, шунингдек дўст-биродар йигитлари ҳаёти, қизиқарли саргузаштлари ҳам) юқорида таъкидлаганимиздек, олтмишдан ортиқ, ҳар қайсиси ўзича мустақил ва айни вақтда бир-бирига боғлиқ бўлган достонларда акс эттирилган.

— Ана шу достонлар ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз?!...

— «Гўрўғли» достонлари силсиласи жуда катта туркумдан ташкил топган. У ўз навбатида қаҳрамон ҳаёти ва фаолияти — саргузаштларининг тадрижий такомилига кўра яратилган бир қатор кичик туркумларга бўлинган. Шуни айтиш керакки, «Гўрўғли» достонлари туркуми маълум бир қаҳрамоннинг эпик биографияси бўлибгина қолмасдан, балки Гўрўғли, Юнус пари, Мисқол пари, Гулнор пари, Ҳасанхон, Авазхон, Аҳмад сардор, Соқибулбул, Равшан, Нурали каби кўплаб образлар фаолияти билан Чамбил, Фирот (Фиркўк) сингари эпик воситалар орқали мантиқий жихатдан бир-бирига боғланувчи воқеалар тасвирида Гўрўғли авлодининг бутун ҳаётини тугал ёритади.

— Шундай катта туркум бир-икки бахши-шопрнииг ижодими?

— Йўқ, мазкур туркум бир қаҳрамон умри, насл-насабининг бутун бир эпик даври, қаҳрамонлар галерейсининг бадиий солномаси бўлганлиги сабабли уни катта иқтидор ва қобилиятга эга бир-икки ёки айрим гуруҳ бахшиларининг яратиши, мукаммал ҳолда билиб олиб, эл орасида куйлаш жуда мураккаб, айтиш мумкини амалга ошиши амри маҳол бир ишдир. «Гўрўғли» туркуми халқ эпик ижодиётининг қонуний ҳодисаси, қатор достончилик поэтик мактаблари эпик анъана-ларини ўзида бирлаштирган ўнлаб, ҳатто юзлаб бахшилар авлодларининг узоқ даврлар давомидаги улкан

ижодий меҳнатининг маҳсулидир. Бу достонлариниг умри асрлар билан ўлчанади...

— Юқорида «Гўрўғли» туркуми бир қатор кичик туркумлардан иборатdir, девдингиз, шу иборани аниқлаштириб берсангиз?

— Шуни айтиш керакки, Авазхон, Ҳасанхон, уларнинг фарзандлари, яъни иккинчи-учинчи авлодлар ҳақида ҳам алоҳида-алоҳида достонлар яратилиши ва бу достонларда «Гўрўғли» ҳақидаги эпосга хос туркумлик ҳамда мантиқий бирликнинг сақланиши ўзбек достончилигининг асосий хусусиятларидан саналади. Шундай қилиб «Авазхон», «Ҳасанхон» ва бошқа туркум достонлар «Гўрўғли» ҳақидаги достонлар силсиласи билаи бирлашади ва айни чоқда, уларнинг ҳар бири ўзаро муайян ички кичик туркумлардан ташкил топади. Хуллас, ўзбек «Гўрўғли» достонлари қаҳрамонлик ва ишқий-романтик туркум қўйидаги кичик туркумлар ҳамда уларга мантиқан бирлашган достонлардан ташкил топгандир: а) Гўрўғлининг ҳаёт фасллари ва Чамбил юртини ички ва ташки душманлардан ҳимоя қилиши акс эттирилган «Гўрўғлининг туғилиши» ва «Гўрўғлининг болалиги», «Райхон араб», «Эрўғли» («Шаҳиднома») ва бошқа достонлар; б) Гўрўғлининг доимий ҳамроҳи — қадрдои дўстлари, турли миллат, мазҳабга мансуб қирқ йигитнинг фаолияти ва саргузаштларига бағишиланган «Холдорхон», «Хидирави Элбеги», «Бердиёр оталиқ», «Эломон», «Замонбек», «Дониёрхўжа», «Шодмонбек», «Соқибулбул», «Элботир» сингари достонлар; в) Гўрўғлининг тутинган тўнгич ўғли Ҳасанхоннинг баҳодирликларини ифода этувчи («Ҳасанхон», «Далли» ва бошқа) достонлар; г) Гўрўғлининг иккинчи фарзанди — Авазхон саргузаштлари асос бўлган («Авазхон», «Бўтакўз», «Авазнинг арази», «Қундуз билан Юлдуз», «Интизор», «Зулфизар», «Гулихиромон») ва бошқа достонлар; д) Гўрўғлининг катта невараси, Ҳасанхоннинг ўғли — Равшанинг ўзга юртга ёр излаб сафарга чиқишп ҳақидаги («Равшан») достони; е) Гўрўғлининг кичик невараси, Авазхоннинг ўғли — Нурали ҳақидаги туркум («Аваз ва Ойзайнаб», «Нурали», «Нуралининг ёшлиги», «Малла савдогар») ва бошқа достонлар; ж) Гўрўғлининг чевараси, Нуралининг ўғли Жаҳонгир ҳақидаги «Жаҳонгир» достони. Аммо, «Гўрўғли» достонларининг «Гўрўғли»— «Ҳасанхон»— «Авазхон»— «Нурали» каби туркумларга бўлиниши шартлидир.

— Маълумки, Гўрўғли достонлари ўртоқлик, биродарлик асарлари деб юритилади. Шу баҳодир ҳақидаги асарлар бошқа халқларда ҳам учрайдими?

— Учраганда қандоқ! «Гўрўғли» (гўрда туғилган, яъни гўр ўғли) номи қаҳрамонлар боғлиқ достонлар Яқин ва Ўрта Шарқда яшовчи туркӣ, шунингдек бошқа халқлар ўртасида ҳам кенг тарқалган бўлиб, бир қанча ички қонуниятлари билан ўзаро яқинликка эгадир.

«Гўрўғли» туркум достонлари хусусан, ўзбек, тоҷик, қозоқ, татар, қорақалпоқларда Гўрўғли; туркманларда Горогли, Корогли, Карабогли; арман, грузин, турк, курд ва бошқаларда Кўрўғли номи билан шуҳрат қозонган.

— Демак, бу достонлар туркуми асосан икки тармоққа ажralар экан-да?..

— Тўғри айтдингиз. Фольклоршуносликда мазкур достонлар туркуми икки катта тармоққа ажратилган.

Улардан биринчиси, Қавказорти ва Яқин Шарқ верспиялари (озарбайжон, арман, грузин, усмонли турк, курд ва бошқалар), иккинчи, Ўрта Осиё верспиялари (ўзбек, қозоқ, туркман, тоҷик, қорақалпоқ) дир. Жаҳон халқлари оғзаки ижодиётида ҳеч бир эпос тарқалиш географияси ва шуҳрати жиҳатидан «Гўрўғли», «Кўрўғли» достонлари билан беллаша отмайди. Шундан келиб чиқиб, ўтган асрнинг дипломатларидан бири А. Ходзко 1842 йилдаёқ шундай деб ёзган эди: «Осиёда бирор бурчак йўқки, у ерда Кўрўғлининг номи айтилмасин. Ҳатто Бессарабия ва Молдавияда унинг отини эшиласан. Агар адилларнинг шуҳрати ва машҳурлиги уларнинг ўқувчилари сони билан ҳисобланса, унда Фирдавсий «Кўрўғли»дан бироз юксак туради. Ҳар ҳолда унинг Осиёдаги шуҳрати Хомернинг шуҳратича буюkdir». Дарҳақиқат шундай. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчиман...

— Молдавия, Бессарабияга уюштирган фольклор-этнографик экспедициянгиз ҳақида тўхталмоқчисиз, чоғи?

— Ҳа, топдингиз. 1988 йили июль-август ойида тошкентлик фольклоршуносолим Содиқжон Носиров билан Молдавия, Бессарабияга фольклор-этнографик дўстлик экспедицияси уюштирилди. Мақсадимиз, туркӣ халқлардан бўлмиш гагаузлар билан ўзбек фольклорининг ҳамоҳанг томонларини аниқлаш эди. Албатта, «Кўрўғли»—«Гўрўғли» достонлари гагаузлар орасида қанчалик тарқалгани ва уларнинг халқ оғзида жонли анъаналарда яшаши даражасини аниқлаш ва ниҳоят, Ходз-

ко билдирган фикр-мулоҳаза қанчалик тўғри-потўғрилигини аниқлаш ҳам мазкур экспедиция олдида турган вазифалардан бири эди.

— Молдавия, Бессарабияга уюштирган фольклор-этнографик экспедициянгизни «Дўстлик экспедицияси» деб атадингиз. Демак, «адабиётлар дўстлиги — халқлар дўстлиги»нинг ифодаси бўлмиш бошқа миллат кишилари, яъни олимлари ҳам қатнашибди-да?!

— Албатта, бизнинг экспедициямизга Молдавия ССР Фанлар академияси тил ва адабиёт институти фольклор бўлимининг бошлиғи, машҳур фольклоршунос олим Г. Г. Ботизату, гагауз шоири, Камрад районидаги гагаузлар тарихи, адабиёти ва тили тарихий музейининг директори М. Кўса ва бошқалар ҳам қўшилишиди, ўз ёрдамларини аямадилар. Энг асосийси, улар билан бир умрга дўстлашиб қолдик. Илмий-ижодий ҳамкорлигимиз муваффақиятли давом этмоқда...

— Мавзуумизга қайтсан. «Кўрӯғли»—«Гўрӯғли» достонлари номланишда ҳам, қаҳрамонлар образи, ҳатто уларнинг қанотлари бўлмиш тулпорларининг аталишида ҳам жуда ўхшаш, ҳатто айнан экан. Бу ҳол уларни бир халқнинг асари деб аташ ҳуқуқини бериб қўймайдими?

— Ўйқ, ҳар бир миллий версия, номда, атамаларда ва ҳатто мотивлар, образлар системаси ёки сюжет линиясида, қанчалик яқинлик ва ҳамоҳангликка эга бўлмасин, у шу халқлар ўртасидаги ижодий ва маданий алоқалариинг нақадар кучлилиги ва қадимийлигини кўрсатмасин, барибир, уларнинг ҳар бири ўзининг миллий мустақиллиги, ўзига мансуб халқнинг миллий руҳи, қиёфаси, қадрияти, дарди, орзу-умиди, эстетик идеали акс этганлиги билан характерланади...

— Ўзбек «Гўрӯғли» достонлари олтмишдан ортади, дедингиз. Шу достонларнинг қанчаси ёзиб олиниб, чои этилгану қанчаси назаримиздан четда қолиб кетган, шулар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Ўзбек «Гўрӯғли» достонларидан баъзи бирлари Улуғ Октябрь инқилобидан аввал ҳам ёзиб олинган, ҳатто тошбосмаларда босилган, қўллэзма-китоблар ҳолида сақланиб бизгача етиб келган бўлса-да, уларни ёзиб олиш, ўрганиш, тадқиқ ва нашр этиш асосан йигирманчи Йиллардан бошланди. Ўзбек фольклоршунослигининг бошқа жабҳаларида бўлганидек, бу соҳада ҳам Фози Олим Юнусов, Отажон Ҳошим, Ҳоди Зариф, Мансур Афзалов, Музайяна Алавия, шунингдек, Муҳаммадно-

дир Сандов, Тўра Мирзаев, Охунжон Собиров, Зубайда Ҳусайнова, Баҳодир Саримсоқов ва бошқа олимларимизниг хизматлари катта бўлди. Ўзбек «Гўрўғли» достонларидан қанчаси ёзиб олинди-ю, қанчаси чоп этилганлиги масаласига келсак, шу кунгача «Гўрўғли» туркум достонларининг иккюздан ортиқ варианtlари ёзиб олинган дейиш мумкин. Аммо, шахсга сифиниш, тургунлик даври деб аталмиш йилларнинг касофати, қолаверса, ўзимизнинг лоқайдлигимиз, боқи-бегамлигимиз ва масъулиятсизлигимиз туфайли ўзбек фольклорининг бошқа турлари, жанрларида бўлганидек «Гўрўғли» достонларини ўрганиш, ёзиб олиш, нашр ва тадқиқотида ҳам хатоликлар бўлди. Биринчидан, кўпчилик баҳшишоирлар репертуарларидаги «Гўрўғли» достонлари мунтазам ёзиб олинмади. Натижада баҳшиларимиз кўпчилик достонларини, уларнинг варианtlарини ўзлари билан мангуда олиб кетдилар. Иккинчидан, «анъанавий достонлар туркумини заарли асарлардан тозалайлик, ҳоли қилайлик» шиори остида иш юритиб, айрим намуналар барбод қилинди. Учинчидан, диний иборалар, образларни тушириб қолдирган ҳолда чоп этилди. Тўртинчидан, Гўрўғли вафотига оид достон — «Шаҳиднома», «Фаривнома» деб аталгани учун диний-мистик асар деб ёзиб олинмади, чала-чулпа ёзиб олинганлари эса чоп этилмади. Тадқиқот обьектига айлантирилмади.

— Ўзбек «Гўрўғли» достонларининг ҳозирги кунгача чоп этилган нашрлари ҳақида нима дея оласиз?

— Шу кунга қадар «Гўрўғли» достонларидан «Гўрўғлининг туғилиши», «Юнус пари», «Мисқол пари», «Гулнор пари», «Балогардон», «Хушкелди», «Авазнинг арази», «Авазхон», «Ҳасанхон», «Гулихиромон», «Равшан», «Нурали», «Маликаи Айёр», «Машриқ», «Олтин қобоқ», «Чамбил қамали», «Зулфизар билан Авазхон», «Интизор», «Далли», «Холдорхон» ва ҳоказо каби достонлар чоп этилди. Қолганлари, жумладан, Гўрўғли йигитлари ҳақидаги «Эломон», «Хидиали элбеги», «Замонбек», «Бердиёр оталиқ» ва бошқалар нашрга тайёрланмоқда.

— Шу билан иш тугалланадими?

— Йўқ, иш энди бошланди-ку! Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти фольклор бўлими бошлаган, жуда хайрли, улкан иш — «Ўзбек халқ ижоди» кўптомлигини нашр этиш давом этади. Анъанавий достонларимизнинг алоҳида-алоҳида нашри, улардан намуналар тузиш, хресто-

матияларда эълон қилиш тадбирлари давом этаверади. Энг асосийси «Ўзбек халқ ижоди» кўптомлигининг 100—150 жилдлик нашрини, шунингдек академик нашрлари ни бошлаб юбориш арафасида турибмиз. Ҳеч шубҳасиз, бу нашрларда асосий ўринни «Гўрўғли» туркум достонлари эгаллайди. Аммо, бу ишларни муваффақиятли амалга ошириш беқиёс катта меҳнатни талаб этади. Экспедиция, изланишларни яхши йўлга қўйиш, текстологик, илмий тадқиқотларни замон талаблари асосида тубдан қайта қуриш, ноширлар, олимлар бошини бир ерга қовуштириб, иноқликда иш олиб бориш каби амалий-назарий, ташкилий ишлар шулар жимласидандир.

— Малик Муродович, ўзбек фольклори, шу жумладан «Гўрўғли» достонларидан халқимизни янада кўпроқ баҳрамаңд этиш, Бутуниттифоқ қолаверса жаҳон китоблари билан кенгроқ таништириш учун яна нималар қилиш мумкни? Шу ўриида яна бир савол. Ўзингиз айтгандай, жаҳон халқлари фольклорида камдан-кам учрайдиган «Гўрўғли» туркуми достонларидан таълимтарбия, ахлоқ-одоб бобида кенгроқ фойдаланиш учун яна нималар қилиш мумкни?

— Биринчи саволингизга жавоб бундай. «Гўрўғли» туркуми достонлари қанча ёзиб олинган бўлса, барчанини нашр этмоқ керак. Буларни яхлит ҳолда чоп этиши лозим. Шунингдек, Эргаш Жаманбулбул ўғли, Пўлкан шоир, Ислом шоир, Фозил шоир каби классик халқ баҳши-шонрларидан ёзиб олиб қолинган «Гўрўғли» достонларини ҳам ҳеч қўл урмасдан, ўзгартирмасдан алоҳида-алоҳида жилларда босиб чиқаришнинг аллақачон вақти етди. Яна шу кунгача қилинган таржималарини қайта, жиддий кўриб чиқиши, янгидан-янги таржималарига қўл уриш, ҳеч бўлмаганда классик намуналарини инглиз, француз, немис, ҳинд, турк, тилларига ағдариш ҳам энг долзарб вазифаларимиздан бўлиши керак. Полиграфик безаклар, сюжетли суратлар сифатини ҳам кўтармоқ лозим.

Иккинчи саволингизга келсак, бизда халқимиз ижодини, унинг бебаҳо достонларини, жумладан «Гўрўғли» эпосининг кўргазмали, рамзий тарғиботи мутлақо йўқ, десак муболага бўлмайди. Мен ушбу суҳбатдан фойдаланиб бир орзумни айтмоқчи эдим. Тошкентдай шаҳри азимда Алломиш, Гўрўғли, Ҳасан, Авазхонга ҳайкал ўрнатилса, кўчалар, спорт майдонлари улар номи билан аталса. Гўрўғли достонлари мотивлари, қаҳрамонлари

ва уларни бізгача етказиб келган баҳши шонрларга бағишлиңган күргазмали ўқув қуроллари, маркалар чиқарылса. Жойларда қурилған әртаклар шаҳарлари, болалар боғчалари, мактаблар, маданият-истироҳат боғларида ўзбек фольклори қаҳрамонлари ҳам акс этса. Ба ниҳоят, «Алномиш», «Гўрўғли» достонлари асосида бадиий фильмлар ишланса, саҳна асарлари кўрсатилса қани эди!

„Манас“

Халқ ижоди завол билмайди. Халқ фарзандлари—баҳшиларнинг ҳар бир сўзи олтин сингари товланиб, ҳамма даврларда ҳурмат ва қизиқиш қозониб келган.

Қирғиз халқи маданий ёдгорликларининг улуғи сапалган «Манас» эпоси ўзининг кўлами, қамрови, бадиияти билан жаҳонда тенгги йўқ ҳисобланади. Қирғизистон ССР Фанлар академияси «Манас» фольклор бўлимининг бошлиғи, филология файлари доктори, профессор Роза Қидирбоеванинг фикрига қўшилмай иложим йўқ эди.

— Роза Зайтовна, дастлаб асрдан-асрга, наслдан-наслга муқаддас мерос бўлиб ўтиб келаётган мисли йўқ эносиниг яратилиши, композицион тузилиши ҳақида сўзлаб берсангиз. Ахир сиз уни ўрганишга кўи йилларни сарф этгасиз...

— Ҳар бир асарнинг худди халқда бўлгани каби, ўз тарихи, ўз тақдири бор. Тўғри, қирғиз халқ оғзаки ижодида әртаклар, эпослар жуда кўп. «Қожожаш», «Тоштук», «Кедейкан», «Ўлбажой билан Кишимжон» сингари достонлар ҳам борки, уларнинг ҳар бири ўзига хос улкаи дунё, ўзига хос хазинадир. Лекин «Манас» қирғиз халқ оғзаки ижодиетиниг чўққиси, фахри ҳисобланадики, буни эътироф этмаслик ноинсофлик бўлади.

«Манас» қирғиз халқининг келиб чиқиши, тараққиёти, бирлиги учун кураш ҳақида куйлади. «Манас»ни, таъбир жоиз бўлса, Ўрта Осиё халқларнинг қомуси дейиншга журъат этаман.

— Эпосда шу фикрингизни тасдиқлайдиган саҳифалар бор бўлса керак?

— Албатта. Эпосда ҳозирги кунга ҳам тўғри келадиган археологик шунчалик кўп атамалар, тарихий жойлар, қадимий манзиллар қамраб олинганки, санаб сағонига етиш қийин.

Манаснинг жуғроғий күлами ҳақида сўз боргандада, унда Жунғор хонлари, Олтин ўрда хонларига қарши кураш эпизодлари бор. Ҳатто ҳозирда ҳам бор бўлган Қорасув, Анжон (эпосда Эркўчча ҳам дейилган), Саян тоғлари, Олтой, Тянь-Шань, Тошкент, Самарқанд, Оқсув тилга олиниади. Воқеалар асосан шу каби жойларда кечади. Манаснинг Олтойда туғилганини ҳам тилга олиб ўтиш зарур. Бу эса ўз навбатида менинг фикрим тўғрилигини исботлайди. Демак, «Манас»ни ёлғиз қирғиз халқининг тарихи, келиб чиқиншини акс эттирган асар деб эмас, балки Ўрта Осиёнинг тарихига ҳам алоқадор десак янглишмаймиз.

— Шунчалар кенг қамровли эпос ҳажм жиҳатидан ҳам катта бўлса керак?

— Бўлмасам-чи! Эпос асосан уч қисмдан иборатдир. Манас, унинг ўғли Семетей, унинг ўғли Сейтек. Уччалови умумий ҳисобда 500000 мисрадан зиёдроқдир. Агар жами вариантларини ҳам қўшиб ҳисоблаеак унда, билмадим, қанча бўлар экан.

— Манаснинг уч қисмга бўлининин қандай изоҳласа бўлади?

— Эпос сюжетини бир-икки оғиз сўз билан ифода этиш жуда ҳам мушкул. Шундай бўлса ҳам тасаввур ҳосил қилиши учун айтиб ўтмоқ жонз. Эпос Манаснинг туғилиши билан бошланади. Унинг ўсиши, вояга етиши, қалмоқлар босиб олган ерларни тортиб олиш учун курашга кириши, қозонган ғалабалари асар давомида зўр эҳтирос билан кўйланади. Манас тарқоқ қирғиз қабилаларини бирлаштириш учун тинимсиз кураш олиб боради. Ёвуз босқинчилардан она юртини озод қиласди.

Эпоснинг энг ҳаяжонли саҳифаларидан бири Манаснинг уйланиши ҳақидаги бўлимдир. Довруғли қаҳрамон гўзал Кеникейга уйланади. Ундан ўғил кўради. Шу орада унинг Қўнғирбойга қарши юриши бошланади. У Қўнғирбойни тор-мор қиласди. Манас номоз ўқиб ўтирганида Қўнғирбой орқадан келиб, пичоқ уриб уни ўлдирди. Манас шу тариқа Таласда вафот этади.

Эпоснинг Манас номи билан боғлиқ қисми шу ерда тугайди. Энди унинг ўғли Семетей ҳақидаги қўшиқлар бошланади. Манас Кеникейга Семетейни олиб отасиникига кетишини васият қиласди. Чунки душманлари ўғлини нобуд қилиши мумкинлигига ақли етади.

Семетей улғаяди. Бир куни Саритоз билан овга боргандада унга менга ўрдак отиб кел дейди. Саритоз «Сен кимсан, қаердан келгансан, отаиг нотайин, мен сенга

нега ўрдак отиб бераман?» деб айтади. Семетей йыглаб онасининг олдиға келади. Қеникей «сен 14 ёшга тұлдинг» деб, уннинг Манаснинг ўғли эканлигинн, отасининг васиятими айтиб беради.

Семетей Құлчоро, Қанчоро сингари дүстлари билан бирга күч тұплаб отасининг қароргоҳыға келади. Құнғирбой босиб олган ерларни озод қиласы. Семетей қилолмаган ишни Сейтек охирига етказади.

Манаснинг сюжет чизиғи битта. Фақат қаҳрамонла-рида фарқ бор.

Эпоснинг эң қисқа мазмуны шундай деб айтса бұла-ди. Лекин унда воқеалар жуда күп. Улар эпосни тұлди-риб боради. Уларни ўқыса ёки тиңгласа, киши олам-олам завқ олиши мумкин.

— «Манас» кимдан ва қачон ёзиб олинган?

— «Манас» айтувчилар жуда күп бўлган. Уларнинг орасида фақат Манасни ёки Семетейни ёки Сейтекни айтувчилар ҳам күп бўлган. Шунинг учун «Семетейчи», «Сейтекчи»ларин алоҳида тилга олинган. Улар орасида Ж. Содиқов, А. Рисмандиев, Ж. Қопсенов, Д. Қочукеев, А. Тўйчибековларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Лекин трилогиянинг уччала қисмини бошдан-оёқ айтадиган залқор манасчилар жуда кам бўлган. Шулардан бири маълум ва машҳур Соғимбой Үразбак ўғлидир. Ундан «Манас»ни ёзиб олиш 1926 йилда бошланган. 1930 йилгача «Манас»нинг ўзи ёзиб олинган. У 14 том бўлган. Соғимбой бахши 1930 йилда вафот этади.

«Манас»нинг уччала қисми бир неча бор машҳур айтувчи Саяқбай Қоралаевдан тўлиқ ёзиб олинган. Бу иш 1934 йилдан 1942 йилгача давом этган.

Яқин-яқинларгача Саяқбай Қоралаев вариантини ягона тўлиқ нусха деб юритилар эди. 1959 йилдан бошлаб Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг тил ва адабиёт институти билимдон халқ бахшиси Мамбет Чўқморовдан «Манас»ни ёзиб олишга киришди. Бу қуттугуғ иш 1972 йилда, бахши вафотидан бир йил олдин тугатилди. Чўқморов «Манас» и 397557 мисрадан иборат. Шундан «Манас»— 302608, «Семетей» 71603, «Сейтек» 23340 мисрани ташкил қиласы. Шу рақамларнинг ўзиёқ тадқиқотчилар қанчалар улкан ишни ба-жарганликларини айтиб турибди.

— «Манас»ни тўлиқ айтган бахшилардан яна ким-лар бор?

— Келдібек, Оқиљбек, Назар, Тинибек, Балих, Деҳ-қонбой, Сурончи, Чўлбана, Телтой, Қолмирза, Тўнғиз-

бой, Жондака, Чоодоклар ўтган асрнинг алп манасчилари бўлишган. Уларнинг ишини, юқорида айтганимиз Соғимбой, Саяқбой, Мамбет, Тўғалоқ Мулда каби баҳшилардан ташқари Чоюк, Шапак, Боғиш, Молдабасан, Шовбойлар давом эттиришган. Ш. Рисмандеев, М. Мусулмонқулов, Б. Сазанов, М. Абдураҳмоновлар ҳам залқор Манасчи номи билан улуғланадилар. Уларнинг оғзидан ҳам эпос ёзиб олинган.

— Роза Зайтовна, «Манас»нинг варианatlари жуда ҳам кўп деб айтдингиз...

— Ҳозир Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг тил ва адабиёт институтининг қўлләзмалар фондида эпоснинг 60 вариант бор.

— Уларнинг ҳаммаси тўла ҳолатдами?

— Тўлиқ ҳолатдагиси, қисқаси, тўлиқ бўлмагани, баёни ҳам, айрим парчалари ҳам бор. Бу варианtlар манасчиларнинг айтишига қараб ёзиб олинган, албатта.

— Демак, баҳшиларнинг айтишида фарқ бор?

— Албатта бор! Суҳбатимиз яна ҳам ойдинроқ бўлиши учун манасчилар ҳақидаги суҳбатимизга озгина қўшимча қилсам.

Манасчиларни одатда тўрт гурӯхга бўлишади. Чулик айтuvчилар, Йессикўл манасчилари, Тяньшанлик дос-тончилар ҳамда Жанубий гурӯҳ вакиллари. Уларнинг ҳаммаси ҳам «Манас»ни ўзинга хос оҳангда, янги саҳифалар, ҳатто боблар қўшган ҳолда ижро этишади. Эпос варианtlаридаги фарқни асосан мана шунда деб билмоқ керак.

Саяқбой Қоралаев айтган «Манас» 500000 минг мисрадан зиёд бўлган ҳолда Мамбет Чўқморов варианти салкам 400000 мисрани ташкил қиласди. Иккала рақами солиштирганда улар орасидаги фарқни сезиб олиш қийин эмас. Тўлалиги, воқеалар тасвирининг кенг ва чуқурлиги жиҳатидан, албатта, Саяқбой Қоралаев варианти ягона ҳисобланади. Мамбет Чўқморов варианти ҳам улардан қолишимайди.

Эпос алоҳида-алоҳида китоб қилиб чоп этиб келинди. Уни нашр этишга 1984 йилда қайта киришилди. «Манас», «Семетей», «Сейтек»лар тўлалигича 8 китобдан иборат ҳолда чоп этилди. Бу сафарги нашрга Соғимбой Үразбак ўғли варианти асос қилиб олинди.

— Ёзиб олинган бошқа варианtlарнинг тақдири нима бўлади?

— 1990 йилдан «Манас»нинг академик нашрини чоп этишга киришилади. Сизни ишонтириб айтамай: эпоснинг бирон сатри ҳам ҳам тушеб қолмайди.

— «Манас»нинг таржималари хусусида ҳам тўхталсангиз...

— Манасни илк марта рус китобхонларига етказиш ҳаракати 1930 йилларнинг ўрталарида бошланган эди. Ўзингиз биласиз, у пайтлар жуда ҳам оғир йиллар эди. «Манас»нинг ҳам, таржимонларнинг ҳам бошига кўпгина савдолар тушган.

ТАРЖИМОН СЕМЕИ ЛИПКИИ ХОТИРАЛАРИДАН

Уттизинчи йилларнинг ўрталарида «Манас»ни таржима қилишга киришдик. Меи, Сергей Клочков, Георгий Шенгели, Василий Казин сингари машҳур ижодкорлар қатнашган Давлат адабиёти нашриётни ўтказган ёпиқ конкурсада уч киши: мен, Лев Пеньковский, Марк Тарловский ғолиб чиқдик. Бизга «Манас»нинг марказий қисми «Чўнг ғазот» («Улуғ юриш») ни таржима қилиш вазифаси топширилди.

Русча «Манас» афсонавий суратда бўлмаса ҳам ҳар ҳолда ўсиб бораверди. Биз эса Қирғизистондагилар нашриётта хат ёғдириб юборишганини билмасдик. Бу эпос бой-боёнларни мадҳ этади, заарарли асар қабилидаги бу мактубларни Қирғизистондаги раҳбарлар билишарди. Улар бутун масъулиятни нашриёт ўз устига олишини, нашриёт эса ташаббус Қирғизистондан чиқишини хоҳлашар эди. Охири тайёр таржимани Қирғизистондаги раҳбарларга кўрсатиб келишни бизга тоширишди. Мен ва Марк Тарловский кузда Фрунзега жўнадик...

Бизин ким кутиб олгани эсимда йўқ, лекин йўлда қирғиз совет шеърнитининг асосчиси Аали Тўқамбоевнинг ҳам ҳибсга олинганини эшитдик. У «Манас»нинг танланган томларини нашрга тайёрлаган уч кимсаннинг бири эди. Ишимиз нишмади. Биз Москвага тегишли йўлланмани ололмай қайтдик. Нашриётда эса русча «Манас»ни «ушлаб» туришга қарор қилишди.

Эпос бўлса яшовчан эди, яшайверди. Унинг асосинда бастакорлар Молдабаев, Власов ва Фирсовлар опера ёзди. У Қирғиз адабиёти ва саиъати декадаси кунларида Большой театрда кўрсатилди.

Декада қатнашчилари орасида машхур манасчи Саяқбай Қоралаев ҳам бор эди. Эпосни бутун вужуди билан айтадиган бу талантли киши менга бир гап айтганди.

— Эсингда тут, Семеке (Семённинг эркалаб айтилгани), манасчи тоза қалбли бўлиши керак. Бизнинг юрагимиз қора бўлиши керак эмас. Бу ёмонликка олиб боради. Агар қора юрак бўлсанг Манас жазолайди...

Русча «Манас» 1946 йилда катта китоб ҳолида чоп этилди. Мен «Хурмат белгиси» ордени билан тақдирландим.

1980 йилда «Манас»ни қайта таржима қилишга қарор қилинди. Мен таржимонларга омадлар тилаб, Саяқбай Қоралаевнинг сўзларини айтмоқчиман:

— Эсингда тут, Манасчи тоза қалбли бўлиши керак. Агар қора юрак бўлсанг Манас сени жазолайди!...

— Роза Зантовна, эпоснинг биринчи китоби хассос шоир Миртемир таржимасида босилиб чиқди. Унинг иккинчи китобини Султон Акбарий таржима қилиб таоммояпти. Яна бир савол: эпос номи билан аталадиган жойлар борми Фрунзеда?

— Аввало кейинги таржима ҳақида. «Манас» рус тилида Москвада тўрт томда нашр этиляпти. Ҳозир учинчи томи нашрдан чиқди. Қирғизистон пойтахтининг ҳаво дарвозаси «Манас» деб аталади. Бунда катта рамзий маъно бор. Меҳмонларни буюк паҳлавоннинг ўзи кутиб олади.

УСТОЗ МИРТЕМИРИНИНГ МАНАС БИЛАИ УЧРАШУВИ

Ўзбекистон халқ шоири Миртемирнинг таржимонлик маҳорати ҳақида кўн ганириш мумкин. Н. А. Некрасов, Бердақ шеърлари ўзбекларнинг ўз мулки бўлиб қолган.

Миртемир оқсоқол «Манас»ни таржима қилиш борасида Қирғизистонда бир неча марта бўлганидан хабарим бор эди. Шоир дўстим Отаёр устоз ҳақида эссе ёзганида ундан сўрадим:

— Домла Манас қабрини зиёрат қилгани ростми?

— Албатта,— кейин менга бир бошдаи ҳикоя қилиб беришга тушди. (Бу айтганилари эсседа ҳам битилган).

...Минг тўққиз юз етмиш бешинчи йилининг баҳори, Қирғизистон ўзбек ёзувчи ва шоирларини, санъаткорларини қарши олаётир. Меҳмонлар орасида Миртемир ҳам бор. Кутиб олиш тантаналари тугаб, ёр-дўстлари

билан күришиб, «Тянь-Шань» меҳмонхонасига жойлашиб бўлгач, у шогирдларидан Эркин Воҳидовнинг қўлидан тутиб:

— Бўтам! Эртага бошланаётган байрамимизнинг фақат бир кунида ҳоли бўлсан.Faқат бир кун. Сал тобим йўқроқ, озроқ ҳордиқ дегандек...

Миртемирнинг ўтинчини тўғри тушуниб, эртасига уни уйғотиб, безовта қилишмади. Аммо Миртемир каллайи саҳарлаб, автобусда Таласга—Манас қабрини зиёрат қилгани жўнаганди.

У автобусдан тушиб Манас қабрини суриштириб кетди. Чормиории эслатувчи салобатли рамзий қабрining мақбарасини кўрди. Чуқур хаёлга ботди. Алокехон ваҳшати, қирилиб йўқолаётган қирғизнинг Ойболта, Үрозли, Жақип сингари сўнгги ишончлари, Баҳтдавлатоимнинг йўлбарс юрагига бошқоронғи бўлиши, Манаснинг туғилиши, жаннатмакон кенг Оқдала воқеалари бирин-сирин, айқаш-уйқаш бўлиб хаёлдан ўта бошлади.

Бир найт йўқолиб кетаётган элини ёвдан халос қилишга бел боғлаган, «Номус учун ўлмасам, Не деб Манас бўлганим!» деб юрагининг туб-тубидан қасам ичолган, ўн иккига тўлиб-тўлмай кўпларнинг кўнглига қутқу солган алп Манас от суреб келаётгандек туюлди.

Манас... нақ ўшанинг ўзи совутини, қилич-қалқонни улоқтириб Миртемирни қарши олаётгандай, «Бовурим!...» деб қулоч ёзиб келаётгандай бўлди. Миртемир бир зум эсанкираб, хаёлий Манаснинг салобати босиб, анча вақт караҳт туриб қолди.

У Манас мақбараси олдида турарди. Аввал мақбараға, сўнг теварак-атрофга тўлиқиб назар солди. Тўлқинланди, киприкларига нам илинди. Эгилиб, Манас қабридан бир сиқим тупроқ олиб лабига босди. Манас ўтган йўлларни, жанг-жадалларни яна бир бор хаёлидан ўтказди.

Ботиб бораётган қуёш гўё Манас монанд зиё сочар, олис армонлардан сўзлаётгандек эди.

— Хайр!— деди Миртемир ииҳоят овоз чиқариб.— Улмасак яна кўришармиз, Манасим...

Миртемир Таласдан қайтиб келгач, Чинғиз Айтматов гина қилди:

— Бекор қилибсиз-да, қариндош, ўзимиз уловда олиб бораардик. Бунинг устига бетоб бўлсангиз.

— Йўқ, бўтам! Сиздек фарзандларни дунёга танитган элнинг Манаси билан анчадан бўён юзма-юз кўришмоқчи эдим. Энди армоним қолмади.

Чингиз Айтматов индамади. У Миртемирнинг «Манас» таржимаси жараёнида қанчалар куйиб-куйманганнини яхши билардн...

— Роза Зонтовна, Манасчилар ҳақида халқ орасида: «Кимки чин манасчи бўлса, унинг тушига Манас киради», деган нақл бор экан...

— Ҳақиқатдан шундай. Мен машҳур манасчилар ҳақидаги шундай ривоятларни — албатта уларнинг ўз тилидан—чоп эттирганман. Сўзимнинг неботи сифатида улардан бирини айтиб берай.

ЧООЮКНИИГ ТУШИ

Ез куиларининг бирида ишдан уйга қайтаётиб, Қизилқия довонида, отимни ўтлагани қўйиб, ўзим майсаларга чўзилдим. Шу ерда ухлаб қолибман. Тушимда Қизилқия довонидан кетаётган эмишман. Рӯпарамдан бир чол чиқиб мени эргаштириб кетибди. Бир маҳал йилқилар олдидан чиқиб қолибман. Йилқилар орасидан ўтиб катта ўтовга кирдик ва ичкари юрдик. У ерда кўриниши ҳайбатли бир киши чўзилиб ётарди. Мен саломлашдим, у индамади. Чол тахмон ёнидаги мешдан қимиз қўйиб, менга узатди. Мен бир кўтаришда қимизни ичдим. «Мана бу киши Манас бўлади, эсингда тут»— деди чол.

Кейин мени иккинчи ўтовга олиб кирди. У ерда оқюзли, кўзлари катта, кўркам, лекин у ҳам ҳайбатли—бир киши ўтирган экан. У ерда ҳам қимиз ичдим. Чол уни Алмамбет деди. Шу алпозда чол мени 40 ўтовга олиб кирди. Ҳар бир ўтовдан бир косадан қимиз ичдим. Кўзимни очсам, кеч бўлиб қолибди. Шундан кейин Манасин айта бошладим.

— Жуда ибратли ривоят экан, Роза Зонтовна. Сизнинг, бошқа манасчи олимларининг улуғ ишларида катта ютуқлар ёр бўлсин.

ПРОФЕССОР МАЛИК МУРОДОВ СУЗЛАРИДАИ

«Манас» ва ўзбек шеърияти каби ҳар бир монографик тадқиқ этишини талаб қиласидиган муаммоларни тарихчилар, географлар, тилчилар, адабиётшунослар,

фольклоршунослар ҳамкорлыгисиз ҳал этиб бўлмайди, албатта. Зеро «Манас»даги ўзбек ҳалқи, унинг ижтимоий-сиёсий тарихи, хусусан, Қўқон, Марғилон, Бухоро, Самарқанд тарихи, моддий ва маънавий маданияти, ахлоқ-одоб нормалари акс этган кўпдан-кўп саҳифалар: «Манас» билан ўзбек қаҳрамонлик достонлари, биринчи навбатда «Алпомиш» ўртасидаги мазмун, мақсад, образ ва бадиий-эстетик, бадиий-эммоционал тасвирлардаги ҳамоҳанглик, ҳатто ўхшашиклар, мифологик ўринлар ва бошқалар шуни тақозо этади...

Биз қўлимиизда бор бўлган, шунингдек, ҳаваскор фольклоршунослар, қирғиз тилининг чуқур билимдонлари Ваҳобжон Муродов, Отамирза Холмирзаев, Робиддин Исҳоқов ва бошқалар тўплаган термалар, қўшиқ-тўртликлар, «Манас»даги тўртликларга оид материаллар, бахши-шоирлар маълумотлари асосида Ўзбек фольклорида «Манас»нинг тутғани ўрни хусусида айrim хуносаларни чиқариш мумкин.

Фанда аллақачон тан олинган ўзбек бахши-шоирлар поэтик мактабларидан бири — «Қўлбукон» (Қирғизистоннинг Туштук томонида жойлашган ўзбек қишлоқларидан бири) нинг сўнгги вакилларидан бўлмиш Ҳайдар Бойча ўғли, Раззоқ Қозоқбой ўғли, Ҳайдар бахши ва бошқалар она тиллари — ўзбек тилидан ташқарн қирғиз тилида ҳам бемалол термалар, достонлар куйлай олганлар, эртак-афсоналар айта олганлар.

«Манас» достони «Семетей» бўлимининг ўзбекча варианти бизга нодир қўллэзма ҳолида Раззоқ бахши Қозоқбой ўғли репертуари орқали етиб келди (бу асар ҳаваскор фольклоршунос, тил ва адабиёт ўқитувчиси Оташ Холмирзаев томонидан унинг оғзидан ёзиб олиниб, сақланиб қолинди). Тўғри, мазкур қўллэзма билан танишар эканмиз, у оригиналга қанчалик яқин турмасин, ғоявий йўналиш, эпик тасвир, баҳодирлар образлари талқини, хусусан поэтик жиҳатдан бир муича заиф, асл нусхадан аича-мунча йироқдалигини кўрамиз. Аммо, мазкур фактнинг ўзиёқ фольклоршунослик фани, ўзбек-қирғиз, қирғиз-ўзбек фольклорий алоқалари, бир ҳалқнинг иккичи ҳалқдан ўрганиши, таъсиrlаниши, ҳалқ ижодининг бири иккинчисини бойитиши каби масалаларни ёритишида принципиал аҳамиятга молик, деб ўйлаймиз.

Раззоқ бахшидан ёзиб олганимиз каттагина ўзига хос бахшиёна-саёҳатнома «Ирлаб сени женгайми» термасидан олингаи ушбу мисралар ҳам ўзбек — қирғиз достончи-шоирларининг ўзаро ҳамкорлиги, дўст-биро-

дарлиги ҳамда «Манас»га бўлган қизиқиншнинг нақадар кучли бўлганлигини иисбатан исботлай олади:

Ундан ўтдим Аравон
Бизни тинглар оломон.
«Манас» идан айтган сўнг
Қирғизим қолар ҳайрон.
Қора уйни бўйласам,
«Семетей» дан куйласам.
Раззоқ бахшинг сўзига
Қирғиз ҳайрон, ўйласам,
«Алпомнш»дан айтдим мен.
Тонг отарда қайтдим мен.
«Манас»идан айтганда,—
Қора тошдай қотдим мен.

Ўзбек халқи Алномиш, Гўрўғли, Рустамни қанчалик севиб, ардоқласа, тасаввуррида улар билан мулоқотга киришиб ўзлигини англасса, қадриятини кўрса, «Манас» қаҳрамонлари билан ҳам худди шундай ҳолатда бўлади. «Манас»нинг буюклиги ана шу — халқнинг дардига дармон, қувончига шерик бўлишида, қадриятини англашда, ўзлигини танишида кўмаклашашётганлигидадир.

„Шоҳнома“

Абулқосим Фирдавсий.

«Шоҳнома».

Шарқ оламида бу икки номни билмайдиган одам топилмайди. Топилмайди деб дадил айтишимга боис, ҳар бир киши «Шоҳнома»га кирган биронта афсонани эшитган ёки ўқиган. Фирдавсийни шоирлар шоири, унинг «Шоҳнома»сини эса «Шоҳ китоб» деб алқашлари ҳам бежиз эмас.

Мана шу мисли йўқ дохиёна ижод намунаси ўз умрининг мингинчи йилига яқинлашиб келмоқда. Шоҳ китоб ўзининг муаллифини йиллар ғуборидан соғ-омон асраб, авлоддан-авлодга олиб ўтмоқда. Халқаро Фирдавсий мукофоти лауреати, профессор Шоислом Шомуҳамедовнинг фикри шундай. У билан бўлган суҳбатимиз сира ҳам ёдимдан чиқмайди.

— Шоислом ака, дастлаб «Шоҳнома»нинг сюжети, қурилиши ҳақида сўзлаб берсангиз.

— «Шоҳнома» ҳажман жуда катта, мазмунан жуда теран даврни ўз ичига олади. У 60 минг байт — 120000 мисрадан иборат. Унда 50 подшоликдан иборат тўрт су-

лоланинг ҳукмронлик тарихи ғоят муфассал баён этилган.

Фирдавсий достон муқаддимасида ишон ақл-заковатига таҳсни ўқииди. Сўнгра олам ва одамнинг яралishi ҳақида сўзлайди. Ана шундан сўнггина шоир Султон Маҳмудга бағишлов ёзади. «Шоҳнома»ни ўрганганд олимлар уни уч қисмга бўладилар.

Биринчиси афсонавий қисм бўлиб, унда шоир қадимий афсоналарни бадиий тарзда ишлаб чиқади. Иккinci қисм қаҳрамонлик эпоси ҳисобланади. Бу бўлим асосан Рустам Достон, унинг отаси Зол, бобоси Сом ва бошқа баҳодирлар — Гударз ва уншиг ўғиллари — Шайдуш, Настух, Баҳром, Руҳом, Ҳажир, Гев, Невзод ва бошқалар ҳақидаги ҳаяжонли қиссалардан иборат. Учишиби — тарихий қисмда Эрон ва Ўрта Осиё халқларининг Сосонийлар давридан бошлаб то араблар босқинига қадар бўлган тарихи аниқлик билан бадиий бўёқларда тасвирланади.

Муқаддимадан сўнг Фирдавсий ўз достонида афсонавий шоҳлар — Қаюмарс, Хўшанг, Таҳмурас, Жамшиидлар ҳаётини ҳикоя қилиб беради, яъни инсониятга маданият олиб келувчи образларин яратади. Жамшиид-ҳақидаги афсона, айниқса, диққатга моликдир.

Жамшиид ҳукмронлиги даврида (у 700 йил ҳукмронлик қиласи) ҳаёт жуда осойишта кечади. Одамлар шодфаровон яшайдилар. Ҳатто Аҳриман (ёвузлик руҳи) аскарлари ҳам унга хизмат қиласи. Охир-оқибат Жамшиид одамлар меҳри ва мақтовларидан гуурланиб кетади. У одамларни йиғиб: «Мени жаҳонофарин (дунёни яратувчи) деб ҳисобланг», дейди. Буни эшиктган мўъбадлар — абадий оловии, қадим анъанааларни сақлайдиги, илф-фанни ривожлантирадиган руҳонийлар — бош эгиб қоладилар.

Шундан бошлаб ҳаммалари ундан юз ўгирадилар. Юртда парокандалик бошланади. Жамшиид қўрқув ва саромсимага тушиб қолади. Зодагонлар халқдан яширинча араб шоҳи Заҳҳок билан тил бириктирадилар. Заҳҳок босиб келганда Жамшиид қочиб кетади. Тахтни Заҳҳок эгаллайди. Юз йилдан сўнг Заҳҳок Жамшиидни Хитой денгизи қирғозларидан толиб, қоқ иккига бўлиб ташлайди.

Одамзод тухумини қуритишин режа қилган Иблис ошпаз қиёфасида келиб Заҳҳокка хизмат қиласи ва қуш гўштидан лаззатли таомлар қилиб беради. Унинг таомларидан мамнун Заҳҳок: «Мукофотига нима тилайсан?»

деганида ошпаз иблис: «Менга ҳеч нима керак эмас, елкангдан ўнч олишга рухсат берсанг, шу менга катта мукофот», дейди.

Заҳҳок рози бўлади. Иблис унинг икки елкасидан ўпич олиб, ўзи гойиб бўлади. Заҳҳокниң елкасидан эса икки илон ўсиб чиқади. Улар ҳар куни икки ўспирининг мияси билан овқатланади. Заҳҳокниң минг йил подшолик даврида одамлар камая бошлайди.

Қова иомли темирчининг 19 ўғли бор эди. 17 таси Заҳҳок илонларига ем бўлади. Уни саккизинчиини олиб кетадилар. Шунда темирчи пешбандини байроқ қилиб кўтариб золим шоҳга қарши қўзғолон бошлайди. Уни енгиб Жамшид авлодидан келган Фаридунни тоғдан топиб келиб тахтга ўтқазишади. Мамлакатда яна адолат, ободончилик бошлапади.

Фаридун адолат билан давлат бошқариб баҳтли ва фаровон умр кечиради. У беш юз йил шоҳлик қиласиди. Унинг уч ўғли бор эди. Улар турли илмлар ўрганиб, жанг ва ов сирларини эгаллаб ўсадилар. У вақтда бола туғилни биланоқ исем қўйиш одат бўлмаган. Бола ўсиб балоғатга еткачгина унинг хулқ-авторига қараб исем берилган. Ўғилларига исем қўйиш вақти етгач акаука шикор қилиб юришганда Фаридун даҳшатли аждаҳо қиёфасига киради ва уларга бирма-бир ҳужум қиласиди. Катта ўғил ўзини панаға олиб қочади. Бекорчи хатарга ўзини урмайди. Ақли бору жасорати йўқ. Иккинчи ўғлига ҳужум қиласиди, у аждарга дўқ қилиб, ўзини ташлайди. Бу ўғилда жасорат зўр, аммо ақлу тадбиркорлик етишмайди. Шу пайт кенжада ўғил акасига ёрдамга келади ва «Эй аждаҳо, биз уч ога-инимиз, агар бир бўлиб ҳужум қилсак тор-мор бўласан, қайт!» деб нидоқиласиди.

Аждар қайтади. Фаридун ўз қиёфасига кириб саройига келади. Ўғиллари келгач, уларга исем қўйини маросимини ўтказади. Катта ўғлига соғлом маъносида Салм исмини беради; ўртанчасини бақувват маъносида Тур дея атайди; ҳам оқил, ҳам меҳрибон, ҳам олижаноб ва жасур бўлган кенжада ўғли Эрож номини олади.

Фаридун кексалик шабадаларини сеза бошлагач, мамлакатни уч ўғлига тақсим қилиб беради.

Мамлакатнинг фарбий қисмидағи Рум вилояти Салмга, Чин билан бирга шарқий қисми Турга тегади. Марказий Эрон ерларини эса Эрожга беради ва уи валияҳд деб эълон қиласиди.

Аҳриман дес Салм билан Турининг дилинга қаттиқ ҳасад ўтни солиб, уларни йўлдан уради. Акалар Эрожга қарши фитна уюштириб ундан тахт-тожни тортиб олмоқчи бўладилар. Аскар йиғиб, оталарига мактуб юборадилар. Шунда Эрож акаларининг ақлу ҳушига ишониб, аскарсиз улар ҳузурига боради ва жанжални яхшилик билан ҳал қилмоқчи бўлади. Тур сулҳ сўзига қулоқ соглиси келмай, остидаги курси билан Эрожнинг бошига туширади. Шунда ҳам Эрож уларга мурожаат этиб: «Ўзингизни қотиллик доғидан сақланг»,— деб уларни ваҳшиёна қотилликдан қутқармоқчи бўлади. Аммо ҳасад олови ақл кўзини кўр қилган акалар Эрож кўксига ханжар урадилар. Сўнг бошини кесиб оталарига юборадилар. Шундай қилиб Фаридуннинг ягона кишивари ўзаро душман бўлган икки юрга бўлиниб кетади.

— «Шоҳнома»да Аҳриман ва Аҳромаздо деган қаҳрамонлар ҳам борку?...

— Ҳа, бор. Аҳриман — девлар, ёвузликлар, ёвуз кучлар тимсоли. Аҳромаздо эса олижаноблик, эзгулик ҳомийси. Достоннинг асосини шу икки куч ўртасидаги курашлар ташкил этади.

— Шоислом ака, энди Фирдавсийнинг ўзи ҳақида маълумот берсангиз...

— Биз бу улуг шоир ҳақида ганирар эканмиз, унинг дохиёна асари «Шоҳнома»даги лирик чекинишларда келтирган баъзи маълумотларга суюниб, мулоҳаза юртишишимизга тўғри келади.

Абулқосим Фирдавсий Тусий тахминан 940—941 йиллар атрофидаги Табороп, ҳозирги Фирдавс шаҳрида туғилган.

Фирдавсий унинг тахаллуси («Фирдавс»— жаниат боғи сўзидан олинган), Абулқосим эса унга ҳурмат юзасидан берилган куния — лақаб (унинг маъноси — Қосимнинг отаси) бўлиб, ўғлиниң исмидан олинган. Унинг туғилган йили, ҳатто ўз исми ҳам аниқланмаган. Турли манбаларда унинг исми Ҳасан, Мансур, Аҳмад, Мансур ибн Ҳасан тарзида учрайди. У Хурсонда деҳқон оиласида дунёга келади. Аммо деҳқон сўзи ҳозирги маънода эмас, Фирдавсий даврида бу сўз заминдор, ер эгаси маъносида қўлланилган. Фирдавсий кундан кунга камбағаллашиб бораётган ўрта ҳол ер эгалари табақасига мансуб, унинг ота-боболари ер-сувини йўқотиб, камбағаллашиб қолган деҳқонлардан эдилар.

— Адабиёт тарихидан кўнгина шонрлар «Хамса» яратишгани маълум. Худди шундай «Шоҳнома» яратиш ҳам Шарқда қадимдан расм бўлганми?

— Фирдавсийнинг ёшлиги Сомонийлар давлати равнақ топаётган вақтга тўғри келади. Сомонийлар арабларга қарши курашда қадимий Эрон тарихидан қурол сифатида фойдаланар эдилар. Шунинг учун шоҳлар ҳақида китоб — «Шоҳнома» яратишга интилганлар. Бу ишга улуғ олимлар, шоирлар жалб этилган.

Қадимги манбаларда тўққиз ё ўнта «Шоҳнома» яратилгани маълум. Уларниң биронтаси бизгача етиб келмаган.

Фирдавсийгача битилган «Шоҳнома»лар орасида Абу Мансур Дақиқийнинг асарини бадний пухта деб баҳолаш даркор. Маълумки, Дақиқий, 1000 байт ёзгач, фожиали ҳалок этилади.

Дақиқий «Шоҳнома» ёзишга киришганда Фирдавсий 35—36 ёшда эди. Фирдавсий Дақиқий бошлаган ишни давом эттиришга бел боғлади.

— Шоислом ака, нега кўпгина афсоналарда Фирдавсий Султон Маҳмуд Фазнавийнинг фармони билан ёзган деган ишора бор?

— Бу афсонага тўхталиб ўтиш мумкин. Бу афсона Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон» китобида ҳам бор. Унда ҳикоя қилинишига кўра, Фирдавсий дехқончилик билан машғул бўлган экан. Унга зулм қилишибди. У адолат истаб Султон Маҳмуд пойтахти Газна шаҳрига жўнабди. У ерга етиб келиб, Газна боғидан ўтиб кетар экан, суҳбатлашиб ўтирган уч кишини кўриб қолибди. Уларниң Султон мулоzимлари эканлигини тушиниб, ўзича: «Шуларниң ёнига борай ва ҳолимдан хабар берай», дебди. Уларниң олдига етиб келганида, улар бундан чўчишибди. «Бу киши бизнинг мажлисизни бузмоқчи» дейишибди-да, ўзаро шундай аҳд қилишибди: «Яхшиси, у келганда биз подшоннинг шоирларимиз, биз билан фақат шоирларгина суҳбатда бўла олади деб уч мисра шеър айтайлик-да, сўнгра унга кимки тўртинчи мисрани айтса, биз у билан суҳбат қиламиз, бўлмаса, бизни кечиринг, деяйлик».

Фирдавсий етиб келиши билан ўзаро келишилган гапни айтишибди.

— Қани, мисраларингизни ўқинг, — дебди Фирдавсий.

Шунда Унсурий ўқибди:

Ой ҳам жамолингдек бўлолмас равшан,

Сүнг Асжадий дебди:

Юзинг тенги гулни тополмас гулшан,

Унга Фаррухий құшилибди:

Кипригинг үқидин тешилур жавшан,

Фирдавсий бу мисраларни эшитиши биланоқ бадиҳа
қилиб дебди:

Гив наизасин жанғда күргандек Пашан.

(Асли форсча үқилган)

Улар бу мисралардан ҳайратта тушишибди. Гив ва
Пашан қиссасини айтиб беришни илтимос қилишибди.
Фирдавсий холоса қилиб айтиб берибди. Шундан кейин-
гина у Султон мажлисига ноил бўлибди. Бир неча бор
келганидан кейин унга «Шоҳнома» ёнш топширилибди.
Унинг минг байтини ёзиб, Султон қошига келтирибди,
унинг таҳснинг сазовор бўлибди ва минг динор қизил
олтин инъом олибди.

Кейин ўттиз йил давомида «Шоҳнома»ни ёзиб ту-
гатибди, Султон қошига олиб борибди ва аввалги берила-
ган кўрсатмага биноан ҳар мисрасига бир олтин динор
олиш умидида бўлибди. Ичи қоралар унга ҳасад қилиб:
«Бу шоирнинг нима ортиқлиги бор, бунчалик инъом
унинг димогнин кўтариб юборади» дебдилар ва унга
олтминш минг кумуш дирҳам ҳақ тайин этибдилар.

Фирдавсий бундан жуда ранжибди.

Улуғ шоир бутун умрини сарфлаб ёзган шоҳ асари-
нинг қадрига етмаган Маҳмуднинг бундай пасткашли-
гига жавобан у берган пулларни учга тақсимлаб, бир
бўлагини ҳаммом ходимиға, бир бўлагини шарбат со-
тувчига ва бир бўлагини хоннинг пулинни олиб келган
мулозимларга берибди.

Шунинг ўзи ҳам Маҳмуд шаънига катта ҳақорат
эди. Аммо ўттиз беш йиллик меҳнати эвазига қаттиқ
таҳқириланган шоир бунга ҳам қаноат қилмай, Маҳмуд
Ҳакида ўткир ҳажв ёzáди. Унда шоҳни пасткашлиқда,
хасисликда, зоти пастликда айблайди ва у тахтга
но-
лойик эканлигини кўрсатади:

Шоҳлардан бўлсайди у шоҳга падар,

Қийғизгай бўларди менга тожи зар.

Агарда онаси бўлсайди хондан,

Тиллага кўмарди мени нақ сондан.

Улуғлар зотидан бўлмаган-чун шоҳ,

Улуғлар номидан бўлур дил сиёҳ...

Бу афсоналарнинг охирроғида тарихий ҳақиқаттага
биroz боғланиш бор.

Фирдавсий ўз «Шоҳнома»сининг биринчи таҳриршни 994 йили тугатган. Бу даврда Сомонийлар давлатига ҳар томондан ҳужум кучайган эди.

996—997 йилларда Бухорода Амир Нуҳ ибн Мансур ва Фазнада Сабуқтегин вафот этадилар. Яна мамлакатда ўзаро урушлар бошланди. Нуҳ ўрнига таҳтга Мансур иби Нуҳ (997—999) ўлтирган, Фазнада эса Сабуқтегинининг ўғли Маҳмуд ҳукмронлик қиласиди.

Маҳмуднинг рақибларидан Хуросон ҳокими Фонқ турк ғуломлари ёрдамида Мансур иби Нуҳнинг икки кўзини кўр қилиб, таҳтдан туширади.

Буграхон ўлимидан сўнг қораҳонийлар бошида турган Наср 999 йили яна Бухорони босиб олади.

Шундай қилиб кўп қонли урушлардан кейин Сомонийлар ҳукмронлик қилган ерларда икки катта феодал давлати — Қораҳонийлар ва Фазнавийлар давлати вузудга келди. Улар орасидаги чегара асосан Жайхун (Амударё) бўйлаб ўтадиган бўлди.

Фирдавсий «Шоҳнома»сини тугатган давр шоир тақдирида ана шундай вақтга тўғри келган эди. Чунки бу даврда Фазнавийлар давлат сиёсати муайян бир ҳолга келган эди ва бу ҳолат Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома»сига зид эди. «Шоҳнома»га охирги нуқта қўйиш Сомонийлар давлати тугаши даврига тўғри келади.

«Шоҳнома» бадиий нуқтаи назардан қанчалик юксак асар бўлмасин, у Маҳмуднинг босқинчилик сиёсатига тўғри келмагани учун ва умуман Фирдавсий даҳосида халқ дунёқарashi, халқ фикру ўйларининг бадиий ифодаси бўлгани учун ҳам Фазнавийлар томонидан қабул этилмайди. Худди шу ерда бир афсонага дикқат қилиш зарур.

Фирдавсий «Шоҳнома»ни султон Маҳмудга бағишлиади. У бир неча кунгача китобини Султон ҳузурида ўқиб берибди.

— «Шоҳнома»да Рустамдан бўлак арзигулик қаҳрамон йўқ,— дейди Фазнавий,— аммо менинг лашкаримда Рустамдақалар минг-минг. Ана ўшалар ҳақида ёзинг.

— Шоҳнинг умрлари узоқ бўлсин,— дебди Фирдавсий,— олижанобининг лашкарида қанча Рустамнамолар бор, менинг хабарим йўқ. Аммо шуни яхши биламанки, худо Рустамни ягона яратган.

Шундай деб улуғ шоир ер ўшиб чиқиб кетибди. Қаттиқ ғазаби келган Маҳмуд Фазнавий вазирини чақириб дебди:

— Бу ялангоёқ мени ёлгончи қилди.

— Уни қатл этиш керак, шоҳим,— дебди вазир. Аммо Фирдавсийни топишолмабди. У кўп йиллик меҳнатига ҳақ олмай, шаҳардан чиқиб кетган экан.

Баъзи ривоятларда Фирдавсий Газнадан Ҳиротга қочиб кетгани ҳақида гапирилади. Фирдавсий у ерда кеинчалик машҳур бўлган шоир Азрақий (вафоти 1227 йил) нинг отаси Исмоил Варроқ уйида яшириниб ётади. Бу гап ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки Варроқ Фирдавсийдан анча кейин яшаган.

Арузий «Мен... Нишонурда Амир Муниззийдан эшитган эдим, у Амир Абдураззоқдан эшитган экан» деб яна қўйидаги ҳикоятни келтиради.

Маҳмудшоҳ Ҳиндистонни талаб, жуда кўп ўлжалар олиб қайтиб келар экан, йўлда бир қалъа унга қаршилик кўрсатибди. Маҳмуд қалъа хонига мактуб юбориб таслим бўлишини таклиф этибди. Хондан жавоб кутар экан вазирига:

— Нима жавоб бўлар экан?— дебди. Бунга вазир:

Бўлмаса раъимга лойиқ бир жавоб,
Мену гурзи, майдону Афросиёб!

байтини ўқибди.

— Бу кимнинг шеъри?— дебди Маҳмуд.— Кишида ботирлик ва жасорат уйғотади?

— Бечора Абулқосим Фирдавсийники,— деб жавоб берибди вазир.

Шунда Маҳмуд улуғ шоирга нисбатан адолатсизлик қилганини пайқаб, унга аввалги ваъда қилган олтин тангаларин юборган эмиш. Тус шаҳрининг бир дарвозасидан Маҳмуд юборган карвон кириб келгани пайтда, иккинчи дарвозасидан шоирнинг тобутини олиб чиқаётган эканлар. Фирдавсийнинг қизи бойликларни қабул қилимабди. Султон гумашталари маблағни ўша ерда работ қуришга сарф этишибди.

— Фирдавсий бошқа достон ҳам ёзганми?

— Ҳа. Умрининг сўнгги йилларида дарбадарликда юрган шоир диний сюжетлар асосида «Юсуф ва Зулайҳо» номли достон ёзган. Ушанда у 80 ёшдан ошган, Бағдодда яшаган. Достоннинг бошланиш қисми «Тавбаниома» номини олган, унда шоир энди қадимий паҳлавонлар ҳақида оғиз очмайман деб қасам ичади, улардан юз ўғиради.

Энди Фаридунни васф этмоқ қайдা,
Заҳҳок таҳтни олса менга не фойда.
Шоҳлардан ёзмайман энди мен асло,
Даргоҳи кўнглимга урди мутлақо.

Бу сўзлар ҳақиқатан ҳам Фирдавсийини бўлса, унинг оғир фожиасини англатади. Фирдавсий бошига тушган мушкулот сабабларини эса юқорида айтиб ўтдик.

— Фирдавсийнинг кейинги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилсангиз.

— Шоир умрининг охирида ўз ватанига келиб, Тусда вафот этган бўлса-да, руҳонийлар унинг жасадини қўйини учун мусулмонлар мозоридан жой бермадилар. Фирдавсийнинг жасади отасидан қолган боғнинг бир чеккасига кўмилди. Бу тахминан 1025 йил эди.

Жаҳон адабиёти классикларидан яна бири, форснинг буюк шоири Саъдий Шерозий гўё барча «Шоҳнома» хонлар тилидан:

Не хуш сўзлар демиши Фирдавсий покзод,
Унинг покиза қабри бўлсени обод.

деган эди. Халқ ўзининг севикли шоирини унутмади. Жаҳон адабиётининг шоҳ асари бўлган «Шоҳнома» минг йиллардан бери севиб ўқилмоқда. Унинг бундай муваффақиятига сабаб — халқчиллигида, халқ орзуумидларини тараниум этганлигида, шоирнинг ўз халқи билан бир тану бир жон бўлганлигидадир.

Шоирининг жасади дафи этилган жойда 1934 йилда Фирдавсий минг йиллигига чиқарилган лотереялан йиғилган маблағ ҳисобига катта мақбара қурилган ва у бутун жаҳон адабиёт мухлислари, шоир ихлосмандларининг зиёратгоҳига айланган.

Фирдавсийнинг ёши 60 га яқинлашганида ўз асаридаги лирик чекинишлардан бирида қариб қолганидан шикоят қилиб дейди:

Фалакдан ўтничим — бевафо олам.
Зулмидан неча йил омонлик топсам,
Бу қадимий машҳур номадан жаҳон,
Аҳлига қолдирсам яхши бир достон.
Ким сухан мулкини айласа обод,
Адолатда номим этар эрди ёд.

Унинг орзуси ушалди. Бу унинг буюк ижодий жасоратига замонининг мукофоти эди.

— Шонслом ака, «Шоҳнома»нинг ўзбек тилига таржимаси ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз. Аввало «Шоҳнома»ни қадимдан саводли ўзбеклар форс тилида ўқинганлар, чунки саводли ўзбеклар яқин қондош-жондони халқимиз тилини — тоҷикча, яъни форсий тилини билганлар. «Шоҳнома»нинг ўзбек тилига таржимаси тарихи

узоқ. Мен ҳозирги тилга бўлган таржимаси ҳақида гапирай.

1975—1977 йиллариFaфур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти «Шоҳнома»дан танланган достонлар таржимасини уч жиплдда нашр этди. 1984 йилл эса шу таржималардан тузилган бир жилдли китоб «Жаҳон адабиёти дурдоналари» сериясида чоп этилди. Таржима қилишда эса мен, Ҳамид Фулом, Назармат, Жуманиёз Жабборов, қатнашдик.

«Шоҳнома»ни ўзбек тилига тўлиқ таржима қилиш вақти аллақачон етган. Мазкур таржималар эса бу соҳадаги илк қадамлар, холос.

«Шоҳнома»— минг йил умр кўраётир. У ҳам жуда кекса, ҳам навқирон асар. Унинг кексалиги шундаки, унда ўз замони ақидалари билан чекланган, эскириб қолган фикрлар, эски сўзлар, ибора ва образлар ҳам тез-тез учраб туради. Агар Фирдавсий услубига ўз давридаёқ арханзм характеристири экалигини назарга олсан, бу кексалик яна ҳам чуқурлашди. Унинг навқиронлиги шундаки, ундаги умуминсоний ғоя ва туйғу чечаклари баҳор бўстонидек яшнаб туради ва ундан ҳар бир давр кишини ўз кўнглига мос гулдасталар тера олади.

«Шоҳнома» муazzам даҳо эгасининг ўзи учун қўйган буюк ҳайкали бўлди. Халқ билан тили ҳам, дили ҳам бир бўлган шонир ўз халқига камол ишонч билан башорат қилиб достон охирида қўйнадаги мисраларни ёзган эди:

Кимнинг ақли бошда, эс-ҳуши бутуни,
Мен ўлгач номимга ўқир оғарин.

Мана, минг йилдирки «Шоҳнома»ни мутолаа қилган кишилар улуғ шонир номига оғарин ўқимоқдалар. Жаҳон жамоатчилиги 1992 йилда «Шоҳнома»нинг минг йиллигини нишонлаш ҳозирлигини кўрмоқда.

«Шоҳнома»нинг бунчалик яшовчанлигининг сири — унинг донолигига. .

— «Шоҳнома»нинг 1000 йиллигига қандай тайёргарлик кўрилмоқда?

— Мен бу қутлуғ байрамга атаб ўтказиладиган тадбирларни шундай тасаввур этаман. Энг аввало «Шоҳнома»ни тўлиқ чоп этишни бошлаб юбориш керак. Сўнгра «Шоҳнома» ҳақидаги илмий ишларни чоп эттириши, «Шоҳнома» сюжетларидан олиб бошқа санъат асарлари — қўшиқ, драма, музика ва тасвирий санъат асарлари яратиш, Ўзбекистон ва Тожикистон олимлари билан

биргаликда илмий конференция ўтказиш, бунинг учун эса юбилей комиссияси тузиш лозим деб биламан. Бу ишларининг аксарияти бажариляпти.

«Шоҳнома» Ҳайём, Саъдий, Ҳофиз, Низомий, Деҳлавий, Жомий, Навоий, Руставели, Гёте, Байрон, Пушкин, Толстой ва бошқа ўнлаб ғарб ва шарқ адабиёти даҳолари ижодида жилва этган нур, улар ижодидаги Рустам, Искандар, Хисравий, Баҳром, Фарҳод, Сиёвуш, Гурдофариҳ, Ширин, Дијором образларини яратишга илҳомлантирган манба шеърнят сарчашмаси.

Минг йил «Шоҳнома» учун бир лаҳза, холос. Бу Шарқда яратилган тафаккур қуёши, дунёда тенги йўқ китобнинг умри эса токи дунё тургунча! Демакки, Фирдавсий ҳамма замонлар учун суюкли ва ардоқли бўлиб яшайверади.

„Алжабр вал муқобала“

Тарих саҳифаларида шундай буюк сиймоларнинг номлари борки, уларни на йиллар бўронлари, на тақдир суронлари ўчира олмаган. Иби Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Иаср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий, Мирзо Ӯлуғбек... Бу табаррук номлар силсила-сида ажойиб олим, риёзиёт илмининг отаси Муҳаммад ибн Мусо ал Хоразмийнинг ўзига хос ўрни бор. У яратган хилма-хил рисолалар ҳанузгача илм аҳлининг диққат марказида турибди. «Алжабр вал муқобала», айниқса, улар орасида энг машҳуридир. АҚШ математиклар жамияти аъзоси, физика-математика фанлари номзоди Мирфозил Мирзааҳмедов шундай деб таъкидлади. Ўрни келди дедиму уни суҳбатга тортдим.

— Мирфозил ака, дастлаб Хоразмийнинг шахси, яшаган даври ҳақида маълумот берсангиз...

— Маданиятимиз тарихида, буни кўпчилик билса ҳам керак, Хоразмийлар кўп бўлган. Улардан бири— Мунис Хоразмий (1778-1829); у шоир ва тарихчи, таржимон, хаттот, маърифатпарвар. 80000 мисрадаи зиёд «Мунис ул-ушшоқ» девонининг муаллифи, «Саводи таълим» шеърий педагогик рисола ҳам ёзгай. Бошқа бир ўзбек шоири Муҳаммад Ризо Оғаҳийнинг устози бўлган.

Яна бир шоир Ҳофиз Хоразмий (XIV аср охири— XV аср биринчи ярми)нинг 18000 мисрали девони бизгача етиб келгай. У Ҳофиз Шерозий анъаналарини ўз-

бек шеъриятига олиб кирган, эски ўзбек тили ривожига салмоқли ҳисса қўшган, ўзбек дунёвий адабиётининг йирик вакилларида саналган.

XIV асрда яшаган бошқа бир Хоразмий ҳам ўзбек дунёвий адабиётининг йирик вакили бўлган. Унинг «Мұхаббатнома» шеърий асари халқимиз орасида машҳур.

Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмий ўз даврининг математика ва астрономия соҳасида билимдони бўлган. 976-йиллар атрофида «Фанларнинг калитлари» номли қомусий асар ёзган. Машҳур шарқшунос, академик И. Ю. Крачковский бу асарга юксак баҳо берган.

XVIII асрда яшаган учта машҳур ака-ука астрономлар бўлганки, улар ҳам Хоразмийлардир: Мұхаммад, Аҳмад ва Ҳасан Мусо ибн Шокир Хоразмийлар машҳур-математик олим Аҳмад Фарғоний раҳбарлигида ишлашган.

Абу Бакр Хоразмийнинг номи ҳам бизга маълумки, бу олим ва шоир Берунийнинг замондоши бўлган.

Яна бироқ буюк Хоразмий бор, у — Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ал Мижастийдир. Ал-Хоразмийнинг авлод-аждодлари Ўрта Осиё территориясида қадимда кенг тарқалған зардуштийлик динининг коҳинларидан бўлинниб, кейин исломни қабул қилинган.

Хоразм қадими маданият ривож топған юрт бўлган. Хоразмликларнинг ўз тиллари, ўз ёзувлари бўлган. Бу ёзув янги эрадан аввалги IV—II асрларда, яъни бундан 2200—2400 йил аввал вужудга келган.

Беруний яшаган даврда ҳам хоразм тили бўлган.

Деҳқончилик, суғориш ишлари каналлар ўтказишни, турли ирригация иншоотлари қуришни тақозо қилган. Шаҳар қурилиши, унинг ўзига хос архитектураси ҳисоб-китоб ишларисиз бўлмайди. Бошқа мамлакатларга саёҳатлар, савдо ишлари билан бориш ҳам ҳисоб-китоб, география, астрономиянинг маълум даражада ривожлашишига олиб келган. Оқибатда Хоразмда ўша даврининг илғор илм-фани ҳам вужудга келган.

Хоразм 712 йили араб саркардаси Қутайба ибн Муслим томонидан босиб олинади. Бу ҳақда Беруний «Қадимги халқлардан қолған ёдгорликлар» асарида қуйидагиларни ёзади: «Қутайба хоразмлик хаттотларни, руҳонийларни ўлдири ва уларнинг китобларини ёқди... хоразмликлар саводсиз бўлиб қолдилар ва ўзларига ишма керак бўлса — хотираларига ишоидилар».

Дастлабки таълимни Хоразмий ўз уйида олади. Қе-йинчалик у ал-Маъмун томонидан Марвга, сўнг Бағ-додга таклиф қилинади. Бағдодга Урта Осиёлик кўплаб олимлар таклиф қилинган эди. Улар орасида Аҳмад Фарғоний, Аҳмад ал-Марвазийлар бўлган. Ал-Маъмун феодал ҳоким бўлса-да, илм-фанга хайрпоҳзлик қилган, ҳаттоқи, Н. В. Гоголь 1834 йилнинг октябррида Петербург университетида Маъмун ҳақида лекция ўқиган. Бу лекцияни А. С. Пушкин ва В. А. Жуковскийлар тиғлашган.

— Ал-Хоразмийнинг асари жаҳон фани тарихида мислесиз роль ўйнагани маълум...

— Бу шубҳасиз. Асарнинг тўлиқ номи «Ал-китоб алмуҳтасар фи ҳисоб ал-жабр валмуқобала» ёки «Ал-жабр вал муқобала ҳисоби ҳақида қисқа китоб».

Ал-Хоразмий бу асари билан алгебра фанига асос солди. Уни биз «алгебранинг отаси» деймиз. Бу фанинг номи ҳам шу асардаги «алжабр» сўзидан ҳосил бўлган. Катта Совет Қомусида ёзилишича, «Хоразмий давридан бошлаб алгебрани математиканинг алоҳида соҳаси сифатида қарашиб мумкин».

Рисола юз йиллар давомида Шарқ ва Фарбнинг билим масканларинда риёзиётдан асосий қўлланма бўлиб қолди: айрим қисмлари, ундаги мисол ва масалалар асрлар мобайнида бошқа авторларнинг китобларига ҳам кирди. Олим чизиқли ва квадрат тенгламаларни тадқиқ қилишнинг умумий назариясини яратди, унгача бундай назария йўқ эди, хусусий ҳолларда айрим мисолларни ечишини билишар эди, холос. Келгусида йирик риёзиётчи бўлиб етишган олимлар биринчи сабоқни шу рисоладан олишган. Фан чўққиларига чиқишида бу шоҳ асар пиллапоянинг дастлабки зиналаридан бўлган. Ал-Хоразмий бу асарни ёзишдан ўз мақсадини қўйидагича баён қиласди: «...Мен арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларини ўз ичига олувчи «Алжабр вал муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб»ни таклиф қилдим. Чунки мерос тақсим қилишда, васиятнома тузишда, мол тақсимлашда ва адлия ишларидан, савдода ва ҳар қандай битимларда ва, шунингдек, ер ўлчашда, каналлар ўтказишда ва бошқа шунга ўхшаш турлича ишларда бу зарурдир». Бинобарин, асар амалиёт талабларидан келиб чиқиб ёзилган экан. Математиканинг амалиётга татбиқларини янада ривожлантириш, унинг ўқитилишини амалиёт билан боғлаб олиб бориш — замон талаби. Бу эса олимларимиз, муаллимларимиздан буюк устод

рисоласига яна бир бор мурожаат этишини тақозо қиласди.

Умар Ҳайём бу рисола ҳақида «Ал жабр алмуқобала бу—санъатдир» деган эди. Германияда ўқиб юрган найтида М. В. Ломоносов ҳам алгебрани ўрганган. 1740 йил 16 ноябрда Петербургга ёзган хатида: «Мен энди алгебрани машқ қиласыпман, уни химия ва майдада зарралар физикасига татбиқ қылмоқчиман», дейди.

М. В. Ломоносов ал-Хоразмийга оид маълумотларни, унинг ишларини тарғиб қилиш борасида кўп ишлар қилган.

Буюк инглиз олими И. Ньютон алгебрага оид ўз асарини «Универсал арифметика» деб атаган. Франция олими ва файласуфи Р. Декарт ҳам «чет элдан» келган «алгебра» терминини ишлатмасликка ҳаракат қилган. Аммо «Алгебра» ҳамма вақт ғолиб келган.

— «Алжабр вал муқобала» қайси тилларга таржима қилинган? Қаерларда нашр қилинган?

— Ал-Хоразмийнинг бу асари кўпчилик олимлар томонидан ўрганилган, таҳлил қилинган. Олим ижодига оид 300 дан ортиқ тадқиқот ишлари мавжуд. Асар биринчи марта лотин тилига 1145 йилда таржима қилинган. Бироз муддатдан сўнг яна лотин тилига, инглиз, француз, олмон, форс, рус тилларига ўғирилган. Ўнлаб марта АҚШ, Англия, Олмония, Франция, Миср, Эронда чоп этилган.

— Ал-Хоразмийнинг бу асари ўзбек тилида ҳам чоп этилганми? Мактабларда ўргатиляптими?

— Ҳа, албатта. Асар 1983 йили ўзбек тилида нашр қилиниди. Шу йили олим таваллудининг 1200 йиллиги жаҳон миқёсида кенг нишонланганди. Афсусланарли жойи шундаки, ўзимизнинг олимимиз рисоласини ўз тилимизда бошқа халқлардан кейин ўқидик.

Квадрат тенгламалар мактабларимизда ўрганилади. Аммо уларнинг илдизларини топиш формуласи ал-Хоразмий формулалари эканлиги айтилмайди, олим асаридан олинган мисол ва масалалар намуналари ҳам дарслкларимиздан ўрин олмаган. Рисола Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг «Танланган асарлари»га киритилган, «Танланган асарлар» эса атиги 1100 нусхада чоп этилган ва юбилей кунлари ёқ сотиг бўлинган. Бу рисоладан, олимнинг бошқа рисолаларидан парчалар олиб, уларни мактаб муаллимлари, ўқувчиларга, талабаларга мослаб нашр қилиш, бу нашрни таниқли мусав-

вир Баҳодир Жалоловининг ал-Хоразмийга бағишиланган асарларидан олиниган фрагментлар билан бозашайни муддао бўлур эди.

Мактаб дарсликларида, баъзан, нотўғри маълумотлар ҳам учраб туради. Масалан, VI синфиning «Ўрта асрлар тарихи» китобида «Араблар алгебрани («алжабр», яъни ҳисобни) кашф қилдилар» дейилган. Аввалио, «алжабр»нинг ўзини ҳисоб дейиш унинг мазмунига мос келмайди. Иккинчидан, алгебра сўзи, кўрдикки, буюк ватандошимиз ал-Хоразмийнинг машҳур асари номидаги «алжабра» сўзидан ҳосил бўлган. Бу тарихий ҳақиқат дунё илмий жамоатчилиги томонидан тан олиниган бўлса-да, «Ўрта асрлар тарихи» китобида ҳамон алгебра асосчиси ал-Хоразмийнинг номи йўқ.

— Биз ҳозир амалда қўллаётган рақамларни кўшинча араб рақамлари дейишади, шуни шарҳлаб берсангиз...

— Бу аслида ҳинд рақамларидир. Ал-Хоразмийнинг «Алжабр вал мукобала»дан кейинги машҳур асари «Ал-Хоразмий ҳинд ҳисоби ҳақида» деб аталади. Бу асарида олим ҳиндуларнинг ўнлик позицион системасини содда ва равон, тушунарли қилиб баён қиласди, арифметик амалларни бажариш қонун-қондаларини беради, бу қондалар шу вақтга қадар деярли ўзгармасдан амал қилиб келяпти.

Минглаб жилд китоблар, сўзлар жилоси, инсоният яратган билимлар ёзув орқали бизга етиб келган. Хат ёзув эса ҳарфлардан тузилади. Ҳарфлар — кишилик маданиятининг буюк ихтироси. Албатта, минглаб иероглифларни билишга қараганда ҳарфларни ўрганиш осонроқ, ўқиш-ёзиши 1-синф боласиёқ билади. 10 та рақам, позицион система фанда революция ясади, ҳисоблаш осонлашди, кенг оммага тушунарли бўлди, ҳар қандай сон шу 10 та рақамдан тузилади. Ўнлик позицион системаning аҳамиятини ёзувнинг иайдо бўлиши аҳамиятидан кам қўйишмайди. Ал-Хоразмийнинг бу асари ҳам лотин тилига, Европа тилларига таржима қилинди, ўнлаб марта нашр этилди ва ҳинд рақамларининг, ўнлик позицион системаning кенг тарқалишида катта аҳамият касб этди. Унгача Европада ҳисоб-китоблар рим рақамлари, абак ёрдамида олиб борилар, бундай усулда ҳисоблаш маълум қийинчилклар туғдирав эди.

Ўили позицион система ва унга асосланган арифметик амалларгача Ўрта Осиё, Яқин Шарқда абжад ҳисоби мавжуд эди. Бу ҳисобда араб ҳарфларига мос

қилиб, сонлар қўйилар эди. Амалларни бажариш абжад ҳисобида ҳам осон эмас.

Бунга бир мисол келтирайлик. Алишер Навоий вафоти муносабати билан машҳур тарихчи Хондамир ёзган қитъада:

«Чу нозил шуда анвори раҳмат баруҳаш Бинжу соли фавташ зи «анвори раҳмат», яъни «Рӯҳига раҳмат нурлари тушгани учун вафоти тарихини» анвори раҳматдан изла» деган мисралар бор. Агар Навоий вафот этган йилини «анвори раҳмат»дан изласак у — 1501 йил бўлади, чунки абжад ҳисобида «анвори раҳмат»га 1501 йил мос келади.

Ал-Хоразмий асари туфайли ҳинд рақамлари, позицион система дунёга кенг тарқалди, ҳисоблашнинг бошқа усулларидан — улардан қулай бўлгани учун — устун келди. Олим ўз асарларини араб тилида ёзган, чунки Яқин Шарқ мамлакатларида илмий тил араб тили эди. Унинг асарлари лотинчага араб тилидан таржима қилингани. Шунинг учун ҳам Европада бу рақамлар араб рақамларн номини олиб келган. Шуни таъкидлаш лозимки, «алгоритм» термини замерида «ал-Хоразмий» ётади. Алгоритм маълум бир қонда асосида иш тутиш, ҳисоблашни билдиради.

— Утмишдаги одамлар ҳақида ал-Хоразмий фикри қандай бўлган?

— Ал-Хоразмий олимларнинг фаолиятлари ва фазилатлари ҳақида келтирган фикрлари жуда ибратлидир. «Улардан бири ўзидан аввалгилар қилган ишларни амалга оширишда бошқаларидан ўзиб кетади ва уни ўзидан кейин келувчиларга мерос қилиб қолдиради. Бошқаси ўзидан аввалгиларнинг асарларини шарҳлайди ва бу билан қийинчиликларни осонлаштиради, ёпиқни очади, йўлни ёритади ва уни тушунарлироқ қиласди. Ёки бу айрим китобларда нуқсонлар топадиган ва сочилиб ётганни тўплайдиган одам бўлиб, у ўзидан аввалгилар ҳақида яхши фикрда бўлади, такаббурлик қilmайди ва ўзи қилган ишидан мағрурланмайди».

Бу дурдона сўзларга шарҳ на ҳожат?!

— Ал-Хоразмийнинг асаридаги гояларнинг ривожи нималарга олиб келди?

— «Алжабр вал муқобала» асаридаги гоялар, методлар, риёзиётчиларнинг кейинги намояндлари томонидан ривожлантирилди. Хусусан, Умар Хайём куб тенгламаларни синфларга ажратди, счиш усулларини кўр-

сатди. Жамшид ал-Кошийнинг «Арифметика калити» асарида ал-Хоразмий таклиф қилган усууллар ўз такомилинга эришди. Олимнинг бу асари Фарбда ҳам катта илмий кўтарилишга сабаб бўлди. Қардано, Тарталья каби машҳур итальян алгебрачилари ал-Хоразмийни ҳақли суратда «алгебра қашфиётчи» деб атадилар, унинг рисолаларини ўқиб алгебрачи бўлдилар. Қарданонинг «Буюк санъат» китоби — бу китоб 1545 йилда лотин тилида чиққан — «Алгебра деб аталувчи бу санъат Мусо ўғли Муҳаммаддан бошлиган», деган сўзлар билан очилади. Албатта, ҳозирги замони алгебраси «дастлабки туртки»ни ал Хоразмий рисоласидан олди. Алгебранинг баъзи замонавий йўналишлари Узбекистон математиклари илмий ишларида яратилди, тараққий эттирилди. Бунга ўз илмий ишлари билан дунёга танилган олимимиз Т. А. Саримсоқов ва унинг шогирдлари томонидан замонавий алгебра, функционал анализ, эҳтимоллар назариясининг туташ нуқтасида янги йўналиш — иокоммутатив эҳтимоллар назарияси яратилди, бу назария классик фан ҳал қила олмаган муаммоларни ечиб берди, кенг синф квант физик системаларининг математик модули бўлди.

— Ал-Хоразмийнинг боиқа асарлари ҳам борми?!

— Бор, албатта. У ўндан ортиқ асар ёзган, ҳар бир асари фанда чуқур из қолдирган, замондошлари, кейинги давр олимлари бу асарларга шарҳлар ёзишган, уни тадқиқ қилишган. Хусусан олимнинг «Зиж» асари назарий ва амалий астрономиянинг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Европа фанинга катта таъсир кўрсатди, астрономияга онд кўпгина асарларга асос бўлди. Олимнинг «Астурлоблар билан амал тутиш ҳақида китоби» ҳам бир неча тилларга таржима қилинган. Ал-Хоразмийнинг «Суръати-и-арз» китоби — «Хоразмий географияси» номи билан машҳур. Бу география ҳақида араб тилида ёзилган биринчи китоб. Асардаги ғоя ва методлар Беруний, Тусий, Улуғбек ижодида давом эттирилди. Италия фанлар академияси Хоразмий «Географияси»ни ўрганиш учун ўз даврида маҳсус комиссия ҳам тузгаи. Ал-Хоразмийнинг тарих, календарга онд рисолалари ҳам бор. Кўриниб турибдик, ал-Хоразмий қомусий олим бўлган.

— Яхшининг шарофати, деганларидек, ал-Хоразмий туфайли кўнгина жойлар обод бўлди...

— Айниқса, олим таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан! Урганч ва Тошкентда ал-Хоразмийга

ҳайкал қўйилди. Хивада ободончилик ишлари олиб борилди. Австралиялик математика профессорининг таклифи билан ЮНЕСКО юбилей арафасида Ҳива шаҳар Советига 2 миллион доллар ажратди. Қаранг, 12 асрдан кейин ҳам ал-Хоразмий ўз юртига фидойилик қилиб турипти...

Хоразмий туфайли, унинг асарларини тадқиқ қилиб, кўп кишилар олимлик даражасига эришдилар.

— Халқимиз жаҳон маданиятига ўнлаб даҳоларни берган...

Ёшларни, айниқса, мактаб ўқувчиларини риёзиёт илмига тортиш, ал-Хоразмий ворислари бўлиб етишила-ри борасида қандай ишлар қилингани?

— Эҳ-ҳе, ал-Хоразмий ворислари бўлиб етишишга! Мунтазам, тинимсиз меҳнат талаб қилинади бунинг учун. Қобилиятли ўқувчиларни математика ўқитиш учун ихтиосослаштирилган интернатларда, маҳсус программа-лар асосида ўқитиш лозим. Аммо республикада ёш физика-математика фанини чуқур ўргатувчи интернатлар ҳамма областларда ташкил этилган эмас. Ваҳоланки, ҳукумат қарорига мувофиқ, ҳамма областларда бундай интернатлар очилган бўлини керак эди. Ресpubликамиз мактабларида риёзиёт ўқитишини яхшилашга оид талай таклифлар ресpubлика Халқ таълими (собиқ Маориф) министрлигига берилган эди. Бу таклифларни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Математика» проблемали совети тайёрлаган эди. Аммо бу таклифлар министрлик галадонида қолиб кетди...

Мактаб ўқувчилари, муаллимлар учун риёзиётга оид қўшимча қўллаймалар йўқ, уларга оид журнал чиқариш фурсати аллақачон етган, аммо журналдан дарак йўқ... Тўғри, халқимиз орасидан ўнлаб даҳолар етишиб чиққан. Аммо муаллимларимиз, ўқувчиларимиз улар ҳақида нималар билишади? Уларнинг ижоди, қисқача таржимаи ҳоли ёритилган китобчалар сериясини (масалан, «Фанимиз алломалари» номли) нашр қилиш мақсадга мувофиқдир. Минглаб жилд риёзиёт, астрономия, математик географияга оид рисолалар борки, улар ўз тадқиқотчиларни ҳамон интизорлик билан кутиб ётибди, ҳали уларнинг таҳи бузулмаган. Математиклар араб ҳарфларини билишмагани учун уларни ўқий олмайдилар, шарқшуносларимиз риёзиёт билан яхши таниш

бўлмаганлари учун бу асарларга шарҳ ёзолмайдилар. Ҳам риёзиётни, ҳам арабчани баробар яхши биладиган мутахассисларимиз кам. Ана шундай кишиларни етарлича тайёрлаш лозим. Бу менинг шахсий фикрим, албатта.

— Бу фикр ёлғиз сизнинг эмас, барчанинг ташвиши бўлиши керак!

„Ҳамса“

Дунёда шундай сиймолар бўладики, уларнинг номлари нафақат ўзлари мансуб бўлган миллат тарихида, балки башарият тарихида сўнниш билмас юлдуздек порлаб туради. Улариниң номларини ёдлаб, шундай табаррук инсонларни етказиб берган халққа таҳсиллар ўқилади, улар яратган мўъжизаларни кўрганда эса шукроналар айтилади.

Буюк Алишер Навоий ана шундай баркамол инсонлардандир.

Одатда киши ўз умри давомида тинимсиз ижод қиласди, яратади. Лекин унинг ижоди орасида ўзининг салмоғи, мукаммаллиги билан бир асар алоҳида ажралиб туради.

Ҳазрат Алишер Навоий ижодида — гарчи унинг ҳар бир ижод намунаси бетакрор ва буюк бўлса-да — ана шундай шоҳ асар беназир «Ҳамса»дир.

«Ҳамса» — беш достондан иборат. Бу шоҳ асарнинг нақадар маҳобатли меҳнатининг меваси эканлигини қўз олдимизга келтириш учун қуидаги рақамларни айтиб ўтиш жоиз.

«Ҳамса»га кирган достонлар: «Ҳайратул аброр» («Яхшиларнинг ҳайратланиши») — 3988 байт, «Фарҳод ва Ширин» — 5782 байт; «Лайли ва Мажнун» — 3622 байт; «Сабъан сайёр» («Етти кезувчи») — 5008 байт; «Садди Искандарий» («Искандар девори») — 7215 байт. «Ҳамса» бутунилигича 26615 байдан иборат. Бу — тенгиз қомус ҳазрат Навоийнинг қуёшдек чароғон умрининг икки йилининг маҳсулидир! Ҳамсуҳбатим профессор Абдуқодир Ҳайитметов шуларини айтганида мени ҳайрат туйгулари чулгади.

— Абдуқодир ака, дастлаб «Ҳамса»чилик анъанасининг вужудга келиши, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўзлашсак...

— «Хамса» илк бор улуг Озарбайжон шоирин Низомий Ганжавий томонидан яратылган. У беш достонни ўз ичиға олган. Лекин дастлаб «Хамса» деб номланмаган. Низомийнинг ўзи ҳам беш достон яратғанман деб ҳисоблаган.

Достонлар шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Жамияттинг барча қатламларида таҳсин ва эътиборга сазовор бўлган. Чунки уларда жамият ҳаётига онд жуда муҳим ҳам фалсафий, ҳам ижтимоий, ҳам маънавий масалалар кўтарилган. Бу жиҳатдан биринчи достон «Маҳзанул асрор»— «Сирлар хазинаси» характерли бўлиб, у 20 суҳбатдан иборат. Ҳар бир суҳбатда эса ахлоқий муаммолар атрофлича таҳлил этилади.

Низомийга қадар жамиятдаги мушкул масалаларини ҳеч ким қаламга олмаган эди. Хусусан, «Хусрав ва Ширин» достони шу жиҳатдан эътиборга лойиқки, муҳаббат изтироблари, ишон маънавий ҳаётининг қарамакаршиликлари бу достонда чуқур очиб берилган.

Орадан кўп ўтмай улуг шоир «Лайли ва Мажнун» достонини яратади. Ижтимоий тенгсизлик, Лайли ва Мажнуннинг фожиавий ишқи ушбу гўзал достонининг асосини ташкил этади.

Низомийнинг қалами достончиликда жуда чархлангани, уннинг талантни жуда юксакликларга кўтарилганини кейинги икки достон «Ҳафт пайкар» ва «Искандарнома» кўрсатди. Бу достонлар шопрга жуда катта шуҳрат келтирди.

Низомий достонлари ўша даврлардаги маданий алоқалардаги монеликларга қарамай жуда тез ва кенг тарқала бошлади.

XIV асрда Ҳиндистонда Амир Хусрав Деҳлавий Низомий достонлари билан танишгач, уннинг ўзида ҳам ана шу тахлил достонлар ёзиши нияти туғилади.

Амир Хусрав Деҳлавий Низомий достонларига бирбирига боғланган асарлар сифатида қараган. Натижада адабий ҳаётда яна бир бешлик юзага келади: Деҳлавий ўз достонларини «Хамса» деб атайди. Кейинчалик котиблар Низомий достонларини ҳам «Хамса» номи билан кўчирадилар.

«Хамса»ларни Ўрта Осиёда барча ўқувчилар — ёшу қари, шоҳу гадо баробар суюб ўқиганлар. Улугбек Низомий «Хамса»сини, Ҳусайн Байқаро эса Амир Хусрав Деҳлавий достонларини ниҳоятда севиб ўқиганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Ўрта Осиёда етишиб чиққан қалам соҳиблари Низомий достонлари таржимаси билан муҳаббат ила шуғулланганлар. Ҳатто уларга жавоблар ҳам ёзишга майл кўрсатганлар. XVI асрда «Хусрав ва Ширин» достонининг таржима этилиши ўша давр маданий ҳаётидагатта воқеа бўлди. XV асрга келиб ўзбек шоири Ҳайдар Хоразмий «Маҳзан-ул асрор» достонига назира қилиб, «Гулшан-ул асрор» номи билан шеърий асар битади. XV асрга келиб шоирлар орасида Низомий ва Амир Хусрав Деҳлавий достонларига жавоб ёзиш, яни «Хамса» яратиш кенг тарқалади. Лекин Навоийга қадар ҳеч ким тўла маънода «Хамса» яратиш баҳтига муяссар бўлмайди. Чунки «Хамса» катта талант ва улкан меҳнат, кент билимни талаб этар эди!

Ўзбек шоирлари орасида Алишер Навоий, тоҷик шоирлари орасида эса Абдураҳмон Жомий бу қутлуғ ишни қойилмақом қилиб поёнига етказдилар. Тўғри, Жомий ўз достонларини «Ҳафт авранг»—«Етти тахт» деб атасада, у «Хамса» таъсерида ёзилгани шубҳасиздир.

«Хамса» яратиш билан Алишер Навоий ўз билимини, ўз истеъодинини, ўзбек тилининг бебаҳо бойликларини жаҳонга намоён қилди.

— Алишер Навоий достонлари Низомий, Хусрав Деҳлавий достонларидан фарқ қилса керак, албатта?!

— Навоий ўз «Хамса»сини яратадиганида Низомий ёки Деҳлавий достонлари мазмунини, сюжетини, ғояларини қайтариш, у тасвирлаган қаҳрамонларни қандай бўлса шундайича ўзбек тилида ҳам тасвирлаш ғоясидан йироқ бўлган. Бобокалон шоиримиз ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги эҳтиёжларидан келиб чиққан. Унинг ҳар бир достони шу давр адабиёти олдида турган муҳим гоя ва мақсадлар билан чамбарчас боғланган.

«Ҳайратул аббор» достонининг ўнинчи мақоласида подшолар ҳақида, уларнинг адолатсизликлари ҳақида фикрлар экан, шоир ўз даври подшолари ниҳоятда майшатга, ичкиликка берилгандарини, ғафлат ботқоғига ботаётгандарини дигин озорланниб гапиради. Бундай саҳна бошқа «Хамса»ларда учрамайди.

Навоий саҳоват, тўғрилик, илмнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида гапирад экан, бу масалаларни ҳам ўз даври ижтимоий ҳаёти, маданий муҳити билан боғлаб тасвирлайди. Ора-ораларда берилган ҳикоятлар ҳам Ўрта

Осиё халқлари турмуш тарзи ва тарихидан сайлаб олинган.

Шоир маълум масалалар бўйича тўлқинланиб одамларга мурожаат қилас, экан, албатта, ўз замондошларини кўзда тутади. Демак, Навоийнинг «Ҳайратул аброр» достони шоир яшаган замоннинг маънавий маҳсулидир.

Улуф шоир «Фарҳод ва Ширин» достонини ёзишга киришар экан, ўз асарига Низомий ва Амир Хусрав Деҳлавий тасвиirlаган қаҳрамонни эмас, янги қаҳрамонларни танлашга итилади. Унинг Хусрав ўрнига Шириннинг севгилиси қилиб Фарҳодни олиши, подшоҳ ўрнига, гарчи шаҳзода бўлса ҳам, меҳнат кишиси образини яратиши Шарқ адабиёти тарихида янги ҳодиса эди. Навоийга қадар ҳеч ким меҳнат ва ҳунар кишисини ўз асарининг бош қаҳрамони қилиб олмаганди.

Навоий Фарҳод ва Ширинни шу қадар меҳр-муҳаббат билан тасвиirlайдики, ўқувчи уларни ғоятда севиб қолади. Ушбу достоннинг шу даражада машҳур бўлиб кетганига сабаб ҳам шу.

«Хамса»нинг бошқа достонларини ҳам ҳазрат Алишер янги ғоялар, янги позицияларда туриб яратди. Низомий ва Деҳлавийдан фарқли ўлароқ образларнинг янгича талқининг эришди.

— Фарҳод образи Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достонида ҳам бор...

— Тўғри, бор. Лекин Низомийда у энисодик образ, холос.

Хусрав у Ширинни яхши кўрганини билиб қолиб, ўлдиртириб иборади.

Худди шундай, Шопур ҳам бор. У ҳам кичик образ. «Фарҳод ва Ширин»да эса улар йирик образлардир.

Низомий Хусравни бежиз қаҳрамон қилиб танламаган кўринади. Айтишларича, Хусрав бир қадар оқил, яхши подшолардан саналган экан. Музикани, айниқса хуш кўрган экан. Унинг замонида Борбад исмли буюк созандо ва бастакор камол тоигани бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Низомий тарихийлик рақамларидан уччалик узоққа бормасликка ҳаракат қилган бўлса керак.

Навоий фикрича эса подшолар ҳақиқий севгига қодир эмас. Улар бунга ўз дунёси билан, зари ва зўри билан эришадилар.

Амир Хусрав Деҳлавийда маълум маънода Низомийга ўхшашлик ва ҳатто, такрор бор. «Лайли ва Мажнун» достони Деҳлавийда «Мажнун ва Лайли» деб ўзгарти-

рилған. Бу билан унинг яиги фикрлари, ажойиб сатрлары йўқ демоқчи эмасман.

— Яна Навоий «Хамса»сига қайтайлик...

— «Хамса»ни яратишда Навоий кўтарган энг катта масалалардан бири Ўрта Осиёда кучли марказлашган давлат ташкил қилиш ва шу асосида мамлакатни обод, халқни фаровон кўриш эди. Навоий ўз давридаги тушунчалар доирасида юрти нодиосиз бошқаришни кўз олдига келтиролмаган. У деярли ҳамма достонларида адолатли подиоғоясни олға суради. Айни пайтда, золим иодшолар, хусусан, темурийларнинг халқ оммасига ўтказаётган зулм ва ситамларини кескин қоралайди. Сарой аъёнларининг бошбошдоқлигини, кирдикорларини очиб ташлайди. У меҳнаткаш халқ орасидан чиққан, ахлоқий баркамол, адолат ва иок муҳаббат учун курашувчи кишиилар образини маҳорат билан яратади. Бу халқ ҳаёти учун ҳам, мамлакат тараққиёти учун ҳам, маданий ривожланиш учун ҳам муҳим ғоялар эди.

— «Хамса»ни чоп этиш масалалари хусусида нималар деб оласиз?

— «Хамса» дастлаб қўлёзма ҳолида атоқли хаттолар Абдужалил, Султонали Машҳадийлар томонидан кўчирпилиб, кенг тарқалган. Хаттоларнинг жонбозликлари туфайли машҳури жаҳон бўлган.

XIX асрнинг охирларида, бу нарса тарихдан маълум, тошбосмалар пайдо бўла бошлаган. Ниҳоят, «Хамса» биринчи марта Хивада тошбосмада чоп этилди. Буни қарангки, Хива хони Муҳаммад Раҳим Соний — шоир Фируз ўз девонини эмас, Навоийнинг «Чор девон» ва «Хамса»сини дастлаб босиб чиқаришга амр берган. «Хамса» 1880 йилда Қомил Хоразмийнинг кириш сўзи билан, Муҳаммад Юсуф бинни Бердимурод сўфи Хоразмийнинг кузатувида нашр этилади. 1904, 1905 йилларда эса Тошкентда ҳам О. А. Порцев тошбосмахонасида босилади.

Совет ҳокимияти йилларида Навоийнинг ижодий месроси, хусусан, «Хамса» бир неча марта чоп этилди.

1939—1940 йилларда «Ҳайратул абзор», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнуни», «Садди Искандарий» достонлари алоҳида-алоҳида чоп этилди.

Садриддин Айнийнинг «Хамса» устидаги қимматли ишини ҳам қайд этиб ўтиш керак. У «Хамса»ни маҳорат билан қисқартириб, насрый ва илмий изоҳлар билан нашрга тайёрлади. Ушбу муҳтасар «Хамса» 1940 ва 1947 йилларда икки бор нашр этилди.

«Хамса» бир муқова остида, тўлалигича 1960 йилда чоп этилди.

— Навоийшунослик, айниқса, хамсашунослик борасида мислсиз ишлар қилинди ва қилинмоқда...

— Тўғри, лекин биз олиб борган тадқиқотлар уммондан томчи, холос.

Навоийшунослик адабиётшунослигимизнинг бир соҳасига айланиб кетди. Олимларимиз «Хамса» достонларини ўрганишга катта эътибор бериб келмоқдалар.

1930 йилларда марҳум Олим Шарафутдинов, Абдураҳмон Саъдий, Тўхтасин Жалолов каби олимларимиз «Хамса» достонлари ҳақида мақола ва тадқиқотлар эълон қилдилар, шоир ижоди ҳақида янги, жиддий фикрларни ўргага ташладилар.

Худди шу даврда бу достонларни ўрганинша Садриддин Айний, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Мақсад Шайхзода каби шоир ва адилларимиз ҳам катта тадқиқот ишлари олиб бордилар. Хусусан, Ойбек «Хамса» достонларини фалсафий нуқтай назардан таҳлил қилиб, Навоий фақат шоир эмас, балки буюк мутаффакир эканлигини очиб берди.

Улуғ Ватан уруши даврида ва ундан кейин «Хамса» текстологларимиз, файласуфларимиз ва адабиётшуносляримиз томонидан янада чуқурроқ ва атрофлича ўрганила бошланди. Навоий достонларининг илмий текстлари тайёрланди. Евгений Эдуардович Бертельс, Воҳид Зоҳидов, Ҳомил Ёқубов, Фулом Каримов, Ҳоди Зарифлар бу ишда, айниқса, жонбозлик кўрсатдилар.

1960—1970 йиллар орасидаги даврни жиддий тадқиқотлар даври дейиш мумкин. Бу даврда Порсо Шамсиев, Азиз Қаюмов, Абдурашид Абдуғофуров, Алибек Рустамов, Ботир Валихўжаев, Натан Маллаев, Содир Эркинов, Саида Нарзуллаева сингари олимларимизнинг йирик монографиялари юзага келди.

1985 йилда «Хамса» яратилганлигининг 500 йиллиги нишонланди. Шу жараёнда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли тил ва адабиёт ииститути олимлари томонидан «Алишер Навоий «Хамса»си хусусидаги тадқиқотлар тўплами босмадан чиқди. Яқиндагина эса С. Ҳасановнинг «Сабъан сайёр» ҳақидаги монографияси эълон қилинди.

«Хамса» шундай бир улкан жавоҳирот дengизики, биз ҳали ундаги дуру гавҳарларни етарлича териб ултурганимиз йўқ. Шу фикримнинг ўзиёқ Алишер Навоий

вой даҳосининг нақадар буюклигини, бекиёслигини ишботлаб турибди.

— «Хамса» қайси шаҳарларда бор?

— Бу беш хазинанинг нусхалари Тошкент, Боку, Ленинград, Истамбул, Техрон, Лондон, Париж, Қобул каби шаҳарлардаги кутубхоналарда ва қўллўзма фонdlарида мавжуд.

— 1960 йилда «Хазониул маоний»—«Маъниолар хазинаси», яна ҳам аниқроғи «Чор девон» ва «Хамса» босмадан чиқди. Минг таассуфлар бўлсинки, ўз вақтида ушбу китоблар китоб дўконларида муигайиб ётди. 1964 йилда эса уларнинг нархи арzonлаштирилиб — «Хамса» 5 сўм 30 тийин бўлгани ҳолда — 1 сўмдан сотилди. Бу фактини сиз қандай шарҳлайсиз?

— Албатта Навоийдек улуғ зотининг китоблари бу қадар қадрсизланиши дилга наштардек ботади. «Хамса»нинг шу ҳолга тушишида унинг етарли безаклари билан ороланмаганлигида деб биламан. Ахир, яқинда «Хамса»нинг қисқартирилган варианти чоп этилди. Лекин улар тезда сотилиб кетди. Сабаби, унинг ғоятда нафис, дилдор қилиб безалиши, холос. Демак, биз китоб безашни ҳам ўрганишимиз керак. Сўнгра ҳали ҳам халқимизнинг маънавий дурдона ҳисобланган «Хамса» каби асарларни ўқиш даражасига кўтарила олмаганлигида деб билмоқ керак.

— Кўпинча, Навоий асарлари тили ҳам оғир дейиншади.

— Бўлиши мумкин. Навоий беш асрдан кўпроқ аввал расм бўлган ўзбек, яъни туркий тилда ижод қилиган. Асрлар ўтиши билан тил сайқал топади, ривожланади. Бир маънони ифодалаган сўз, юз йилдан сўнг ўзга маъно касб этади. Буни Жомий, Низомий, Деклавий асарлари хусусида ҳам айтишимиз мумкин. Шунинг учун Тожикистанда Жомий асарларининг, бизда Навоий асарларининг тўрт томли изоҳли лугати чоп этилган.

— Батафсил суҳбатингиз учун миннатдорчилик билдиришга ижозат этинг, Абдуқодир ака. Шу билан бирга бир воқеани айтиб берсам.

«Хамса» ҳамда тўрт китобдаи иборат «Хазониул маоний»ни уйга олиб келганимда отам ҳайрон бўлганди:

— Бу ёстиқдек-ёстиқдек китоблар кимники?

— Навоийники?

— Қани-қани!...

Отам китобларни бирма-бир варақлаб кўрдила. Нақшли суратларига айрича муҳаббат билан тикилдилар. Навоий ҳазратларининг портретларига чуқур ҳурмат билан нигоҳ солдилар.

— Шу экан-да «Чор девон! Ҳай, кўрдим, шунинг ўзи бас, ўқишга тишим ўтмаса нима қиласай.

Кейин китобга қўлларини теккизиб, кўзларига суртдилар.

— Буларни энг тўрга қўй. Авлиё одам-а, Навоий. Пойгакда қолиб кетмасин.

«Хамса» ана шундай кутиб олиниг ан эди бизнинг хонадонда.

— У ҳар бир хонадонда шундай кутиб олиниади. Чунки «Хамса» халқимизнинг бебаҳо бойлигидир!

„Ўтган кунлар“

«Ўтган кунлар!».

Ўз авторининг номини йиллар тўғонидан эсон-омон олиб чиқиб, не-не маломатларга, тақиқидларга бардош бериб, эл қалбига сувдек сингиб, шарбатдек симирилиб яшаётган ўлмас асар. У ўзи билан ёнма-ён турган «Мехробдан чаён», «Обид кетмон» сингарни нодир романлар билан бирга Абдулла Қодирийга боқий шухрат, умри боқий ҳайкал бўлди. Совет адабиётининг забардаст вакиллари Берди Кербобоев, Мухтор Аvezовлар Абдулла Қодирий номини ҳурмат билан тилга олиб, Ўрта Осиё романчилигининг отаси сифатида улуғланганилари ҳам ана шундан.

Буюк адабининг ўғли, умрини унининг муборак номини тиклаш ва тарғиб этишга бағишилаган Ҳабибулла Қодирий¹ билан суҳбатимиз романининг ёзилган йилини аниқлашдан бошланди.

— Ҳабибулла ака, «Ўтган кунлар» илк бора 1926 йилда босилиб чиққан экан. Устоз адаб уни бир йилда ёзиб тутгатганимилар?

— Йўқ. Ӯша биринчи нашридаги отам ёзган сўзбoshининг тагига 1920 йилда деб ёзиб қўйганлар. Шундан қўйидагича тахмин қиласа бўлади: асарни ёзиш фикри 1918 йилдан бошлиланган бўлиши керак. Йўқса сўзбоши

¹ Мұхтарам Ҳабибулла Қодирий суҳбатимиздан сўнг бир мунча вақт ўтгач оламдан ўтганлар.—Муаллиф.

тагига «1920 йил» деб қўйилмасди. Мен ҳам 1918 йилда дунёга келгайман.

Роман 1924—1925 йилларда ёзилмагалигини тасдиқлайдиган яна бир гап бор. Абдулла Қодирий 1924—1925 йилларда Москвада В. Брюсов номли Давлат журналистика институтида таҳсил кўрган. Фақат охирги бобини Москвада ёзганлар.

— Роман 1925 йилда тўлиқ босилиб чиққанми?

— Дастрраб биринчи бўлими, 1926 йилда иккинчи бўлими, кейин учала бўлими нашр этилган. Биринчи бор нашри 7000 нусхада бўлган. Қейинги нашри эса 10000 нусхани ташкил этган.

— Бирон-бир журиалда эълон қилинган бўлса ҳам керак?

— Ҳа, албатта. «Инқилоб» журналида бобма-боб берилган. 1923 йилда журналнинг 9—10 сонлари битта бўлиб босилиб чиқади. Худди шу сонда роман ҳам босила бошланади.

— Роман ҳақидаги илк таассуротлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Мен «Ўтган кунлар» ёзилаётганида 4—5 ёшли бола эдим. Эрка ўғил бўлсам керак, дадамнинг ёру дўстлари йиғилганда ми ҳам даврада ўтирас эдим. Дадам янгигина ёзиб тутатилган қўллэзмани — у пайтдаги қофозларниң эни кичкина, бўйи эса узун бўларди — ўқиб берардилар. Билишимча, ошина-оғайиларнинг ҳар галги йиғинида романнинг бир боби ўқилган. Фикрлар айтилган. Дадам шу фикрлар асосида уни қайта ишлаган бўлса ҳам ажаб эмас.

Кейин, романнинг охирги бобларини ёзаётганларида йиғлагайларининг гувоҳи бўлганман. У кишидан ҳолаҳвол сўраганимизда «Кумушбиби ўлиб қолди» деб изтироб чекканлар.

Худди шундай ҳол уларнинг улфатлари билан ҳам рўй берган. Кумушнинг ўлими боби ўқилганда гаштак Пўлат оқсоқолникида, болохонада бўлган. Нон нонда, ош ошда қолган. Йиғилганлар кўз ёш билан тарқалишган. Хурсандчилик ҳеч кимнинг кўнглига сифмаган.

Шу далилнинг ўзиёқ Абдулла Қодирийнинг талаати ҳақида, романнинг юксак бадиий ёзилганлиги ҳақидаги фикрларни исботлайди.

— Устознинг иш жараёнлари ҳақида билганларни гизни ўртоқлашсангиз...

— Дадам ижодий ишини енгил меҳнат деб қарамасдилар. Сандалда ўтириб ишлаганиклари учун курсида

доимо қоғоз, учи яхшилаб чиқарилган беш-ўнта қалам тайёр туарди. Бир қаламнинг учи тўмтоқланса, иккинчиини олиб ёзиб кетаверардилар.

Кейин дадам сира ҳам ўчириб, қайта кўчирмасдилар. Мабодо бир хатбоши, қаторлар ёқмаса, боя айтганимдек камбар қоғозни қайчи билан кесиб, ёзилган текст устига елимлаб, ёзаверардилар.

— «Ўтган кунлар» жуда машҳур бўлган экан...

— Машҳур бўлган деб оғиз кўпиртириб ўтирмай, бир воқеани айтиб берай. Жўрахон ая бўлардилар, ҳозир ҳам борлар. Ўша киши ҳозирги «Зарафшон» ресторанни рўнарасидаги китоб магазинида романни олиш учун уч куни навбатда турганларини айтиб бергандилар.

Роман босилиб чиққандап кейин дадам Самарқандга боргандана, бир одам у кишига қўйидагича эътиroz билдирган экан:

— Менинг сизга бир сўзим бор, Отабекининг иккичи уйланишига Мирзакарим қутидор розилик беради. Қайси ота ўз қизининг устига куидош келишига рози бўлади?

Дадам ётиги билан нега шундайлигини тушунтириб беради.

— Романдаги образлариниг ҳаётда прототипи бўлганимкин?

— Бўлган, албатта. Бир суҳбатда дадам «Ўзбек ойим» — бу Жосият бувинг» деганлари ҳали-ҳали қулоғимда. Жосият бувим, ниҳоятда гани кескир, шаддод, оғзи ботир аёл бўлгандилар. Романдаги Ўзбек ойим ҳам худди шу хусусиятга эга. Офтоб ойим эса иккинчи бувим — Хонимбибидан кўчирма. У киши Жосият бувимнинг акси — юмшоқ табнат, штоатли аёл бўлган экан.

Кумуш эса ҳаётда бор қизининг образи. Қодир бувам ўзларининг бир жиянларини Ойкумуш деб атагандар. Ойкумуш гоятда гўзал, оқила, ширинсухан қиз бўлган. Ундаги бор хислатларни романдаги Кумушда кўраман.

Асардаги бошқа персонажлар — Юсуфбек ҳожи, Мирзакарим қутидорлариниг ҳам прототиплари бўлиши керак.

— Роман босилиб чиққач, қаттиқ танқидга учрагани ростми?

— Учраганда қандоқ. Эндиликда очиқ айтиляпти. Кўплаб танқидчилар асарни бирёқлама талқин қилиш-

гаи, Абдулла Қодирийни «миллатчи», «буржуа ёзувчи-си», «ўтмишга сажда қилянти», деб айлашган.

Дадам, ўзбек совет ёзувчиси Абдулла Қодирий, ма-на шу ҳовлидан 1937 йилда олиб кетилган. 1938 йилда эса,... буёги ҳаммага маълум... У кўролмаслик, ичиқоралик, ҳасаднинг, мансабпарамастлар фитнасининг қурбо-ни бўлди. Бу ишда кўпгина атоқли адибларнииг ҳам иштироки борлигини билиб, қаттиқ ранжидим. Ҳатто шунчалар маҳорат билан, дадамнинг юрак қони қўшиб ёзилган «Ўтган кунлар» ҳам унга вафо қилмади: асо-сан, шу роман учун у қаттиқ жазоланди. Йиллар ўти-ши билан барча айблар тухмат ва бўғтондан иборат экалиги исботланди. Ҳақ жойига қарор топди. Роман ҳали ҳам севиб ўқилянти. У бир неча марта қайта нашр этилди. Барибир, китоб дўконлари пештахтасидан уни топиб бўлмайди.

— Ҳабибулла ака, суҳбатингиз учун раҳмат. Сизга ҳамиша соғлик, саломатлик тилаймиз.

— Раҳмат. Одамларга яхши китоб умридек, умрбо-кий китоб ўқишдек баҳт ҳамиша ёр бўлсин.

Бу суҳбатимиз Ҳаббулла Қодирийдан менга ёрқин хотира бўлиб қолди.

„Бой ила хизматчи“

«Бой ила хизматчи» спектаклини Ҳамза номли те-атрда кўриб келган кунимиз эди.

— Аммо бой нақ бизнинг бир найтлар қўшнимиз бўлган Алимбойнинг ўзи-я! Е тавба, тирилиб келибди-ми деб ўйлабман-а?

— Яшшамагур, шундай гулдек жувонининг умрини хазон қилди-я! афсусландилар ойим.— Шунча хотининг бор экан, нима қиласан бир камбағалнинг оиласини бузиб!

— Ҳамма бойлар шунаقا бўлади,— билимдоилик қилдим мен ўша пайтда ёш бола...

«Бой ила хизматчи» спектаклида у саҳналаштирил-ган илк даврларда Солиҳбой ролини машҳур артист Обид Жалилов, Фоғир ролини эса Шукур Бурҳоновлар бажаришарди.

«Бой ила хизматчи» драмасининг саҳнавий вариан-ти ҳақида турли гап-сўзлар юради. Бирор уни йўқолган деса, яна бирор 1920 йилларда чиққан афишадаги маз-

мунига асосан қайта ёзилган деб ўзиникини маъқуллайди. Умуман, драма Ҳамза томонидан ёзилганми? Ана шу муаммоли масалани аниқлаштириш мақсадида филология фанлари номзоди Машҳура Султонова билан алоҳида суҳбатлашдим ва шу суҳбат асосида бу хусусда Машҳура онанинг фикрлари масалага ойнилик киритдн.

— Биз — томошибинлар актёрларнинг маҳоратига тан берамиз, лекин улар қанча изланганлар, ниҳоят пьеса автори қанчалар меҳнат қылгани ҳақида камдан-кам ўйлаб кўрамиз. Ҳожиона образини яратишда Ўзбекистон ССР халқ артисти Замира Ҳидоятова девори дармиён қўшиисининг характеристидан фойдаланганини эса ҳеч ким билмаса керак-а, Машҳура она?

— Албатта! Солиҳбойни эсласам ҳали-ҳануз қулоғим остида Обид Жалиловнинг овози жаранглаб туради. Фоғир деганимизда буюк актёrimиз Шукур Бурхоновнинг чеҳраси кўз ўнгимда намоён бўлади.

Бу образларни Обид Жалилов ёки Шукур Бурхонов ҳам, улардан кейин ҳам актёрлар ижро этишган. Лекин бой билан хизматкор образлари мужассами айнан шу актёрларда ўзлигини топди!

— Бунда Ҳамзанинг ҳам хизматлари бор!

— Бўлмасам-чи! Ҳамзанинг классик асари «Бой ила хизматчи» пьесасининг ўзбек адабиёти, ўзбек театри тараққиёти тарихида ўйнаган роли ўзининг узил-кесил баҳосини олган. Лекин асарнинг қўллэзмаси топилмаган, кейинчалик Қомил Яшин томонидан саҳна варианти яратилган. Буни у киши шундай ёзади: «Ҳамза ижодиётiga таянган ҳолда, унинг ўзи бошқа асарларида яратган образлар, характеристлар, айтган фикрлар, ифодаланган картиналар ҳисобига бойитилиб, ҳозирги мукаммал ҳолга келтирилди».

— Лекин асарнинг иккничи ва абадий умрини топиши айрим текширувчиларда шубҳа уйғотгандек кўринмоқда. «Бой ила хизматчи» асарини ҳозирги ҳолида Ҳамзага иисбат бериш тўғрими, йўқми?» деган фикрлар, аҳён-аҳёнда бўлса ҳам, мунозара-муҳокамаларда қулоққа чалинмоқда...

— Пьеса қўллэзмасининг йўқолиб кетиш сабабларни ўша даврдаги тарихий вазият, саҳна асарларига бўлган катта ҳақиқати, уларни саҳналаштириш билан боғлиқ мураккабликлар орқали изоҳлаш тўғри бўлса керак. У даврларда саҳна асарларини нашр этиш масаласига жиiddий эътибор берилмаган. Ҳамза ўз пьесала-

рини нашр эттиришга вақт ва имконият тополмаган бўлиши ҳам мумкин. Дарвоқе, муаллифлари ҳаёт бўлган бир вақтда асар текстларининг йўқолиб кетмаслиги учун фидойилик қилган кишилар ҳам бўлган. Бундай кишилар ташвиши ҳақидаги маълумотлар матбуот саҳифаларига ҳам кўчган бўлиб, унда қўллэзма ҳолида қолиб келаётган асарлар қаторида Ҳамзанинг пъесалари ҳам санаб ўтилган.

— Шу каби фактлардан бирини айтиб ўтолмайсизми?..

— «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, 4 сериялик «Фаргона фожиаси», «Лошмон фожиалари» З сериялик, «Бой ила хизматчи» ва булардан бошқа кулги ва манзаралари бордирки, ҳар бири Туркистон ва Бухоро саҳналарида ўйналиб келинади. Лекин ҳеч қайсиси бостирилмаган. Мана шунинг учун 2—3 йилдан бери ўзи Туркистондан ташқарилаганига кўра асарлари ҳам майдондан кўтарила бошлади. Нусхаси ҳеч кимда топилмайди». «Туркистон» газетасининг 1924 йил 21 июнь сонида «Ўқтам» имзоси билан босилган бу лавҳада пъесаларнинг нашр этилиши, уларнинг фақат сақланиб қолиши учунгина керак бўлмасдан, балки матбуотда эълон этилган асарларнинг кўпчилик назарига тушиб имкониятининг ортиши ҳам қайд этилади.

Муаллиф бу асарларнинг аҳамияти, уларнинг нашр этилишига арзирилк эканлигини яна шундай далиллайди. «Шу саналган ёзувчиларнинг асарларини-да замонавий турмушдан олинганлари замонасозлардирлар. Тарихий асарлар эса бугунги турмушдаги ҳақизиликларни кўрсатувчи фуқаро сининфларининг амалдор ва бойлардан кўрган зулмларини тасвирловчи ойналардир».

— Лекин, ўша суронли даврда асарни чоп эттириш билан боғлиқ ишларга деярли вақт ҳам, имкон ҳам бўлмасди, ҳисоб...

— Чиндан ҳам инқилоб арафаси ва унинг ғалабасидан сўнг мамлакатимиз олдида турган долзарб масалалар жуда кўп эди. Янги тузумининг ички ва ташқи душманларига қарши кураш қизиб кетган, Ватан тақдирни ҳал бўлаётган бир даврда замон нафаси билан сурорилган драманинг яратилиши, саҳналаштирилиши ва асарнинг «Бой ила хизматчи» деб номланиши ҳам тасодифий эмас эди. Буни Ҳамза ҳам яхши тушунган. «Бой» термини меҳнаткашларнинг ҳамма кўргуликла-

ри — муҳтоҗлик, ҳуқуқсизлик исканжасида кечәётган ҳаётиниңг айбдори рамзига айлапиб кетган эди...

— Халқ томошаларыца «Бой ила хизматчи» шаклидаги томошалар жуда күп бўлган экан.

— Жуда тўғри! Асрнинг бошларида ўзбек адабиётсида, халқ оғзаки ижодида «Бой ила хизматкор», «Бой ила узун», «Бой» номли асарлар мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари саҳна асари сифатида ҳам кенг тарқалган. Жумладан, санъатшунослар ташкил қилган қатор экспедицияларда ёзиб олинган оғзаки комедиялар орасида «Бой ила мардикор» ҳам бўлиб, бу асар 1927 йилда Юсуф қизиқ труппаси ва қўқонлик қизиқчилар репертуаридан ўрин олгани ҳам аниқланган. Халқ оғзаки ижодининг катта билимдони бўлган Ҳамза бундай асарлардан боҳабар бўлган ва унинг «Бой ила хизматчи» пьесасининг яратилишида асосий манба вазифасини ўтаган бўлиши ҳам ажаб эмас.

— «Бой ила хизматчи» шунчалар машҳур бўлгани билан наҳотки ундан бирон бир белги қолмаган?

— Миён Бузрукнинг 1935 йилда нашр этилган «Ўзбек театри тарихи учун материаллар» китобида Ҳожи Муиннинг «Бой ила хизматчи» асари ҳам тилга олинар экан, муаллиф бу асрнинг Ҳамза асаридан мутлақо фарқли эканини таъкидлаб ўтади. Шунингдек, Чўлпоннинг «Бой», Абдулла Бадрийнинг «Миркомилбой» деб номланган асарлари ҳам бўлган.

— Пьесанинг 1918 йилда яратилганини тасдиқловчи ҳужжатлар бормикин?

— Албатта! «Бой ила хизматчи»нинг 1918 йилдан бошлиб ўлка театрларида қўйилганини, мустақил тексти бўлганини исботлайдиган бир ҳужжат мавжуд.

Маълумки, вақтли матбуот Ҳамза ижодига катта эътибор билан қараган, ўз саҳифаларида унинг пьесаларини кенг тарғиб қилган. Жумладан, «Иштирокион» газетасининг 1919 йил 19 сентябрь сонида «Бой ила хизматчи» драмаси ҳақида мақола эълон қилинган. Назаримда, бу ҳужжат ҳам пьеса ҳақидаги биринчи сўз бўлмаса керак. Айтмоқчимаки, изланишларнинг кенг кўламда олиб борплиши бу асар ҳақидаги билимларни бойитишга, асар яратилиши, саҳналаштирилиши, тарихи билан боғлиқ янги-янги маълумотлар билан далилланиши мумкинлигига ишонч ҳосил қиласди.

ФИЛОЛОГИЯ ФАЙЛАРИ НОМЗОДИ СУВОН МЕЛИЕВ ЕЗУВЛАРИДАН

Бу ерда ган асл «Бой ила хизматчи» ҳақида бораяптими ёки тикланган нусха ҳақида? Ҳаммага маълумки, драманинг асл нусхаси йўқолган. Асарнинг суфлёр вариантига суюниб бундай қатъий холосага келиш қийин, албатта. Афишалар ва маромномаларда баён этилган умумий мазмун ҳамда қатнашувчи персонажларни билиш ҳам бундай йирик холосага келиш имконини бермайди, чунки афишада асарнинг асосий нуқтадари, бош сюжет чизиги баён этилади, холос. Демак, афишадаги мазмунига суюниб юқоридаги холосага келиш мумкин эмас. Шу боис драманинг тикланган нусхасини асл нусха ўрнида қабул қилдиришга уринаётганларнинг асл мақсади аён бўлади. Улар мумкин бўлмаган ишни қилмоқчи, яъни 1939 йил тикланган нусха воситасида инқилоб арафаси ўзбек адабиётида социалистик реализм етакчи методга айланган эди, деган тезисни исботламоқчи бўладилар. Ваҳоланки, тикланган нусха фақат тикланган даври маҳсули ва шу даврнинг ҳужжати сифатида тан олишини даркор.

1939 йил жуда маълум сана. Адабиёт эгалари урkalтак қилинган хонадон сингари ҳувиллаб, деярли урkalтакчиларнинг ўзлари қолган пайт. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби адабиётимизнинг йирик на moyналари гўё йўқлик қаърига чўкишган. Урkalтакчилар энди улардан ном ҳам, нишон ҳам қолмайди, асарлари абадий таъқиқда қолиб кетади, деб ишонардилар.

«Бой ила хизматчи» драмасини қайта тиклаш гояси пайдо бўлишини кўнчилик, жумладан, тикланган нусха муаллифи К. Яшин ҳам Ҳамза таваллудининг 50 йиллиги муносабати билан тузиленган юбилей комиссиясининг қарори билан боғлашади.

Маълумки, драманинг асл нусхаси йўқолган. Афишалардан ташқари асл «Бой ила хизматчи»дан икки нишона бор. Бирин Миён Бузрук Солиҳовнинг «Ўзбек театри тарихи учун материаллар» китобига кирган бир нарча (у Ҳамза Тўла асарлар тўпламининг З-томнида ҳақли равишда драманинг асосий мўътабар матни сифатида берилади), иккинчиси ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтининг қўллэзмалар фондида сақланадиган, ҳамзашуносликда кўпроқ асарнинг суфлёр варианти деб номланадиган нусхаси.

К. Яшин драмани тиклашда фойдаланган маибалар ҳақида гапиргаңда сүфлёр нусхаси ҳақида бенисандроқ муносабат билдириса-да «Бой ила хизматчи»нинг фабуласини тиклашда унинг роли анча катта бўлган. Чунки бу нусха камчилкларидан қатъи назар драмадан қолган инсбатан тўлиқ ёдгорлик бўлиб, асарни тиклашда ундан фойдаланмаслик мумкин эмас эди.

— Машҳура опа, сўнгги йилларда адабий муомалага киритилаётган ҳужжатлар тадқиқотлар эътиборга молик. Жумладан, Г. Мўминовнинг «Ҳамзанинг кам маълум асари ҳақида» мақоласи...

— Гаффор Мўминовнинг мазкур мақоласи мунозара тариқасида эълон қилинган. Тадқиқотчи З кўринишли «Ўч» (Ҳамзанинг ўзи номламаган) драматик асар ҳақида қимматли маълумотлар келтиради ва «Асар ўзининг сюжети, олға сурған гояси ва образлар системаси эътибори билан Ҳамзанинг социал қарама-қаршиликни кеңг ва кучли конфликт асосида ифодаловчи драмасига яқин туради», дейди. Ким билсин, «Ўч» пьесаси «Бой ила хизматчи»нинг вариантидир, балки.

— «Бой ила хизматчи» бадинй фильмни ҳам бор. Лекин у пьесадан фарқли ўлароқ «Фофиришинг бир социалист ила ошина бўлиши» билан тугалланади...

— Аввало, ушбу гап пьесанинг афишасида, ўша Ҳамза даврида чиққан афишасида ёзилган. Энг муҳими, ўша пайтлардаги афишаларда ҳар бир парданинг мазмуни ёзилар экан. Бу «Бой ила хизматчи» пьесасини қайта тиклашда муҳим омиллардан бири бўлганини эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Кинога келсак, бу режиссёрининг талқинига боғлиқ...

— Машҳура опа, юқорида тилга олганимиз «Ўч» пьесаси бирон бир жойда босилганми?

— Ҳозир Ҳамзанинг беш жилдли тўла асарлар тўплами чоп этиляпти. Инқиlob куйчисининг «Ўч», яна шунга ўхшаш янги топилган, ҳали эълон қилинмаган асарларидан бир қанчаси ушбу нашрнинг учинчи томидан ўрин олган.

— Демак, «Бой ила хизматчи» ҳақидаги фикрлар хусусида якуний фикрингизни билиш мумкинми?

— Комил Яшиннинг ўзи эътироф этган гапларни инобатга олмаслик (ёки унга шубҳа билан қарашга), бошқача хулосалар чиқаришга бўлган уринишларга асос йўқ деб ўйлайман. 100 йиллиги нишонланган Ҳамза Ҳакимзода Ипёзийнинг бой ижодий меросини синц-

ковлик билан жиілдій ўрганиш күн тартибіда турған муҳим масалалардан бири. Ҳамза ижоди тубсиз булоқ. Ишончим комилки, бу булоқ тубида ҳали яна күплаб ноёб гавҳарлар бор ва улар албатта ўз мухлисларига етказилади.

„Навоий“

Йиллардек учқур аргумоқ топылмаса керак. Аргумоқни тұхтатса мүмкіндір, аммо йилларнинг жиловиниң тортиши мушкул. Йилларга бас келишнинг бир йўли бор: халқ қалбіда покиза ном, асл инсон унвони билан қолниши. Шунда йиллар қаңча узоқлашгани билан кини хотира осмоннанда япада ёргугоқ чарақлаб қолаверади.

Ойбек номи тилга олининши билан белгілі юзингизга табассум югуради. Чунки у кишининг табаррук сиймоси кўз олдимизга келгандан, юрагимизга ажиб илниқлик қуюлади.

Ойбекнинг улугвөрлигини унинг чўнг бардоши, пўлат иродаси, уммон қалби билан ўлчанса тўғри бўлади.

У захматкаш адаб сифатида «Қутлуғ қон», «Навоий», «Олтин водийдан шаббадалар», «Қуёш қораймас», «Улуғ йўл» сингари романлар, юзлаб лирик шеърлар, достоиларнинг авторидир.

У матонатли инсон сифатида 1937—38 йилларда бошланган, 1948—1949 йилларда авжига чиққан шахсга сиғинини йилларнинг жабру зулмини тортди. Айрим нокасларнинг тегирмонига ҳаддан ортиқ сув қўйган ўша даврда у соғлиғидан ажралди, тилдан қолди. Уни бор бўйича қорага бўяшиди, лекин йиллар ўтиши билан қора бўёқлар ювилиб, Ойбекнинг олтии жамоли намоён бўлиб қолаверди.

У пўлат ирова соҳиби эканлигини эл-юртга намойни қилди: йигирма йил мобайнида юраги унинг тили, иродаси — қўли бўлди. Унинг оғзидан чиққан дуру гавҳарлар садоқатли умр йўлдоши Зарифа Сайдносир қизининг қўли билан хатга битилди.

Мавлоно Ойбекнинг даҳо қалами билан битилган «Навоий» романи йиллар ўтса ҳам ғубор қўймайдиган шоҳ асардир.

«Романин уруш йиллари, қиши фаслида, совуқ хонада жинчироқнинг титроқ шуъласида ёзганман. Бу ишга шу қадар ғарқ бўлган эдимки, романнинг иш плани қо-

ғозда йўқ эди. У менинг кўнглимда, ёдимда эди, бутун борлигимни банд этган эди. Юрсам ҳам, турсам ҳам Навоийни ўйлар эдим».

Уруш йилларида...

Бир оғиз сўз, айтишга жуда осон. Аммо қандай бўлган эди ўша йиллар!

Эслашининг, ўша йилларга шоҳид бўлганларниң ҳиқоясини тииглашининг ўзи кишининг вужудини жуижиктиради.

Мана, кўз ўнгимга келмоқда. Тор хона. Жинчироқ липиллайди. Адабининг борлиги қогозларга битилган сўзларда. Ногоҳ у рафиқасини чорлайди.

— Зарифабону...

Сандал атрофида тўрт боласини багрига олиб мудроқ аралаш ётган Зарифа она сакраб турди.

— Лаббай...

— Қорним оч, овқатинг борми?

Зарифа она ошхонага ошиқди. Ҳаммаёқини ағдартўнтар қилди: егулик ҳеч нарса йўқ. На илож, оғир найтлар. Биргина бу хонадон эмас, ҳамма ярим оч.

Зарифа она кўзларни уқалаб қуюлиб келган ёшини артиб, хумин қиришилади. Хайрнат, бир қошиқ ёғ бор экан. Супрани қоқиб-сукиб бир ҳовуч кепак билан бугдой тоиди. Икковини ёққа қориштириб таом тайёрлади. Нима деб ном қўйинши билмади. Товоққа солиб Ойбекнинг олдига қўйди. Ойбек бир-икки қошиқ тотиниб, товоқни нари сурди.

— Зарифа, болаларга олиб қўй.

Шундай деб яна ижод билан машгул бўлди. Зарифа она товоқни олиб чиқаётганида Ойбек ёзаётган сатрларга кўз юргутирди. Адаб Навоий хонадонидаги зиёфат маизарасини тасвиirlарди. Дастурхондаги ноз-неъматларни илҳом билан таърифлар эди. Зарифа она кўзларига қуюлиб келаётган ёшларни сездирмаслик учун ошиғич хонадан чиқиб кетди...

Машҳур адаб Абдулла Қаҳҳорнинг қўйидаги сўзларини ҳеч қачон унутмайман: «Шуни яхши билиб олингларки, Ойбек ҳам «Қутлуг қон», «Навоий» романларини ёғлиқ налов, ёғлиқ патир еб туриб ёзган эмас».

...Кўз ўнгимда очликдан қўйналган Ойбекнинг запиф жисми, 500 йилнинг у томонида кезиб юрган илҳом қуши намоён бўлди. У Ойбекми ёки Навоий? Ҳазрат Навоийнинг тасвирига бир чизги излаб йиллар довонини енгиш фақат Ойбекка насиб этди. Ойбек тарихчилар ёз-

ган китоблардан, ўлмас ғазаллардан, «Хамса» саҳифаларидан излади буюк шоир сиймосини.

Ойбек уй-музейининг директори Ўткир Ермуҳамедов бир сұхбатимизда айтганидек, адеб асарларининг құл-әзмалари ўн минг түрт юз саҳифаны ташкил этади. Булар ичида эңг ноёби «Навоий» романининг құләзмалари дидир. Романнинг биринчи вариантига онд құләзмалар таҳминан 1937—1939 йилларда ёзилған. Ойбек дастлаб романни Навоийнинг Самарқандда кечирған талабалик йилларидан бошламоқчы эди. Қейинчалик бу фикридан қайтган бўлса керак. Ўи саҳифа ҳажмидағи ушбу құләзмадаги воқеалар романнинг кейинги вариантига ҳам киритилмаган.

Романнинг асосий вариантты құләзмалари 369 саҳифадан иборат. Құләзманинг биринчи саҳифасида «1940 йил 9 январда қайтадан бошланды» деган битик бор. Демак, романни Ойбек Кафанов күчасидаги уйда ёза бошлаган.

«Навоий» романини ёзгунча Ойбек Алишер Навоийга бағишилаб шеърлар, достонлар ёзды. Айниқса «Алишер-ининг ёшлиги» қиссаси, «Навоий», «Гули ва Навоий» достонларини алоҳида қайд этиши лозим. «Навоий» романн улкан қоя бўлса, юқоридаги асарлар унинг чизгилари, яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсан, унинг пилла-пояларидир.

«Навоий» романни 1944 йили алоҳида китоб бўлиб босилиши билан яшин тезлигиде машҳур бўлиб кетди. Бир йил ўтар-ўтмас рус тилида, яна оз фурсат ўтгач, қайтадан ўзбек тилида, латиш, литва, эстон, қозоқ, украин, уйғур, туркман тилларida бирин-кетин чоп этилди. 40-йилларнинг охирида чех ва француз ўқувчилари хузурига кириб борди. Қейинроқ венгер ҳамда араб тилларida нашр этилди. Кейинги йилларда «Навоий» романни Афғонистонда, Германия Федератив Республикасида, бошқа бир қатор мамлакатларда ҳам чоп этилди. Деярли дунёнинг барча бурчакларидан мактублар келади. Мана уларнинг бири: ўқувчи ўзида қаттиқ таас-сурот қолдирған асар муаллифига мактуб юборади.

«Ҳурматли ва азиз ўртоқ Ойбек!

Мана, кўн йил бўлдикни, ўқиган асарларимдан (важоланки, кўп ўқийман) сизнинг асарингиздан олганчалик ҳақиқий ҳузур, катта бир қониқиши ва сокин ёлғизлик баҳтини туймаган эдим.

«Навоий»ни Навоийга ўхшамай туриб, Навоийдек бўлмай туриб ёзиш мумкин эмас. «Навоий»— менинг ҳаёт китобимдаги бир саҳифа. Бахтга қарши, балки аксинчадир, «Навоий»ни эндиғина ўқидим.

Мен хастаман ва хасталигимдан мингдан-минг розиманки, Ойбекнинг «Навоий»сини ўқидим. «Тўғонбеклар» билан курашиш менга оғир бўляпти.

Сизга кўпдан-кўп мустаҳкам соғлиқ тилайман.
Раҳмат, дўстм.

Л. О. Мегаворян».

Сталин ўлимидан сўнг оқланиб қайтган ўзбек йигити 1966 йилда Ойбекка бир китоб совға қиласди. Китоб Ойбекнинг «Навоий» романи бўлиб, у 1944 йилда нашр этилган ва шимол томонларда яшаб турган кўплаб ўзбек ўғлонлари томонидан қайта-қайта ўқилган экан. У киши ўзи ҳақида, бу китобни ёш собиқ маҳбуслар қандай эҳтиёт қилиб, севиб ўқишганларини ёзади:

«...Ёш, ғариб, хўрланган, айниқса ҳаёт ҳақидаги маълумоти жуда саёз бўлган йигитлар 25 йил ўтиришларини эсласалар, ҳамма нарсадан, шу жумладан азиз жоидан ҳам воз кечишга рози бўлар эдилар. Худди шу вақтда улар Навоийдан мадад олишар, яна яшашга кўнікар, яна сабр қилишар, яна чидашар эди. Бинобарин, Ойбекнинг китоби кўп қора кўзларни ўлимдан олиб қолди... Минг раҳмат, сизга устоз Ойбек, минг раҳмат!»

Энг қизиги, бу киши романни бошдан-оёқ ёд олган ҳамда ўз хотираларини ёзиб қолдиргаи. Афсуски, бу киши ҳақида етарли маълумот йўқ. У киншининг номи, турар жойи ҳақида ҳеч нарса билмаймиз. Қаламда ёзилган тўрт варақ, орқа-олди тўла.

«...3630 кун мобайнида сабр-матонат билан, баъзан қўлга тушганда ялниб-ёлвориб, бирор яхши нарса бериб сақлаб келишди. Оч қолдик, калтак едик, хўрландик, сўкиш эшидик, назоратчilarга, бошлиқларга ялиндик, тиз чўқдик. «Навоий»ни ўқиган ўртоғимизни сақладик, сотмадик, мағрур бардош бердик. Чунки Навоий биз билан...»

«Навоий» ўн мартаға яқин нашр этилди. Лекин ҳали ҳануз уни китоб магазинларидан, кутубхоналардан тошиш мушкул! Ойбекнинг даҳо қалами билан битилган асарнинг тақдирин ана шундай қултуғ бўлди.

Тириклар ҳақида ёзиш қийин.

Узи жисман ийүк бўлса ҳам, руҳан барҳаётлар ҳақида ёзиш эса ундан ҳам қийин.

Ойбек домла ҳақида, унинг иисонийлиги, кенглиги, адабий маҳорати ҳақида кўплаб ёзилди. Яна ёзилажак.

Ойбек домла ҳақида қачонки ўйласам буюк қоялари булатуга қадалган алп бир тоғ хаёлимда гавдаланади. У шундай тоғки, биронта тоши ҳам пастга юмаламайди. У шундай тоғки, кун сайнин нураш ўрнига ўсаверади. Буни Ойбек домласиз ўтган йигирма йил ҳам тасдиқлаб турибди.

Қачонки Ойбек домлани ўйласам, ҳаёлимда бир шеър уйғонаверади. Буюк адабнинг сиймоси тафаккурим қатларини нурафшон этиб юборади. Мен эсам шивирлаб такрорлайвераман:

Она замин бағрида алвон
Лолалардан доғлари бордир.
Лек суюнчиқ бўлгудек полвон
Қадди баланд тоғлари бордир.
Ўша тоғлар силсиласида
Бир тоғ борки, забонсиз, ўқтам.
Давронларнинг зилзиласидан
Чидам ила безавол ўтган.
Не чақмоқлар бошидан ўтди,
Не қисматлар емиролмади,
Не чўлларга у ҳаёт тутди,
Узи қатра симиrolмади.
У шуничалар эрур сарбаланд,
Тегралари чаманзор, боғли.
Қўролди беш асрлик йўлдан
Навоийдек буюк бир тоғни.
Парчаланиб фаслма-фасл,
Нураб борар тоғларнинг бари.
Ул тоғ эса ўсар муттасил
Юксалади вақт ўтган сари!

„Судхўрнинг ўлими“

Кўп миллатли совет адабиётининг улкан вакили, тожик совет адабиётининг асосчиси, ўзбек совет адабиётининг ривожига Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлионлар қатори беназир ҳисса қўшган машҳур ёзувчи ва олим Садриддин Айний умрбоқий асарлари билан ўзига хос адабий мактаб яратган адидбидир.

Айний 76 йиллик умрининг олтмиш йилини бадиий ижодга бағишлади. Унинг ҳассос қаламига мансуб «Бу-

хоро жаллодлари», «Одиша», «Дохунда», «Қуллар», «Етим», «Эски мактаб», «Эсадаликлар» сингари ажойиб асарларни ўзбек ва тожик китобхонлари муҳаббат билан ўқийдилар.

Зуллисонайн адабининг ўттизинчи йилларнинг иккичи ярмида яратган ўткир психологик-сатирик қиссаси «Судхўрнинг ўлими» айниқса катта шуҳрат қозонди. Бу қисса ўнлаб марта қайта нашр этилди. Унинг асосида спектакль ва фильмлар яратилди.

Садриддин Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими» қиссаси ҳақида ким батафсил биларкин деб бош қотириб юрган кезларимда олижаноб бир киши хонага кириб келди.

— Мажид Ҳасанов,— ўзини таништириди у.— Айний ҳақида маълумот керак экан,— деди у. Жуда қувониб кетдим. Мақсадимни айтдим. Мажид ака билан сұхбатимиз жуда қизиб кетди.

— Сиз Садриддин Айний ижодининг тадқиқотчиси сифатида күп ишлар қилган экансиз. «Судхўрнинг ўлими» қиссасини ҳам атрофлича ўрганиб чиққансиз, албатта. Қисса дастлаб ҳикоя тарзида ёзилгани ростми?

— Ҳар бир адабининг номини элга танитган, унинг шуҳратини таратган бир ёки икки бақувват, баркамол асар бўлади. Садриддин Айнийни ҳам машҳур қилган «Судхўрнинг ўлими» ва «Эсадаликлар» сингари ўлмас асарлари бўлди. «Судхўрнинг ўлими» қиссасининг ilk варианти ҳикоя бўлгани рост. У йигирманчи йилларининг бошида яратилган.

Уша пайтлари Самарқандла чоп этиладиган «Меҳнаткашлар товуши» номли газетанинг 1921 йил 6 январь сонида Садриддин Айнийнинг «Бир эшоннинг оқибати» номли ҳажвий ҳикояси эълон этилади. Қейинроқ бу ҳикоя тожик тилида «Шуълаи инқилоб» журналида ҳам босилиб чиқади.

Бу ҳикоя, агар таъбир жоиз бўлса, машҳур «Судхўрнинг ўлими» новестининг ilk қораламаси эди. Мазкур ҳикояда Ҳалим эшон халқ мулкига хиёнат қиласи. Меҳнаткаш халқдан йигилган пул ва векселларни талаб этишганда Ҳалим эшон молу ашёлар ва векселлар рӯйхатини нонга қўшиб еб юборади. Очқуз, зиқида, эшон оғриғига чидай олмай, ўз қорнига ўзи пичоқ уриб, ҳалок бўлади.

Садриддин Айний ҳикояда зикр этган Ҳалим эшон «Судхўрнинг ўлими» қиссасидаги Қори Исмат — Қори Ишкамба образига илк чизгилар эди десак тўғри бўлади.

— Устоз Айний бошқа ҳажвий асарлар ҳам ёзганими?

— Албатта, «Судхўрнинг ўлими»дек классик асар кўп тайёргарликни талаб этиши табний. Ёзувчи 20-йилларда ўзбек тилида нашр этиладиган «Таёқ», «Муштум» ва «Машраб» ҳажвий журналлари саҳифаларида кўйилаб фельетонлар, ҳажвий ҳикоя ҳамда очерклар билан қатнашди. Маълум даражада сатирик асар ёзиш тажрибасига эга бўлган Садриддин Айний 1939 йилда «Судхўрнинг ўлими» қиссасини тожик тилида ёзади. Мазкур асарнинг ўзбекча варианти Улуғ Ватан уруши даврида ёзилган бўлса ҳам, қисса фақат 1946 йилда нашр этилади.

— Қиссадаги воқеалар ҳаётдан олинган бўлса кесрак?

— «Судхўрининг ўлими» қиссасидаги воқеалар ҳаётий ҳақиқат бўлиб, унда 1895—1917 йилларда Бухоро амирлиги даврида юз берган тарихий ўзгаришлар қаламга олинган. Ёзувчи асардаги молу дунёга ўч, хасис ва пасткаш Қори Ислом — Қори Ишкамба образи орқали феодализм замонида хусусий мулкчиликка, пул, бойлик йигишга ҳирс қўйган очкўз ва палид судхўрлар образини моҳирона чизиб беради. Ёшлигидан ёнгоқ ўйнаб чўтал олиш, одамлардан ижара ҳақи йигиш, ўндан тўққизини уришга одатланиб қолган Қори Ишкамба бора-бора мўмай фойда олувчи судхўрга айланади. Қори Ишкамба ўз гумашталари Арбоб Рўзи, Арбоб Ҳамид, Ҳамро Рафиқ, Муҳсин, Тўрамурод, Қози Калон ва унинг ноиблари билан тил биринчириб, камбағалларга пул қарз беради ва улардан процент ҳисобида катта фойда олади. Қисқаси, Садриддин Айний «Судхўрнинг ўлими» сатирик повестида инқилобдан аввалги Бухородаги оғир аҳволни реалистик тасвирлаб беради.

— «Судхўрнинг ўлими» асари Иттифоқимизда ва чет элларда машҳур бўлганини қандай изоҳлайсиз?

— Гап шундаки, жаҳон адабиётида Бальзак Гобсеги билан, Гоголь Плюшкини, Салтиков-Шчедрин эса ўзининг Иудушкаси билан қизғанчик, мумсик одамлар образини яратдилар. Айнийнинг Қори Ишкамбаси ҳам зиқналик, хасислик, очкўз ва судхўрлик бобида улар яратган қаҳрамонлардан ўтса ўтадики, аммо қолишмайди. Бу ватандошимиз адабнинг буюк талантини яна бир бор тасдиқлайди. Адабнинг қиссаси Иттифоқимиз халқлари ва 20 дан ортиқ хорижий мамлакат халқлари тилларига таржима қилинган.

— «Судхўрнинг ўлими» повести Фарб мамлакатлари-нинг қай бирида кенгроқ шуҳрат қозонган?

— Айниқса, Францияда «Судхўрнинг ўлими» повестига қизиқиш катта бўлди. Шу кунга қадар бу асар Француз тилига бир неча марта қайта таржима қилиниб, оммавий равишда нашр эттирилди. Францияда чиқадиган «Овропа» журнали танқидчиси Поль Гранжон, «Эколь ё ля Насион» журнали танқидчиси Пьер Гамарра ва бошқа француз мунаққидлари ўз чиқишлирида Садриддин Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими» асарининг ғоявий-бадиий қимматини юқори баҳолайдилар. Машҳур француз адаби Луи Арагон Садриддин Айний билан шахсан таниш бўлган, Арагон Айний билан Москва-да 1949 йил тожик адабиёти ва санъати декадаси кунлари учрашиб, у билан суҳбат қурган. Кейинроқ «Судхўрнинг ўлими» повестига сўз боши ёзган эди. «Садриддин Айний ўзининг машҳур «Судхўрнинг ўлими» асари билан жаҳон классик адабиётининг бадиий сўз усталари Шекспир, Бальзак, Жек Лондон, Горькийлар қаторида тура олади» деган сўзлар ҳам Арагонга мансуб.

— «Судхўрнинг ўлими» ҳақида Социалистик Мечнат Қаҳрамони Чингиз Айтматов ҳам қизғин фикр билдирган эди...

— Чингиз Айтматов «Литературная газета»нинг 1968 йил 4 сентябрь сонида эълон қилинган «Икки санъаткор» номли ажойиб мақоласида қозоқ адаби Мухтор Аvezовининг «Абай» эпопеяси ва Садриддин Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими» новестининг ғоявий-бадиий хусусиятини юксак баҳолайди. «Айнийнинг ажойиб асарлари — катта ва кичик асарлари кўп,— деб ёзди машҳур адаб,— мен китобхонларни унинг ғоят ажойиб сатирик повести «Судхўрнинг ўлими» билан танишиб чиқишига қизғин даъват этмоқчиман. Унда бениҳоя кучли ижтимоий заряд бор. Унда сатирикнинг Бухоро Гобекини жуда яхши тасаввур этиш имконини берадиган улкан, буюк маҳоратини кўрамиз».

— Ўрни келгандага сўрай, зуллисонайн адаб Садриддин Айнийнинг кўп томлик нашри ҳақида ҳам ганириб берсангиз?

— Ўтган 1987 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Пушкин номли Тил ва адабиёти институтининг илтимосига кўра, устоз Садриддин Айнийнинг ўзбек тилида ёзган асарларининг 20 томлик мукаммал асарлари проспектини тузиб берган эдим.

Ҳозирда Тожикистон ССР Фанлар академияси Рудакий номли тил ва адабиёт институтининг айнишунос олимлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти икки халқ ёзувчисининг 30 томлик мукаммал асарлар тўпламини (15 томи ўзбек тилида, 15 томи эса тожик тилида) нашр этиш ҳақида келишиб олинди.

— Устод санъаткорнинг 30 томлик академик нашрини чои этишга тайёрлаш анча меҳнат талаб қиласиган мураккаб жараён. Бу ишни амалга оширишда Тожикистонлик ва Ўзбекистонлик олимлардан кимлар қатнашади?

— Ҳар икки республиканинг адабиётшунос ва айнишунос олимлари кенг жалб этилади. Жумладан, тожикистонлик айнишунос олимлардан И. С. Брагинский, Муҳаммаджон Шукуров, Раҳим Ҳошим, Атохон Сайфуллаев, Абдуқодир Маниёзов ва бошқалар актив иштирок этадилар. Ўттиз томдан иборат бу улкан маънавий хазина икки қардош халқ дўстлигидан яна бир нишона бўлади.

„Жалолиддин Мангуберди“

Шайхзода драматургияси...

Шу сўзлар тилга олиниши билан икки тарихий иом, ўзбек халқи тарихидаги икки юлдуз кўз олдимиизда намоён бўлади: Жалолиддин Мангуберди ва Мирзо Улуғбек. Иккала тарихий шахс Шайхзода домланинг муборак қалами билан абадият топди.

Мирзо Улуғбекни Шекспирнинг тенгсиз «Отелло»си билан бир қаторга қўядилар. Мён бунга сираям ажабланмайман. «Жалолиддин Мангуберди»ни эса, адабиётчи устозларим маъзур тутсиilar, «Гамлет» билан тенглаштираман. Иккала қаҳрамоннинг ҳам қисматида маълум даражада ўхшашликлар, уйғунликлар бор.

Шайхзода драматургияси деганда манаман деган фожианависларнинг қалами бунёд этган беадад зўр шоҳ асарлар — алп тоғларга ҳусн бўла оладиган бир жуфт азamat қояни тасаввур қиласман. Зоро бу қоялар бўлмагандга эди, тоғлар ғариб бўлиб қолган бўлур эди.

Шайхзода ижодини бепоён дала десак икки фожиа унинг бағрида бўй чўзган бир жуфт чинордир. Чинорнинг эса, ўзингиз биласиз, умри ҳамма замонларда ҳавас қилгулик.

Мақсуд Шайхзода ижодий меросини ўрганиш комиссиясининг масъул котиби филология фанлари номзоди Мұҳсин Зокиров менинг фикрларимни қызғин құллаб-құвватлади.

— Мұҳсин Зокирович, сиз деярли 1948 йылдан бевосита Мақсуд Шайхзоданинг ижодий меросини ўрганиб келасиз. Устознинг мукаммал асарлар түплами чоп этилади деган яхши хабарлар бор, күнглимиzinи қувонтиряпти...

— Ҳа, домланинг ижодий меросини 10—12 томга мүлжалладик. Бу қутлуғ тадбир «Фан» национальның, Ҳамид Сулаймөн номидаги құллаб-қызыл орталық институтты билан биргаликта тайёрланмоқда. Ҳозир иккі жылды тайёр. Улар ҳассос адебий мәдениеттегі шеърлари, достонлари, балладалариниң үз ичига олади. Учинчи жылд эса Шайхзода драматургиясидан иборат бўлади. Унга «Жалолиддин Мангуберди» драмаси, унинг музикали драма варианти, «Мирзо Улугбек» фожиаси ҳамда «Улугбек юлдузи» бадиий фильмни сценарийси киритилади.

— «Жалолиддин» драмаси Улугбек Ватаи уруши йилларида ёзилганлигини қандай изоҳлайсиз?

— Улугбек Ватаи урушининг энг қызын йиллари эди. Мамлакатда аҳвол танг. Ҳалқимизни фашизмга қарши курашга отлантиришда әл-юрт учун чет әл босқинчила-рига қарши курашган улугбек аждодларимиз руҳини ҳам мададга чорлаш масаласи күтарили. Шу йилларда Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» драмаси яратилди. Домла Шайхзодада ҳам қаҳрамон аждодларимиз ҳаққида асар ёзиш фикри туғилди ва у Жалолиддин шахсиятига келиб тұхтади.

1943 йил жамағаттың манбаларни ўрганишга бағищланди. 1944 йилнинг аввалидан бошлаб Шайх ака бевосита асар устида иш бошлади.

Ажайиб инсои, марҳум Үсмон Юсупов: «Бошқа ишлар билан хаёлингиз банд бүлмасин, асар тезроқ битсин», — деб Шайхзодани Водил районидаги Сталин номли колхозга олти ойлик ижодий сафарга юбордилар. Адебийнинг рафиқаси Сокина хоним ҳам бирга кетдилар.

Май ойларыда бўлса керак, домладан хабарнома олдим. У «Фалон-фalon» китобларии олиб, бирров келиб кетингиз» деган мазмунда эди. Мен хоразмийлар тарихига онд «Тарихи Ануштекини» сарой тарихчиси Шаҳобиддин Мұҳаммад ан-Насавийнинг «Сирот ассултон

Жалолиддин Менгбурни» китобларини олиб, Водилга йўл олдим. Уч-тўрт кун домла ҳузурларида бўлдим. Шу орада Марғилонга бориб, энг кекса одамларни то-пиб (улар Худоёрхон қўшинида хизмат қилган одамлар экан) айrim қурол-яроғларнинг номларии аниқлаб келдим. Сўнгра домла билан уч-тўрт кун Хўжандда бўлдик. Сирдарё бўйидаги қадимий Хўжанд қалъасининг мудофаа қўргонига бориб, унинг қурилишини, сақланиб қолган истеҳкомларини синчиклаб кўрдилар. Яхшики ҳарбий қўргоннинг ўша, эски дарё бўйидаги истеҳкомларидан, минораларидан айримлари сақланиб қолган экан. Домла у ерда жуда кўплаб одамлар билан учрашди, суҳбатлашди. Жалолиддин ва Темур Маликнинг ҳарбий фаолияти билан боғлиқ бўлган маскаиларни ўз кўзлари билан кўрдилар. Шундан кейин у киши Водилга, мен Тошкентга қайтдик.

Уша йили июнь ойининг ўрталарида домла яна ҳабарнома билан чақиритирдилар. Етиб бордим.

— Хўш, мулла Муҳсин, шаҳарда нима гаплар? Илмий ишлар қалай? Биздан сўрасангиз, майа ҳазрат Жалолиддин ҳақидаги асар ҳам ниҳояланди,— дедилар. Кейин:— Иш ҳақида гаплашмайлик ҳозирча, чарчадим. Колхоз раиси машина берди. Шоҳимардон тоғларига бориб, бир саёҳат қиласиз,— деб қўшиб қўйдилар.

Шоҳимардонга саёҳат қилдик. Қарангки, Шоҳимардонда бу ойларда куи анча салқин бўлар экан. Домла юпун кийинган эдилар, шамоллаб қолдилар. Дарҳол орқага қайтдик. Кейин, «Жалолиддин»ни икки кун давомида ўқидилар. Йўл-йўлакай яна тузатиш, яна қўшимчалар киритдилар. Баъзи ерларини ўчириб ташладилар. Ана шу ижодий жараёи, тўғрироғи, домланинг ижодий корхона сирларининг рамзи бўлмиш «Жалолиддин» драмасининг Ҳамид Сулаймон номли қўллэзмалар институтида сақланаётган асл нусхасида шундайлигича турибди.

Драмага қандай ном бериш масаласи қўзғалиб, домла дедилар:

— Ан-Насавий «Менгбурни»— бурнида холи бор, холдор дебди, мен эса унинг ҳалқимизнинг қаҳрамонона кураши тарихида абадий қолишини умид қилиб «Жалолиддин Маигу берди» деб ном қўйдим. Менимча, томошибинларга маъқул бўлса керак.

— Домланинг ушбу башорати тўғри чиққан бўлса керак?

— Чиққанда қандоқ! Домланинг ижодий башорат-

лари жуда тез оқланди. «Жалолиддин Мангуберди» 1945 йил январь ойида Ҳамза театри саҳнасида қўйилди. Бир ой давомида спектакль саҳнадан тушмади!

— Агар ёдингизда қолган бўлса, ролларни кимлар ижро этган эди?

— Шукур Бурхонов — Жалолиддин, Аброр Ҳидоятов — Темур Малик, Сора Эшонтўраева — Султонбеким образларини яратишганди.

Яна бир нарсани аниқ эслайман. Домланинг одатлари, асарни ёзиб тугатга ҳеч қачон бамайлихотир қолмасдилар. Айниқса, биринчи драматик асарлари бўлган «Жалолиддин Мангуберди»ни саҳналаштириш жараёнида бош ролни ижро этган актёрлар билан ҳам ва энг кичик ролни ўйнаган актёрлар билан ҳам эринмасдан ишлардилар. Ҳатто шунаقا пайтлар бўлардики, режиссёр билан бир қаторда айрим сўзларнинг талафузини кузатиб ва тузатиб борардилар.

— Драмада тарихий шахслардан яна кимларнинг образлари бор? Бу барчани баробар қизиқтиради...

— Улар апчагина: Султон Муҳаммад Қутбиддин Хоразмшоҳ, Жалолиддин, унинг синглиси Султонбеким, саркарда Темур Малик, Амир Бадриддин, Чингизхон, Хутуху Нуён. Бадний асар тарихий фактлар асосида бўлса ҳам тўқима образлар қатнашади, албатта.

Юқоридаги сўзларимни давом этирадиган бўлсан пьеса жамоатчилик томонидан жуда яхши кутиб олинди. Даврий матбуотда ижобий тақризлар босилди.

«ЖАЛОЛИДДИН» ДРАМАСИ ҲАҚИДА» МАҚОЛАСИДАН («Қизил Узбекистон», 1945 йил 18 февраль)

...Яқинда Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрида шоир Шайхзоданинг «Жалолиддин» драмасини томоша қилдик. Кўзларимиз қаршисида узоқ мозий жонланди. Бутун ўлкани даҳшатли ва машъум зилзила каби титратган ваҳшийлар истилоси ҳамда ватан ўғилларининг эрк, мустақиллик, номус ва шараб учун бошлаган фидокорона кураши ёрқин, маънодор, драматизм билан тўла ҳаяжонли картиналарда гавдаланади. Шоир Шайхзода ўз драмасида қаҳрамонлик таронасини куйлади. Бу қаҳрамонликнинг жонли руҳи — Жалолиддин. У саҳнада илк кўриниши ва илк сўзлари билан динқатни боғлайди, юракларда меҳр учқунларини чақади ва бундан кейинги воқеалар гирдо-бида хоразмлик бу йигит ўз сиймосининг маънавий гўззалиги билан томошабинни мафтуни этади.

...«Жалолиддин» драмаси композицияси пишиқ, драматик чекинишлиарга бой бир асардир. Воқеалар жонли ва шиддатли давом этади. Интрига кучли ва ўткир, оригинал.

Драма фикр ва ҳикматга бой, баланд руҳли, бақувват шеър билан ёзилган. «Жалолиддин» талантли шонринг илк драматик асари. Шунинг учун, табиий, ҳамма картиналар, эпизодлар бир текис кучга, бадиий чуқурликка эга дейиш қийин. Лекин шуниси муҳаққақки, «Жалолиддин» ўсаётган ўзбек драматургиясида, шубҳасиз, катта ҳодисадир. Ўзининг фикрий ва бадиий тўлақонлиги, юксаклиги жиҳатидан — «Жалолиддин» бизнинг драматургиямизда юқориғояни ишғол этади. «Жалолиддин» давримизга гоят ҳамоҳанг, улуғ Ватан уруши йилларида совет халқларининг қаҳрамонлиги мислсиз гуллаган даврда аждодларнинг шонли ишлари юракларни ифтихор билаи тўлдиради. Томирларда яловбардорлик туйғуларини мавжлантиради, қонли чирик фашизмни яксон қилиш учун муаззам курашимизда янги зафарларнинг шонли чўққисига илҳомлантиради, Жалолиддин халқ қаҳрамонлигининг ўлмаслигига уининг зафарига чуқур ишонч билан «У кунга салом!» деяркан саҳнадан кетади. Хоразм баҳодирларининг саломини зафарнинг улуғ кунига биз элтаётимиз.

Кўпдан буён узуи умрли, фикрий ва бадиий салмоқдор саҳна асарларини орзу қиласр эдик. «Жалолиддин» бу орзуимизга жавоб беришга қодир. Шоир Шайхзодани, Ҳамза номидаги ўзбек Давлат Академик драма театрини бу гўзал асар билан қутлаймиз.

Ойбек,Faфур Fулом.

— «Жалолиддин» шеърий ёзилган экан...

— Бир мен эмас, кўп кишилар домладан сўрадик: «Драмани на сабабдан назмда битдигиз?» У киши; «Тўғри, назмнинг имкони жуда чекланган. Аммо унинг эстетик таъсири, одамлар кўксисда ҳис-туйғулар уйғотиши менинг учун алоҳида туюлади. Яна шу нарса ҳақки, драмани насрда ёзишдан кўра назмда ёзиш оғирроқ. Лекин шоирда ижодий мойиллик деган гап ҳам борку?! Мен бошқача ишломас эдим. Агар насиб қиласа яиги ўйлаган драмаларимни ҳам назмда ёзиш ниятим бор», дедилар.

— Домла драманинг мусиқавий вариантини ҳам ёзган эканлар?!..

— Шу йили, яъни 1944 йил декабрида «Жалолиддин»нинг мусиқавий нусхасини ҳам шайхона ёзиб та-момладилар. У «Муқимий театри учун маҳсус» деб дом-ланинг қўллари билан муқовасига ёзиб қўйилган.

Надоматлар бўлсинки, 1947 йилга бориб қатағон йилларишинг шабадалари яна қўзғолиб, домланинг ижодига, айниқса, «Жалолиддин»га шиддатли ҳужумлар бошланди. Шу тариқа 1952 йилда домла ҳибсга олингандан кейин, у кишининг архивларини ҳам олиб кетдилар. Устоз 1954 йил июнь ойида озодликка чиқдилар. Кўн нарсалар, китоблар у ерда ўқолган ва домла то вафотларига қадар «Жалолиддин»нинг на у, на бу нусхасини тополдилар. Афсус ва армон билан ҳаётдан кўз юмдилар.

Домла вафотларидан сўнг орадан бирқанча вақт ўтгач бир киши келиб: (исмини ҳам айтмади) «Жалолиддин Мангуберди»нинг бир нусхаси бир кишида бор, минг сўмга сотмоқчи» деди. Мен: «Дарҳол олиб келинг, асарни менга берасиз, пулни оласиз» дедим. Шу тариқа «Жалолиддин»ни қўлга киритдим.

Кейинчалик, домла ижодий меросини ўрганиш комиссиясига масъул котиб этиб тайинланганимдан кейин архивни бирма-бир саралаб Алишер Навоий номли Адабиёт музейига топшириш жараёнида асарнинг асл қўллэзма нусхаси ҳилвираб кетган бир папка ичидан чиқиб қолди. Драма уч хил қоғозга ёзилганди.

Домланинг 80 йиллик тўйлари арафасида архивнинг қолган-қутганларини ҳам ўрганиб нашрга тайёрлаётганимизда эски-туски ҳужжатлар орасида «Жалолиддин»нинг мусиқий қўллэзма варианти ҳам чиқиб қолса бўладими? Шундай қилиб драманинг ҳар икки нусхасини ҳам тиклаб, машинкада бир неча нусха қилиб, тайёр ҳолга келтириб қўйдим.

Шуни таъкидлашим керакки, «Жалолиддин»нинг иккни нусхаси роппа-роса қирқ йил «қамоқда» ётди. Шайхзода барҳаётлигида нашр юзини кўрмади. Фақат 1987 йилдагина «Ёшлик» журналининг бош мухаррири Омон Матжон ва котиби Носир Муҳаммаднинг фидойилиги туфайли журналнинг 6—7-сонларида ёруғ дунё юзини кўрди.

— Бунгача чоп этилмаганмиди?...

— Ёўқ. Дастваб «Аргумон» тўпламида нарча эълон қилинган. Мусиқий нусхаси эса деярли хароб ҳолга келган. Фақат қўллэзмалар институтининг ходимлари Сафо Зуфарий ва Темур Тўрабоевларнинг машаққатли

мөхнати туфайли араб имлосидаги асар тұла тикланди.

— Мусиқий нусханинг ўзига хослиги хусусида ба-тафсыл сүзласанғиз.

— «Жалолиддин»нинг мусиқий нусхасида бир дебо-ча ва бир хотима құшилған. Асоси қаҳрамонлар тилин-дан 20 дан ортиқ хонишлар, газаллар битилган. Айник-са, Жалолиддин, Султонбеким, Чингизхон ариялари жуда таъсирчан чиққан.

Дебочада бир кекса нуроний чол, Ватан уруши фронтларига узатылған йигит ва қызыларга насиҳат қи-либ, ўтмишда аждодларимиз орасыдан чиққан, чет әл босқинчиларига қарши курашган қаҳрамонлар, хусусан, Жалолиддин ҳақида ривоят қиласы. Шу ривоятнинг давомида Жалолиддин сағнада гавдаланади. Хотимада, яғни пьесаны тамомлашда яна нуроний қария қис-садан ҳисса чиқарып, ёшларни ватанпарварлықка ун-дайды.

— Негадир мусиқали драма сағна юзини күрмади?...

— Ўтган йилн шу нусха Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги орқали Муқимий номли музикали театр-га тоширилди. Лекин ҳали ҳаракатта келгани йўқ. Менда савол ва түғён туғилади: наҳотки «Жалолиддин» ўйналаётган сағна асарларидан бадний бўш бўлса?! Ҳатто Шайхзода домланинг ўз қўллари билан «Муқимиий театри учун» деган ёзув ҳам ижобат бўлмаса! Буни нима деб ўйлаш мумкин?

Шу ўринда Ўзбекистон телевидениесига, иозиктабъ режиссер Ҳамид Қаҳрамоновга раҳматлар айтаман. У кишининг саъни ҳаракатлари туфайли «Жалолиддин» драмаси экранда намойниш қилинди.

„Синчалак“

Абдулла Қаҳҳорни ҳеч ким унинг рафиқасиличалик яхши билмаса керак. Сал ғалатироқ оҳангдақу, лекинн тўғриси шу. Адид ҳақида Кибриё опа соатлаб сўзлади, унинг таърифини айтиб адo қилолмайди. Асалари қандай ёзилганини завқ билан гапиради.

— Кибриё опа,— дедим бир суҳбатда,— устоз Абдулла Қаҳҳор аёлларни бекиёс ҳурмат қилганлиги ҳақида латиф ҳикоялар бор...

— Абдулла ака, аёл зотини чиндан ҳам қаттиқ иззат қилардилар. Үзоққа бормай қўя қолай: у киши билан чорак аср бирга яшаб, бирон марта оғизларидан

әмениң сүз әшитмаганман. Мабодо қылган шишим өкмаса, жуда топиб кутылмаган гап айттардиларки, аввало үша ган менинг иззат-нафсимга тегмасди, сүнгра қылган ишимга қаттиқ танбек бўларди.

Ижодхоналарига кирганимда дарров ўринларидан туриб, жой кўрсатардилар:

— Келдингизми, ҳани, мана бу ерга ўтиринг, иккни оғизгина шеър эшитай.

Ҳар кимнинг табиати ҳар хил бўлади: бирор сайд қилиб дам олади, бирор музика әшигади ва ҳоказо. Абдулла ака дам олганларида шеър эшитиши, айниқса, шарқ классик шоирларини яхши кўрадилар. Шеърни, ўз-ўзидан, маълум, мен ўқирдим. Дастроб форс тилида ўқирдим. Унинг маъносини ўзбек тилида айтиб берардим. Ибратли ҳикоятларни ўқирдим.

Абдулла ака билан бўлган бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. У кишининг рашки зўрроқ, ҳатто, ота-онамни кўришга, Самарқандга ҳам йилда бир марта юборардилар. Бир гал биринчи рейсда Самарқандга учиб кетдим... «Охирги рейсда шу бугун қайтаман» дегандим. Абдулла ака үша куни тўққиз марта (рейс тўққизта эди) — аэропортга чиқибдилар.

— Ахир охирги рейсда келишимни айтгандимку! — десам.

— Ҳа, эпди инсофга келиб, вақтлироқ қайтармикан-сиз деб ўйловдим-да, — дедилар.

Бир менга эмас, барча аёлларимизга эътиборли эдилар.

— Шу фазилат домланинг асарларида ҳам акс этган...

— Ҳа, «Сароб» романида ҳам, «Қўшчинор чироқла-ри»да ҳам, охирги «Мұҳаббат» қиссаларида ҳам аёлни улуғловчи сатрлар кўп. «Синчалак» қиссаси аёлга бағишланган қасида деб ўйлайман.

— «Синчалак» асари ҳақида батафсилоқ тўхтала-сангиз. Чунки бу асар ўз вақтида машҳур бўлган.

— Абдулла ака колхоз-совхозларни бир-икки айла-ниб келиб очерк ёки ҳикоя ёзадиган ижодкор эмасди-лар. Улар қишлоқ хўжалиги соҳасида юз берадиган оламшумул ўзгаришларин ўз кўзлари билан кўриб, ёзилажак асарлар қаҳрамонларининг кирдикори, феълу автори ва фаолияти билан яқиндан танишмагунча қўл-ларига қалам олмас эдилар.

Қишлоқ хўжалигига оид асар ёзиш гояси туғилиб қолдию биз 1948 йил етти ойча Мирзачўлга бориб яша-

дик. Ўша йиллар биз яшаган шароитда ижод қилиш ниҳоятда оғир, ҳозирги ҳашаматли иморатлар йўқ эди. Колхоз бир ҳафта ичидаги бизга гувалакдан ҳужрacha солиб берди. Колхознинг кичкинагина электр станцияси бор эди, бирпас тап-туп қилиб ишлар эдио соат тўқ-қиз бўлар-бўлмас тўхтаб қолар эди. Абдулла ака электр қонун-қоидаларини яхши билганлари учун ҳам симнинг бир учини ерга кўмиб, кичкинагина битта ҳужрани ёритиб, кундалик таассуротларини ён дафтарига тушириб қўяр эдилар.

Сал вақтда совуқ ҳам тушиб қолди. Ҳужрани иситай десак на ўтин бор, на кўмир. Тошкентга тушиб ўтиш кўмир олиб чиқдик, эски шаҳар бозоридаи битта ўттизинчи лампа олдик. Абдулла ака шу лампадан керосинка ясадилар. Электр чироқ ўчгандан кейин шу лампа ҳам уйни ёритар, ҳам иситар, яна унинг устига чойнак осиб, чой ҳам қайнатар эдик. Бирон маргаба шу шароитда яшаиш мумкинми, деб шикоят қилганларини билмайман.

Қирқинчи йиллар бир мунча вақт Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида яшадик. Шуни эътироф этиш керакки, гарчи ўша йиллар анча-мунча қийналган бўлсак ҳам Дўрмон сафари билан Мирзачўл сафари Абдулла Қаҳҳорниң ижодига катта ижобий таъсир этди. «Синчалак»ни ёзишдан аввал қишлоқ хўжалик мавзууда қаламии қайраш ниятида «Дўрмон лочини» «Мирзачўлда куз», «Сўз Фанишерга», «Келинг, ошна, чўл қувамиз» деган очеркларни ёздилар.

«Синчалак» қиссаси адабиётимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири — совет жамияти шароитида ўғсан шу кунги ўзбек аёлининг образини яратишга бағишлиланган.

Абдулла ака асарда бутун диққат-эътиборини мана шу марказий масалага қаратгани ҳолда, ўзбек аёлиниң ўтмишига ҳам назар ташлагани, кишилар онгига қолган ўтмиш сарқитларини ҳам кўздан қочирмаган. Лекин буларнинг ҳаммаси марказий образ яна ҳам ёрқириқ бўлишига хизмат қиласди. Асар ҳажм жиҳатдан катта эмаслигидан қатъи назар, ўзбек аёлининг қисматини ёрқин чизиб беради.

Районда машҳур раислардан Қаландаров зўр ташкилотчи, катта пахта устаси, лекин маълум шарт-шароитда узоқ вақт танқиддан ташқарида бўлиб, ғовлаб кетган: ўзини партия ташкилотидан устун тутади, партия ташкилотининг котиби колхознинг ўзидан сайлан-

са учтўрт кунда югурдак қилиб олади, четдан келган одам бўлса сифдирмайди. Шунинг учун бу колхозга котиб чидамайди.

Бироқ, район партия комитетининг бюроси бу колхоз партия ташкилотининг секретарлигига оддий бир қиз—Саида Алиевани тавсия қиласди. Қаландаров, албатта, уни хуш қабул қилмайди, биринчи кунидаёқ бир восита топиб «хотин киши раҳбарлик қилса, калавамининг учини йўқотиб қўяман» деб Саидага ўзининг муносабатини билдиради. Саидани синчалак деб атайди.

Саида асарда якка қаҳрамон эмас, балки ҳар бирни бир китобнинг қаҳрамони бўладиган бугунги ўзбек аёлларининг типик вакилидир.

— Қиссадаги образларнинг ҳаётда прототипи бор бўлганми?

— Албатта. Қаландаров образига «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси Абдужамил Матқобулов, номи эспимда йўқ, Молотов номли колхоз раиси, кейин Ҳамроқул Турсунқуловлар асос қилиб олинган.

Саида ҳам ҳаётда бор қизнинг образи. У андижонлик Турсуной Қаримова эди. Турсуной 18 яшарлигига колхоз раиси бўлган ўтиорак қизларимиздан.

— «Синчалак» оз фурсатда Иттифоқимизга машҳур бўлиб кетди. Бунинг сири нимада деб ўйлайсиз?

— Буни, биринчи навбатда, асар таржимони, машҳур совет адаби Константин Симоновнинг хизмати деб билмоқ керак.

«...Бу ишни ўз бўйнимга олганимда бир оз иккилашиброқ киришдим, чунки «Синчалак»нинг халқингиз миллий руҳини рус тилида ифода эта олишига имоним комил эмас эди. Уша дамлар Ўзбекистонда бир мунча вақт яшамаганимда балким бу ишга қўл уришга журъат этмаган бўлар эдим, аммо журъат этганимдан кейин жуда-жуда хурсанд бўлдим. Таржима жараённида мен Абдулла Қаҳҳордай одамни яқиндан танидим, бунинг таажжуланадиган жойи йўқ, чунки ҳеч нарса одамни одамга умумий иш, ҳамкорлик жараёндаги сиигари яқинлаштирумайди...» деб ёзган эди у.

Асар Константин Симоновга шу даражада ёқиб қолдики, у киши ҳамма ишини йигиштириб қўйиб, қисқа фурсатда таржимани тутгатди ва у «Звезда Востока» журналининг 1958 йил декабрь сонида босилиб чиқди. «Синчалак» 1959 йил «Роман-газета»да нашр этилди. Рус тилида босилиши биланоқ Иттифоқнинг деярли ҳамма тилларига таржима қилинди.

1959 йилнинг январь-февраль ойларида Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ҳафталигида «Синчалак» қиссаси юксак баҳо олди.

Машҳур рус шоирни Степан Шчиначев «Синчалак»ни ўқиб муаллифга шундай хат ёзган эди:

«Азиз дўстим Абдулла Қаҳҳор! Сизга Москвадан ёзаяпмаи... «Синчалак»ни ўқиб чиқдим... Ҳозир бу китоб бутун Шарқимиз учунгина эмас, балким ўзимиз учун ҳам керак. Мен амииманки, бу китоб хотин-қизларимизнинг эскилик қолдиқларида, бидъатдан буткул қутулишларига жуда-жуда қўл келади.

Саида ниҳоятда жозибали. Повестнинг тили ҳам равон, юмор зарофати билан иозик.

Балким сиз менинг фикримга қўшилмайсиз, назаримда сиз нимангиз биландир бизнинг Гоголга ўхшаб кетасиз...»

— «Синчалак»нинг парвози бургутчасига бўлғанилигини асарнинг чет элларда машҳурлиги ҳам тасдиқлайди.

— Қисса Иттифоқ доирасидан чиқиб, узоқ-узоқларга парвоз этди. «Птичка-миничка» номи билан Софиядаги «Народна культура» нашриётида, Ханойда въетнам тилида, «Саида» номи билан Бухарестда румин тилида, «Секретер Саида» номи билан Германия Демократик Республикасида ва яна жуда кўп хорижий тилларда нашр этилди.

— Қибриё опа, дилкаш сұхбатингиз учун раҳмат. Узоқ умр, ижодий ютуқлар ҳамроҳингиз бўлсин.

— Раҳмат, Сұхбатни Абдулла aka билан бошловдик. Рухсат этинг, Абдулла aka билан тугатсак.

Мен ҳозир ҳам Абдулла акадан ўзимни бир лаҳза айру тутмайман. У кишининг хотиралари билан яшайман. Хабарингиз бор, Абдулла аканинг уй-музейи ташкил этиляпти. Тирик экспонат сифатида шу музейда хизмат қиляпман. Музей тезроқ битса, одамлар келса, уларга дўстим, устозим, умр йўлдошим, атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор ҳақида тўлиб-тўлиб ҳикоя қилиб берсам...

„Ўқитувчи“

Ўқитувчи!

Бу сўз тилга олинини билан қалбимизга зиё қуюлгандек бўлади. Юзимизда табассум зуҳур этади. Гарчи

улғайған, оталар таъбирт билан айтгапда «үйли жойли, бола-чақали» бўлсак ҳам, ўқитувчимизни кўрсак худди мактаб ўқувчисига айланиб қолгандек бўламиз. Бу — бир чеккаси мураббийнинг, онгимиз чароғбонининг салобати бўлса, иккинчидан қутлуғ касб эгасига ҳурматимиз белгисидир. Зоро, муаллимдан умр бўйи ўрганадилар. Чунки устозликнинг белгиланган вақти, кекса-ёши бўлмайди.

Асрлардан бери одамзод муаллимларни — устозларни улуғлаб келади. Уларга бағишлиб шеърлар, мадҳиялар битади.

Совет адабиётида ўқитувчиларга бағишлиланган асарлар талайгина. Атоқли адиб Парда Турсуннинг «Ўқитувчи» романи ҳақли суратда уларнинг эиг яхшилари қаторидан жой олади. Парда Турсун ижодининг тадқинотчиси филология фанлари номзоди Пўлат Тўраев меинга жуда қизиқ воқеаларни айтиб берди.

— Пўлат ака, ўқитувчилар ҳаётидан ҳикоя қилувчи асарлар ўзбек адабиётида саноқли бўлса керак?...

— Афсуски, шундай. Парда Турсуннинг «Ўқитувчи», Йўлдош Шамшаровнинг «Чироқ» романлари. Хафа бўлмангку, шулардан бошқа тузукроқ асар йўқ, десак хато бўлмайди.

— Китобхонларимизга дастлаб Парда Турсун ҳақида ҳикоя қилиб берсангиз...

— Ёзувчи Парда Турсун 1909 йилда Наманган облассы Поп районининг Чоркесар қишлоғида камбағал батрак оиласида дунёга келган. Отаси Холмат ака Турсунов бойлар эшигига хизматкорлик қилиб, оила боққан. Қаҳатчилик йилларида, яъни 1917—1918 йилларда оила Тошкентга иш излаб келади, бу ерда бутун оила очликдан ўлиб кетади. Ёлғиз Парда омон қолади. Ёш Парда ўша пайтларда Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида яшаган Иноят қори деган кишиининг уйидаги хизматда, яна ҳам аниқроғи тарбиясида бўлган. Буни 1929 йил 11 апрелда Бешёғоч даҳа Эркин маҳалла комиссияси томонидан Парда Турсунга берилган 275 номерли справка ҳам тасдиқлайди.

СПРАВКА

«Берилди ушбу справкани Б (ёшёғоч) даҳа Эркин маҳалла комиссияси томонидан ўртоқ Парда Турсунга шул ҳақдаким, бул ўртоқ бизнинг маҳаллалик Иноят қорининг эшигига шул одамнинг молларини боқиб 1919 йилдан бошлаб, то 1923 йилгача хизмат қилиб келгай. Маҳалла комиссияси, имзо, муҳр».

Иноят қори деган одам илмемаърифатли, янгича илгор дунё қарашга эга киши бўлиб, социалистик инқи-лоб ғалабасини самимий қутлаган, совет ҳукуматининг камбағалпарварлик, адолатпешалик сиёсатини маъқул кўрган. Бу одамнинг Назир, Ҳабиб, Хайрулла исмли ўғиллари бўлиб, улар ҳам янгича таълим олганлар, кичкина ўғли Хайрулла Парда Турсун билан Алманий номидаги ўлка ўзбек намуна-тажриба иш мактабида ўқи-ган.

Иноят қорилар оиласида ёш Парда Турсун дастлабки саводини чиқарган, бу ерда янги тузум афзалликлари ҳақида эшитган, илгор қарашлари шакллана борган.

Парда Турсун Ленин номидаги Тошкент педбиблим юртини битириб, 1929 йилда Пискент районининг Сайд қишлоғига мактаб ўқитувчиси бўлиб боради. Ўша йили «Ер юзи» журналида Лев Толстойнинг «Кавказ асири» асари ўзбек тилида таржима қилиб босила бошлаган эди. Парда Турсун буларни жуда қизиқиб ўқи-йди ва ҳатто тунлари атрофиға одамларни тўплаб уларга ҳам ўқиб беради. Унинг бадиий ижод билан шуғулланиши ҳам шу йилларга тўғри келади.

— Адабнинг биринчи асари ёдингиздами?

— Албатта. Парда Турсуннинг биринчи асари 1929 йилда ёзилган «Алвасти» ҳикояси бўлган. Ҳикояни ўқи-гандар унга «Анча тузуксанку, ёзувчилик қилсанг бў-ларкан» деб айтишган. Уни ҳатто газетага ишга ҳам чақиришган. Шундан сўнг Парда Турсун Самарқандаги «Батрак» газетасида журналист сифатида иш бошлийди.

— Парда Турсун ҳақида сўз кетганда уни талантли адаб сифатида таърифлашади...

— Талантли эканлигига шубҳа йўқ. Унинг бошиқа фазилати ҳам ғоят қадрли: адаб ниҳоятда ҳақгўй, тўғрисуўз бўлган. Бир мисол айтай: 1935 йилда Назир Сафаровнинг ҳикоялар тўплами босилиб чиқади. Китобни ўқиб чиққан Парда Турсун «Сўз чиқитлари» мақоласини ёзди. Унда авторнинг саводсизлигини, тил нормаларини билмаслигини, ўзбек тили имкониятларидан тўла фойдаланмаганини куюниб таъкидлайди. Ҳудди шу одати учун ҳам у кўшинча нохушликларга дуч келади, кўп дакки эшитади. Аслини олганда «Тўғри гапнинг тўқмоғи бор» деган гап рост экан...

— Нима учундир адабнинг ҳикоялари ва очеркларидағи воқеалар, қаҳрамонлар романидаги персонажлар, воқеаларга ўхшаброқ қолган...

— Буннинг ўзига хос сабаби бор, албатта. Журналист сифатида бўлажак адаб колхозлар ҳаётидан кўплаб лавҳалар, публицистик мақолалар, ҳикоялар ёзган. Уларнинг барчаси долзарб мавзуларда ёзилган бўлиб, меҳнат қаҳрамонларининг тўлақонли портретлари яратилган.

Парда Турсун 30-йилларда яратилган очерк ва айрим ҳикоялар мавзусини, унда қаламга олинган муаммоларни асос қилиб, «Ҳақ йўл» повестини ёзди. Тўғрироги, асар урушдан аввал бошланган бўлиб, автор урушдан кейингина унга нуқта қўйди. 1949 йилда адаб иккинчи йирик асари — «Ўқитувчининг йўли» повести ни ёзиб тугаллади. Дастребалар режалар бўйича у «Ҳақ йўл»нинг давоми бўлиши керак эди. Бироқ Парда Турсун айрим кишиларнинг таклифи билан уни мустақил асар сифатида эълон қиласди.

— Бунда, албатта, бирон бир ўзгаришлар юз берган бўлса керак?..

— Ҳа. Асарнинг бош қаҳрамони Холмурод Дўстматов Эргаш Ҳамроқулов деб ўзgartirилади. Лекин воқеалар ривожи, ўзаро боғланиши жиҳатидан бирп иккинчисини тўлдирниши сезилиб туради.

— Демак, бу қиссалар ягона «Ўқитувчи» романини ташкил қиңлган?!

— Худди шундай. Адаб ва адабиётшунос Вера Смирнова Парда Турсунга ҳар иккала повестни бирлашибтиришини маслаҳат беради. Автор бу таклифни бажонидил қабул қиласди ва шу тариқа «Ўқитувчи» романни дунёга келади. Шундай қилиб Парда Турсуннинг мақсади — социалистик миллат сифатида ташкил топган ўзбек халқи ва унинг ўз ичидан чиққан янги типдаги совет зиёлисисининг мукаммал, тўлақонли образини яратиш нияти юзага чиқади. Москвада ўтказилган ўзбек адабиёти ва санъати декадаси муносабати билан «Ўқитувчи» романни аввал рус тилида Москвада ва Тошкентда 1951 йилда, сўнг ўзбек тилида — Тошкентда 1953 йилда нашр қилинди.

— Нега аввал рус тилида?

— Роман Ўзбекистон Езувчилар союзида бир неча марта муҳокама қилинган. Уни ҳатто мавлоно Ойбек ҳам ўқиб чиққанлар. Асосан маъқуллаганлар. Лекин романни чоп эттириш пайсалга солинган. Декада муносабати билан Парда Турсун Москвага жўнайди. Ўерда Вера Смирнова билан олти ой бирга ишлаб, асарни рус-

чага таржима қилдиради. 1951 йилда эса у китоб ҳолида чоп этилади.

— Энди бевосита романнинг ўзига тұхталсак.

— Парда Турсуннинг ҳаётда ўзи күрган, гувоҳ бұлған воқеалар асарнинг асосий қисмни ташкил этади.

Парда Турсуннинг болалиги, умуман ҳаётини юқорида тилга олиб үтдик. «Ўқитувчи» романыда ҳам бош қаҳрамон шунга ўхшаш воқеаларни бошдан кечиради. Лекин автор бадий асар яратиш қоидаларидан келиб чиқиб, ҳаётда, аслида илғор дүнәқараши, камбағалдарга оғир күнларда ёрдами теккан ўзига түқ бир хонадон соғиби бұлған саҳий, етимпарвар, маърифатлы Иноят қорини ўз асарида Убайдуллахұја әшон деган ном билан ўзгартыриб, салбий образ сифатида талқин қиласы. Романда Элмуроднинг әшон уйида күрган азобуқубатлари, әшитган ҳақоратлари, оғир меңнат азобини тортғанлары батағсил тасвирланади. Булар, албатта, Парда Турсуннинг шахсан ўзи бошдан кечирған фактлар әмас, балки ёзувчининг фантазияси, бадий түқимасы маҳсулидір. Убайдуллахұја әшон бойлар, реакцион әшонларнинг ўша найтда камбағал, меңнаткаш халққа муносабати типиклаштирилған бадий ииңикосидір. Ҳаётда ижобий фазилатларга эга бұлған эски зиёли асарда салбий хусусиятларни ўзінде ташиган реакцион зиёлилар вакилига айланади. Худди шундай, Элмуроднинг Қамиш қишлоғига ўқитувчи бүлиб борганини әсланг. У атроғынга саводсиз одамларни түплас Евгений Толстойнинг «Кавказ асири» ҳикоясини ўқиб беради. Бу фактни биз Парда Турсуннинг шахсий ҳаётіда ҳам бўлиб ўтганини юқорида әслаб үтдик.

— Шундай экан, романдаги күргина персонажларнинг прототиплари бор бўлса керак?..

— «Ўқитувчи» романыда ўзбек халқи ҳаётининг деярли 20 йиллик даври қамраб олинган. Асадаги шу даврга оид кўплаб воқеалар, қаҳрамонлар ҳаётда ўзларининг реал кўринишларига, прототипларига эга. Асадаги етакчи ижобий қаҳрамонлардан бири — Абдурасул образининг энг дастлабки кўриниши Парда Турсуннинг илк ҳикояларидан бири — «Эрга навбат, шерга навбат» да учрайди. Бу ҳикоя қаҳрамони Йўлдошбой камбағал тул кампирнинг ёлғиз фарзанди, бойлар эшигига чорақор, хусусан Саримсоқбой эшигига кўп йил ишлаб, охири ўғриликда айбланиб, түхматга учрайди ва бой хонадонини тарқ этади. Бу сюжет кейинчалик «Ҳақ йўл» повестидаги Абдурасул образи билан боғлиқ сю-

жетнинг асосини ташкил этган. Абдурасул ҳам Йўлдошбой сингари бой эшигидаги — Қамишкапалик Пиримқулҳожи хонадонида узоқ йиллар хизмат қиласди, ҳақини суриншириб бой билан ҳисоб-китоб қилиш пайти келганида туҳматга қолиб, бойдан калтак ейди... Аммо у совет қурилиши даврида ҳақ-хуқуқини ўз қўлига олиб бой ва амалдорларга қарши курашади.

Бу образнинг айрим қирралари Парда Турсуннинг аввалги ҳикоя ва очеркларидағи, жумладан, «Қувноқ ҳаёт», «Ҳақиқат енгади», «Қўлдош ака 1 Майни қандай қарши олди?» ва бошқа очерклардаги Маллабой ака, Қўлдош Нишонов ва бошқа шу каби конкрет шахслар образлари билан ҳам тўлдирилган.

Абдурасул образига ёзувчи Тошкент облосте Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси, машҳур паҳтакор, Социалистик Мехнат Қаҳрамони Абдужамил Матқобуловни асосий прототип қилиб олган, Маълумки, бу одамнинг ҳам ёшлиги бойлар эшигидаги қаролликда, чоракорликда ўтган, ер-сув ислоҳотидан сўнг давлатдан ер олиб, ўз ҳолига хўжалик бўлишга интилган, Совет ҳокимияти қишлоғни коллективлаштириб қайта тузишга киришганда у бу ишда актив иштирок этган ва кейинчалик ўзи ташкил этган колхозга раис қилиб тайланган. Оммани меҳнатга социалистик муносабатда бўлишига ундалган, кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишига йўл қўймаслик учун курашган, паҳтадан юқори ҳосил олишга социалистик муносабатда бўлишига ундалган, кишихўжаликларидан биринга айлантирган. «Ўқитувчи»даги Абдурасул Матхолиқов ҳам ана шундай жараённи босиб ўтади.

«Ўқитувчи» романидаги Давронов ҳам реал шахс. Суҳбатмизнинг бошида Иноят қорини тилга олиб ўтгандик. Давронов — мактаб-интернат директори. Иноят қорининг ўғли Назир Иноятий бу образга прототиплик ролини бажарган. Чунки Назир Иноятий коллективлаштириш пайтида мактаб директори бўлган. Парда Турсун уни шахсан яхши билгани учун ҳам бу образ жуда ишонарли тасвирланган.

Асар бош қаҳрамони Элмурод Дўстматов — Парда Турсуннинг ўзи десак тўғри бўлади. Бу ҳақда гапирдик. Яна такрорлашимиз ножоиз бўлса керак.

Худди шундай, Тожибой, Михайлов, Гулсумлар ҳам ҳаётда бор одамлар. Умуман романдаги 20 дан зиёд персонажнинг аниқ прототиплари бўлган.

— Демак, «Ўқитувчи» романи Парда Турсуннинг ҳаётини акс эттиради десак тўғри бўлади?

— Ҳақ гапни айтдингиз. Парда Турсун «Ўқитувчи» романини умр бўйи ёзган. Оғир шароитларда ишлаган. У нашриётда куи бўйи ишлаб, толиққанига қарамай, то тунги соат 1—2 ларгача роман устида машаққатли меҳнат қилган. Иродали бўлгани учун барча оғирликка чидаган.

— Адабининг бошқа асарлари ҳам борми?

— Парда Турсуннинг Ўзбекистон Ёзувчилар союзига ёзган ҳисоботида унинг тўқимачилар ҳаётидан роман ёзиш истаги баён этилган. Авторининг фикрича, «Ўқитувчи» ўзбек зиёллисининг шаклланиши ҳақида бўлса, иккинчи романда ўзбек аёллари орасидан чиққан ишчилар характеристи шаклланиш жараёнини кўрсатиши планлаштирилган. Ҳатто адаб бу йўлда биринчи қадамни қўйган: «Чевар» очеркини ёзиб, эълон қилган. Афсуски бетоблик уни ниятига етказмади. 1953 йилда фалаж бўлган адаб, 1958 йилгача азоб чекди ва аҳволи яхшиланмай 49 ёшида вафот этди.

— Энди асадардан ташқари савол: ёзувчи хотирасини абадийлаштириш борасида қандай ишлар амалга оширилди?

— Адаб туғилган Норин районидаги санаторий, Поп районидаги бир мактаб унинг номига қўйилган. 1970 йилда Парда Турсуннинг икки томлигини чоп этиш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Ҳали амалга ошмади.

— Аслида «Ўқитувчи» Парда Турсун учун энг улуғ ҳайкал, тўғри эмасми?

— Тўппа-тўғри! Лекин бу китоб қайта нашр этилса соз бўларди.

„Фаргона тонг отгуңча“

Мирзакалон Исмоилий...

Бу ёзувчининг ёшлар орасида, учрашувларда, одоб ахлоқ, бурч, виждон ҳақида тўлқинланиб сўзлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Бунга одамларга тўла заллар гувоҳ, ҳаяжондан энтикиб ўтирган қора кўзлар гувоҳ.

Бу адабининг қудратли қалами билан ўзбекча сўзлаган Лев Толстойнинг «Тирилиш», «Анна Каренина» сингари йигирмадан зиёд асарларни китоб дўкоиларидан топиб ўқиши ҳали ҳам мушкул. Кутубхоналардан

олиш учун эса бир неча кун навбатда туриш керак. Мен ҳам бир ҳафта қишлоқ кутубхонасига навбатда туриб, охири кимнингдир уйидан сўкиш эшишиб олиб келганман.

Бу адаб ижодининг чўққиси «Фарғона тонг отгунча» романни эканлигини ҳамма билади. Шунча йиллар ишлади барибир у чала қолди.

ТОҲИР МАЛИҚ ҲИКОЯСИ

«Фарғона тонг отгунча» уч китобдан иборат, яъни трилогия бўлиши керак эди. Минг афсуслар бўлсинки, асарининг икки китоби ёзилди. Учинчиси адабининг қалбida қолди.

Менга кўпинча «Тоғанг шу романни қандай қилиб ёзган? Жуда зўрку-а?» дейишади. Бир-икки марта шу ҳақда сўз очувдим, тоғам маъюс кулди:

— Роман қамоқда ёзилган, яхшиси бу ҳақда тўхтамаганим маъқулроқ... барибир ҳеч ерда эълон қилишмайди...

МИРЗАКАЛОН ИСМОИЛИЙ АЙТМАГАН ҲИКОЯ

... Эллигинчи йилнинг охирлари эди. Айни қиши, эртага янги йил дейдиган кун. Мирзакалон ака уйдан хушнуд чиқиб кетди.

— Вақтлироқ келинг. Ахир янги йил,— деб уни кузатиб қолишиди уйдагилар.

Аммо у кечқурун уйга қайтмади. Эртасига ҳам, индинига ҳам, бир ойдан кейин ҳам. Тўрт йилу тўрт ойдан кейин қайтди.

Улуг Ватан урушида қатнашган, ғалабани Берлинда кутиб олган, ғалабадан кейин ҳам бир неча йил Ватан топшириғини ўша ерда бажарган Мирзакалон Исмонлий гуноҳи нималигини билмай тўрт йил қувгинда яшади.

Озодликдан маҳрум қилинган инсонни меҳнатдан маҳрум қилишолмади. У заҳ камераларда «Фарғона тонг отгунча» романини қоралай бошлади.

Қоғоз йўқ, жинчироқ ёруғида газеталарнинг очиқ жойларига, нарча-парча ҳар хил қоғозларга, онда-сонда бир келадиган хатларга ёзилди бу роман. Адаб уни минг бир бўлакдан яхлит ҳолга келтирди.

Иттифоқо шу ердаги бир врач Мирзакалон аканинг қилаётган ишини эшишиб қолди.

— Сиз ёзувчимисиз?— сўради ундан.

Мирзакалон ака минг бир хаёлга бориб, йўғ-э, деди.

— Ростини айтаверинг,— деди врач.— Мен сизга ёрдам бермоқчиман.

Шундан кейин ёзувчининг иши анча-мунча жонланди. Омон-омон бўлгач, тўрт йиллик ноҳақ жабр-зулм тугагач, озодликка чиқиш арафасида у билан бир аёл сұхбатлашди. Сұхбат охирида:

— Нима тилагингиз бор?— деб сўради.

— Шу яна бироз муддат шу ерда ўтирасам, романнини битириб олармидим,— деди Мирзакалон ака билса ҳазил, билмаса чин қабилида.

Аёл таажжубланди: «бу кишига нима бўлган ўзи?»

ТОҲИР МАЛИК ҲИҚОЯСИ

65-йилда Мирзакалон Исмоилий чөл эл сафарига борадиган бўлиб қолди. У бу пайтда «Чолиқуши» романни туркчадан таржима қилганди. Шу муносабат билан район партия комитетида сұхбатда бўлди. У билан сұхбатлашган аёл тўсатдан сўраб қолди:

— Уша айтган романнингиз битдими?

— Танидингизми-а?

— Ўзингиз ҳам ғалати илтимос қилувдингиз-да?

— Ҳа, битди. Иккичи китобини ҳам битириш арафасидамаи.

Тоғам барибир чет эл сафарига боролмади. Юборишишмади...

ҚАДР ҲАҚИДА ҲИҚОЯ

«Фарғона тонг отгунча» романни 1957 йилда Ёзувчилар союзида муҳокама қилинди. Муҳокамада сўзга чиққан адиллар у дейишиди, бу дейишиди, хуллас, романни йўққа чиқаришди.

1958 йилда эса роман Москвада ўзбек адабиёти ва санъати декадаси муносабати билан босилиб чиқди. Босилганда ҳам... 15000 минг нусхада чои этилди! Бошқа одам бўлганида буни ҳақорат деб қабул қилган бўларди. Аслида ҳам адаб меҳнатига ҳақорат бу! Романинг иккинчи китоби битганда адаб умрининг олтмиш иккинчи довонига етиб қолаёзган эди. Аммо учинчи китоб ёзилмади. Нега ёзилмади? Адабининг кучи етмасмиди? Еки конфликт, воқеа тополмасмиди? Қаҳрамонлар тайин бўлса, давр — 1917 йил февраль инқиlobи билан Улуғ Октябрь ииқилоби оралиги — тайин бўлса? Яна нима керак эди адигба? Қадр керак эди! Адабининг ҳафсаласини қадрсизлик пир қилди.

ТОҲИР МАЛИК ҲИКОЯСИ

Роман қаҳрамонлари ҳаётда бўлганми, йўқми аниқ билмайман. Бор эди десам исботлашим керак. Фақат бир воқеани айтиб берай.

Булоқбошида (тоғам шу қишлоқда туғилган) бир қоринамо киши бўлган экан. Узунқулоқ гапларга қараганди эски замонда қози ҳам бўлган экан. Тоғам бир сафар ўша киши билан эски замон қонунчилиги, тартиблари ҳақида сұхбатлашганлар. Тоғам бир-икки сўзларин ён дафтарларига қоралаганлар. Шунда ҳалиги қоринамо киши чўчиб кетган:

— Нима, мени ҳукуматга ёзиб бермоқчимисан?

Тоғам кўп тушунтирган, қори тушунганми — йўқми билмадим. Романдаги қори шундоққина ўша кишининг ўзи. Шундай экан, Ғуломжон ҳам, Ҳаётхон ҳам, мингбоши Мадумар ҳам, Жўрахон ҳам маълум маънода бор одамлар бўлса керак. Тоғам бу романни болалик хотиралари асосида ёзганлар. У кини 1908 йилда туғилганлар.

РОМАННИНГ ТАҚДИРИ

Роман тўрт марта қайта нашр қилинди. Барибир уни китоб дўконларидан топиб бўлмайди. Ҳар бир нашр эса 60000 нусхадан чоп этилган! Бир пайтлар бўш асар деб ерга урилган романнинг чинакам саодати бу! Китоби шундай саодат топдими, унинг муаллифи ҳам саодатли! Чунки шундай китоб ёзган адаб ҳамиша эли учун, халқи учун ардоқли бўлиб қолаверади.

Фақатгина адабни билган, унинг талантини баҳолаган одамларнинг қалбида бир армон: учинчи китоб ёзилмади.

У Мирзакалон Исмоилий билан кетди. Уни ўзимиз — қадр билмас одамлар қофозга туширишига имкон бермадик.

ТОҲИР МАЛИК ҲИКОЯСИ

Ҳар гал ижодкор баҳти ҳақида гап кетганида тоғамни эслайман. Мен у кишининг ҳам жияни, ҳам шогирди. У кишиндай баҳтли бўлолсам қани эди! Бу баҳтнинг номи халқа садоқат! Бу баҳтнинг номи виждан! Бу баҳтнинг номи ирода! Бу баҳтнинг номи — абадият!

„Ҳазрати инсон“

Владимир Ильич Ленин номидаги муҳташам санъат кошонасии, Халқлар дўстлиги майдонини, яхши

биласиз. Шаҳримизга ташриф буюрадиган меҳмонлар зиёрат қиласидиган ана шу кўркам майдонда, ўн беш қардош республиканинг нишонлари давра олиб, кўкка бўй чўзиб турган минора пойида тошкентлик темирчи Шоаҳмад аканинг байналмилал оиласи акс эттирилган ҳайкал бор. Қорақалпоқ адаби, СССР Давлат мукофоти лауреати Тўлепберган Қаниберганов бадиий адабиёттинг таъсири кучи ҳақида гапириб: «Агар «Ҳазрати инсон» романи бўлмаганида Инсон меҳрига қўйилган бу ҳайкални тушуниш қийин бўларди» деган эди. Чиндан ҳам роман билан ҳайкал ўртасида қандай умумийлик бор? Бу саволимга Ўзбекистон ССР халқ адаби Раҳмат Файзий камоли ишонч билан жавоб берди:

— Жуда бор-да! Ахир улуғ кишилар ҳақидаги иккала асарни бир-биридан ажратиб бўладими?

— «Ҳазрати инсон» романини ёзиш фикри сизда қачон туғилган ўзи?..

— Ўҳ-ҳў, бунинг тарихи жуда узун-да.

— Айтаверинг, шундай ажойиб романнинг ёзилиш тарихи ҳам қизиқ бўлса керак.

— Қаичалик қизиқ, бунисини билмадиму, аммо ҳар бир асарнинг ёзилишига бирон туртки деймизми, кучли таъсири мабоди бўлади. Агар тиббиётга таққослаб айтилса, ижодкор ана шу туртки, таассурот оқибатида руҳий дардга чалинади. Шундан кейин бу дарддан қутулиш чорасини, давосини ахтаради. Унинг давоси очерк ҳам, роман ҳам бўлиши мумкин, битта шеър ёхуд сценарий бўлар: Буёғи энди, дарднинг кучига боғлиқ. Ҳар қалай ижодкор ана шу дардан фориғ бўламан деса, шунга муносиб муолажа қиласиди. Баъзан бадиий асар авторнинг фарзанди, деб ҳам айтилади. Бу ҳам ана шу дардга чалинганини билдирса керак — дард кўз ёриши билан ўтади.

Уруш етимларини олиб келган эшелонни биринчи марта Тошкент вокзалида кўрганимда қандайдир хўрлик, таҳқирилашга ўхшаш ҳиссият юрагимни сиқиб, ўпкамни тўлдиради, йиғлагим келарди. Қирқ олти йил бўлибди шунга, ҳамон эсимда, кўз олдимда турибди. Вагонлар... Узун составда биронта соғ вагон йўқ, ҳаммаси мажақланган, ҳаммаси ўт-олов ичидан гилдираги бут бўлса судралиб чиқиб жон сақлаб қолгану, паровоз уларни ҳар ер-ҳар ердан битталаб териб олиб, сафга тизиб йўлга тушган. Бирининг томидаги тунукасан кўчиб қайрилиб ётибди, бирининг зинаси узилиб тушган, кўпларининг деразаларига тахта, картон қоқилган, си-

ниң ойналарга одеял, күйлак, шинеллар ёниб қўйилган. Деразалар ёнига ғужанак бўлиб тўйланиб олган болалар нимжон қўлларини чиқариб, талинишиади. Юзқўллари кир, кийимлари йиртиқ, дуч келганини илиб олишган, ярадорларининг қўли, кўзлари, юзлари дока билан bogланган. Қуруқ суюк бўлиб, ҳолсизланиб қолганлари тетикроғининг елкасига қўлини қўйиб, зўрга турибди. Юра оладиган болаларни бир қатор қилиб сафга тузпиди. Юролмайдиганларини қўлда кўтариб, замбилларда кўчириш пунктига жойлашарди. Уларнинг ҳолига аёллар йиғлар, қўлларида борини — қанд-қурсми, туршак-майизми, қуртми, бир бурда ноими — уларга тутқазишарди.

Вокзалнинг кутиш зали бўшатилиб қабул қилиш хонасиага айлантирилганди. Республикамиз оқсоқоли Йўлдош Охубобоев раҳбарлигига болаларни кутиб олиш комиссияси ишларди. Кўз олдимда бутун даҳшати билан намоён бўлаётган бу манзара мени ўз комига тортиб олганди, ич-ичимдан болаларга ачинардим, раҳмим келарди. Назаримда уруш ҳамма болаларни шу ҳолга солгану, энди нима бўлади, деб ваҳим босарди. Кейинчалик ҳам эсласам изтироб чекардим. Бирон нарса ёзишни ҳали ўйлаб ҳам кўрмагандим.

Худди шу кунларда Fafur аканинг «Сен етим эмассан» шеъри босилиб чиқди. Биласизми, шеърни мен худди саҳрова чанқаб қолиб, сувга этишгандай, чelакни кўтариб, энтикиб-энтикиб, бесаранжом ичгандай, ҳовлиқиб, нафасим тиқилиб ўқиб чиқдим. Мени ваҳимага солган ҳамма болаларни ҳозир шу шеър, йўқ, фақат шеъргина эмас, Fafur Fулом бағрига олгандай бўлди. Мен ҳам таскин топгандек бўлдим. Қайта-қайта ўқидим, ҳар галгисида ўпкам тўлиб кетади. Боя айтганимдек мен ўзимга «дард» орттириб олган эканман. Буни мен кейинчалик, шу мавзуда очерк, лавҳа, ҳикоя, қисса, киноқисса ва ниҳоят, романни ёзаётганимда сездим. Бинобарин, дардга даво топганимни ҳис этдим.

Шундан кейин орадан кўп ўтмай Бешёғочдаги сартарошхонадан чиқиб келаётган Fafur акани кўрдим. Қизинқ. Бошқа вақтларда бемалол гаплашадиган одам янги шеърлари чиққанда нуқул гапим қовушмай, «яхши», «жуда-жуда зўр» деган гапни айттолмай қийналардим. Бу гал ҳам шундай бўлди. Аммо, йинглаб юбордим дейишим билан Fafur aka:

— Ўзим ҳам йиғлаб ёздим,— дедилар. Кейин менга

тайниладилар.— Сен анави чақалоқлар уйига албатта кир, хүпми. Ўз кўзинг билан кўргин.

Устоз айтганларини қилдим, чақалоқлар уйига бордим. Вокзалда кўрганларим ҳам гайми. Бу ердаги гўдакларнинг ҳолини кўриб чидаб туролмадим. Тезроқ орқамга қайтишга шошилдим. Хаёлимда бир фикр туфилди: албатта, бирон нима ёзишим керак.Faфур aka ҳам шунга шаъма қилди. Аммо нима ёзаман? Ният бору...

Шу аснода радиодан жарагиқлик темирчи Шоаҳмад aka иккι гўдакни ўз тарбиясига олгани ҳақида эшишиб қолдим. Вордим. Танишдим. Шу-шу бу оиласа тез-тез келиб турадиган бўлдим. Дастреб хабарлар, лавҳа ёздим.

1950 йил Май байрами арафасида редакцияда инифилиш бўлди.

— Байрам сонига битта очерк керак,— деди редакторимиз Ҳожиакбар Гуломов,— агар Шоаҳмад темирчи ҳақида бўлса ундан ҳам яхши.

Салоҳ Ҳасан менга қаради. Мен унга.

— Сиз,— деди редактор менга,— мулла Раҳмат, шу оила билан кўпроқ муносабатда бўлсангиз. Сиз ёзасиз шу очеркни.

— Ҳали тайёр эмасман,— дедим мен.

— Ие, темирчининг ўғли бўлиб кетибсизку, тайёр масман дейсиз-а,— киноя аралаш деди редактор.

Хуллас, очерк ёзилди. «Воқеий қиссадан саҳифалар» номи билан босилиб ҳам чиқди.

— Сизни 1-Май байрами намойишидан кейин ўша вақтдаги Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Абдураззоқ Мавлонов йўқлатган экан...

— Ҳа, қаранг, Абдураззоқ aka намойишга келиши олдидан очеркни ўқиб улгурган экан.

— Раҳматжон ука,— дедилар мамнуният билан,— сизга айтадиган раҳматимиз бор. Очеркни ўқидим. Баракалла. Энди шу оила ҳақида батафсил гапириб берсангиз.

— Нима дейман, оддийгина оила. Ўзлари бефарзанд эканлар. Шоаҳмад aka меҳнаткаш, ҳалол, иродали одам.

— Ҳозир нечта бўлди болалари?

— 14 та.

— Оғирдир?

— Секинроқ айтасизми?— бир чеккадан гапириб бердим.— Ҳатто олдиларидағи кинотеатрга чиқиб, кино кўриша олмайди...

Орадан бир неча кун ўтгач борсам, ҳовлпда бир си-
гири боғлаб қўйишити. Болалар хурсанд: энди ҳар ку-
ни текинга кино қўрамиз деб, мени ўраб олишди. Мах-
сус берилган қозони қўрсатиши.

— Демак, «Воқсий қиссадан саҳифалар» «Ҳазрати
иинсон»нинг илк қораламаси экан-да!

— Йўқ. Яна 1955—1956 йилларда ёзилган «Она»,
«Раянинг арчаси» номли ҳикояларим ҳам Шоаҳмад Шо-
маҳмудов оиласига бағишлиланган. Уларнинг бирида ўз-
бек хонадонига биринчи марта арчанинг кириб келиши
тасвирланган бўлса, иккинчиси бевосита она қалби ҳа-
қида бўлиб, унда Баҳрихон опа билан бўлган воқеа акс
эттирилган.

Юқорида чақалоқлар уйи ҳам ташкил этилганлиги-
ни айтган эдим. Ўша ердан Баҳри опа ҳам чақалоқ ол-
ган. Мурғак бола эмасми, йиғлайверган, овумаган.
Баҳри опа охири кўкрагани уига тутишга мажбур бўл-
ган.

Баҳри опа ва Шоаҳмад акаларнинг фарзандлари
бўлмаган. Уннинг кўкрагида сут бўлиши амри маҳол.
Лекин мурғак бола уч-тўрт кун давомида эмавергач
опанинг кўкрагига сут келибди. Ана ажойибот!

Ҳикоя «Опа» сарлавҳаси билан газетада босилиб
чиқди. Русчага таржима қилинди. Лекин чоп этилиши
жуда қийин бўлди. Сабаби — туғмаган онага сут кели-
ши асоссиз эмиш. Охири «Правда Востока»да босилди.

Лидия Бать ҳақида эшитган бўлсангиз керак, ажо-
йиб, билимдон, зукко аёл. У ҳам ҳикоя билан танишиб
чиқиб, қизиқиб қолди. Ҳикояларимнинг таржимаси бир
четда қолиб, луғат кавлаб кетибди бечора. Охири то-
нибди.

— Раҳмат, ҳикоянг асосли,— деб қолди у бир куни.

— Ибратли ҳикоя экан. Шу икки-уч ҳикоядан ке-
йин катта асар ёзишига ўтирднингизми?

— Ҳа, «Мехр» номли қисса ёза бошладим. Қисса-
дан нарчалар ҳам босилди «Қизил Ўзбекистон»да. Ле-
кин битмай қолди.

— Нега?

— Сабаби, қисса кибоқиссага айланди. Бир сафар
мени «Ўзбекфильм» киностудияси директори Собир Му-
ҳамедов чақиририб қолди. Бордим.

— Темирчи ҳақида киносценарий ёзиб берасиз,—
деди.

— Мен умримда ёзмаганман.

— Ёзмаган бўлсангиз ёзасиз, материални яхши биласиз.

Менгача Александр Гинзбург, Комил Файзуллинларинг худди шу темадаги сценарийлари қайтарилиган экан. Яна бир одессалик кинодраматург ҳам муваффақиятсизликка учрабди.

Хуллас, ёздим. Роппа—роса 120 бетлик киноқисса бўлди. Биринчи бўлиб Раззоқ Ҳамроев ўқибди. Мени қучиб табриклайди деңг.

— Ўзбекча киноқисса ўқийдиган кун ҳам бор эканку!

Бу ёқда Раҳим Пирмуҳамедов табриклайди: барақалла, боплабсиз! Ўзбекчалигини айтмайсизми.

Ўша йилларда киноқиссанинг номи «Мехр» эди. Режиссер Шуҳрат Аббосов «Сен етим эмассан» деб ўзгартирамиз деб туриб олган. Ўзим ҳам бунга майлим бору бироқFaфур акани ўйлардим. Нима деркинлар? Ўйларига бордим. Айвон олдида шакароб қилаётган эканлар. Юсуфжон ҳам шу ерда экан.

— Кел, кел, Раҳматулла, қайнонанг сўйган экан, онаиг ои дамловди,— дедилар. Ҳол-аҳвол сўрашгач давом этдилар.— Кино қилянган экансан, бундоқ айтмайсан ҳам.

— Ҳа, фильмга шеърингизнинг номини қўйсак дегандик.

— Шоаҳмад акага багишланганми? Бу оплага фаяқат шу ном муносиб. Қўявер. Бу билан менинг ҳам номимни улуғлаган бўласан.

Faфур аканинг хонадонидан қушдек енгил бўлиб чиқдим.

1963 йили Ўзбекистон Киночиларининг I съезди бўлиб ўтди. Съездга Иван Пирьев, Даниил Храбровицкий, Георгий Марьямовлар қатнашди. Уларга «Сен етим эмассан» фильмими биринчи марта кўрсатдик. Фильм тугаши билан Иван Пирьев ўрнидан туриб кетди.

— Даниил, мен нима кўрдим?— дея хитоб қилди у.

— Мўъжиза!— деди Храбровицкий.— Бутун совет киносининг катта, бебаҳо ютуғи бу!— деб жуда юқори баҳо берди.

— Раҳматулла ака, «Сен етим эмассан» сценарийси учун обручи кинофестивалларда икки марта мукофотга сазовор бўлдингиз. Шундан кейин романни давом этирдингизми?

— Ҳа. Ўн йилдан ошиқроқ ишладим роман устида. Хайрнат, меҳнатларим зое кетмади.

— Демак, ҳикояларни ҳам, филъмни ҳам, битмай қолган «Мехр» қиссасини ҳам «Ҳазрати инсон»нинг вариантилари деб қабул қилсақ түғри бўладими?

— Шундай.

— Дарҳақиқат, романнинг туғилиши жараёни ҳам машаққатли, ҳам узоқ бўлган экан.

— Ўзи одатим шу, секин ишлайман.

— Нега романда қаҳрамонларининг номини пишлатмагансиз? Улар бор одамлар эдику.

— Тўғри, роман Шоаҳмад Шомаҳмудов ва Баҳрихон Акрамовалар ҳақида. Маълум тарихий воқеаларга асосланган бўлсам ҳам, роман тарихий эмас. Шунинг учун ҳам асар қаҳрамонлари шартли равишда Маҳкамака ва Мөхринисо она деб номланган. Кейин Иттифоқимизда бу каби юксак инсоний фазилат эгалари бўлганларниң уруш туфайли стим қолган болаларни асраб фарзандликка олишлари ягона факт эмас-да. Маменко-лар оиласи ҳам ўндан ортиқ болани тарбиялади. Шоаҳмад ака билан борди-келди қилиб турарди. Кейин каттақўргонлик Ҳамид Саматов ҳам бор.

— Романнинг таржима қилинishi ҳақида ҳам сўзлассангиз.

— Асаримга шунчалар эътибор берилганининг ўзи менга улуғ мукофот. Рус тилига икки марта Социалистик Мөхнат Қаҳрамони Георгий Марков билан унинг қизи Ольга Марковалар таржима қилишган. Таржима яхши чиққан. Уларниң таржимага, унинг ютуғига нақадар эътибор беришганидан умрбод миннатдорман.

— «Ҳазрати инсон» украян, латиш, қозоқ, белорус, болгар, вьетнам, словак, мўгул, поляк, испан, инглиз, немис, француз тилларига таржима қилиндди. Форс, араб, пушту, дарий тилларида босилиб чиқди. Буни факт романа га эмас, бутун ўзбек адабиётига ҳурмат деб биламан.

— Агар сир бўлмаса, ҳозир қандай асар устида ишлайдиганингизни айтсангиз?

— Сирлиги қолибдими? Бир неча марта парча ҳам босилиб чиқди. «Ҳазрати инсон»нинг иккинчи китоби устида ишлайман.

— Воқеалар қандай кечади бу китобда?

— Асосан болаларнинг тақдиди ҳақида гап боради.

— Унда ҳам қизиқ эпизодлар талайгина бўлар?!..

— Қизиқми, йўқми билмадиму, биттасини айтиб бера қолай. Федя — Фёдор оиласи Йўлдош деб юритила-

ди — Кульчиновский, хабарингиз бўлса керак, бувисини топди. Буни қаранг, унинг тириклигидан сира умидини узмай, кутган экан-да, Фёдорни кўргач, олти ойдан сўнг 104 ёшда ҳаётдан кўз юмди. Фёдор бизникига тез-тез келиб туради. Неварали бўлди. Романинг иккичи китобида бу каби эпизодлар анчагина бор.

— «Ҳазрати инсон»— инсон қалбига, унинг садоқатига қўйилган ҳайкал бўлди, Раҳматулла ака.

— Менинг Шоаҳмад акага, Баҳрихон опага таъзимим ҳам.

— Фақат сизнинг эмас, ҳалқимизнинг таъзими десаверинг.

— Бундай десак камтарлик бўлмасов...

— Раҳматулла ака, «Ҳазрати инсон»нинг иккичи китоби саҳифаларида учрашгунча сизга соглиқ, бирдамлик, хуш кайфият тилайман.

— Ташаккур!

...Раҳмат Файзиининг таъзиясига бориш менга қанчалар оғир бўлганини сўз билан айтольмайман. Роман ҳақидаги суҳбат адабининг сўнгги сўзи бўлди.

„Шинелли йиллар“

Ўзбек адабиётида Улуг Ватан уруши мавзусида ёзадиган адаблар орасида Ўзбекистон ССР ҳалқ ёзувчиси Шуҳрат алоҳида ўрин тутади. Унинг «Шинелли йиллар» романи, айниқса, шу мавзуда ёзилган асарлар орасида сара асарлардан саналади.

Устоз адаб билан бўлган суҳбатимиз шу асарнинг яратилиш тарпхи ҳақида борди.

— Домла, Сизнинг ижодингизда уруш мавзусидаги асарлар талайгина. «Шинелли йиллар дафтари» шеърий туркуми, «Оқибатли кишилар» қиссаси, «Шинелли йиллар» романи, қолаверса «Олтин зангламас», «Жаннат қидирганлар» романларингиз ҳам шу мавзунинг узвий давоми. Шу асарларингиздан сиз учун энг қадрлиси қайси бири?

— Ҳаммаси. Ёзувчи мана бу асарим яхши, буини ёмон десмайди. Агар шундай дегудек бўлса, ёмонини ёзмаслиги керак. Шундай бўлса ҳам айтай, мен учун энг суюклиси, мени энг «қийнагани»— «Шинелли йиллар».

— Нима учун?

— Қадрли томони шуки, романдаги воқеаларнинг барчасини ўз кўзим билан кўрганман, уларнинг ичидаги бўлганман. Қийнаган томони шуки, роман насрдаги биринчи катта қадамим.

— Агар малол келмаса, ҳарбий ҳаётингиз ҳақида ҳам сўзлассангиз...

— Мен Шимолий Қавказ фронтида жанг қилганман. Краснодар, Моздок, Анапа, Тамань, Майкоп сингари шаҳарларни озод қилиш учун олиб борилган жангларда қатнашганман. Ўндан ортиқ станицани озод қилганмиз. Жангларни эсласам ҳали-ҳануз вужудимга титроқ киради. Бир парча қўроғошин пе-не азаматларнинг умрига зомин бўлмади.

Бу ҳақда ҳозир — ошкоралик давридагина очиқ айта олишим мумкин.

Партиямизга ҳамиша шукроналар айтаман. Ҳақни—ҳаққа, ноҳақни — ноҳаққа ажратди. 1955 йилда бегуноҳ эканлигим исботлангач, Тошкентга қайтдим. Ҳақиқат эгиларкану аммо синмас экан...

Келган кунимданоқ романни тугатиш фикрига тушдим. Романнинг биринчи қисми Ўзбекистон Давлат нашриётига топширилган, ҳатто рус тилига «подстрочний» таржима ҳам қилинган эди.

Ўша пайтлардаги нашриёт директори Файзулла Юнусовга учрашдим. У «нашриётда йўқ, бўлса шу пайтгача романни кўрмасмидим» қабилида жавоб қилди. Нима қилишимни билмайман. Қаёққа боришмни билмайман. Диққатбозлигими нинг чеки йўқ. Қўлёзма йўқ.

Дарди-дунёим қоронғи бўлиб чиқиб кетаётсам нашриётнинг бош бухгалтери Касабов учраб қолди. Қучоқ очиб омонлашди. Ҳол-аҳвол сўради. Кейин:

— Менда бир китобинг турибди. Русчаси ҳам бор,— деб қолди. Юрагимда зилзила бўлди чамамда. Унга миннатдорчиллик билдириб, китобии олдим. Ўша «Шинелли йиллар»нинг биринчи қисми.

Ўйга келиб ўқиб чиқдим. Жуда бўш ва ғариб кўринди кўзимга. Кейин уни икки китоб, 48 босма лист қилиш фикридан ҳам қайтдим. Янгидан ёза бошладим. 1957 йилда иуқта қўйдим.

Роман ёзувчилар союзидаги муҳокама қилинди. Кўпчилик «Автобиография бўлиб қолибди, роман эмас» деб донишмандлик қилди.

Бахтимга, бу орада романнинг русча таржимаси битиб қолди. «Воениздат» нашриётига топширдим. Ном-

лари ва асарлари машҳур П. Вершигора, Э. Казакевич каби ёзувчилар унга тақриз ёзишди. Айниқса, Вершигоранинг роман ҳақидаги «Армиямизда кўп миллатли роман йўқ. Шуҳратнинг романи бунга тўла жавоб беради» деган ёзувлари менга қашот бўлди.

Роман Г. Соловьев таржимасида илк бор рус тилида 1959 йилда босилиб чиқди. Декадада ҳам яхши баҳоланди. 1960 йилда ўзбек тилида босилди. 1961 йилда рус тилида қайта нашр қилинди.

Роман жуда машҳур бўлиб кетди. Юқорида тилга олганим Э. Казакевичнинг асар тўғрисидаги мақоласи эълон қилинди. Марказий нашрларда полковник Водиницкийнинг тақризи босилди. Кейин рус тилида яна бир карра, учинчи марта чоп этилди. Умумий тиражи 525 минг нусхани ташкил этди. Ўзбек тилида икки марта босилиб чиқди.

— Шуҳрат ака, романда ўзим кўрган, билган воқеаларин қаламга олганима, дедингиз. Демак, роман қаҳрамонларининг прототиплари бор?

— Ҳа, бор. Ундаги персонажларининг кўпчилиги мен билан ёнма-ён жанг қилган одамлар. Ҳатто уларнинг номларини ҳам ўзгартирганиман.

Асарининг бош қаҳрамони Элмуродни ўзим десак ҳам бўлади. У бошидан кечирган талай шўришлар, воқеаларни ўзим бошимдан кечирганман. Зебо ҳам ҳаётда бор қизнинг образи. Ҳамшира эди. Юраги пок қиз эди. Романда, гарчи ўққа учиб ўлса ҳам, аслида Зебо Каспий денгизига чўкиб ўлган. Унинг онаси Маръям ҳали ҳам ҳаёт. Акаси ҳам тирик.

Динизиямиз командири Ягудинни ҳам жуда яхши билардим. Қrimдаги - форларда жони узилди. У ҳақда «Комсомольская правда» газетасида ҳам ёзишди. Роман босилиб чиққач унинг қизи Лариса (ҳозир Алупкада яшайди) мени излаб топди. «Ҳаммасини тўғри ёзисиз» деб мактуб ёзди.

— «Шинелли йиллар» романи ёзилиши тарихини газетхонларимиз билан ўртоқлашсангиз...

— Жанглардан бирцида қаттиқ яраландим. Умуртқамга, белимга снаряд парчаси тегиб, миям шикастланди. Бир ой госпиталда даволандим. Согаявермагач, 1944 йилда Тошкентга келдим. То менинг олти ойлик отиускам тугагунча, уруш тамом бўлди. Омон-омон бўлиб кетди.

У пайтларда ҳали жанговар прозамиз йўқ эди. Ойбек домланниг «Куёш қораймас» романи, Абдулла Қаҳ-

ҳоришиг «Олтин юлдуз» повести янги босилиб чиқкан. Ҳаммага маълум, ўзбек ёзувчилари фронтнинг олдинги линияларнда бўлиб, жангчиларимизнинг мардликлари ҳақида шеърлар, достонлар йирик насрй асарлар яратишиди.

Мени бир фикр чулғаб олди: ёзувчилар қалб даъвати билан бир-бир ярим ой фронтда бўлиб, асар ёзишияти. Мен-чи, мен? Ахир шу суронлар гирдобида, қонли жангоҳларда бўлганман-ку? Ёзсан бўлмайлими?

Шу ният билан қўлимга қалам олдим. Фронтда ўзим гувоҳ бўлган воқеаларни бир бошдан ёза бошладим.

Назаримда воқеалар бир романга сигмайдигандек туюлди. Уни икки китобга бўлдим. Биринчи китобни 1947 йилда тутатдим.

— Романинг сўнггида «1947—1957 йиллар» деб ёзилган. Айтишингизга қараганида, бунчалар эҳтирос билан ёзганингизда унча узоқ муддатга чўзилмаслиги керак эди-ку?

— Уртада беш йилча танаффус бўлди. Албатта, ўз ихтиёrim билан эмас. Шахса сифинини йилларининг азоблари кўнгина қаламкашлар қатори мени ҳам четлаб ўтмади. Йўқ срдаги айблар, асосан, тұхматнинг кучи билан узоқ муддатга, йигирма беш йилга ҳукм қилиндим.

Роман қаҳрамонларидан бири — Махаловининг тақдирни қизиқ бўлган. Ўзи мен билан бирга ўқиган, бирга жанг қилган. Ҳозир Ашхободда яшайди. Роман композициясига кўра у ҳалок бўлади.

Бир пайт менга мактуб келиб қолди. «Романдаги Махалов мен десам ўғлим ишонмаянти. Нуқул у ўлган экан-ку, дейди. Мени ҳалок қилиб балога қўйдинг. Романдаги мен эканлигимни тасдиқлаб бер» деган мазмунда мактуб йўллабди. Махаловнинг ҳалок бўлиши нега керак бўлганини тушутиридим, унга ёзилган жавоб мактубида.

Мурzin ҳам, лейтенант Данилченко ҳам худди шундай қаҳрамонлардан.

— Домла, мароқли суҳбатигиз учун раҳмат. Сизга ҳамиша ижодий кайфият тилаймиз, саломат бўлинг.

— Ҳар бир хонадон тинч бўлсин, дунё тинч бўлсин. Қўргаи-кечирганларимиз ўтган уруш хотиралари бўлиб қолса кошки эди.

„Ҳамза“

Бир йили ёзда Шоҳимардонда бўлганимизда, Ҳамза мақбарасини зиёрат қилдик. Мақбарағача, билмадим неча погона, зинадан юриб чиқдик. Юравердик, юравердик, оёқлар ҳориб, толиб тепага етдиғу қарасак қинлоқ пастида қолиб кетибди. Ёнимиздаги ҳамроҳимиз — фарғоналик киши тоғ бағридаги дараҳтзор орасидан кўриниб турган йўлни кўрсатди:

— Шаланг, Ҳамза қаздирған канал.

Назаримизда Ҳамза жуда юксакликда эди. Бу юксакликка чиқиш осон эмасди. Биз худди унинг иойига кечирим сўраб чиқаётганга ўхшардик.

Ўшандада қўйидаги сатрларни битгандим:

Мовий осмон остида кулган
Ажиб диёр бул Шоҳимардон,
Бунда йигит ёшида ўлган
Ҳамза ётар — шаҳиди замон.
Пойидадир сершовқин сойлар,
Тоғлар туар елкама-елка.
Бунда якка қабрга жойлаб.
Тарихини яширган ўлка.
Улуғ ишин қилмасдан якун,
Үйқуга бош қўйган жасорат.
Асролмаган замона бугун
Бошини уриб қиласди.

Ҳамза ҳақида яна бир нечта шеърлар ёздим. Лекин улар мутлақо яроқсиз эди. Сабаби мен Ҳамзани дарслидан, кичкинагина танланган асаларидан ўқиб чалачулпа билиб олган эдим. Лекин Ҳамзадек инсон, санъаткор ҳаётини тўла ўрганиш учун бу маълумотлар жуда камлик қилади.

Ҳамзанинг мукаммал ижодини ўрганиш ҳали ҳам давом этяпти. Олимлар шоир ижодининг янги қирраларини очишяпти, катта-катта тадқиқотлар яратишяпти.

Академик адабимиз Комил Яшин инқилобнинг оташин фарзанди, оташқалб ижодкор ҳаётини ва фаолиятини ёритиш борасида талайгина ишларни амалга оширдилар. Амин Умарий билан биргаликда яратилган «Ҳамза» драмаси узоқ йиллар давомида саҳнадан тушмай келди. Бош ролии СССР ҳалқ артисти, ўзбек санъатининг фахри Олим Хўжаев ижро этган «Ҳамза» бадний фильмини то ҳануз кучли ҳаяжон билан томоша қилалими.

Яшин домла Ҳамза ҳаётى ва ижодини ўрганишни ҳали ҳам давом эттиряпти. Унинг «Ҳамза» романы ҳам-зашуносликда ўз кўлами, қамрови, ҳаётий материаларга бойлиги, ниҳоят ҳажми билан (салкам 40 босма тобоқ) ажралиб туради.

Катта меҳнат самарааси бўлган роман автордан шунга яраша маҳорат ва матонат талаб қилиши табиий.

— Яшин ака,— сизда Ҳамза ҳақида Йирик бадиий полотно яратиш фикри туғилганига кўп йиллар бўлган-дир?— деб сўрадим у билан суҳбатлашаётганимизда.

— «Новий мир» адабий-бадиий журналнинг 1989 йил биринчи сонида Александр Нейманинг Анна Ахматова ҳақидаги ҳикояларини ўқиб қолдим. Жуда яхши, ўтқир публицистик руҳда ёзилибди. Шунда шонранинг бир фикри диққатимни ўзига тортди. Авторнинг ёзишича, Анна Ахматова чинакам санъаткор бойликлар орасида яшамаслиги, умуман зеб-зийнат, мол-мулкка ҳире қўя олмаслиги ҳақида гапиради. У Пабло Пикассоning суратига қараб: «Бу рассомми ўзи? Худди банкирга ўхшайдику!» деган экан.

Шу сатрларни ўқидиму кўз олдимга Ҳамза келди. У ҳам на мол-давлатга, на амалга ҳирс қўйди. Ииқилобин илк бор куйлаган кунидан бошлаб умрининг охиригача шу йўлдаи, ўз эътиқоди, интилишидан қайтмади. Умрини ўз халқи учун, унинг маърифатга эришиши учун фидо қилди. Қирқ йиллик умрини фақат курашларда ўтказди. Шундай азиз кишимиз, халқимизнинг шундай ўғлони ҳақида ёзмасдан бўладими?

— Кечиравасиз, сўзингизни бўламан. Ҳамза билан учрашганмисиз?

— Ҳа, икки марта учрашганман. У ташкил этган шарқ кечаларида ҳам иштирок этганман.

— Ҳамза фожиона ҳалок бўлганда шеър ҳам ёзган экансиз...

— Тўғри, Ҳамза ўлдирилганидан кейин «Нафрат» сарлавҳали шеър битгайман.

— Демак, Ҳамза ижодини ўрганишнинг ўша йиллардан бошланган десак тўғри бўлади?!..

— Шундай. Умуман Ҳамза ҳақида бирон арзингулик асар яратиш умримнинг мазмунини ташкил этди, десам хато қилмаган бўламан.

Дастлабки асарларимдан бирои «Ҳамза» шеърий драмаси бўлди. Кейин кинофильм яратилди. Ҳамза ҳақида бошқа шонр ва адиллар ҳам шеърлар, ҳикоялар яра-

тишди. Уларнинг ичида Ойбекнинг «Ҳамза» поэмаси ажралиб туради.

— Бевосита роман ҳақида тўхталсангиз...

— Сўзни анча аввалдан бошладим-а?! Адабиётшунос Найм Каримовнинг ёзишича Ойбек 1919 йилда Шайхонтохурда «Бой ила хизматчи»ни кўрган экан. Ӯшанда қаттиқ таъсиранган эканми, кўзларидан ёш чиқиб кетган экан. Ҳатто унга бағишлиб достон ҳам ёзган. «Қутлуг қон» романининг илк чизгилари ӯшанда улуғ ади бимиз кўнглидан кечган бўлса, ажаб эмас.

«Ҳамза» романидаги эпиграф Ойбек достонидан олинди. Юқорида Ҳамза ҳақида бир арзингулик асар ёзиш менинг кўп йиллик ниятим эканлигини айтгандим. Биласиз, мен проза жаңрида ижод қилмаганман. Бир куни Асқад Мухтор билан сұхбат чоғида Ҳамза ҳақида гап очилиб қолди. Мен ётиғи билан унга тушунтирдим.

— Асқад, сизнинг бир неча романларингиз жуда машҳур. «Она-сингиллар», «Туғилиш», «Давр менинг тақдирнімда», «Чинор» асарларини кўзда тутяпман, албатта. Сизга бир тема айтсам шуни ёзсангиз. Сиз кўнгилдагидек қилиб амалга ошира оласиз.

— Қани, айтинг-чи,— деди Асқад Мухтор.

— Ҳамза ҳақида ажойиб роман ёзсангиз...

Асқад Мухтор бир лаҳза жим қолди. Ким билсин, ӯша дамда нималарни ўйлади экан.

— Яшин ака,— деди у ниҳоят,— бу фикр менда анча илгари туғилган. Энди менинг ганимни эшитинг: шу романни ўзингиз ёзсангиз.

— Насрда сизчалик тажрибам йўқ деяпманку ахир...

— Барибир сиз ёзишингиз керак. Чунки сиз Ҳамза ҳаёти билан жуда яхши танишсиз. Мақолалар, шеърлар, пьеса ёздингиз. Кўп серияли «Оловли йўллар» фильмси сценарийсининг асосий муаллифисиз. Кўпгина одамлар билан учрашгансиз. Демоқчиманки, тайёргарлик жараёнидан ўтгансиз. Сиз ёзверинг, ўқиш, маслаҳатлашиш бўлса бош устига. Мен ҳамиша тайёрман.

Асқад Мухторнинг далдаси билан бу ишга қаттиқ киришдим, десам муболаға бўлмас.

— Романин ёзища қандай фактларга асосланганси, домла?

— Аввало муаллифнинг ўзида хотиралар юки бўлиши керак. Мен суюнган асосий манба ҳам — ўзим кўрган-кечирган воқеалар, эшитган-билганларим бўлди.

1938 йиллар эди. Қама-қама авжиды. Ҳамзага ҳам «пантуркист», «написломист» деган айбномалар қўйилган. Номини театрдан олиб ташлаш керак деган гап-сўзлар бўлиб турган эди.

Шундай пайтда Шоҳимардонга бордим. Ўша пайтда Марғилонда гастролда бўлган Ҳалимахоним Носирова, санъаткор уста Олим Комиловнинг 12-13 яшар қизи Ҳалима Комиловалар ҳам мен билан бирга боришиди.

Шоҳимардонда Ҳамзанинг котиби бўлган Абдулла Хотамов билан учрашдим. Одамлар таниб қолиниш, жуда яхши кутиб олишди. Ўша вақтдаги фаоллар билан кўришдим. Улар менга бўлган воқеаларни батафсил ҳикоя қилиб беришиди. Фожиа юз берган Чаккатомар деган жойни кўрсатишиди, Шалангга олиб чиқишиди.

Янги маълумот, далиллар ҳам топдим. Ўша кунн Ҳамза ўғли Аббос билан бирга экан. Фожиа юз берган заҳоти уни итқитиб юборибди. Чоллардан кимдир болакайни чопонига ўраб олиб, анча вақтгача уйида сақлабди.

Шоҳимардонликлар ҳам иккига бўлинган экан: тепада яшовчилар, пастда яшовчилар. Тепада шайхлар, уламолар, пастда дехқонлар истиқомат қилган эканлар.

Ҳамзанинг қабрини зиёрат қилдим. Шайх Исмоилнинг меҳмонхонаси, мозор, қизил аскарлар отилган майдонни қайта-қайта кўрдим. Тарихини, қурилишини ўргандим. Афсус, ўша ерлар ҳозир йўқ. Бузиб юборишган. Ахир уни шайхлар эмас, халқ қурган деб бирор ўйламаган.

Абдулла Хотамов менга жуда бой материал берди. Ленинга қайкал қўйиши тарихи, муштумзўрларни қулоқ қилишда тузилган протоколларни, қўйингчи қўлидаги архивнинг ҳаммасини берди. Уларнинг бир қисмидан марҳум Воҳид Зоҳидов, бир қисмидан Лазиз Қаюмовлар ҳам фойдаланишиди. Ҳужжатлардан маълум бўлдики, Ҳамза ҳамманинг тенг ҳукуқли бўлишини истаган, шайхлар ҳам эл қатори меҳнат қилиб кун кўришини талаб қилган экан. Бу тенглик, адолатга интилиш текинхўрликни касб этган ўша пайтдаги диндорларга хуш келмаган, албатта.

Хуллас шу каби деталларнинг ҳаммасини бирмабир ўрганиб чиқдим. Романда улар жуда асқотди.

— «Ҳамза» пьесаси ўша сафардан кейин ёзилганми?

— Ҳа-ҳа! Амин Умарийга режаларимни айтган эдим, унга жуда манзур бўлди. Биргаликда ёзишни таклиф қилдим. Чунки зўр шоир эди-да!

— Шеърий ёзамиз!— деди у.

Мен ҳам ўз навбатида унга таклиф киритдим...

— Ҳамкорликда ишлайдиган бўлсак сен ҳам Шоҳинмардонга бориб кел.

Шу тариқа икковлон 1942 йилда шеърий пьеса ёзди.

— Яна қандай манбалардан фойдалангансиз?

— Уша пайтдаги Ўзбекистон ССР Олий Судининг раиси, кексалик қурсин, номини эслолмаяпман, Ҳамза қотиллари устидан ўtkазилган суд жараёнининг материаллари билан таништирди. Бу материалларга мен катта эътибор бердим, чунки уларга ёлғон-яшиқ аралашмайди.

Ҳозир шу суд эсимга тушса ўйлаб қоламан. Суд одил, адолатли бўлганмикан? Шу фикр менга ҳеч ҳам тинчлик бермайди. Бу жараённи ўрганишимиз, ҳақиқатни рўй-рост очиб ташлашимиз керак...

Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат бўлганимда мен сайланган округга Олтиариқ ҳам киради. Уша ерга борганимизда ветеран журналист Рашид Тўхтабоев билан учрашиб қолдим. У менга Ҳамза ҳақида, унинг Олтиариқ билан боғлиқ бўлган йиллари ҳақида қимматли материаллар берди, ўз хотираларини сўзлади. Район газетасида босилган «Ҳамза Олтиариқда» номли эсдаликларини менга тақдим этди. Бу материаллардан ҳам романда фойдаландим.

Романга шу тариқа заррама-зарра материал йиққанмай. Яна бир гап: Ҳамза билан ҳамқадам санъаткорлар ҳам жуда катта бойликларини — хотираларини бажонидил ўртоқлашишди.

— Мумкин бўлса уларнинг муборак исм-шарифларини айтсангиз...

— Марҳамат. Уларнинг ҳар бири Ўзбекистон маданияти тарихида чуқур из қолдирган табаррук сиймолар. Ажойиб санъаткор Мұхиддин Қори Еқубов, Маннои Үйғур Мажидов, Музаффар Мұҳамедов, Етим Бобожонов, Ҳожи Сиддиқ Исломов, Тўхтасин Жалилов, Марияхоним Кузнецваларнинг эсдалиқ ва хотиралари Ҳамза ҳаётининг маълум турли қирраларини аниқ тасаввур қилишимга имкон берди. Аъзам Ҳўжаев, Нишон Ризаев, тунукасоз уста, Ҳамзанинг дўсти Бўронбойлар ҳам менга катта ёрдам беришган.

— Адабиётшунос олимларининг асарларидан ҳам фойдаланган бўлсангиз керак?

— Бўлмасам-чи? Лазиз Азиззода, Шокир Сулаймон, Сотти Ҳусайн, Лазиз Қаюмов, Мамажон Раҳмонов, Юсуф Султонов, Олим Шароғиддинов, Хомил Ёқубовларининг тўлақопли тадқиқотлари менига катта ёрдам берган. Турли йиллардаги суратлар, ҳужжатларнинг қийматини айтиб ўтириш зарур бўлмаса керак!

— Романда ёзилишича, Ҳамзанинг отаси Ҳакимча табиб унинг кокилини кестирниш мақсадида Шоҳимарданга олиб борган экан...

— Ҳамза бирдаи даҳрий бўлиб қолмаганку! У динни ўзига ишқоб қилиб олган баъзи бир шариат пешволарининг қаллоблигини, улар жаҳолатга хизмат қилишини, уларнинг кўпчилиги халқ душмани эканлигини бирданига билиб олмаганку! Унинг ишқилобий тафаккури астасекин муқаррар равишда такомиллаша борган.

— Буни Ҳамза билан замондош бўлган одамлар ҳам айтишган.

— Албатта. Абдулла Авлоний, Садриддин Айний, Чўлнон, Сўфизода, Завқий каби ижодкорлар сингари Ҳамза ҳам илгор фикрли бўлган. Айни пайтда рўй берётган воқеалар хусусида ўша пайтдаги зиёлиларининг ўз фикри, ўз қарашлари бўлганки, буни эътироф этиш керак. Худди шунинг учун ҳам кўпчилик ишқилобнинг илк кунларида ўзини янги замон учун курашга бағишлай олмаган. Ҳамза эса улардан фарқли ўлароқ бутун борлиги билан советлар позициясига ўтиб ишқилоб фидойисига айлангани. Романда кўпроқ адабнинг шу хислатларига эътибор берганман.

— Ромаида яна Ҳамзанинг саёҳати ҳақида ҳам сўз боради. Айниқса, унинг Ҳиндистонда бўлиши, Тагор билан учрашиши китобхонда ҳар хил фикр уйғотади. Шу эпизод «Оловли ўйллар» фильмида ҳам бор...

— Ҳамза 1923 йилнинг бошида ҳаж қилиш баҳонасида сафарга йўл олган. У сафаридан йилнинг охиридагина қайтган. У жуда кўп мамлакатларда, шаҳарларда бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Ҳиндистон хусусида мен аввал бир воқеани баён қиласай. Ҳамза бу ажойиб юртда пианинони кўриб қолади. Унга жуда ҳам ёқиб қолади. Ўзи билан олиб кетмоқчи бўлади. Лекин қандай қилиб? Пианино катта музика асбоби бўлса ... Ўйлаб-ўйлаб охири унинг клавишлари, умуман, овоз чиқарадиган қисмини ажратиб олади.

Кўқонга қайтгач юқорида номини зикр этганинииз Бўронбой тунукасозникига бориб, устки қисмларини тунукадан ишлатади. Чалинганда пианино дўнфиллаб, ёқимсиз овоз чиқаради...

Бу ҳикояни нега эсладим? Битта пианинога шунчалик эътибор берган Ҳамза, Ҳиндистонга бориб, Тагордек кимса билан учрашмаслиги, у билан танишмаслиги мумкин эмасдек туюлди менга. Буни аввало ёзувчининг принципи деб қаралса тўғри бўлади. Бу ганини ёш ҳам зашуносларимиздан Раъно Иброҳимова ҳам ўз китобида айтиб ўтади.

— Романда жуда кўн қаҳрамонлар ҳаракат қилишади...

— Романда Ҳамзанинг ёшлик йилларидан то ҳаётининг сўнгги кунларигача бўлиб ўтган воқеалар қаламга олинган. Шундай бўлгандан кейин унда персонажлар, қаҳрамонлар кўплиги табиий. Улар орасида асосий қаҳрамонлар образини тўлдирувчи, яна ҳам бўрттирувчи персонажлар ҳам, тарихий шахслар ҳам, прототипни ҳаётда бўлган образлар ҳам бор.

Ўз-ўзидан маълум, Кўқон ҳокими Меднинский, Оқтоброфицер, Аксинья, Зубайдалар ҳаётий образлар. Аксинья Фаргона обlastига сургун қилинган тамбовлик ишчининг қизи бўлган.

Фильмда яна шайхлар образи ҳам борки, уларнинг муайян прототиплари ҳаётда яшаган. Шайх Исмоил, Ҳазрат, Ғиёсхўжа, Ҳуррамбойларни назарда тутаётган лигимни тушунгандирисиз? Аслида уларнинг кўпчилиги қўрбоши, босмачилар бўлишган.

Романдаги Олчинбекнинг прототиплари бир эмас, бир неча. Яна ҳам аниқроғи — у умумлашган образ. Шўронининг ашаддий душманларини шу образда мужасамлаштиришни иият қилган эдим.

— Романдан илк парчалар, янглишмасам, «Гулистан» журналида чоп этилган эди...

— Асарнинг биринчи қисмини, ўзи айтганидек, Асқад Мухторга ва профессор Лазиз Қаюмовга бердим. Улар ўқишидни, ўзларининг қимматли маслаҳатларини беришиди. Кейин қайта ишладим, дўстлариниг маслаҳатларига амал қилдим.

Уша йиллари Асқад Мухтор «Гулистан» журналининг редактори эди. Журналда романдан парчалар эълон қилинди. «Ҳамза» романни 1978 йилда «Шарқ юлдузи» журналининг 7, 8, 9 сонларида босилиб чиққан. 1982 йилда китоб ҳолида чоп этилди.

— Рус тилига ҳам таржима этилган чоғи?

— Ҳа, Валерий Осинов таржимасида «Советский писатель» нашриётида 1982 йилда чоп этилди. Романин рус китобхонлари яхши кутиб олишди. Шу нашриётда қайта босилди, илик фикрлар айтилди. Ниҳоят, ўтган йили «Художественная литература» нашриётида катта тиражда — 100000 нусхада учинчи маротаба босилиб чиқди.

Қўпгина қаламкаш ўртоқлар, хусусан Лазиз Қаюмов, Матёкуб Кўшкоинов, Ҳафиз Абдусаматов, рус танқидчилари З. Кедрина, Молдавскйлар фикр-мулоджазаларини айтишди. Роман ўзбек тилида қайта чоп этилса, албатта бу фикрларни инобатга оламан.

— «Оловли йўллар» кўн серияли фильмни сизнинг романнинг асосида яратилганми?

Ҳамза ҳақида бадиий фильм яратиш Шуҳрат Аббосов томонидан режалаштирилган экан. Биласиз, «Оловли йўллар» Марказий телевидениенинг буюртмасига биноан суратга олинган. Фильмга роман асос қилиб олингану, лекин жуда кўп жойларига режиссёр тўқимаси, янги фикрлар қўшилган. Масалан, Ҳамзанинг Тагор билан учрашиши, делегация билан Амир Олимхон ҳузурига бориши ва ҳоказо. Шуҳратжон менинг розилигимни олгач, иш бошлаган. Романдаги асосий мавзу, образлар, исмларга қадар ҳаммаси экранга кўчди. Шунинг учун фильм муаллифлари қаторида номим зикр этилди. Албатта, ўзим ҳам бир четда қараб турганим йўқ.

Яшин домла оҳиста туриб китоб жавонидаги китоблар орасидан «Ҳамза» романини олиб, дастхат ёздиларда менга бердилар.

Домла хайрлашаётганиларида ажиб бир завқ ва эҳтиром билан шундай дедилар:

— Ҳамза олов эди, олов бўлиб яшади. Оловлигича қолди. Бу олов эса сира ўчмайди.

„Машъал“

Таниқли адаб Ҳамид Ғуломнинг «Машъал» романи босилиб чиққанидан сўнг, қўлма-қўл бўлиб кетди. Ҳамма ерда Ботираги ва Эъзозхон, Бўронбек ва Зиёдулла ҳақида сўзлашардилар. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай унинг иккинчи китоби чоп этилди. Яна Эъзозхон ҳақи-

даги оташин фикрлар, Мирҳосил ва Лаълихонларнинг тақдири ҳақидаги ҳайратомуз сұхбатлар...

Романинг номидан ҳам кўриниб турибди-ки, у Улуг Октябрь инқилоби ҳақида, Шарқдаги иккинчи инқилоб — хотин-қизлар озодлиги ҳақида. Бу йўлда берилган қурбонлар, тўкилган қонлар, бемаҳал хазон бўлган жонлар ҳақида. Ер ислоҳоти, деҳқонлар тақдири ҳақида. Буни адид ҳам сұхбатда бир неча бор таъкидлади.

— Ҳамид ака, «Машъал» романини ёзиш фикри сизда қачон туғилган? Роман материалларини қандай йиққансиз? Унинг туғилишига туртки бўлган бирон воқеа борми?

— Одатда, буни ўзингиз ҳам яхши биласиз, гулхан учқундан, чўғдан пайдо бўлади. «Машъал»нинг учқуни — болалик хотираларим.

Бобом-мулла Гулом тўғон қурувчи, аниқроғи мираб бўлган эканлар. У пайтлардаги тўғон қуриш нақ азобнинг ўзи бўлган. Хусусан асов Чирчиқ дарёсига тўғон солишини кўз олдингизга келтиринг. Асов сувга сепоя ташлаш, шоҳ-шабба, тош билан уни бўғишга қанчалаб куч сарф бўлган. Минг машаққат эвазига бунёд бўлган тўғон фақат бир йилгагина чидаган. Келгуси йили яна янгидан тўғон тикланган.

Бобом доимо сафарда юар, Қўйлиқдан то Хумсонга қадар тинмай кезар эди. Шу хил сафарларда кўпинча мени ҳам ўзи билан бирга олиб кетарди. Фоят но-тинч, аммо юртда буюк инқилобий ўзгаришлар содир бўлаётган йиллар эди. Гражданлар уруши тугаб, одамлар эндиғина еигил нафас ола бошлаган. Лекин босмачилар ўт қўйган қўралардан кўтарилган дуд сўниб битмаган, сўқмоқларда босмачилар оти туёғидан қолган излар қор босиб улгурмаган, олис даралардан гоҳи-гоҳида бехос отилган ўқлар қалдирғоч юракларни зирқиратарди. Бобомнинг таниш-билишлари, улфатлари кўп эди. Сафар пайти биз кирган хонадонларда кўпинча босмачиларнинг ваҳшийлиги ҳақида сўз борарди, баъзи давраларда босмачиларни изма-из қувган азаматларни кўриб, ҳавасим келарди.

Бобом Чирчиқ соҳилларидаги тўқай жойлардан ботқоқликларни қуритиб, 20 гектарга яқин ер очган. Шоли эккан. Уша ер ҳозир ҳам бор экан. Мулла Гуломнинг ери деб аташаркан уни одамлар.

Болаликда мана шу кўрган-кечирганларим хотирамга маҳкам ўрнашиб қолган эди. Вақти келиб қўлимга қалам олиб, унча-мунча машқ қилишга киришганим-

да улар менга сира тинчлик бермади. Шу тариқа биринчи йирик асарим болалик хотираларимдан унибүсиб чиқди. Романнинг хамиртуриши мана шу.

— Романдаги воқеалар қайси вилоятларда кечади? Бу муаллиф таилаган жойми ёки тарихий заруратми?

— Ҳозирги Бектемир деб номланган даҳани биласизми? Қўйлиқнинг нариги ёғида. ӽша ерлар Қумқишлоқ деб аталган. Қозоқлар Қумовул деб ҳам юртишган. Шу қишлоқнинг маркази, яъни ҳозирги Бектемирнинг марказида болохонали уй бўлганди. Пастки қавати чойхона, устки қаватида қишлоқ шўроси жойлашган. Романдаги барча воқеалар шу Қумқишлоқда кечади. Уни бошқача номламаганиман.

— «Машъял»да жуда ҳам кўп қаҳрамонлар иштирок этишиади. Умурзоқ ота, Рассоқ, Эъзозхон, Ботираги, Бўронбек, Қамчи, Ўтап... Уларнинг орасида тарихий шахслар ҳам борми?

— Ҳаммаси ўзим кўрган, билган одамлар. Ботирагидан бошлай. Дадам Убайдулла aka ўқитувчи бўлганлар. Юқорида тилга олинган болохонада мактаб очмоқчи бўлганлар. Уни 23 ёшида янги ҳаёт душманлари отиб ўлдиришган.

Эъзозхон образи масаласига келсак, унинг таърифтавсифини онам, Қория Темир қизидан олганман. Дадам ҳалок бўлганларидан кейин, онам унинг ишини давом эттиришга бел боғлаган. Дадам ва онам Ботираги билан Эъзозхоннинг прототипи бўлиб хизмат қилишган.

Юқорида бобомни тилга олгандим. Бобом «еримин топшираман, куч-қувватим ўйқ, иложи бўлса уни Ўтапга тоғширсам, у ернинг тилини билади. ӽшанг беринглар» деганида, ӽша пайтдаги шўро раҳбарлари: «ерни кимга берамиз бу бизнинг ишимиз» деб уни ҳайдаб чиқаришган. ӽша пайтлар ўрта деҳқонларни қулоқ қилинаётган пайтлар эди. Эътибор берган бўлсангиз, романдаги Мавлон aka ҳам шундай ўрта деҳқон. Мавлон — маълум маънода бобомнинг прототипи.

Бўронбек ҳам ҳаётда бор бўлган кимса. Уни ишоятда золим, қаҳри қаттиқ одам бўлган дейишарди. Ўтап ҳақида айтиб ўтдим. Уни ўзим кўрганман. Қўнгина қаҳрамонлар ўзим ҳаётда кўрган, эшитган кишиларнинг образи.

— Лаълихон билан Бўронбек ўртасидаги муносабатлар-чи?

— Шунақа бир муҳаббатни билардим. Ўшани Бўронбек билан Лаълихон ўртасидаги ишқ спфатида тасвирладим. Бирига бу ишқ ҳаёт, бирига эса эрмак. Бирига — кўнгилхуши, бирига — фожиа. Аслини олганда, Бўронбек билан Лаълихон романнинг дастлабки икки китобини учинчи китоб билан боғлайди ҳам.

— Ўзингиз айтиб қолдингиз, дастлаб романнинг уччала китобини ёзиши режалаштирганмисиз ёки уни давом эттиришни вақт тақозо қнлганми?

— Уччала китобни ёзиши ният қилиб, қўлимга қалам олганман. Дастлабки икки китоби тез ёзилди. Материаллар жуда кўп эди. Архивлар ниҳоятда катта ёрдам берди.

Эътибор берган бўлсангиз, романнинг биринчи китобида туркиялик асиirlар ҳақида атрофлича сўз юритилади. Улар зимдан олиб борган кураш, миллатчилик йўлидаги уринишлари барбод бўлади ва, ниҳоят, Туркияга жўнатиб юборилади. Учинчи китоб айнан ана шу турклар фаолиятига боғлиқ бўлади. Пантуркизм, панисломизм гояларининг атрофлича бадиий таҳлили бўлади.

— Агар, малол келмаса, учинчи китоб режалари ҳақида батафсил сўзласангиз.

— Шу ерда бир нарсани алоҳида таъкидламоқчи ман, учинчи китобиниг бунчалар чўзилиб кетишига сабаб бор, албатта. Мен турк асиirlаридан баъзилари билан учрашишим, ўша йиллардаги воқеаларни ипидан иғнасигача билиб олишим керак эди. Бунга жуда кўп вақт керак бўлади. Яна бир асосий мавзу: ўтра деҳқонларнинг ердан ажралишлари, қулоқ қилиниши фожиаларини тасвирилашдир. Мавлон учинчи китобда қамалади, қаттиқ очарчилик даврини бошидан кечиради. Учинчи китоб Бўронбекнинг Лаълихон билан учрашуви сахнасидан бошланади. Улимга ҳукм қилинган одамнинг тирилиб келиши қанчалар даҳшатли!

1918 йил. Биринчи жаҳон уруши тугаган. Германиянинг иттифоқчиси бўлган Туркия енгилган. Ўша вақтда ёш турклар (младотурки) ҳукумат тепасида эди. Номи ўша пайтда машҳур Анвар пошшо, Талъат пошшо, Жамол пошшолар миллатчиларнинг ўзига хос байроғига айланган эдилар.

Анвар пошшо 1920 йилда Бокуга келади. Шу ерда ўтказилган шарқ ҳалқлари қурултоида қатнашиб, сўз сўраган. Унга сўз берилмаган, 24 соат ичиде Бокудан чиқиб кетниш ҳақида буйруқ бўлган. Шундан сўнг у 1920 йилда Тошкентга келган. Бу ердан Шарқий Бухо-

рога қочиб ўтган. Кўрбоши Иброҳимбекининг тўдасида ҳарбий маслаҳатчи, штаб бошлиғи бўлган.

Тошкентга келишининг сабаби, асири тушган ёш турк офицерлари — уларни човушлар деб аташарди.—Эски Тошкентда мавжуд бўлган 16 мактабда дарс берганлар. Аивар пошто ана шу турк муаллимлар ёрдамида ўзига содиқ мусулмон аскарлар тарбияламоқчи, кейин туркларга қўшиб жангга солмоқчи бўлган.

Мустафо Камол пошто — Камол Отатурк Бош министр бўлгач, турк асиirlари ватанига қайтарилади.

Тарих тақозоси билан ўзбек халқининг бир қисми Афғонистон, Туркияга қочиб ўтган.

Туркияда ҳам ўзбеклар кўп. 50—60 мингдан зиёд. 1978 йилда «Ватан» жамияти йўлланмаси билан Туркияга борадиган бўлдим. Самолёт аввал Қоҳирага учди. Қоҳирада уч-тўрт кун бўлгач, қайтишда Истамбулга қўндиқ. Узбекистондан келганимни эшишиб ўзбеклар мен қўнган меҳмонхонага кириб келишаверди...

Ён дафтаримда Туркияда бўлган ўша бир-икки учрашув тафсилоти ёзилган. Айнан сизни қизиқтирган мавзуга мос.

Карвон худди чумолидек ўрмалайди. Туяларда ярим уйгоқ кишилар мудрайди. Улар Шарқий Туркистондан Туркия сари йўл олган ўзбеклар.

Умар кажавадаги бетоб онасиға дам-бадам сув тулади. Элликларга кириб-кирмаган хушрўй аёл алангаи оташ бўлиб ёнади. Иситма аралаш кимларнидир чақиради. Онасининг аҳволи борган сари оғирлашаётганидан Умар нима қилишини билмай талмовсирайди.

Кечга яқин онанинг яшашидан умид қолмади. Нафас олиши оғирлашди. Ўғлини чақириди.

— Болам,— дейди у бемажол шивирлаб,— икки ўрим сочимни қирқиб ол. Насиб қилиб, Қўқон деган шаҳри азимнинг жамолини кўрсанг, оёғинг Қўқон тунроғига тесса, шу икки ўрим сочимни Шайҳон қабристонига кўм. Таам шу ерда қолди, ҳеч бўлмаса сочим ўзга тупроқларда чиrimасин. Ота-онам, хешу ақраболарим ўша ерда ётиби. Бу менинг сенга васиятим, болам.

Умар кўзда ёши шашқатор бўлиб онасининг сочини кесиб олибди. Туркияга келиб, ўринашибди. Майда ҳунармандчилликни давом эттирибди. У уста экан, дипломат ясаркан. Бадавлатроқ хонадондан уйланибди. Ўғил кўрибди. Ўғлининг исми Эртам экан. Жуда рамзий ном.

Иттифоқо, Умар қоқилицы, йиқилибми оёғини синдириб олади. Врачларга күрсатай деса пули йўқ. Табибларга даволатиб бир йилча уйда ётади. Тирикчилик издан чиқади. Хотини, «менга бунақанги чўлоқ эр керакмас» деб отасиникига кетиб қолади.

Умарнинг юрагида бир орзуси бўлади: ўғлини ўқитиш. Мен билан учрашганида, яъни 1978 йилда Эртам Истамбул дорилфунунинг меъморчилик факультетини битириб, қўлига диплом олган экан. Биноларни бир-бинрга боғловчи инженерлик касбии эгаллаган экан.

Умар менга ўз ниятини айтди:

— Ўғлимни Ўзбекистонга олиб кетсангиз. Мен Ватанини фақат тушимда кўраман. Мен эришмаган орзуга Эртам етсин. Ўзбек халқига хизмат қиласин. Юртимизни ташлаб кетиб гуноҳ қилдик, гуноҳни ювайлик. Ҳозир Тошкентда зилзиладан кейин қурилишлар катта дейишяпти. Кейин онамнинг ҳам васияти бажарилармиди... Афсус, илтимосни бажаролмадим.

Мен бу воқеаларни бекорга эслаганим йўқ. Шу воқеаларнинг барчаси «Машъал»нинг учинчи китобига киради.

— Айтишларича, сиз Михаил Шолохов билан учрашган, «Машъал» юзасидан маслаҳатлашган экансиз?

— Ҳа, шундай бўлганди. Ўша пайтларда Горький номли жаҳон адабиёти институтида таҳсил олардим. Буюк адабининг «Очилган қўриқ», «Тинч Дон» романларини қайта-қайта ўқир, у билан учрашишни орзу қиласдим. Орадан кўп қутмай шундай имкон туғилди. Унга роман устида олиб бораётгани ишларимни ҳикоя қилиб бердим.

Бўронбек билан содир бўладиган бир воқеа бор. У ашаддий пантуркист Қомилнинг тавсияси билан Қумқишлоқдан, севгилиси Лаълидан, суюкли қорабайиридан воз кечади. Бўронбекнинг кўзига қорабайирнинг кўзлари Лаълихоннинг кўзларидан ҳам гўзал туюлади. Хуллас, у ҳўнг-ҳўнг йиғлайди, кейин қорабайирни чопиб ташлайди.

Шолохов ҳикоямни диққат билан эшилди: сўнгра:

— Ҳаёт қонунига риоя қилишни хоҳласангиз, аввал қора-байир, сўнгра ушинг эгаси йиғласин,— деди.

Худди шундай қилдим. Бу эпизод романдаги энг чиройли саҳифалардан бири бўлиб қолди.

— «Машъал» бошқа тилларга ҳам таржима қилинганми?

— Дастьлаб «Совет романининг 50 йиллиги» сериясида дастьлабки 15 китоб ичида чоп этилди. Максим Горький, Мухтор Аvezов сингари табаррук адиллар билан бир қаторда китобим босилиши мен учун катта баҳт бўлганди. Сўнгра эстон, қозоқ ва бошқа тилларга таржима қилинди. Фақат номи «Первые ласточки» («Биринчи қалдирғочлар») бўлиб кетди. Рус тилида «Светочь» номи билан бир марта босилиб чиқди. Аслини олганда, роман қаҳрамонлари япги ҳаётининг биринчи қалдирғочлари эдилар.

— Роман қаҳрамонларидан ҳозир ҳаётлари борми?

— Онам Қория Темир қизи. Ҳозир 96 ёшдалар. Романин ўша кишига бағишлаганиман.

— Романин қайта кўриб чиқиш ниятингиз бор экан...

— Ҳа, бор. Бу романни батамом янгидан ёзамиш деган гап эмас. Ҳозир Қўқон мухторияти, нантуркизм, панисломизм ҳақида яна гапириляпти. Бу гапларининг «Машъал»га нима алоқаси бор, деб ўйларсиз. Ҳозирги шаронтда тарихий асарларни бир кўздан кечириш шарт. Қўрганда ҳам тарихни бўямасдан, бор ҳақиқатни акс эттирганми, йўқми деган пүқтани назардан туриб қарашиб керак. Чунки инқилобни халқимиз ниҳоятда кўп қурбонлар эвазига рўёбга чиқарган. Ўз йўлбошчилари бўлган. Ушбу ҳақиқатни унутиш, сохталашибнига ҳақимиз йўқ. Бу жуда муҳим масала. Чунки давр таъсирида кўнгина воқсаларга ўзгача тус берилгани маълум. «Машъал»ни худди шу маънода кўриб чиқиш зарур, деб ўйлайман.

„Икки эшик ораси“

Асар ёзилади.

У ўз унрини яшай бошлайди. Лекин унинг умри иккни хил бўлади. Бир хилларини шоир туғилган кунда бир эслашади. Бир тоифа асарлар борки, улар ҳар лаҳза варақланади. Қўлдан тушмайди. Унинг муаллифи ҳар гал қўлга олганимизда бир эсланади.

Адабиётимизда туғилган кунлари ўтказилган асарлар талайгина: «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Ҳалима», «Кеча ва кундуз», «Қутлуғ қон», «Навоий», «Зайнаб ва Омон», «Қўкан», «Сароб»...

Кейинги йилларда Үткір Ҳошимов, Абдулла Орипов, Учқун Назаров, Үлмас Үмарбеков сиңгари талантлы адиларимиз қатар қисса ва романлар яратдилар.

Үткір Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» улар орасида алоҳида ажралиб туради.

«Икки эшик ораси»ни ўқиб чиққанимдан кейин анча вақтгача унинг таъсирида юрдим. Роман ҳақидаги тақризларни ўқиб чиққанимдан кейин Үткір Ҳошимов билан учрашдим. Гап гапга уланди. «Икки эшик ораси» ҳақидаги муаллиф изланиниларини, қийналишларини билib олишга мұваффақ бўлдим.

— Үткір ака, суҳбатимизни шеър ўқишдан бошласак. Эшитинг.

МАҚТУБ

(Кимсан Ҳусановнинг Робияга ётиб келмаган хати)

Робия! Мен ўлган эмасман, ишон,
Ишон, Ватанимнинг юрагидаман.
Тинчликни истаган жами одамнинг
Оппоқ орзулари, тилагидаман.
Эргашали ака мина остида
Қийма-қийма бўлди, ўзим кўрганман.
Вася амакининг шилиниб кетган
Жасадини тортиб ерга кўмганман.
Даҳшат! Нимасини айтай, Робия!
Кўйган болакайнинг кўзчалари йўқ!
О, бунинг ҳар бири осколка булиб
Дардли юрагимда қотиб қолган ўқ!
Робия, ғдамлар эшитсин, айтгин,
Номаълум солдат мен, мағрур ҳар маҳал.
Мангу олов бўлиб, ўчмас ном бўлиб,
Қалбинигда тикланган ҳайкалман, ҳайкал!

Нодира Баратова,
ТошДУ студенти, Бухоро

Еки мана бу шеърни олайлик.

МУЗАФФАР ШОМУРОДОВИНИГ СҮНГГИ ҚУШИФИ

(«Икки эшик ораси» романини ўқиб)

Қўқоннинг йўлларида бораяпман тентираб,
Қўрмаган бу урушнинг қолган дардин опичлаб.
Ҳали-ҳануз билолмай ҳақиқатни, воажаб,
Бораяпман саботни маҳкам тишимга тишлиб!
Онажоним, шум тақдир не куйга согланни
Ҳаммага сўзладингу фарзаидингдан яширдинг.
Билмадим қай қабоҷат домига олганини
Ҳаммага бўзладингу дилбандингдан яширдинг.
Дунёга сен келтириб ўзга силади бошим,
Ахир сенинг меҳриниги мен илк бор унда туйдим.
«Угай» сўзин эшитиб, пинҳон оқса-да ёшим,
Қўшнилар таънасини эшитмаганга йўйдим.

Бораяпман, отамнинг таниш ёғоч оғзи
Меининг оғзим бўлиб, ортга томои судрайди.
Боряпман, «Закунчи» муздек совуқ сиёғи
Нечундир тез орқага қайтишимни ундейди.
Бораяпману, онам — Робия кўз жоласи
Сенинг мотамнинг бўлиб, армонга айланади.
Очилмай ҳазон бўлган муҳаббатим иоласи
Юракка санчилмоққа тиғ бўлиб шайланади!
...Қўқоннинг йўлларида бораяпман тентира,
Кўрмаган бу урушнинг қолган дардин опичлаб...

Абдунаби Бозорбоев
Шаҳрисабз

Китобхондан хат олмайдиган ёзувчи кам бўлса керак. Сизнинг «Чўл ҳавоси», «Баҳор қайтмайди», «Қалбиннга қулоқ сол», «Дунёнинг ишлари», «Икки кара икки—беш» қиссаларингиз, «Нур борки, соя бор» романнингиз ўқувчиларни ҳаяжонга согланини биламан. Лекин «Икки эшик ораси» романи ўқувчилар ўртасида, айниқса, машҳур бўлиб кетди. Адабий жамоатчилик ва танқидчилар томонидан ҳам юқори баҳоланди. Асар ҳақида етакчи танқидчиларимиз кўплаб тақризлар ёзишди. Роман Ҳамза номли республика Давлат мукофоти билан тақдирланди. Асар қаҳрамонлари ҳақида хат эмас, шеърлар ёзилиши ҳар доим ҳам, ҳар бир асарга ҳам насиб бўлавермайди. Бу ҳол романнинг жуда катта таъсир кучидан дарак беради. Гапни узоқроқдан бошласак. Менимча, ҳар бир асарнинг дунёга келиши учун бирон нарса туртки бўлади. «Икки эшик ораси» нинг ёзилишига нима сабаб, аниқроги, нима баҳона бўлган?

— Ҳар қандай қаламкашининг ўз одат-кўнкимлари бўлади. Менинг ҳам бир одатим бор. Ҳар гал янги бир асар ёзишдан олдин ўзим билмаган ҳолда «разведка» қилиб кўраман. Масалан: «Чўл ҳавоси» ёзилишидан олдин «Тўрт мактуб» ҳикояси битилган. «Баҳор қайтмайди» ёзилишидан олдин «Ҳалокат» пьесаси қофозга тушган. Бу асар саҳнада ўйналмади, ҳеч ерда эълон қилинмади. Асар материали пьесага сифмаслигини тушунганимдан кейин у қиссага айланганди.

«Нур борки соя бор» романи ёзилишидан олдин шу мавзуда бир қаинча публицистик чиқишлар қилинди. Бу мавзу атрофида баъзи ҳикоялар ёзилди, лекин улар ҳам чон этилмади. Бўш эди. Бирон жойга олиб боришни ўзимга эп кўрмадим.

«Дунёнинг ишлари» ҳам аввал кичик ҳикоялар тарзida ёзилди. Қисса эълон қилинганидан кейин анча вақтгача мазкур асар руҳидан чиқиб кетолмадим. Шу-

нинг учуи бутуилай ўзға бир руҳдаги ва мазмундаги асар яратилиши зарур эди. «Икки эшик ораси» менинг қийнаган китоб бўлди.

1982 йилда «Эртага куз» деган қисса ёздим. Бу анчагина катта асар эди. Унда уруш номли касофат одамларнинг бошига қанча кулфатлар солиши мумкинлиги тасвириланган. Бундан кўп йиллар илгари бир танишим изтиробли воқеанинг айтиб берганди. Вояга етгандан кейин отаси уйланиш ҳақида гап очибди. Йигит ҳали бирорни севмаган экан, лекин ўзининг кўнглига яқинроқ бир қизни айтибди. Отаси у сенга бўлмайди, деб баҳона қилибди. Бошқа бир қизни айтган экан, у ҳам бўлмайди дебди. Хуллас, ҳақиқатни айтишга мажбур бўлибди: уруш найтида онаси вафот этган эканку, шу қишлоқнинг ярми хотини унинг онаси бўлиб қолган: уни эмизишган экан.

Бугун, 80-йилларда бундай гапларга унчалик эътибор бермаслик мумкин (туғруқхонада дунёга келган чақалоқни аралаш-қуралаш эмизавериш, ҳатто бола нуқул сунъий сут билан боқилиши ҳам мумкин). Аммо уруш ва ундан кейинги даврларда «кўкалдошлик», кўкракдош ака-укалик, ака-сингиллик муқаддас саналган. Бу — бирламчи. Иккинчидан, «Икки эшик ораси»даги Мунаввар характери — ниҳоятда позик. У жиндай губор тегса, сўлиб қоладиган гулга ўхшайди. Бунаقا фожиани кўтара олмайди. Шу сабабли «арзимаган гап учун асар қаҳрамонларини фожиага итқитиш шартмиди» деб даъво қиласидиган киши асар руҳнин чуқур ҳис қилмаганидан шундай холосага келса керак, деб ўйлайман.

«Эртага-куз» қиссасининг қаҳрамони (Раъно) вафот этмайди, ўзи хоҳламаган ҳолда эгри йўлга киришга мажбур бўлади. Бунинг учун биринчи навбатда уруш айбдор.

Хуллас, ўша қисса ёзилди. Аммо асар ўзимга ёқмади. Унда нимадир етишмаётганини ҳис қилиб турардим. Кейин билсан, уруш фақат жангоҳда юрган одамларни ўлдириши билан чекланмади, мамлакат ичкарисида фидокорона меҳнат қилаётган одамларни ўлдириши билан ҳам чекланмади, уруш ўзи битганидан кейин туғилган бегуноҳ одамларнинг ҳам умрига завол бўлди, деган мақсадни очиш учун, кенг қамровли асар керак экан.

Роман китоб бўлиб чиққанидан кейин яна бир ҳақиқатни англаб етдим. Инсон хотирасининг минглаб

«хужра» лари бўларкан. Кичик бир деталь ёки воқеа узоқ йиллар эснагизда «яшириниб ётиши» мумкин. 1964 йилда «Булутли оқшом» деган ҳикоя ёзилиб, «Тошкент оқшоми»да (1966 йил) эълон қилинган эди. Ўша ҳикояда ҳам роман воқеасига ўхшаш эпизод бор экан. Бу деталь хаёлнинг бир чеккасида туриб қолган, йиллар ўтиб, тагин жонланган, янгича мазмун касб этган бўлини ҳам мумкин.

— Ёзиш жараёнида сиз учун энг оғири нима? Материал тўплашми? Бевосита ёзиш жараёними ёки қўл-ёзмани қайта ишлашми?

— Чамамда, тарихий асар ёзмоқчи бўлган адаб учун «материал тўплаш» деган алоҳида юмуш, албатта, бўлиши керак. Замонавий асар «зарядлари» эса қаламкаш онгида қандайдир табиий равишда тўпланади. Бирон деталь ёки воқеани «шуни албатта асарга киригман» деб ўйлаб ўтирмайман. Дафтарчамга ёзиб ҳам қўймайман. Билмадим, балки бу нотўғридир. Лекин одатим шу (бу — хотирам зўр деганим эмас). Асар ёзилаётганда қачондир қасрдадир кўзга чалингаи, эпитетлган деталлар ўзи қўйилиб келади...

Бошқаларни билмадиму, мен учун энг қийини—асарни қайта ишлаш жараёни.

Мисол тариқасида айтишим мумкин: «Икки эшик ораси» романи — катта ҳажмли асар. Машинкада 700 саҳифа атрофида. Лекин қайта ишлаш жараёнида ёзилган саҳифаларни тахминан ҳисоблаб кўрсан, уч минг саҳифага борар экан. Начора, талант бирламчи, меҳнат иккиласми бўлишига қарамай, қаламкаш қора меҳнатдан ҳеч қочмаслиги керак.

Ёзувчилар уюшмасида асар қўлёзмаси қизғин ва кескин муҳокама қилинган эди. Ўз фикрини очиқ-ойдин, самимий баён қилган, маслаҳат берган С. Аҳмад, О. Шарафуддинов, У. Норматов, Х. Тўхтабоев, Н. Фозилов, П. Шермуҳамедов, А. Расулов, М. Муҳаммад Дўст, Х. Султонов, Ҳ. Тўрабеков, М. Маҳмудов ва бошқа устозларим, ҳамкасб дўстларим, етакчи мунаққидлардан, ҳаётдан эрта кетган Баҳодир Гуломов, Лола Тожиевалардан миннатдорман.

— Роман, сиз айтгаидек, кенг плаили. Бир қишлоқ мисолида қарийб 40 йиллик ҳаёт акс этади. Нима учун шу услубни танладингиз?

— Мен анъанавий йўлдан борсам, «Икки эшик ораси» трилогия бўлиши керак эди.

Биринчи китоб — колхозлаштириш даври, Ориф оқсоқол, Ҳусан думалар линияси;

Иккинчи китоб — уруш даври, Қимсан, Робия, Умар закунчи, Раъно, Шомуродлар линияси;

Ўчинчи китоб — урушдаи кейинги давр, Музаффар, Мунавварлар линияси.

Мен атайлаб бу йўлдан бормадим. Сабаби шуки, бундай қарапанида, услугуб — гарчанд бемалол ёзиш мумкин бўлганида ҳам — эскича бўлиб қоларди. Иккинчидан, асар драматизми ҳам озми-кўпми сусайган бўларди. Мен воқеаларнинг ҳаммасини битта китобга сигдиришга ҳаракат қилдим. Аммо бу ўринда ҳам одатдаги йўлдан қочдим. Яъни, 30-йиллардан 70-йилларгача рўй бергаи воқеаларни бир бошидан тасвирламасдан, қаҳрамонларнинг ҳаётидаги эиг муҳим драматик моментларни кўрсатишга ҳаракат қилдим. Мураккаб жойи шундаки, асарнинг бир боби 30-йиллар ҳақида ҳикоя қилса, 2—боби 50-йиллар, яна бир боби 70-йилларга, кейин тағин 30-йилларга кўчади. Бундай ташқари романда тўққиз персонаж, тўққиз хил тақдир, тўққиз хил феъл-атворли одам ўз ҳаётининг турли иуқталаридан туриб гапиради. Уларнинг ҳикоя қилиш усули ҳам, тили ҳам бир-бирига ўхшамаслиги керак. Ҳатто биргина Музаффарнинг ҳикоя услуби ҳам ҳар бобда ҳар хил бўлиши лозим эди. Масалан: Музаффар болалигида бола бўлиб, йигитлигида йигит бўлиб гапириши керак. Қора амманинг ҳикоя услуби Раъононикига, Раъононики Робияникига ўхшамаслиги керак. Шу боисдан роман ертўласидан тортиб чордоғигача бўлган мураккаб қурилмага ўхшаб кетади.

Асарнинг биринчи шахс томонидан ҳикоя қилиниши авторга кўп ноқулайликлар туғдиради. Табиат тасвirlари, психологик ҳолатларни ифода этиш қийин бўлади. Умар закунчини олайлик. У аслида ёмон одам эмас. Шахсга сифиниш даврининг типик вакили. Анча маккор. Лекин қаҳрамон ўзини-ўзи ёмон демайди. Шу сабабли агар эътибор берган бўлсангиз, Умар закунчи ҳикояси, деярли ҳамма жойда ички монолог тарзида берилади. Кўнглида бир нарсани қўмсайдио, бошқа нарсани ганиради.

Шу боисдан китобхон уни тушуна олармикан, деган ташвишда эдим. Жуда хурсандманки, китобхонлар асарни тушунди эмас, чин юракдан ҳис этишди. Кўп учрашувларда оддий мактаб ўқувчисидан тортиб, колхоз бухгалтеригача романнинг баъзи жойларини ёддан

ўқиб беришганини кўрдим. Бу қаламкаш учун жуда катта мукофот.

— Ўткир ака, асарда прототиплар борми? Бўлса, кимлар?

— Прототип масаласига ҳар доним шубҳа билан қариман, чунки ҳаётда мавжуд реал одамлар қисмати ёки феъл-автори асарга кўчганида, китобхонга ёлгон туюлиши, ҳаётдаги бор воқеани тасвирлаган билан ўқувчини ишонтириш ўрнига шубҳага солиш мумкин. Типиклик деган гап бежиз айтилмаган. Ҳар қандай прототип ҳам адабий тип даражасига чиқиши, умумлаштирувчи қудрати бўлиши керак. Оқсоқол (Тошкентдаги машҳур Ҳайтбой оқсоқол билан «Ориф—ўрис»лар синтези), Умар закунчи, Ҳусан дума, Комил табиб (машҳур Калкомил табиб билан Мошфуруш табиблар синтези) — буларнинг ҳаётда прообрази бор. Аммо улар мавжуд бўлган одамларнинг айнан ўзи эмас, умумлаштирилган образлардир.

— Менга «Дунёнинг ишлари» билан «Иккি эшик ораси»даги баъзи персонажлар ўхшаш туюлади. Масалан, Қора амма «Дунёнинг ишлари» даги онага, Умар — закунчи Далявой налугчига ўхшаб кетади. Нега шундай бўлган?

— Бир давр одамларида ўхшаш тақдир, ўхшаш феъл-автор бўлиши мумкин. Масалан, Чингиз Айтматовнинг Едигейи маълум жиҳатлари билан Танабойни эслатади. Менимча, бунинг ёмон жойи йўқ. Айтайлик, Қора амма ҳам — она. Аммо у кўп жиҳатлари билан «Дунёнинг ишлари»даги Онадан, Умар закунчи эса Далявой налугчидан фарқ қиласди. Шу ўринда дарҳол изоҳ беришга тўғри келади: ўз машқларини Ч. Айтматов асарлари билан қиёслаяпти, деб ўйламанг. Шунчак мисол тариқасида айтипман. Бундай мисолларни ўзимизнинг адабиётдан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

— Дарвоқе, нима учун Умар закунчи, «айтайлик Умар олифта, ёки Умар мўйлов эмас, айнан «Умар закунчи?».

— Бунда гаи бор! Умар закунчи сталинизм даврининг типик вакили. У ҳамманн «закун» номи билан титратган, давр фожиаси мана шунда. Романдаги бир нуқтани аниқ топган атоқли олим М. Қўшжоновдан жуда миниаторман. Матёқуб ака бугунги Аҳмаджон Одиловлар 40-йиллардаги Умар закунчиларнинг вориси эмасми, деб сўрайди. Бу гапда чуқур ҳақиқат бор.

— Рухсатингиз билан тағин ўқувчилар хатидан баъзи сатрларни ўқиб берсам.

«Романингизни магазиндаи зўрға топган эдим. Уртоқларим, танишларим орасида қўлма-қўл бўлиб кетди. Шу китобни 100 одам ўқиб бўлганида хабар қилмоқчи эдим. Бугун юзинчи одам китобни ўқиб келди.

Насибаҳон Мусаева,
Андижон шаҳри».

«Романини кутубхонадан олиш учун бир йил навбатда турдим.

Малика Алланазарова,
Сурхондарё вилояти».

«Урушда кўп жафолар чекканман. Уруш ҳақидаги кўп асарларни ўқиганман. Лекин бу асарда жанг эпизодлари ҳам, ҳатто «юлдаш» деб лақаб қўйишлар ҳам, солда ўзбекларниң ҳақиқий жангчига айланиши ҳам ниҳоятда ҳаққоний акс эттирилган. Биламан, сиз — ёшсиз. Аммо бу одам чиндан ҳам урушга борган деб ишонгим келади. Бу китобни мамлакатимиздаги ҳамма халқлар ўқишини хоҳлардим. Менимча, бу роман ҳеч қаҷон уруш бўлмаслиги керак, деган огоҳлантиришdir.

Ҳасан Абдуллаев

Улуг Ватан уруши инвалиди, Тўрақўрғон»

Мана бу раҳбар ташкилотларга ёзилган шикоят хати. «Мен «Баҳор қайтмайди», «Нур борки, соя бор», «Дунёнинг ишлари», «Икки эшик ораси» китобларини тонолмаянман. Қайта нашр қилинадими —йўқми?

Самарқанд ишлаб чиқариш
комбинатининг ишчиси
Шерматов Салим...»

Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётига романни қайта нашр қилишиб сўраб ёзилган хатга эса Тошкент давлат политехника институтининг 19 студенти, бунисига 27 киши, яна бирига Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтидан 4 киши, фармацевтика институтидан 7 киши имзо чеккан.

Менга айниқса мана бу хат қаттиқ таъсир қилди.

«Китоб чиқарадиган идоранинг бошлиғига ариза. Берилди ушбу ариза шул ҳақдаким, биз кампирлар сумалак ва бошқа ҳар хил йигинларда болаларимизга китоб ўқитиб эшиштамиз. Айниқса «Икки эшик ораси» китобини йиғлаб-йиғлаб эшиштардик. Афсус, қишлоқдаги биттагина китобни бир уйингга буғдоӣ тўлгур ўғирлаб

кетибди. Жон болам, шу китобдан кўпроқ чиқариб берсанглар.

Андижон область Хўжаобод район
Ширмонбулоқ қишлоғи кампирлари
Ҳамроқулова С., Мусаева Э.,
Фозилова П., Ҳамроқулова Ш., Акрамова С., Мусаева Ш».

Хат авторларидан бири (П. Фозилова) әски лотин алифбосида «Потма» деб қўйибди. Ҳеч шубҳасиз, булар чин дилдан айтилган гаплар. Мени бир нарса ҳайрон қолдиради. Нима учун нашриётлар халқ севадиган китобларни кўпроқ ва тезроқ чиқаришмайди? Ахир бундай қилинса ҳам маънавий, ҳам моддий фойдали бўлади-ку?

— Бугунги ўзбек адилари хурсанд бўлса арзиди. Талай миллий республикаларда миллий тилда чиқадиган китоблар тиражи 15 мингдан ошмайди. Шеърий китоблар эса 2—3 минг нусхада чиқади. Ўзбек китобхони 35 минг нусхада босилган шеърий асарни, 100 минг тиражли проза китобларини кўрдим демайди. (Албатта, agar китоб яхши бўлса... Китоб дўконларида йиллар мобайнида чанг босиб ётган асарлар ҳам оз эмас). Бу ўринда ҳамма айбни нашриётга қўйиш инсофдан бўлмайди. Нашриётда ишлаш осон эмас. (Ўзимнинг бошимдан ўтган). Ҳолбуки, кейинги пайтларда «Нашриётда ўтириб олганлар нуқул ўзини ўйлайди, яхиси, нашриётда ўзи асар ёзмайдиган ёки таржима қилмайдиган одам ишласин» деган гаплар ҳам айтилди. Тўғри, нашриётларда ўз манфаатини устун қўядиган битта-яримта одам бўлса бўлгандир. Аммо, бу далилии умумлаштиришга, айниқса, бунақа ташкилотда ижодга алоқаси бўлмаган одам ишласин, деган гапга қўшилиш қийин. Албатта, бундай мураккаб жараёнли ташкилотда (нашриётда ижод билан саноат қўшилиб кетади) раҳбар бўлган киши шахсан ўзи ижод қилмаслиги ҳам мумкин. Лекин, айтайлик, проза бўлимининг редактори малакали прозаик бўлмаса, шеърият бўлими ходими поэзияни чала-чулпа англаса, таржима ёки классик адабиёт бўлимида малакали мутахассислар ишламаса, авторга нимани тушуниради-ю, қўллёмани қандай таҳрир қиласди?

Бундан ташқари қоғоз танқислиги, кейинги пайтда қаламкашлар кўплаб яратадиган асарларни босиш учун ишлаб чиқариш қувватининг етишмай қолаётганини ҳам унутмаслик керак.

— Шунақа дейсиз-ку, йиллаб магазин пештахтасини хира қилаётган семиз-семиз китоблару манзумалар озми?

— Оз эмас. Бу масалага нашриёт жуда хүшёр бўлиши керак. Тагин ўша редакторнинг касбий малакасига боғлиқ масала: баъзан яхши асарни китобхон дарҳол қабул қиласлиги ҳам мумкин, бунақа асар туриб қолишидан чўчимаса ҳам бўлади. Аслида бундай ҳол камдан-кам бўлади. Ҳозир китобхоннинг савияси ўсиб кетди.

— Фоявий савияси бўш асарларнинг катта тиражларда босиб чиқарилгани-чи?

— Узоқ йиллар чўзилган «ўртамиёначилик» — («уравниловка») бу соҳада ҳам бўлган, нашриёт хоҳласа-хоҳламаса (ўтмас маҳсулот»ни чиқаришга мажбур бўлган. Талантли асарга қашча ҳақ тўланса, саёз китоб ёзган авторга ҳам шунча (баъзан ҳатто кўпроқ) ҳақ тўланган. Амалда талантсизлар талантлилар ҳисобига яшаган ва навбатдаги «асари»ни ёзиб ташлайверган. Менга қолса, бир таклифни айтган бўлардим. Майли, асар чиқсан. Аммо орадан маълум муддат (айтайлик 4—5 йил) ўтгач, автор сотилмай қолган китобларини ўзи қайтиб сотиб олсин. Шундай қилинса, талантсиз асарларнинг йўли анча тўсилган бўлур эди.

Энди нашриётлар хўжалик ҳисобига ўтятти. Бинобарин, ноширлар яхши асарни кўпроқ ва тезроқ чиқаришдан манфаатдор бўлади.

Яхши китобларниг қўп ва тез чиқишида тағин бир тўсиқ — бюрократизм деган гов бор (В. И. Ленин «бюрократик-диктаторлик тўсиқлари» деган сўзни қўп ишлатган). Бюрократ қонунни қурол қилиб, диктаторлик, яъни ҳукмронлик йўлига ўтиб олади. Бу говлар ҳали ҳам бор. Айтайлик эл севган шоирнинг (худо ярлақаб) икки томли сайданмаси чиқди. Китоб уч сойда сотилиб бўлди. Ўқувчи уни яна талаб киляпти. Аммо ўша икки томлик энди ўн йил давомида қайта чоп этилмаслиги керак. Қачондир, қаердадир, кимдир томонидан ёзилган қоида шундай. Ёки бир йилда иккита китоб чиқармаган маъқул. (Албатта, бу ўринда бошқа авторларга ҳам йўл бериш мўлжалланган. Бу — яхши ният. Аммо қаламкаш ёзган асар яхши бўлса, бўш китобнинг ўрнига ўша яхши асар нашр этилса адолатсизлик бўлмайди, деб ўйлайман).

Бу гаплар билан ҳеч кимга таъна қилмоқчи эмасман. Шу найтгача китобларим нашриётларда тўхтаб қолга-

ни йўқ. Шуичаки, умумий манзарани айтяпман, холос. Ўйлайманки, нашриётлар хўжалик ҳисобига ўтса, кўп масалалар ўз-ўзидан ҳал бўлади. Замон талаби ҳам — шу.

— Уткир ака, яна бир савол: романнинг айрим жойлари, айниқса «Қора аммам Кимсан акамни таниди» бобини, Мунавварнинг ўлими манзараларини ўқиганимда кўзимдан ёш чиқиб кетди. Айтинг-чи, ўша саҳифаларни ёзаётганда ўзингиз қандай аҳволга тушгасиз?

— Одатда асар ёзаётган қаламкашнинг ҳаяжони асар ўқиётган китобхоннинг ҳаяжонидан ўн ҳисса кучли бўлади. Ўзи ишонмаган, ўзи чуқур ҳис қилмаган нарсага китобхоннинг ишониши қийин, уни ишонтиришга уриниш ҳам беҳуда. Агар китобхон асарни ўқиётганда жиндек табассум қилса, ўша саҳифани автор қаҳ-қаҳ уриб кулиб ёзган бўлади. Асар ўқиётганда китобхоннинг кўзига бир қатра ёш келса, ўша саҳифаларни росмана йиғлаб ёзган бўлади. Эҳтимол, бу гаплар бачканга туюлар, бироқ мен бу гапни айтишдан уялмайман: «Икки эшик ораси»нинг қўлёзмасини олиб қўйибман. Сўнгти саҳифаларнинг сиёҳи кўз ёшдан суркалиб кетган...

— Лекин «Икки карра икки — беш» қиссасини ўқиб роса кулдим...

— «Икки карра икки — беш» қиссаси материалиининг ўзи қувноқ оҳаингга даъват этарди. Қолаверса, «Икки эшик ораси» руҳидан чиқиб кетиш учун ҳам шунаقا оҳангда асар ёзилади. Бу қисса бир қарашда — еигил тугаса ҳам аслида анча жиндий фактлар йўқ эмас.

— Уткир ака, мароқли суҳбатнинг учун раҳмат.

ИККИНЧИ ФАСЛ:
САҲНА АЙЛАНАДИ...



„Тановар“

Күй янграяпти.

«Тановар» янграяпти.

Янграганда ҳам юракларга ларза солиб, күнгил торларини нурдек эшиб янграяити. Киши күз ўнгиға гүзал бир манзара чизилса ҳам, дил құрғурға олов тушмоқда, үт тушмоқда. Энтикасан, ўзга чора тополмайсан.

Сүмбулаю сумбула
Ураб олай гул билан.
Менинг күнглим сиз билан
Сиз кетасиз ким билан!
Қадамизда гуллар очилсин!

Кимнинг қўшиғи экан-а бу? Кимнинг куйи экан-а, бу? Бунчалар ҳазин, мушфиқ?! Бунчалар масъум, шаффоф?!
Раққосанинг рақсига мафтун боқамизу хәслимиизда

эса бир афсона айланаверади.

Эмишки, бир санам бу оламда камолга етибди. Ул санамнинг таърифида шоири машишоқлар кечаю кундуз тиним билмасмиш. Кўкни шеърлару нолани-наволар тўлдирибди. Санам эса уларга қулоқ тутмасмиш, парво қилмасмиш!

Санамнинг эса дилида ўзга Алпомиш солган чўғ бор экан. Ўзга йигитнинг — чўпон йигит чалган найнинг навеси санамни чашма бўйига чорлайвераркан. Гўзал кўзани қўлга олар экан-у, сўқмоқ йўлдан оҳиста одимлаб кетар экан. Шамоллар у гўзлнинг этагини ўпар экан. Босган изларига ғубор қўнмасин деб гуллар бош эгишар экан.

Мард, танти ўғлонининг ишқи уни охири куйлатиб юборибди. Қизнинг юрагини тўлдириб турган ишқ бодаси қўшиқ бўлиб оламга таралибди:

Учоқ бошида қумғон,
Атрофи баланд қўргон
Севгилимга етолмай
Юрак бағрим бўлди қон.
Қадамизда гуллар очилсин...

Ўзи шунақа бўлади. Ўзбекистон ССРда хизмат қўрсатган артист Салоҳиддин Тўхтасинов билан учрашишга кетяпману хаёлимда «Тановар» эшилади. Ўзимча қўшиқни хиргойи қилган бўламан.

Эшик қўнгириғини босишим билан эшик очилди.

— Э, келсинлар, келсинлар, — чеҳрасидан шундоққина уста Тўхтасин Жалиловнинг қиёфаси акс этиб турган киши такаллуф билан кутиб олди.

Мен бу табаррук хонадонга эҳтиром билан қадам қўйдим. Йичарида иккинчи бир нуроний чеҳрага дуч келдим.

— Райҳон опангиз, — таништириди Салоҳиддин ака.

— Ўттиз етти йилдан бери биргамиз.

Бир пиёла чой устида суҳбатимиз қизиб кетди. У кишига ҳам юқоридаги афсонани айтиб бердим.

— «Гановар» ҳақидақу! — кейин ажиб бир дилдор овозда хиргойи қилдилар:

Мен бу ерда ўт ёқсан,
Фарғонада тутуни.
Бу дунёда бормикан,
Юрак бағри бутуни,
Қадамизда гуллар очилсин...

«Тановар»нинг 11 хили бор. Қўшиқлари ҳам шунча бўлса керагов. Халқимизнинг энг дилбар қўшиғи, энг дилбар кўйи, энг нозик рақси-да бу...

— Ўзингиз ҳам «Тановар»ни ижро этганмисиз?

— Бўлмасам-чи.

— Келинг, бўлмаса, суҳбат бир бошидан бўлсин. Созанда сифатида қачон кириб келдингиз санъат оламига?

— 1939 йил эди ўшандада. Андижонда Руқия Зоҳидова деган уста аёл бор эди. Дуторчи қизларга бошлилик қиласар эди. Отам — машҳур бастакор Тўхтасин Жалилов худди шу аёлга олиб бориб ғижжакчи қилиб тоширидилар мени.

Ўзимиз оиласиз билан Тошкентга кўчиб кетганмиз. Мен яна Андижондаман. Ёшим улғайиб у кишидан сабабини сўраганимда:

— Мусоғирчиликда бўлсангиз, қаттиқчилик кўрасиз, демак пухта ўрганасиз. Атайн шундай қилгандим, — дедилар.

Руқия опадан тор сирларини ўрганиб юрганимда, бир куни Йўлдош Охунбобоев биланFaфур Гулом келиб қолдилар.

Хаммамиз формада, қатор саф тортдик.

— Тұхтасин аканинг ўғли сенмисан? — дедилар менинг рүпарамда тұхтаб.

— Ҳа, — дедим.

— Асад Азимов қайси бириң?

Ота биз билан күришилар, ишларимиз билан танишдилар. Асад ашула айтди. Ұша пайтда «Если завтра война» — «Агар әртага уруш бўлса» қўшиги машҳур эди. Ота жуда хурсанд бўлдилар. Ҳатто ұша йили Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик кўргазмасининг очилини маросимида ҳам қатишадик. Суҳбатим сизни зериктирмаятими?

— Пўқ-йўқ, давом этаверинг...

— Уруш пайтларида санъет ҳам жаңг қылган. Кичкина концерт бригадамиз бўларди. Отам, мен, Фанижон Тошматов ва бошқалар бор эди.

Госпиталларда бўлиб концертлар берардик. Жаңгчиларнинг аҳволини кўриб қон бўлиб кетардик. Бирининг қўли йўқ, бирининг оёғи йўқ, бирорининг бадани тўла яра, ўқ излари.

Дадам ҳар куни эрталаб тайинлардилар:

— Салоҳиддинжон, биз госпиталга боргуича сиз бозорга бориб, тарвуз-қовуп, турли мева-чевалардан олинг. Нимаини бозорда бўлса олинг.

Бозор қилиб бир қўлимда қоп, бир қўлимда гижжак, госпиталга борардим. Концертларимизни ҳам кўпинча юракка яқин классик куйлардан тузардик. То уруш тугаб, тинчлик замон бўлгунча шу каби ишлардан бўшамадик.

— Уруш йилларида санъаткорларимиз ҳам Мудофаа фондига маблағ ўтказишганми?

— Ҳа, Тамарахоним, Мухтор Ашрафий, Мукаррамахоним, Ҳалимахоним Носирова, Тұхтасин Жалиловлар ўз маблағларини Мудофаа фондига ўтказишган. У пайтда бу каби ишлар оддий ватанпарварлар саналарди, гражданлик бурчи ҳисоблашарди.

Салоҳиддин ака беихтиёр қўшиқ хиргойи қила бошлиди. Мен умрини санъатта, созандаликка бағишлилаган бу инсонни завқ билан кузатардим. Суҳбатимиз ўз-ўзидан «Тановар»га тақалди.

Энди сендеқ жонон қайдадур, ёрей,
Кўриб гул юзингни боғда бандадир.

— Бу ҳам «Тановар», — деди Салоҳиддин ака хиргойидан тұхтаб, — қандай яратилганини биласизми? — кейин жавобимни кутмай ҳикоя қила бошлидилар:

— «Тановар» деган сўзнииг маъносини биласизми? «Тановар» деб ковушинг орқаси, товонига айтилади. Қадимда бир бой бўлган экан. Кунлардан бир кун у келин туширадиган бўлибди. Бундан хабар топган косиблар хурсанд бўлишибди: бой буюртма берса, бир нималик бўлиб қолиш мумкин.

Бой манман деган косибларга қиё боқмай ўтиб, камбағал бир косиб йигитнииг рӯпарасида тўхтабди.

— Келинг, тақсир — қўл қовуштирибди у.

— Сен менинг келинимга махсус қовуш тикиб берасан! — амр қилибди бой. — Пулинин эса ишингни кўриб тўлайман.

Келишилган кунда косиб йигит буюртмани биткашибди. Бой келиб кўрса қовуш махсидан чироийлику, махси қовушдан. Қўл теккизишга ҳеч ким журъат этол масмиш. Бой анча вақт устанинг ишига маҳлиё бўлиб боқибди. Бир маҳал «Вой, тановарингдан!» деб юборибди. Кейин михда осиғлиқ турган дуторга ишора қилибди.

— Сеникими?

— Ҳа, меники.

— Қани, ол-чи буёқقا.

Бой дуторни чертиб шундай иолиш билан куйлабдики, эшитган одам сел бўлибди.

Энди сендеқ жонон қайдадир
Кўриб гул юзингни боғда бандадир.
Сақла ишқим токи бу жон тандадир.
Узим ҳар жойдаман, кўнглим сандадир

Шу-шу ушбу қўшиқни номи «Тановар» аталиб кетган экан.

— «Тановар»ни чалганимисиз?

— Чалганда қандоқ! 25 йил бўлди биринчи бор ғижжакда ижро этганимга. Энди бу куйнинг нозиклигига, дилкушолигига баҳо топиб беролмайсиз. Мукаррама опа ўйнаганда-ку асти қўяверасиз.

Бир сафар Фарғонада гастролда бўлганимизда бир воқеа бўлганди.

Концерт бераётгандик. Залга тариқ сенсангиз ерга тушмасов. Одам инҳоятда кўп. Конферансье «Тановар»ни эълон қилиб қолди. Одатда уни мен ижро этардим. Мукаррама опа рақс тушардилар.

Соз чалиниши билан саҳнага бир томондан Маъмуржон Узоқов бир томондан бир қучоқ гул билан Таваккал Қодиров чиқиб келди. Ўртада Мукаррама Турғунбоева.

Маъмуржон ака гулларни опанинг оёқлари остига сочиб ташлади. Кейин Таваккал Қодиров билан «Тановар»ни айтишди. Опанинг рақсини бир кўрсангиз эди...

— Салоҳиддин ака, «Баҳор» халқ ашула ва рақс ансамблида ҳам ишлагамиисиз?

— Ансамбль тузилган йилдан бошлаб ишлаганиман. Яъни 1958 йилдан. 1980 йилдан эса ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрида гижжакчи бўлиб ишлаб келяпман. Шу ердан пенсияга чиқдим.

— Пенсияга?!

— Бундай дейишим нотўғри аслида. Чунки, бастакорми, шоирми — унинг юраги ишдан ҳали ҳануз чарчамаган. Уининг сўнгги юрак зарби ҳам охирги сатрига, охирги машқига ҳамоҳанг бўлиб тепади.

...Суҳбат ҳамиша кишига бир янгилик беради. Мен ҳам Салоҳиддин Тўхтасинов билан бўлгани суҳбатда санъаткор фидойилигини, Тўхтасин Жалилов бошлаган анъана — халқнинг буюк меросини севиш, уни ардоқлаш, мангу умр бахш этишдек фазилат бу хонадоннинг шиори экалигини билиб олдим. Яна Ўзбекистон ССР халқ артисти Тўхтасин Жалилов ўндан ошиқ музикали драмаларни сахнага олиб чиққанлигининг, юзлаб куй ва қўшиқлар яратганлигининг ҳам, гувоҳи бўлдим. «Тановар» Тўхтасин Жалилов ҳам, Салоҳиддин Тўхтасинов ҳам севиб ижро этгай куй, қўшиқ бўлгай.

— Ҳозир сизга бир ажойибот намойиш қиласман, — деди Салоҳиддин ака радиоланинг қулогини кўтарар экан.

Пластинка абланиб, дилни энтиклирувчи оҳашглар янграш бошлади. Кейин Мехри Абдуллаеванинг хониши эшитилди:

«Оҳ ўзим айланайин-эй, гирён кўзингдан-ай...

Қора сочим ўсиб қошимга тушдией...»

Ялт этиб Салоҳиддин акага қарадим. У киши кўзларини юмид хонандага қўшилиб хиргойи қиласарди:

На савдолар менинг бошимга тушди...

Мунис оҳангнинг сўнгги садолари тингач, Салоҳиддин ака менга ўгирилди.

— Бу менинг фикримча, ҳақиқий «Тановар». Сўзларини қараанг. Халқимиз тенги йўқ заргар. Музикасини айтмайсизми? Юракни ёндираман дейди-я. «Ёввойи Тановар» деб ҳам юритилади.

— «Ёввойи Тановар?».

— Ҳа.

— Унда, «Сумбулаю сумбула» билан бошланадиганичи?

— У марғилонча «Тановар». «Энди сендең жоюн қайдадир» эса Фарғоначаси. «Бойвачча Тановар» ҳам дейди халқимиз.

— Жуда номи ғалатими?..

— Нега? Ҳеч ҳам ғалатилиги йўқ.

— «Ёввойи Тановар» қаердан келиб чиққан?

— Энди айтмасам бўлмас. Водийда Сойбўйн деган жой бор, эшитган бўлсангиз керак. Инқилобгача, Николай подшо даврларида ўша ерда исловатхона бўлган. Ночор оиласлар ўз қизларини сотишган. Ноилож, замон шундай бўлганди. Қўпинча маҳсус кишилар чиройли қизларни ўғирлаб келиб, исловатхонага пуллашган. Тасаввур қиляпсизми?

Мен тасаввур қиласдим. Кўз ўнгимда эса хаёлларим жонланарди...

Ҳуриинисо ҳурдек бўлиб камолга етди. Унинг ёқут лабларию ширмой юзларига қуёш боқиб тўймасди. Қаддини кўриб сарв, хуснини кўриб товус ҳижолат бўларди.

— Ҳай, бечора Матмусанинг баҳтига харидори яхши жойдан чиқсан-да, — дейишарди қўни-қўшилар.

Ҳуриинисони Арслон деган йигит кўз остига олиб қўйганди. У бўлар-бўлмасга Ҳуриинисонинг кўчасидан ўтаверар, бир тавақали эшигини кўрганда чуқур оҳ тортарди. Йигитнинг бу оҳлари Ҳуриинисога етиб борди. Унинг юраги ўртаниб кетди. Аммо қачон, қандай қилиб дийдорини кўради?

Бир сафар сайлда Арслон билан Ҳуриинисо рўбарў келишди.

Кўзлар юрак тубидаги оташин муҳаббатдан ҳикоя қиласди.

— Сени севаман! — тепарди йигитнинг юраги.

— Сени севаман! — хуркак оҳудек ўйнарди қиз қалби.

Оҳ, қизни бу сайлда биргина Арслон кўрган бўлса кошки эди? Шу куни сайл тугаб қолаёзганди Ҳуриинисонинг ортидаи бир аёл чақириб қолди.

— Ҳой, оппоқ қиз, қайси маҳаллада турасаи?

Ҳури айтди.

— Бирга кета қолайлик. Мен ҳам сенга қўшни маҳаллада яшайман.

Икковларининг йўли тўсилди. Номаълум йигитлар кўз очиб юмгуича Ҳуриинисонинг кўзини боглашди. У

ўзига келганды безатилган, ҳашамдор уйда эди. Енди бояги аёл!

— Сизни ҳам олиб келишдими, холажон!

— Сени мен олиб келдим бу ерга!

— Нега!

— Бахтингни топасан бу ерда! Ҳусинингни шайдола-ри гаҳ дессанг қўлингга қўнади.

Ҳуринисо фарёд қилди, дод солди. Аммо начора. Бў-лар иш бўлди, бўёғи синди.

Гўзал қиз ўзини ерларга отиб йиглади. Аҳволидан, ҳаётдан, диёнатсизликдан қон йиглади.

Кунлар ўтди. Ҳуринисо она қишлоғини согинар, Арслоннинг мардона нигоҳи кўз олдига келаверарди. Қиз зардобга тўлган юрагини очиб, сой сувларига, сл-ларга дардини сочиб юборди:

Қора сочим ўсиб қошимга тушди
Не савдолар менинг бошимга тушди..

— Ана шунақа, — деди Салоҳиддин ака оғир тин олиб.

— «Тановар»нинг З таси ҳақида гапланидик. Қолганлари-чи?

— Сизга бир сир айтай. Мабодо мени «Тановар» музикаси билан бир иш қилмоқчи бўлсам, дастлаб «Тановар»нинг ўзига мурожаат қиласман: «Тановар», азизим, сендан бир куй чиқармоқчиман, уни сенга йўлдош қиласман».

Менимча бошқа бастакорлар ҳам шундай йўл тутишса ажабмас.

— Демоқнисизки, қолгаи куйлар ҳам шу уч «Тановар» асосида вужудга келган.

— Шундай десак ҳам бўлади. Узоққа бормайлик. Алексей Козловский яратган «Тановар» симфоник асари бор. Халқимизнинг қадимий куйни оркестр ижросида жуда таъсирил эшитилади.

СССР Халқ артисти Ҳалимахоним Носирова оркестр жўрлигига «Тановар»ни ижро этган. Қўшиқмисан қўшиқ. Бу ҳам «Тановар»нинг биттаси десак бўлади.

— Марҳум Тўхтасин Жалилов ҳам бу куйни ёзиб олган эканларми?

— Ёзиб олгангина эмас, ижро ҳам этганлар.

Бу 1936 йилда бўлган эди. Ашулачиларнинг кўрик-конкурси ўтказилгандага дадам «Ёлғиз», «Бўстон» ашулалирининг ўртасида «Тановар»ни ижро этганлар.

Муқимий номидаги музикали драма ва комедия то-

атри саҳнасида намойиш этилган Ҳамзанинг «Холисхон» спектаклини биласизми? Спектаклда Ҳолисхон дутор чертиб, қўшиқ айтадиган саҳна бор. Ўша қўшиқ «Тановар». Дадам музикали драма вариантини яратиб, пъесага киритганлар.

Худди шундай ҳолга уруш йилларида саҳналаштирилган «Ўзбекистон қиличи», «Даврон ота» спектакларида ҳам дуч келамиз.

Ёки «Тоҳир ва Зуҳра» операсини эсланг. Операда «Ситора» номли қўшиқ бор. Мана бундай бошланарди: «Хилват топиб фалакни саир айлади ситора...».

Энди оҳангига эътибор беринг. «Тановар»ни эслата-яптими?

— Алексей Козловский «Тановар» балетини ҳам ёзган экан.

— Ҳа. Алишер Навоий номидаги Академик Катта театрда саҳналаштирилган. Балет — раққосалар, умуман, ўзбек аёли ҳақидаги ажойиб асар. Бош ролни СССР халқ артисти Бернора Қорнева ижро этган.

— Ёилардан кимларнинг ижроси сизга маъқул?

— Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг республика халқ ижодий уйида «Нафосат» ансамбли бор. Мен ҳозир шу ансамблнинг музика раҳбариман. Ансамблдаги Мавлудаҳон қизим жуда яхши ижро этяпти.

— «Тановар»нинг Мукаррама Турғунбоева томонидан ижро этилиши ҳақида нима дея оласиз?

— О, у рақс эмас эди. У қўшиқ эди. Опа «Тановар»ни ўзи яратди. Лекин халқнга мерос қилиб ташлаб кетди.

— «Тановар» халқимизнинг энг машҳур куйи, муҳаббат ҳақидаги энг мунис қўшиғи. Шунинг учун ҳам мен энг яхши музика ва қўшиқларни «Тановар» сифатида кўргим келади.

„Муножот“

Ҳар кун янги бир мўъжиза. Такрорлаб чарчамайман: Ҳар бир кунни мўъжиза билан яшаш — фидойилик. Қўшиқчилик санъатимизнинг дурданаларидан бири «Муножот» — «Сарви гулрӯ келмади»нинг яратилишини ҳам ана шундай мўъжизаларнинг бири. Ўзбекистон ССР халқ артисти Берта Давидова билан суҳбатлашганимда бунга яна бир бор амин бўлдим.

— Берта оиа, халқимиз Сизни ўзбек классик қўшиқларининг моҳир ижрочиси, мақом санъатига катта ҳисса қўшган хушовоз хонанда сифатида ҳамиша қадрлайди.

— Раҳмат.

— Халқимизнинг энг севимли қўшиғи «Муножот»-нинг яратилиш тарихии сўзлашдан олдин Сизнинг санъатга қандай кириб келганингизни ҳам хотирласак...

— Оиламиз катта оила эди. Ўн уч ўғилнинг орасида ягона қиз эдим. Ўзим Марғилонда туғилганман. Санъат оламига қадам қўйишим ҳам қизиқ бўлган.

Еш қизалоқ иайтларимда Ҳалима Носированинг бир қўшиғини эшишиб қолдим. Балки, биларсиз: «Оқ ойдин кечалар, оппоқ ойдин кечалар» деб бошланади. Қўшиқ менга жуда ҳам ёқди. Ҳеч тилимдан қўймасдим.

Охунбобоев номли медицина билим юртини тугатгач, госпиталда ҳамшира бўлиб ишлай бошладим. Ўн уч — ўн тўрт ёшларда эдим.

Бир куни — бу 1943 йилларда эди, госпиталга Ўзбекистон радиоси қошидаги ўзбек ансамбли концерт бергани келди. У пайтда ансамблга ажойиб инсон, катта санъаткор, Ўзбекистон ССР халқ артисти Имомжон Икромов раҳбар эдилар. Концерт тугаши арафасида, ярадорлардан бири айтиб қолди:

— Бизнинг ўзимизнинг ҳам қўшиқчи қизимиз бор.

— Қани, қани, чақиринглар, — деди Имомжон ака.

Мени қўярда-қўймай ўртага чиқаришиди. Шу ерда ҳам «Оқ ойдин кечалар, оппоқ ойдин кечалар»ни айтдим. Шунда Имомжон ака ёнидаги книшига (кейин билсам у киши Ўзбекистон ССР халқ артисти Ориф Қосимов эканлар) дедилар:

— Овози жуда ширалику. Радиога олиб кетамизми?

— Қайдам, — деди у киши, — госпиталь бошлиғи бор, у рухсат берармикан...

Госпиталь бошлиғи билан сўзлашишган экан, у:

— Ярадорлар соғайғач, ҳаммаси фронтга кетади. Агар бу қиз Сизларга шунчалик зарур бўлса, марҳамат рухсат бераман, — дебди.

Шундай қилиб, мен радиога, ўзбек ансамблига қабул қилинадиган бўлдим. Эртасига акам, ўша пайтларда Алишер Навоий номли Опера ва балет театрининг анча таниқли солисти, Мордухай Давидов мени радиога олиб келди. Санъат оламига киришимида, санъаткор сифатида шу даражада обрў топишимида Имомжон

аканинг, Ориф аканинг, айниқса, академик Юнус Ражабийнинг катта хизматлари бор.

— Эиди «Муножот» ҳақида сўзлашсак...

— Биласиз, «Муножот» халқимизнинг энг шикаста, дилдор куйларидан. Кўйни эшилган кишининг юраклари чок-чок эшилиб кетмасдан иложи йўқ. Шуичалик ҳазин бу наво. Сўзлари ҳазрат Алишер Навоийники. Фазални ёд биласизми? — Кейин Берта опа шикаста овозда ўқидилар:

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрӯ келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.
Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор,
Келди жон оғзимга ул шўхи бадхӯ келмади.
Оразидай ойдин эркона гар этти эҳтиёт,
Рўзғоримдек ҳам ӯлғонда қоронғу, келмади,
Ул париваш ҳажрийиким йиғладим девонавор,
Қимса борму ким, анга кўргаида култу келмади.
Кўзларингдин нега сув келгай деб ўлтурманг мени,
Ким бори қон эрди келган бу кеча су (в) келмади
Толиби содиқ топилмас, йўқса ким қўйди қадам,
Йўлғаким, аввал қадам маъшуқа ўтру келмади.
Эй, Навоий, бода бирла ҳуррам эт кўнглунг уйни,
Не учуким, бода келган уйга қайғу келмади.

Бир куни И момжон Икромов меин чақириб қолдилар-да, бир фазал кўрсатдилар. Устод Навоийнинг «Сарви гулрӯ келмади» номли машҳур фазаллари экан.

— Ўқинг, — дедилар И момжон ака.

— Үқиб чиқдим.

— Маъқулми Сизга?

— Навоий устознииг бирори сатри йўқ элга манзур бўлмаган, — деб жавоб қайтардим.

— Балли, қизим. Энди гап бундай, шуни қўшиқ қилиб ижро этсангиз. Розимисиз?

Рози бўлдим. Тинимсиз машқ қиламиз, ҳатто ҳар битта сўзнииг талаффузини соатлаб ишлаймиз. И момжон ака банд бўлганларида танбурчи Мақсадхўяқа Юнусов мен билан шуғулланадилар.

«Муножот» қўшифи шу номли куйга солинган фазалдир. Буни унутмаслик керак.

1946 йилда «Муножот»ни биринчи бор ижро этдим. У пайтларда кўчаларда радиоакарнайлар бўларди. Фонограммалар йўқ. Лентага ёзиб олиш деган гап қаёқда, дейсиз.

Ўша йилларда Тошкентнинг Лабзак кўчасида истикомат қилардик.

Эрталаб еттида туриб йўлга чиқаман. Эгнимда телогрейка, юбка, қор тиззадан келади. Гоҳ трамвайдага,

гоҳ яёв Инқилоб хиёбонига этиб келаман. Микрофон олдида концерт берамиз. Кеч соат 4 да яна шу ҳол так-рорланади.

Бир сафар қўшиқни ижро этиб бўлиб, ташқарига чиқсам, радио комитет олдидаги карнай тагида юз чогли одам тўпланиб туришибди. Мени кўриб:

— Ана шу қиз «Муножот»ни айтган,— деди биттаси. Билсам улар мени кўриш учун тўпланишиб туришган экан. Шунда барча чеккан қийинчилкларимни унугиб юборгандек бўлдим.

— Демак, «Муножот»нинг биринчи ижрочиси Сиз бўлгансиз?

— Ҳа, мен шундай бахтга мушарраф бўлганман.

— «Муножот»нинг бунчалар машҳур бўлиб кетишини нимадан деб ўйлайсиз?

— Буиниг бир нечта сабаблари бор. Аввало ғазалнинг беназир асар эканлигини алоҳида таъкидлаш керак. Сўнгра унинг қўйи, ўзбек халқининг армони, дардии ўзида мужассам этгаи. Шеър билан қўйни бирбирига омухта қилган Имомжон Йкромовнинг хизматини учинчи омил деб кўрсатиш керак.

Қўшиқни дард билан ижро этиш керак. Чунки хонанданинг овози орқали тингловчилар ё севинади, ёғам чекади... ё бефарқ қолади. Мен «Муножот»ни ўз дардим деб билганман. Ижро этганимда қанчалар изтиробга тушардим. Қўзларим жиққа ёшга тўлган пайлар кўп бўлган.

— Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида концерт берган чоғларингизни эслайсизми?

— Ҳа, э, у воқеами? Эсимда, эсимда, 1960—61 йиллар эди. Пушкин боғида концепт бердик. Мендан аввал, номини унудим ҳозир, бирор «Муножот»ни айтиб юборди.

Менга навбат келганида 4—5 та қўшиқ ижро этдим. Ниятим «Муножот»ни такрор этмаслик. Залдан кимдир:

— «Муножот»ни айтмагунингизча саҳнадан туширмаймиз, — деб қичқирди.

Концертда Мукаррама Турғунбоева ҳам иштирок этаётганди. У киши ҳам:

— «Муножот» Сизнинг қўшиғингиз. Ижро этмагунингизча саҳнага чиқмайман, — дедилар.

Қўшиқ халқимизга шунчалик севимли бўлган экан, мен фақат бахтиёрман деб айтаман, холос.

„Тоҳир ва Зуҳра“

«Тоҳир ва Зуҳра» бадиий фильмни ўз вақтида «Севги ва садоқат мадҳи», «Муҳаббат ҳақидағи мунгли қўшиқ» деб ном олган, томошабнилар орасида жуда машҳур бўлиб кетганди.

Фильм асосида ўзбек халқининг машҳур эртаги ётади. Эртак кексаю ёш — барчани бирдек ўзига мафтун этади. Ҳозирда ҳам уни мароқ билан томоша қилинишига сабаб у муҳаббатнинг оташинлиги, мангулиги, садоқат, тилларда достон бўлиб қолишини куйлади. Унга халқимизнинг асрий орзу-умидлари, қувончлари, ҳижрон-дардлари сингиб кетган.

1945 йилда мамлакатимиз кино экранларида ишқ ва вафо достони «Тоҳир ва Зуҳра» фильмни намойиш қилина бошланди. Фильм қисқа муддат ичида жуда машҳур бўлиб кетди. Чет элларда ҳам уни севиб томоша қилишди. Уша кунларни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Ризаева яхши эслайди.

— Юлдуз опа, кўпчилик сизни кинога тасодифан келиб қолган дейишиади. Шу ростми?

— Рост. Мен сира ҳам киноактриса бўламан деб ўйламаганман.

— Тоҳир ролини ижро этган Гулом Тожиаълоев билан ҳам шундай бўлганми?

— Уни билмадим. Лекин мени Раҳим Пирмуҳамедов «кўчадан топиб олган».

Бир куни Шайхонтоҳурда дугонам билан суҳбатлашиб кетаётгандик, рӯпарамиздан Раҳим Пирмуҳамедов билан Хайри Фаниева чиқиб қолишиди. Киноартистларни биринчи кўришимиз эмасми, оғзимиз очилиб қолди. Нарироққа бориб орқамизга ўғирилсақ, улар ҳам тўхтаб бизга қараб туришган экан. Кейин Раҳим ака бизга яқишлишиди.

— Яхши қизлар, — дедилар, — киноактерлар мактаби очилган. Бор-йўғи уч йил ўқийсизлар. Яхши шароитлар яратилади. Бориб ўқимайсизларми?

1943 йил. Уруш пайти. Дадамлар 1936 йилда қазо қилганлар. Оилада беш бола бор. Энг каттасимаи. Ўнбеш ёшли қиз ишга келиб-кетаман. Раҳим аканинг таклифи мени ўйлантириб қўйди.

Хуллас, эртасига дугонам билан азбаройи қизиққанимиздан бордик. Имтиҳон куни белгилаанди, шеър, монологлар тайёрлаб келишимизни айтишиди.

Павильонда (у пайтлар «Узбекфильм» студияси Шайҳонтохурда эди) имтиҳон бошланди. Имтиҳон комиссиясига Михаил Ильич Ромм раислик қилди. Ўша кезлари «Тоҳир ва Зуҳра» фильмси суратга олиниши керак бўлиб, режиссёр Наби Фаниев бош ролларга актёrlар излаб юрган эканлар. Менинг кўриб суюниб кетибдилар.

— Бўлди, мен Зуҳрани топдим! — дебдилар комиссия аъзоларига.

Мен буни кейинроқ эшитдим. Шу тариқа менинг бутун ҳаётими белгилаб берган кинодаги биринчи лаҳзаларим бошланди. Ўшанда бор-йўғи 16 ёшида эдим холос.

Тоҳир ролига ҳам шу тариқа актёр таиланганми?

— Тоҳирни асосан режиссёр асистентлари қидиришган. Ғулом Тожиаълоев билан уч-тўрт марта машқ бўлди. Наби Фаниевнинг кўигли тўлмади шекилли. Эсон Каримовни ҳам синаб кўришди. Эсон ака мендан ёши катта, балаидроқ киши эдилар. Бунинг устига актёр ҳам эмасдилар. Ахир Тоҳир ҳам, Зуҳра ҳам бир кунда туғилган эмасми? Шунинг учун яна Ғулом Тожиаълоев номзодига қайтишди: Тоҳирни у ўйнайдиган бўлди.

— Зуҳра ролини ижро этишга бошқа даъвогар актрисалар бўлмаганми?

— Мен ва Тамара Назаровани бир неча марта синаб кўришди. Икковимизнинг номзодимизни Москвага тасдиққа юборишди (у пайтда номзодлар Москвадан тасдиқланиб келарди). Не бахтки, менинг номзодим маъқул кўрилибди.

— Партнёрларингиз ҳақида ҳам сўзлассангиз...

— О, «Тоҳир ва Зуҳра»га актёрларнинг гуллари танлангаиди. Шукур Бурҳонов — Қоработир, Обид Жалилов — вазир, Аброр Ҳидоятов — Сардор, Юлдуз — Хайринисо Фаниева. Улар билан бирга ишлаш мен учун қаичалар бахтиёрлик бўлганди!

Моҳим ролини кўпчилик ким ижро этганлигини билмаса ҳам керак. Билганда ҳам бир актрисада деб ўйлаши мумкин. Моҳимни ўзбек халқининг жасур қизи, машҳур, снайпер Зебо Фаниева ўйнаганди. У жангда ярадор бўлиб, Тошкентга қайтганди. Қўлида ҳасса, зўрға юрарди. Эътибор берилса, Моҳим фақат — кино тили билаи айтганда бир хил позада суратга олингани ҳам шундан.

— Сиз жуда бахтили актристасиз, Юлдуз опа.

— Нега шундай деб ўйлаяпсиз?

— Ахир Наби Фаниев, Асад Исматовлар билан учрашгансиз-ку.

— Бу жиҳатдан фикрингиз тўғри, бахтлиман. Наби Фаниев ҳам, Асад Исматов ҳам ўзбек маданиятининг энг ёруғ юлдузларирид.

Наби ака жуда меҳрибон эдилар. Ҳар бир актёрии жуда авайлардилар. У киши режиссёрлик қилган «Насридин Бухорода» фильмси жуда машҳур бўлиб кетганди.

«Тоҳир ва Зуҳра» суратга олинаётганда шундай бир воқеа бўлганди.

Зуҳрага Тоҳир сени унутди деб хабар келади. У йиғлаши керак. Лекин ҳеч йиглолмайман-да. Наби ака мени четга чақириб, суҳбатлашдилар.

— Қизим, бир ўйлагин, Тоҳир ҳақида эмас, дадангниг вафот этгани ҳақида хабар келди. Сен нима қиласиз?

Мен ота меҳрига зор қолган эмасманми, кўнглим тўлиқиб, йиғлаб юбордим. Ҳеч ўзимни тутиб ололмайман. Наби ака кишининг юрагига йўл топа олар эди.

Асад Исматов тенги ўйқ актер эди. Жуда истеъоддли эди. У ижро этган роллар тўлақонли чиқарди.

Урушниг охирида киностудия қошидаги актёrlарни театрларга тақсимладилар... Чуники, иш ўйқ эди-да. Асад ака Ҳамза театрига юборилди. У ерда ишлолмадилар. Ҳай аттанг, шундай улуғ талант эгасининг умрининг охирги йиллари аянчли бўлди.

— Юлдуз опа, ҳар қандай фильм сценарийдан бошлиади...

— Фильм сценарийсини Собир Абдулла билан Алексей Спешневлар ёзишган. Қўшиқларга Алексей Козловский музика ёзган.

— Қўшиқларни ўзингиз ижро этганимисиз?

— Иўқ, мен ижро этмаганман. Кино яратилгунга қадар Муқимий номли театрда «Тоҳир ва Зуҳра» музикали драмаси қўйилганди. Зуҳра ролини машҳур санъаткоримиз Саодат Қобулова бажаардилар. Фильмдаги қўшиқларни ҳам у киши ижро этганлар. Тоҳирнинг қўшиқларини Янгийўл театрининг актёри Абдулла Охунов айтган.

— «Тоҳир ва Зуҳра»дан кейин ҳам фильмларда иштирок этганимисиз?

— Ҳа. Кейинги асосий ролим «Фаргона қизи»даги бош қаҳрамон Дилбар образи, Комил Ёрматовнинг

«Опа сингил Раҳмоновалар» фильмидаги кенжака Раҳмонова бўлди. Иккала фильм ҳам яхши мавзуда эди. Аммо нима учундир унчалик оғизга тушмади. Кейин, Тошкент театр рассомлик институтининг театршунослик факультетини битириб, киностудиянинг аввал сценарий бўлимида, кейин дубляжда редактор бўлиб ишлай бошлидим. Шу ердан иенсияга чиқдим.

— «Тоҳир ва Зуҳра» чет элларда ҳам қўйилганми?

— Аввал бир факт ҳақида тўхталиб ўтай. Фильмни Германиядаги жангчиларимиз ҳам кўришган. Улардан шунчалик кўн мактуб келган эдик... Ҳаммаси тўп садолари остида кўрганларини, фильм жуда манзур бўлганлигини эҳтирос билан ёзишганди.

Уша пайтда Иззат Султонов «Ўзбекфильм» киностудиясининг директори эдилар. У киши «Тоҳир ва Зуҳра» фильмни билан Ҳиндистонга боргандилар. Фильмнинг рекламасини кўриб у киши ҳайратга тушибдилар. 8—10 қаватли уйниг бор бўйига эълонлар осилибди. Биридан бири гўзал суратлар ишланибди. Фильм на мойиш этилган кинотеатрларда одам доим тирбанд бўлибди. Бу бир факт, холос.

— НабиҒаниевда ўзбек халқ афсона, эртаклари асосида фильм яратиш орзуси бормиди?

— Бор экан. Наби ака «Алломиш» достони асосида фильм яратмоқчи эдилар. Сценарий ҳам тайёр эди. Менга «Сен Барчинни ўйнайсан» деб айтгандилар. Сценарийни ўқиб кўргандим. Жуда ажойиб эди. Афсуски, касаллик, ўлим бунга халал берди. Билмадим сценарий кимда қолди экан?! Кинооператор Михаил Краснянский кинога оид нарсаларни йигиб юргувчи эди. Начора, у ҳам ҳозир орамизда йўқ. Мабодо битта-яримтада шу сценарий бўлсаю топилиб қолса, уни киностудияга олиб келиб топширса нур устига нур бўларди.

— Халқимиз маъниавиятига хизмат қиласиган ҳар бир нарсанинг эгаси, яъни муаллифи бўлади. Муаллиф ҳаёт бўлса ўзи, йўқса ворислари албатта уни бир кун эмас бир кун халқимизга тақдим этади деб ўйлайман. Ўшанда фильмни суратга олини имкони тугилади, албатта.

— Умид — ярим давлат дейдиларку! Кошки эди.

„Маҳаллада дув-дув гап“

— Эшитдингларми, бугун Маҳаллада дув-дув гап бўлармиш?!

— Қанақа гап! Нима бўлибди?

Бу фильм ҳақидаги илк ҳабарни бизнинг маҳаллада шундай кутиб олишганди. Колхоз клубида намойиш этилишидан дарақ топган колхоз аҳли жуда хурсанд бўлди.

— Ҳеч гап йўқ экан, — дейиниши кейин ўша ҳабар келтирғанлар, — кинонинг номи шунақа экан.

Хуллас, фильмни томонга қилдик. Ўндаги чиранчоқ Ойношша, тепса-тебранмас Арслон, куйди-пиши Уста, соддадил, меҳридарё Мәхри хола, гўзал қизи борлигидан мағрур Ҳалима, чироили қиз Сайёра, онасиининг чизгани чизигидан чиқмайдиган Үмаржон, жудаям гўзал Азиза образлари, айниқса, аёлларга таъсир қилди.

— Вой, анави диктор қиз борку, Раънохон, Лутфихон аяга келин бўлган экан-да, шунинг учун телевизорда кўринмаётган экан.

Лекин бошқа ишга ўтгандир деб ҳеч ким ўйламайди.

— Мақтанчоқлигига бало борми? — анча вақтгача гапириб юрди Чевар хола. — Ўғлинг бошқасини хоҳласа олиб беравермайсанми? Лекин ўзи ҳам ўғли хоҳлаган қизни келин қилмайман деб роса тихирлик қилди.

Орадан йиллар ўтиб, фильм сценарийсини Ю. Рест билан А. Рамазонов ёзганлигини, қўшиқлар тексти автори Ўйгун эканлигини, фильм ҳозирда Иттифоқда машҳур кинорежиссер, СССР халқ артисти Шуҳрат Аббосовнинг биринчи ишлаган фильмни эканлигини билдим.

УЗБЕКИСТОН ССР ҲАЛҚ АРТИСТИ ИҚРОМА БОЛТАЕВА ҲИҚОЯСИ

— «Маҳаллада дув-дув гап» бадинй фильмигача «Ленин йўлланмаси билан» деган картинада кичикроқ роль ижро этган эдим, холос. Жуда унақсанги тажрибам ҳам йўқ эди кинода. Шуҳрат Аббосов мени Ҳалима ролига таклиф этганида, рости севиндим. Сценарий билан танишдим. Ижро этадиган ролим оддий ўзбек аёлининг образи. Фақат мағруроқ, гўзал қизи борлигидан боши осмонда. Энди менинг ташвишим бошқа нарсага кўчди: партнёрим кимлар бўлар экан?

Бахтимни қарангки, Тошкентнинг қоқ марказида яшовчи (кинода, албатта) қўшниларим ажойиб одамлар бўлиб чиқишиди. Арслон билан Ойношша — СССР халқ артисти Раҳим Пирмуҳамедов билан Ўзбекистон ССР халқ артисти Марям Ёқубова; уста билан Ҳалима — мен билан СССР халқ артисти Рассоқ Ҳамроев;

Меҳри хола — СССР ҳалқ артисти Лутфихоним Саримсоқова, Умар — Ўзбекистон ССР ҳалқ артисти Ҳамза Умаров. Яна менинг севикли кишиларим — Ўзбекистон ССР ҳалқ артистлари Саъдихон Табибуллаев, Турсунхон Жаъфарова, Сайфи Олимовлар. Нимасини айтай, жуда ҳам севиниб кетдим. Улардан ҳар қанча ўрганса арзийди.

Ёшлиаримизни айтмайсизми? Раъно Мадраҳимова, Тўлқин Тоғиев, Ҳолидиа Исҳоқова, Роза Ризамуҳамедова... Бирам аҳил, бирам ишчан, бирам қўҳликки..

Ҳолидани Сайёра ролига таклиф қилишганда энди гина ўнинчи синфни тугатгаиди. Ёш бола эди, уни галма-галдан қўриқлаб юрардик, тағин битта-яримта бир нима деб бошини айлантирмасин деб. Ҳар нима қилганда ҳам бирорвинг азиз фарзанди...

Ҳозир нима иш қиласи дейсизми? Қаердалиги хотирамда йўқ, сал ёшингиз улғайсин биласиз буни, ҳар ҳолда театр ёки кинода эмас. Фильмни суратга олиш пайтида чинакамига она-бала бўлиб кетувдик ўзиям. Шунаقا гаплар. Фильм нима ҳақдалигини биласиз-а?! Тошкентнинг янги қурилишлари ҳақида. Фильм очиқ майдонда олинган. Фақат ўртага учта уй қурилган. Уй бўлганда ҳам бугун-эрта бузилиши керак денг. Уйлар жуда ҳам ўҳшаган.

Уч қўшни. Уч хил характер. Уч хил тақдир. Ҳамма ўз ролини қойилмақом қилиб ижро этган. Айниқса, Марям опа билан Раҳим ака жуда ўринлатишган.

Менимча ҳам фильм жуда ҳаётӣ чиққан. Ўзбаки хонадонларнинг оддийгина ҳаёти. Уй бузилай деяпти, атрофда қурилини кетяпти. Лекин Ойпошша тўй қилиш тарааддуиди. Ўғли Умарга менинг қизимни, э кечира-сиз, Ҳалиманинг қизи Сайёрани олиб бермоқчи. Лекин Меҳри хола ҳам Сайёрани ўғли Азимжонники деб ҳисоблайди. Болалари туіммагур эса ўз ҳаёт ўйлдошларини ўзлари танлаб қўйишган. Энди тўй эмас, Ойпошшанинг ўйламай қилган иши маҳаллада дув-гув гап бўлади.

Қани ўзингиз айтинг-чи, бу ерда нотабиий нима бор? Ҳаммаси ҳаётда бўлгандек ёки бўладигандек воқеалар. Режиссер ана шуларнинг ҳаммасини нозик кўз — санъат кўзи орқали илғаб олган.

Айтганча, режиссер ҳақида. Шуҳрат Аббосовнинг ўша пайтда унвони ҳам йўқ эди. Унча таниқли ҳам эмасди. Лекин ҳар бир воқеани аниқ ҳис қиласарди, тушунтиради. Ҳеч қайсимиз деярли қийналмаганмиз.

Аксига олиб, фильм суратга олинаётган кунлари Ҳамза театри Фарғонага гастролга жўнаб кетди. Бир ойми, ундан кўпми ҳозир аниқ эснамда йўқ, жуда қийналдим. Самолётда эрталабки рейс билан Тошкентга учиб келаман. Аэропортда менга ҳамкасларим тайинлашади:

— Икромахон, кечқурун кечикманг, спектакль «пропал» бўлмасин.

Кечқурун еоат бенса Фарғонага қайтиб учиб кетаман. Шуҳрат Солиҳович тайинлайдилар:

— Эртага ҳам худди шу пайтда етиб келинг, кечикманг.

Айни ёз пайти. Кун иссиқ. Ҳаммаёқ чанг-тўзон. Ахир курилиш кетялти-да.

Раҳим aka табиатан қувноқ одам эмасми, қизиқ воқеалар рўй берган у киши билан. Бир куни тушликдан кечикиб келдилар.

— Нега кеч келдингиз? — деб сўради режиссер, — сизни кутуб турибмиз қачондан бери.

— Овқатландим, — деди Раҳим aka бамайлихотир.

— Муича кўп овқатланасиз?

— Фильмда ҳам овқат сийишидан бўшамайманку, — жавоб берди Раҳим aka, — шуин машқ қиляиман.

«Маҳаллада дув-дув гап» чини билан дув-дув гап бўлди. Кўрганларнинг ҳаммаси мамнуният билан раҳмат айтишарди. Бу — фильмнинг ҳаётйлигидан, халқимизнинг урф-одатларини тўғри талқин қила олганлигимиздан деб ўйлайман.

СССР ҲАЛҚ АРТИСТИ ШУҲРАТ АББОСОВ ҲИҚОЯСИ

— Бутуниттироқ кинематография институтини тугатиб Тошкентга келган пайтларим. Диплом ишим бўлган Уильям Сарояннинг «Филиппинлик ва маист одам» номли ҳиқояси асосидаги қисқа метражли фильм ҳақида жуда илиқ гаплар. айтилган. Ҳатто Сарояннинг ўзи ҳам «Известия» газетасига хат ёзиб, миннатдорчилик билдирган, «руслар Голливуддагиларнинг кўзини очиб қўйишиди, улар менинг асарларимни кино қилиб бўлмайди, деб ҳисоблашарди», деган эди.

Бир куни мени СССР ҳалқ артисти Малик Қаюмов чақириб қолди. Ўша йилларда у киши вақтинчалик директор вазифасини бажаарар эди. Менга беш-олтита киносценарий тутқазди.

— Етар, шунча бекор юрганинг. Ишила энди. Мана буларни ўқи, бирортасини танла, қани, кучингни бир кўрайлик.

Киносценарийларни ўқиб чиқдим. Менга шу «Маҳаллада дув-дув гап» ёқиб қолди.

— Шуниси тузук, — дедим Малик акага, — жуда яхши, ҳаётай ёзилибди. Образлари ҳам жойида. Миллий машший комедия бўлади.

— Бўпти, ишни бошлайвер. — деди Малик Қаюмов.

Шундан кейин муаллиф Асқар Рамазонов билан бирга сценарийни қайта ишладик. Фильмин дастлаб русча суратга олдик. Шунинг учун Ленинграддан киносценарист Юрий Рестин таклиф этдик. Унинг иштирокида сценарий рус тилида қайта ёзилди. Актёrlар танладик. Актёrlардан жуда хурсандман. Ҳаммаси ўз ўрнида, ўз ролида бўлди.

Чилонзордаги янги қурилаётган кўп қаватли уйлар олдига, шундоққина қурилиш майдонига дедкорацияларни ўрнатдик. Учта ҳовли, учта дарвоза қурилди. Ҳалима опа билан Ойношиша холанинг уйи ўртасида кичкина эшик ҳам қурилди. Ойношиша шу ердан ўтиши керак эди. Мен Марям опага тушунтириб, шу ердан ўтишлари кераклигини айтдим.

— Боплаймиз, Шуҳратжон! — дедилар Марям опа. Бошқа кадрларни репетиция қилибмизу эшикчадан ўтиш жойини кўрмаган эканмиз.

«Мотор!» дедим. Ҳаракатлар бошланди. Бир маҳал Марям опа — Ойношиша ўша кичкина эшикка тиқилиб қолдилар. На орқага ўта оладилар, на олдинга.

— Вой, эшигинг қурсин, — деб нолийдилар.

Бир амаллаб чиқариб олдик. Фильмда ҳам худди шу ери бор. Олиб ташлайлик десам, Марям опа кулдилар:

— Қўяверинг, қайтанга ҳаётай чиқди.

Ўзимиз ясаган «қўлбола» ҳовлида мен, оператор, бир қанча хизматчилар тунлари ҳам қоламиз. Бир куни саҳарда бир дарвоза тақиллаб қолди. «Ким экан бу саҳарлаб келган?» деб бориб очдим, Қарасам, кечирасизу, тиланчи!

— Хайр қилинг! — илтижо қилди у.

Дарров нон, қанд-қурс олиб чиқиб бердим. Қелиб ўрнимга энди ётувдим, иккинчи эшик тақиллади. Бориб очдим. Қарасам ўша тиланчи. Индамайгина яна у-бу олиб чиқдим. Қейин «Хойнаҳой, учинчи эшикка ҳам борса керак» деб учинчи эшикнинг ёнига бориб турдим.

Ўйлаганим тўғри чиқди. Эшикни яна мен очганимни кўриб бечоранинг ҳуши бошидан учайди.

— Нима бало, учала ҳовли бирлашиб кетганми — сўради у.

— Бу ерда кино оляпмиз, — деб тушунтирдим.

Хўш десангиз, картина битди. Экранда намойин этилди. Энди яна бир муаммо кўндаланг бўлиб қолди: фильмни ўзбекчалаштириш керак. Ўзбек тилидаги сценарий ғализ, қаттиқ таҳрирга муҳтож. Ўйлаб-ўйлаб сценарийни машҳур адабимиз Абдулла Қаҳҳорга олиб бордим. Стационарда даволанаётган эканлар. Муддаомни айтдим.

— Яхши, — рози бўлди Абдулла ака, — ташлаб кетинг, бир-икки ойда кўриб қўяман.

— Э, йўқ, — дедим мен, — эртага фильмга овоз берини бошланади. Бугуюқ кўриб берасиз.

— Ахир, даволаняпман-ку...

Қарасам бўлмайдиган. Нозик еридан ушладим.

— Менга сценарий ёзиб бермоқчи эдингиз. Ёзмадингиз. Энди бунга йўқ деманг.

Абдулла ака ўрнидан қўзғалди. Шифохона халатига ўралиб, ҳовлига чиқди. Скамейкага бориб ўтирик. Улуғ ёзувчимиз икки соатда сценарийни бошдан-оёқ кўриб бердилар. Сценарий худди мусаффо осмондаги қўёшдек чарақлайди. Абдулла ака қуёш юзидаги булутларни — ғализликларни олиб ташлаганди.

Фильм неча марта намойиш қилинди, билмадим. Ҳозир ҳам телевизорларда кўрганимда ўйга толаман: Раҳим Пирмуҳамедов, Марям Ёқубова, Раззоқ Ҳамроев, Ҳамза Умаровлар ҳозир орамизда йўқ. Қандай ажойиб актёrlар эди! Қандай ажойиб инсонлар эди!

Улар билан бирга ишлаб шундай яхши фильм яратганимдан ҳамиша хурсандман...

...Ингирма беш йилдан кўпроқ вақт ўтди орадан. Лекин «Маҳаллада дув-дув гап»ни эслаганда ҳамманинг юзига беихтиёр табассум югуради. Шуҳрат Аббосов билан суҳбатлаша туриб сўрадим:

— Яна шунақсанги комедия суратга олиш ииятингиз борми?

— Албатта. Лекин сценарийдан сал сиқилади-да одам. Ният бўлгани яхши. Сценарий эса ёзилишига аминман.

Ҳар сафар фильмни кўриб бўлиб ич-ичимдан қувнайман, кишиларимиз қандай яхши, қандай меҳрибон.

Улар ҳақида бир эмас, бир нечта фильм яратса арзийди.

„Қиёмат қарз“

Инсоннинг ҳар бир сонияси кашфиёт десак муболага бўлмайди. Болалигимизда капалакнинг қанот қоқниши, кечқурунги фунчанинг эрталаб қип-қизил гулга айланиши, осмондан ёмғир тушиши илк кашфиёт бўлиши табиий. Йиллар ўтади, буларнинг асосини биламиз, демак улар табиатнинг оддий ҳодисалари, холос.

Энди ғаройиботларга — аччиқ ҳақиқатларга дуч ксламиз. Яхши деганингиз ёмон одам бўлиб чиқади. Ёки бунинг акси..

Меи Шукур Бурҳонов ижро этган икки буюк ролни кўрганимдан кейин, инсон қудратига тан берганиман, актёр санъатини эса мўъжиза деб қабул қилганман. Бу икки роль, икки қарама-қарши олам шоҳ Эдип ва Сулаймон ота эди.

Бир сафар Ҳамза номидаги театрнинг талантли режиссёри — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Рустам Ҳамидов билан суҳбатлашиб қолдим. Гапдан гап чиқиб Шукур акани эслаб кетдик. Маълум бўлишича, Рустам Шукур aka билаи бирга ишлаган, «Қиёмат қарз» спектаклининг режиссёри бўлган экан. Ичимда нимадир жунбушга келиб, уни саволга кўмиб ташладим: «Шукур aka билан ишлаш сизга оғир бўлмадими?», «Инжиқлик қилмадими?». «Қанақа одам эди?». Рустам кулди.

— Саволларингиз кўпми ўзи? Журналистлар жуда серсовол-да.

— Начора, касбимиз. Маъриди келиб қолди, билиб олсан, зиён бўлмас.

— Бўлмаса, бир спектакль хусусида гаплашайлик. Келинг, ана, «Қиёмат қарз» бўла қолсин, — деди Рустам.

Мен рози бўлдим.

— «Қиёмат қарз»ни билсангиз керак. Ўзи кичкинагина ҳикоя эди дастлаб. Ўлмас Умарбеков уни пьесага айлантирган экан. Ўлмас акани мен яхши драматург сифатида ҳурмат қиласман. Унинг 8 та пьесаси театrimиз саҳнаси юзини кўргаи.

Бир куни Ўлмас aka мени кўриб қолиб, пьесанинг тақдирини сўраб қолди.

— Хабарим йўқ, — дедим, — анча бўлувдими топширганингизга?

— Бир ярим йилча бўлди, — деди адиб.

— Мен ўқиб кўрай, — дедим.

Ўқисам, яхши пьеса. Кейин театр ижодий колектив билан биргаликда ўқидик. Актёрларга манзур бўлди. Ҳамма бир овоздан:

— Пьеса Шукур aka учун ёзилибди. Сулаймон ота ролини фақат у киши ижро эта олади, — деди.

Шукур акага айтсам, у киши «ҳа» ҳам, «йўқ» ҳам демадилар. Фақат:

— Ким ёзган? — дедилар.

— Ӯлмас Умарбеков.

— Ҳам, Ӯлмас жуда маданиятли ёзувчи, — деб қўйдилар.

У киши Ӯлмас акага катта ҳурмат билан қарадилар.

— Розилигини олиш ҳам осон бўлмади денг?

— Шукур аканинг одатлари шундай ўзи. Пьеса ташлайдилар. Авторга ҳам эътибор берадилар. Бир чеккаси Шукур акани ҳам тушуниш керак. Эдин ролини қойилмақом қилиб ижро этаётган пайтлари. Эндиғи роль Эдипдан кучли бўлиши керак эди.

Орадан бир ойча ўтиб яна Шукур акага пьеса ҳақида гап очдим.

— Ӯғлим, мен қариб қолдим. Бошқа бирор ўйнай қолсии, — дедилар.

— Аввал пьесани ўқиб берай, — ялиндим мен.

— Майли, уйга келақол, — рози бўлдилар буюк актёримиз.

Шукур аканинг уйида рафиқаси Шакар опа, қизи Шодия, ўғли Шавкатлар билан иъесани ўқиб чиқдик. Энди, Шукур акани пьеса эшитишининг ўзи ҳам бир санъат эди. Уни тасвирлаб бериш қийин.

Хуллас, пьесани ўқиб бўлдик. Шукур aka савол ташладилар:

— Сиз қандай қилиб қўясиз саҳнага? Қандоқ талқин қиласиз?

Мен режаларимни айтдим.

— Ўйнайман, деб ваъда қилмайман, — дедилар. Шукур aka, — бир репетиция қилиб кўрайлик-чи.

Илк репетицияни, ишонмасангиз, Шукур аканинг уйида бошлаганмиз. Шукур aka иш бошладими, охирига етказмай қўймайди. Буёғидан хотиржамман.

— Бунинг устига Сулаймон ота ажойиб образ, —
луқма ташладим.

— Сулаймон ота бу Шукур аканинг ўзи. — Рустам
менга бир қараб қўйиб гапида давом этди. — Шукур
аканинг одати жуда ажойиб эди, ким нима деб илти-
мос қисса, елиб-югуриб ёрдам бераверардилар. Сайлан-
маган халқ депутати эдилар.

— Кўп ўқиганман, эшитганман, — дедим таъсиrlа-
ниб.

— Узингиз учрашганимисиз? — сўради Рустам.

— Учрашганимиз. У киши — саҳнада, мен — томоша
залида.

Рустам кулиб қўйди.

— Бир ойлардан кейин Шукур ака менга гапириб
қолдилар: «Агар Сулаймон ота томоша бошлагандан
кейин ўн минут ичидаги томошабинни ўзига тортиб олма-
са — тамом, унда ижро этишининг умуман ҳожати йўқ».

Тушуниб турибман нима демоқчи бўлганларини. Ҳул-
лас репетиция қизиб кетган. Картина-картина тайёр-
лаимиз. Сулаймон ота тутинган ўғли Нуъмонжонининг
дарагини излаб юртма-юрт кезиб юрибди. Турли одам-
лар билан учрашяпти. Ҳамдард бўляпти. Ҳимоя қилип-
ти.

Пъесада Сулаймон ота Брэстда уруш бевалари билан
учрашадиган саҳна бор. Бир режиссёр дўстим айтиб
берганди. Бир сафар митингдан сўнг жуда кўп аёллар
тўпланиб, Номаълум солдат қабрига гул қўйишади.
Маълум бўлишича, улар 40 йилдан бери дом-дараксиз
кетган эрларини, ўғилларини кутаётган уруш аёллари
экан.

Шукур ака ҳам шу саҳнага зўр бердилар. Эркли Ма-
ликбоева, Икрома Болтаева, Тўти Юсуповалар ҳам
шундай шикасталик билан роль ижро этишдики, асти
қўяверасиз. Айнан шу саҳна иродаси кучли, кутиб яша-
ётган, ишлаётган, курашаётган аёлларга гимндеқ янг-
раб кетганди!

— Ҳа-а, — дедим таъсиrlаниб, — бизга гапириш
осон. Уларга эслаш ҳам осон бўлмагандир. Рустамжон,
нега спектаклни тайёрлаш бунча чўзилиб кетган?

— Шукур аканинг бошига тушган мусибатлар ёдин-
гиздами? Қизи, ўғли... ӽалар актёrimизни чўқтириб
қўйди. То ўзларида куч-қувват топиб ишни қайтадан
бошлагунларича бир йилча вақт ўтди.

— Шукур ака Сулаймон ота қиёфасига киргунча оз-
мунча қийналмаган эканларда-а?

— Нимасини айтасиз. Умуман Шукур ака фидоири актёр эди. Бирон бир марта ижро этгани ролларини репетиция қилмасдан саҳиага чиқмаганлар. Меҳнат, яна меҳнат эди у кишининг шиори. Худди шунинг учун ҳам халқимиз севарди-да.

Рустам жим қолди. Кейин ёлига тушдими, ҳикоя қилила кетди.

— Нуқул театрдан чиқиб «Рустамжон, юр, бозордан қовун оламиз», дердилар. Шу десангиз бозор оралаб кетамиз. Мен қовун танлаш билан овораман, у кишининг парвоси йўқ. Бозорни обдон айланиб, чиқиб кетамиз. Мен эслатаман:

— Шукур ака, қовун олмайсизми?

Шукур аканииг бўлса кўзи қовун сотаётган чолда бўлади.

— Қовун буёқда, — дейман.

— Қўявер, — қўл силтайди у киши, — анави чолни кўряпсанми? Ҳа, балли, соқолини, кийим-бошини қара. Ана ўша — Сулаймон ота.

Ҳамма нарсага тушунаман қоламан: Шукур ака Сулаймон отани излаб юрган эканлар.

Бозордагина эмас, ҳатто чойхоналарда ҳам бўлар эканлар. Бир сафар чой шопириб ўтирган хоразмлик отахонни кўриб, роса завққа тўлганлар.

— Мана, Сулаймон ота! — деганлари ҳали-ҳануз эсимда. Бу билан нима демоқчиман! Демоқчиманки, Шукур ака бу образни қатрама-қатра йиққанлар! Қатралардан йиғилиб, Сулаймон отадек дарё ҳосил бўлган.

— «Қиёмат қарз» тайёр бўлгунча Шукур ака шоҳ Эдипни ижро этмаганимилар? — эсимга тушиб қолиб сўрадим.

— Сулаймон ота билан овора бўлиб кетганимиздан кейин бир гал Шукур ака айтиб қолди:

— Рустамжои, шу Эдипни бир машқ қилиб қўйсак-а.

Репетиция қиласиз. Шукур ака Эдип қиёфасида. Репетицияни тўхтатамиз. Менга ажабланиб қарайдилар:

— Рустамжон, бу Эдип Сулаймон ота бўлиб қоляптику! — Кейин қатъий қилиб дедилар: «Қиёмат қарз» битгандан кейин қайтамиз Эдинга!

«Қиёмат қарз» саҳнада узлуксиз етти йил ўйналди. Ҳамманинг кўзинда ёш, дили тўла ҳаяжон. Эсимда, Шукур ака саҳнага чиқиши олдидан уч-тўрт укол олардилар. Қон босимлари юқори эди. Спектаклдан кейин бир ҳафта-ўн кун қушдек енгил бўлиб юардилар.

— Айтишингизга қараганда, ийесага ҳатто саҳнада ўйналаётган пайтда ҳам ўзgartишлар киритилган эканда!

— Албатта. Ўлмас ака пьесанинг янада яхши бўлиши учун, янада пишиқ бўлинни учун фойда берадиган барча таклифларимизни қабул қилди.

— Ҳозир бу пьеса ўйналмаяпти чоги?

— Ҳозирча йўқ.

Рустам ҳам, мен ҳам жим қолдик.

Шукур Бурҳонов — Сулаймон ота ҳаётда йўқ бугун. Жисманай йўқ. Юрак торларини узиб юборадиган бу сўзни айтгим келмади. Аммо, на илож.

Спектаклдан яхши бир хулоса чиқарганман. Бирорнинг ишига аралашибга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Лекин Сулаймон отанинг ҳаққи бор. Чуники у Сулаймон ота! Кишилар дардига малҳам бўлиш, уларниг оғириини енгил қилиш фазилатлари ҳаётда Шукур акага ҳам хос одат бўлган экан.

Аслини олганда, ҳар биримизнинг виждонимиз олдидаги қиёмат қарзимизку бу!

Дилимдан кечган бу гапларни Рустам Ҳамидовга айтдим. У бош ирғади:

— Жуда тўғри хулоса чиқарибсиз!

Мен ана шулар ҳақида. Шукур Бурҳон — Сулаймон ота ҳақида ёзишим керак эди.

Ва ниҳоят ёздим.

„Отелло“

Ўзбек театри тарихида мангу чарақлаб қолган юлдуз — Аброр Ҳидоятовни эҳтиром қилмаган, у ижро этган ролларни то ҳануз эсламайдиган, маҳоратини қойил қолиб тилга олмайдиган санъат шинавандаси топилмаса керак. Буюк актёр ижро этган Арслон, Гамлет, Отелло, Навоий каби роллар нафақат Ҳамза номли театр тарихида, балки маданиятимиз тарихида ҳам ўчмас саҳифалар бўлиб қолди.

Аброр Ҳидоятов ижодининг чўққиси, шубҳасиз, Отелло ролидир. Гамлет образини, тўлақонли яратганлиги учун трагик ролларнинг тенгсиз ижроиси деб ном олган актёр Отелло роли билан ўзининг бу номга қанчалар лойик эканини яна бир бор тасдиқлади ва мислсиз шуҳрат қозонди.

«Хидоятов — Отелло ҳам қаҳрли, ҳам мәхрибон, ҳам мард, ҳам күнгилчан, беғубор одам. Ҳидоятов бу образниң күпкүрралылыгини ёркин акс эттириб, катта ижодий ғалаба қозонишга муваффақ бўлди», деб ёзган эди таникли шекспиринуос профессор М. Морозов.

Ўзбек театри тарихида илк бор бенефиси ўтказилган актёр ҳам Аброр Ҳидоятов эди. СССР ҳалқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Наби Раҳимов билан сұхбатимиз Аброр Ҳидоятовни хотирлаш билан бошланди.

— Наби ака? Аброр Ҳидоятов Отелло ролини ижро этишига қандай киришган?

— Ҳар бир нарсанинг, воқеанинг, ҳодисанинг ибтидо-си инсон характеридан келиб чиқади. Отелло ҳақида гапиришдан аввал, Аброр аканинг ўзи ҳақида сўзламоқ жоиз бўлади.

Аброр Ҳидоятов саҳнамизда биринчи ҳисобланади. У мисли йўқ, буюк шахс. Ўзига берилган имтиёзлардан ўз манфаат йўлида бирон марта ҳам фойдаланмаган. У ўзбек санъати учун жони фидо қилди. У асл фидойи эди.

Мен Аброр ака, Маннон Ўйғур оға, Етим Бобожоновларнинг унвону мукофот учун ишлаганини эслолмайман.

Хонаси келиб қолди, бир воқеани айтиб берай.

Қайси йиллиги ёдимда йўқ. Бухорога гастролга бориладиган бўлиб қолганди. Ўйғур оға аввалроқ жўнаб кетган. Эртаси куни Етим оға, Аброр ака ҳам етиб келишган.

— Оғани қаердан топамиз! — деб сўрабди Аброр ака. — Қаердан қидирамиз энди?

Шунда Етим оға ҳазиломуз оҳангда дебди:

— Қўчдан қараб бораверамиз. Қаерда қўп-қизил шим осиғлиқ бўлса, оға ўша ерда бўлади.

Чунки Ўйғур оғанинг қизил материалдан тикилган яккаю ягона шими бўлар эди...

1927 йилда Аброр ака, Сораҳоним, Ҳожи Сиддиқ Исломов ва бир неча бошқа етуқ санъаткорларимиз Москвада ўқишиган. Улар Симонов, Захава, Канцель сингари буюк актёрлар қўлида таҳсил олишган. Улар Аброр Ҳидоятовга шундай дейишган, сўзма-сўз эмас, албатта «Сен ўзбек саҳнасининг буюк трагик актёри бўласан», Ҳожи Сиддиқ Исломовга эса «Сен ўзбек саҳнасининг буюк комиги бўласан». Устозлар башоратининг қанчалар ҳақ эканлигини йиллар тасдиқлади. Афсуски Ҳожи Сиддиқ касаллиги туфайли ёрта вафот эди.

Аброр ака камтар, иродаси кучли, қатъий, ҳарбий-ларга хос бир сўзли инсон эди. Юрагида нима дарди бўлса, барчаси ролига қўшиларди. Ёшларга жуда ҳам меҳрибон эди. Ҳатто кўчада юриш-туришгача ўргатарди.

Шекспирниң улуғ бир сўзи бор: «Саҳнадаги ҳара-катинг сўзингга, сўзинг ҳаракатингга мос бўлсин!» Аброр ака шу сўзга амал қиласди, жуда «аброрлаштириб» юборар эди.

Мен бу сўзларни нега айтяпман? Аброр акадаги жа-мики инсоний ҳислатлар Отеллонинг ютуғини таъминлади.

— Аброр ака Отеллони бирон-бир актёр ижросида кўрганмиди?

— Ҳа, албатта. Папазян дегаи буюк арман актёри ижросидаги Отеллони бирга кўрганмиз. Ўзиям жуда қойилмақом қилиб ўйнар эди. Қейин Хорава ижро этган Отеллони кўрганмиз... 1938 йилда Москвада Остужев ижросидаги Отеллони ҳам кўрдик. Остужевининг яратгай Отеллоси бошқа ҳеч бир Отеллога ўхшамасди. Беадад зўр актёр эди.

Отеллони ўзбек саҳнасида ижро этиш нияти ўша йиллари туғилган эди Аброр акада. Ўзини шу ролга уч-тўрт йил тайёрлади.

— Ҳамза номли театр саҳнасида Отеллони ижро этадиган Аброр акага «рақобат» қиладиган бошқа актёр бормиди?

— Иўқ эди. Гамлетни ўйнаш истагида бўлгай Олим Ҳўжаев Шукур Бурҳоновлар Аброр аканинг «оқ йўли» билан ижро этишди. Лекин Отеллога бирор журъат қилиб қўл урмади.

— Сиектаклга қайтайлик...

— Шекспирниң трагедияси дастлаб «Яго» деб номланган. Трагедия битгандан сўнг автор Отеллони суюб қолиб, «Отелло» деб номлаган экан. Ҳатто, авториини ҳам ўзии мафтун этгандан кейин, билиб олаверинг у қаидай асар бўлганлигини!

— «Отелло» уруш бошланган йили саҳналаштирилган экан-да!

— Ҳа, шундай бўлган. Бош ролда Аброр Ҳидоятов, постановкачи режиссёrlар Маннон Уйғур билан Н. А. Ладигин, бош рассом С. Миленин. Ўша оғир йилларда театримизда «Отелло»нинг ўйналиши чинакам маъниавий байрам бўлган эди.

— Аброр аканинг Отеллоси бошқа Отеллоларга ўхшармиди?

— Асло! Аброр ака яратган Отелло, Пушкин таъбири билан айтганда, «Табнатан рашкчи эмас, ишонувчандир». Аброр ака шу сўзларга эътибор бергани учун ҳам, совет саҳнасида янги Отелло яратилди. Аброр ака яратган буюк бу образ шундоққина кўз олдимда туриди: Отелло рашк қиласи, изтироб чекади, ўз ёғига ўзи қоврилади. Лекин унданги ирода, ёрқин тафаккур, гўзаллик ва покликка бўлган чексиз ишонч рашк туйфусидан баланд. Мана шунинг учун ҳам Отелло рашк ўтида ёниб, ўзининг инсоний қиёфасини йўқотиб, даҳшатли арслон турага кирган мавр эмас, балки чин муҳаббат йўлида курашадиган инсон сифатида томошабинлар кўз ўнгига гавдаланади.

Унинг «Мен қорамани! Қорамани мен?» деб бошлиниадиган монологи бор. Аброр ака ижро этгани пайтда юракларим энтикиб кетарди. Овози шунчалар зўр эдик!...

Аброр ака Отеллоининг ташқи қиёфасига, айниқса, катта эътибор берганди. Ҳар бир ҳаракат, ҳатто ҳар бир имо-ишорани соатлаб ўйлаганди. Ҳар бир жумлани шунчалар сайқал бериб ишлаганки, энди қўяверасиз. Аброр Ҳидоятовнинг Отеллоси жуда мураккаб, лекин шу билан бир вақтда яхлит, бир бутун характердаги мардона образдир. Аброр ака — Отеллоининг фожиаси очиқ диллигида, ҳар кимиининг тўғрими, нотўғрими гапига ишонаверишида.

— У ҳар кимиининг эмас, Ягонинг — Наби Раҳимовнинг маккорлигига учган-ку!?

— Шундоқ бўлган.

— Сиз саҳнада Отеллога қарама-қарши иккинчи буюк ролни ўйнагансиз...

— Э, нимасини айтасиз. Аброр ака тоғ эди, мен ҳеч бўлмаса қир бўлишим шарт эди. Шу сабабли Яго роли устида қаттиқ ишлаганман. Ахир Отеллонинг фожиасини бир ўйлаб кўринг. Ҳаммасини Яго ўйлаб топган-ку, фожиа охирида эса, унинг бу даражада қонли бўлиши Ягони ҳам эсанкиратиб қўяди. Шуларнинг ҳаммасини саҳнада талқин этишим керак эди. Шунинг учун ҳам уни мансабпаст либосида ижро этишим маъқул кўринди. Сўзларни ҳам оддийгина талаффуз қилдим.

Ягони яна бир буюк актёrimiz Олим Хўжаев ҳам ижро этгани. Олим уни жуда ёвуз қилиб ўйнайди. Ёвуз эмас, Яго шунчаки ҳасадгўй. Унинг дарди битта — Касионинг ўринга лейтенант бўлиш, холос.

— 1945 йил инглиз парламенти делегацияси ҳам спектаклини күрган экан...

— Ҳа, Аброр ака (бу менинг ганим) Англияни ҳам забт этганди ўшандада. Парламент аъзолари театрнинг таассуротлар дафтарига шундай деб ёзиб кетишган: «Биз пьесанинг бундай яхши қўйилганини ҳеч қачон, ҳеч қаерда, ҳатто Лондонда ҳам кўрмаган эдик. Биз айниқса, Отелло ва Дездемона ролини ижро этган артистлар маҳоратига қойил қолдик». Ҳар гал бу ёзувни ўқиганимда сўнгсиз хаёлга чўмаман.

— «Отелло» узоқ йиллар саҳнадан тушмаган бўлса керак?

— Аброр ака ўн саккиз йил давомида Отеллони ижро этди. 1959 йили бенефиси, яъни 500 марта ижро этнилиши нишонланди. Бир ролда 500 марта! Унча-мунча актёрга насиб этмайди бу баҳт... Бенефис чинакам байрам туспни олганди. Баҳтимдан ўргилай, мен ҳам ўша бенефисда қатнашганман. Афсус, шундан кейин кўвақт ўтмай буюк актёrimiz ҳаётдан кўз юмди.

— Аброр акадан кейин биронта актёр ролни ижро этмадими?

— Шукур Бурҳонов бир жазм қилди. Лекин у Аброр ака даражасида ижро этолмаслигига кўзи етди шекилли, фикридан қайтди. «Агар қойил қилолмасам устоз хотирасига ҳурматсизлик бўлади», — деганди у. Ҳаммамиз унга шу мардлиги учун ташаккур билдиригандик.

1984—1985 йилларда «Отелло»ни саҳнага олиб чиқишига уринишлар бўлди. Балки келгусида у яна репертуарларимиздан ўз ўрнини эгалласа ажаб эмас...

— Наби ака, «Отелло» яна саҳнага чиқса, сиз Яго ни ўйнармидингиз?

— Агар Аброр ака ҳам саҳнага чиқсалар... Лекин афсус... Аброр акага ўхшаган талантлар юз йилда бир дунёга келади...

* * *

Юз йилда бир дунёга келиш!... Ҳақ гапми бу? Ҳақ бўлса керак. Аброр ака сингари ноёб истеъодод соҳиблари булатли кунда чақнаган чақиндек «ярқ» этиб дунёга келади. Дунёга келадио, мангу порлаб қолади.

Ҳар гал Аброр Ҳидоятов ҳақида ўйлар эканман, шоир Абдулла Ориповининг қўйидаги сатрлари хаёлимга келади:

Бизнинг руҳимизга ҳокимдир баъзан
Қаноат аталмиш ожиз бир сезги.
Отелло, Отелло, сенинг ишқинингдан
Ҳайратга тушиншинг ўзи бир севги...
Иўқ, тақлид қилмасман сенга росмана,
Ҳар кимминг ҳаётда бор ўзга ўрини.
Ролингни ўйнаса рашик қилиб, мана,
Қабрга тиқибсан буюк актёри.

„Юрак сирлари“

Баҳром Раҳмоновнинг номи драматург спфатида ўзбек адабиётида муносиб ўрин эгаллашини мен айтмасам ҳам барча яхши билади. Баҳром акани билганлар билан учрашганимда «Юрак сирлари» пьесасининг яратилиш тарихи ҳақида сўраб-суриштирдим. Лекин дурустроқ бирор-бир маълумот ололмадим. Таниқли журналист Эркин Жабборов бир галги суҳбатда «Юрак сирлари» Ҳамза театрида қўйилгандага Сурмаҳон ролини Ўзбекистон ССР халқ артисти Шоҳида Маъзумова ижро этганини айтиб қолди. Шоҳида онага кўнғироқ қилувдим, у киши мен билан учрашишга бажонидил рози бўлдилар.

— Шоҳида опа, суҳбатимизни бошлашдан аввал ўз ҳақингизда сўзласангиз.

— Ўз ҳақимда нима ҳам дейман. Саксон бир ёшга кирган бўлсам, шу умримнинг эллик йилдан кўпроғи саҳнада ўтди. Ўзим актёр эмасдим. 1926 йилда Вали ҳожининг ташқи ҳовлисида жойлашгандаги қисқа муддатли пединститутни тугатдим. Ўқиб юрганимда қўшиқ айтиб, роллар ўйиардим.

Бир куни ишхонамга Маннон Ўйгур ога, Сайфи Олимов, Фатҳулла Умаровлар кириб келишиди. «Театрга бориб ишласанг», дейишди.

— Мен роль ўйнолмайман, — дедим.

— Ширин овозиниг бор. Ўйнайсан, — деб туриб олишиди.

Шу тариқа 1929 йилда ҳозирги Ҳамза номли театримизга ишга келганман. Мендан олдин Олим Хўжаев, Шукур Бурҳоновлар ҳам труппага қабул қилинишган экан.

— Қайси ролларнинг сизнинг ёдинигизда қолган?

— Жуда кўп роллар ижро этдим. Гулом Зафарийнинг «Ҳалима»сида Ҳалима, «Фарҳод ва Ширин»да

Ширин, «Маликаи Турондот», «Юрак сирлари»да ҳам роль ўйнадим.

— Баҳром Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» пьесасида қайси ролни ижро этгансиз?

— Сурмахон образини яратганман. Бу ролнинг менга тегиши ҳам қизиқ бўлган.

Хотирамдан кўтарилимаган бўлса, 1952 йил эди. Мен Островский номли театр ва рассомлик санъати институтининг режиссёрлик факультетида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқирдим.

Машҳур драматургимиз Баҳром Раҳмонов театрга «Юрак сирлари» пьесасини келтириб қолдилар. Актёрлар билан пьесани бир неча бор ўқидик. Мени ҳам ўқиб, ҳам ишлайди деб ўйлашган бўлса керак, роллар тақсимотида ҳисобга олишмади.

Бир куни дарсдан сўнг Радун домла сўраб қолдилар:

— Янги пьеса қўйилмоқчи экан, сизга ҳам роль беришдими?

— Йўқ, — дедим.

— Ана холос! Унда дипломни қандай ёқлайсиз?

Кейин дарҳол менга қофоз ёзиб бердилар: «Шоҳидахоним институт дипломанти, унга, албатта, роль бе-ринглар». Хатни олиб, театрга, режиссёр Тўлаҳужаевнинг олдига келдим. У меинга пьесани кўрсатди:

— Мана пьеса, унда тўртта роль бор: Хосият, Рузвон хола, Санобар, Сурмахон. Шулардан бирини танланг.

Мен ўйланиб қолдим. Яна ўзлари ёрдамга келдилар.

— Хосият билан Рузвон хола катта ёшли аёллар, уларни ижро этиш сизга ярашмас, ёшсиз ҳали. Энди иккитаси қолди: Санобар ёки Сурмахон.

Шундай қилиб Сурмахонни танладим.

— Баҳром Раҳмонов билан учрашганимисиз?

— Бир неча марта. У киши вақт топиб ҳатто репетицияларга ҳам келардилар. Жуда очиқ кўнгил, ҳар нарсага қизиқувчан, дилкаш инсон эдилар. Биз — актёрлар у кишини шунинг учун яхши кўриб қолгандик.

Навбатдаги репетициялардан бирида бизга шундай дегандилар:

— Сизларга, айниқса, режиссёрга йўл-йўриқ кўрсатиб бўлмаса керак. Лекин мен персонажларни яратганимда нималарни назарда тутганимни билиб қўйсанглар, илтимос.

Саттор, яхши ёзувчи, лекин рашки зўр, ўйламай ҳар

парсадаи хотинини қизғанаверади, шунинг учун унниг лақаби — баттол.

Хосият хола — жуда мулоғим аёл.

Рузон хола — унинг акси, жуда олғир. Кинначи аёл.

Сурмахон — яхши қўшиқ айтади, дутор чалади. У зўр қўшиқчи бўлиши мумкин эди. Лекин онасининг таъсирда мешчанкага айланган. Эрини Санобардана рашик қиласди.

Мен дутор чалиб, ланарлар ижро этардим. Худди шунинг учун ҳам Сурмахонни ижро этиш менга тоширилганди.

— Баҳром Раҳмоновнинг бу пьесаси жудда кўл марта муҳокама қилинган экан.

— Билмадим, кексайганди хотира ҳам сусайиб қоларкаими, неча марталигини эслолмайман. Ҳар ҳолда йигирма мартадан кам эмас. Жуда қизиқ бўлганди ўзи ҳам. Бу ёқда пьеса давом этяпти. Ҳар қўйилганда томоша залига одам сигмайди. Бу ёқда муҳокама.

Бечора Баҳром ака индамай ҳамма гапга қулоқ солиб ўтирадилар. Ёзувчилар бирни олиб, бирни қўйиб танқид қилишарди. Бир-икки гаплар ёдимда қолган: «Бу пьесани саҳнада қўйиб бўлмайди. Хотин-қизларимизга ёмон таъсир қиласди», «Ўзи йигирмата-ўттизта ёзувчимиз бўлса, пьесада уларнинг биттаси майший бузук қилиб кўрсатилган. Бу аҳволга чидаб бўлмайди».

Баҳром ака куйиб-пишиб бир гапни такрорлардилар: «Ахир ҳаётга чуқурроқ кириш керак. Қаҳрамонларим ҳаётда бор, ҳатто бундан ортиқроқ бўлса ҳам ажаб эмас». Пьеса ҳатто Ўзбекистон Ёзувчилар союзида ҳам муҳокама қилинган. Охир-оқибатда шундай маданиятли одам, ваҳма касалига дучор бўлди. Билмадим, бунига ким айбор...

— Сурмахон ролини ижро этганингизда ўзингиз ҳам деталлар қўшганмисиз?

— Сурмахон жуда машҳур бўлиб кетди. Ҳатто бир галги томошадан кейин ёзувчи Назир Сафаров: «Мана, артист, ўзи бўлиб кетдингиз-а» деб миннатдорчилик билдиргандилар.

Сурмахон образининг тўлақонли бўлишига халқ қўшиқлари ҳам катта ёрдам берди. Битта тўртлиги ҳали ҳам эсимда. Айтиб берайми?

— Айтинг...

Дурра рўмол бошимда,
Гажимлари қошимда .

Иигирма беш ёшимда
Давлат менинг бошимда.

Фақат мен ҳар қатордан кейин «Оромижоним ялла, ялла жоним ялла»ни қўшиб айтганман.

— Бошқа ролларни ижро этган артистлар ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз...

— Сатторни Олим Хўжаев ижро этган. Илҳомни Қудрат Хўжаев, Рузвонии Замира Ҳидоятова, яна Тошхон Султоновалар жуда қойиллатиб ижро этишгаиди. Сурмахонни мендан кейин Икрома Болтаева ўйнади. Ҳамма актёрлар ўз ролларини жон-дилдан севиб ижро этишарди.

— «Юрак сирлари»га кейин яна мурожаат қилган экансиз...

— «Юрак сирлари»ни иккинчи бор режиссёр сифатида кашф этдим. Уни 1954 йилда Бухоро область драма ва комедия театрида саҳналаштиридим.

Спектакль бу театрда ҳам жуда муваффақиятли чиқди. Премьера Олим Хўжаев билан Баҳром Раҳмонов ҳам қатишадилар. Баҳром aka жуда хурсанд бўлган эдилар.

«Юрак сирлари» ўша йиллардаги эиг машҳур асар эди. У ҳамма область театрларида ўйналди. Ҳам фалсафий, ҳам ҳаётий, ҳам лирик пьеса эди-да ўзи ҳам.

Менинг илк режиссёрлик ишим «Юрак сирлари» бўлганлигидан унинг қабулида Баҳром аканинг қатнанганини ҳали-ҳали фахр билан эслайман.

— Демак, «Юрак сирлари» ўзбек драматургиясида катта воқеа бўлган экан-да?

— Ким қандай баҳолайди, билмайман, лекин мен шундай дер эдим: театр ҳаётида ҳам катта воқеа бўлган. Үмуман, Баҳром аканинг ҳамма пьесалари муҳим масалаларга багишлигани.

— Ҳозир «Юрак сирлари»ни қайта саҳналаштирилса томошибинлар қандай қабул қилишаркин?

— Менинча, жуда мамнуният билан томоша қилишади. Айниқса, ҳозирги кунда одоб-ахлоқ, бурч масаласи биринчи ўринга чиққан пайтда, ҳатто саҳнага чиқишини зарур деб ҳам ҳисоблайман.

— Шоҳида опа, мароқли сұхбатингиз учун ташаккур. Китобхонларимиз номидан сизга ҳамиша соғлиқ, узоқ умр тилаймиз.

— «Юрак сирлари»да ўйнаган актёрларининг баъзилари, драма муаллифи орамизда йўқ. Уларни хотирлаганимиз, эслаганимиз яхши иш бўлди.

Шоҳида она, афсуски, ушбу суҳбат матбуотда бо-
силиб чиққанини кўра олмади. На чора, тақдир шун-
дай бешафқат экан.

„Сўнгги сўз“

Китобнинг сўнгги саҳифасини ҳам ёпдингиз. Сизда
қандай тасаввур қолдири — бу менга ҳозирча сир.
Лекин аминманки баъзи сатрлар сизнинг ташна дилин-
гизга ором берди, баъзилари қониқтирумади.

Ниятим — шу йўлдаги изланишларни давом этти-
риш. Ўзбек адилларининг, умуман, адабиётдаги эиг
машҳур асарларининг яратилиши тарихини тўлақонли
битиш, адилларнинг мушаққатли меҳнатини зикр этиш.

Бу йўлда менга ҳамкор, ҳамдўст бўлишингизни истар
эдим, азиз китобхон! Сизларнинг фикр ва мулоҳазала-
рингиз, янги маълумотларингиз менга шу мушаққатли
изланишлар йўлида кўмак беради, деган умиддаман.

Ҳурмат билан муаллиф

МУНДАРИЖА

Биринчи фасл: ЮРАК-			
ДАГИ ТУФЕНЛАР	3		
Она алласи	5	«Ҳазрати иисон»	89
Гўрғли	10	«Шинелли йиллар»	96
«Манас»	19	«Ҳамза»	100
«Шоҳнома»	28	«Машъал»	107
«Алжабр вал муқобала»	38	«Икки эшик ораси»	113
«Ҳамса»	46	Иккинчи фасл: САҲНА	
«Ўтган кунлар»	53	АИЛАНАДН	125
«Бой ила хизматчи»	56	«Тановар»	126
«Навоий»	62	«Муножот»	133
«Судхўринг ўлими»	66	«Тоҳир ва Зуҳра»	137
«Жалолиддин Мангуберди»	70	«Маҳаллада дув-дув гап»	140
«Синчалак»	76	«Қиёмат қарз»	146
«Ўқитувчи»	80	«Отелло»	150
«Фарғона тонг отгуича»	86	«Юрак сирлари»	155
		«Сўнгги сўз»	159

Научно-популярное издание

Темур Ўбайдуллаев

НЕЗАБВЕННЫЕ СТРАНИЦЫ

На узбекском языке

Издательство «Узбекистон» — 1991—700129,
Ташкент, Навои, 30.

Рассом **Х. Худойбердиев.**
Бадний мұхаррир **А. Дедқонхужаев**
Техн. мұхаррир **Т. Харитонова.**
Мусаҳих **М. Иўлодшева.**

ИБ № 5280

Тершігга берилди 18.02.91. Босишига рухсат этилди 13.05.91.
Формати 84×108 1/32. № 2 босма қоғозга «Литературная» гарнитурада
юқори босма усулида босилди. Шартли бос. л. 8,4. Шартли кр. отт. 8,61.
Нашр л. 8,81. Тиражи 6000. Заказ № 492. Баҳоси 2 с. 20 т.

«Узбекистон» издаштири. 700129. Тошкент, Навоий, 30. Нашр № 197—90 г.

Ўзбекистон ССҶ. Президенти аппарати Ишлар Бошқармаси босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Туроб Тўла кўчаси, 51 ўй.